

УМАРОВ БАХРИДДИН, НАЗАРОВ АЗАМАТ

**ОЧИҚ АХБОРОТ
ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ-
ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК**



ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

УМАРОВ БАХРИДДИН, НАЗАРОВ АЗАМАТ

ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК

ДАРСЛИК

Ушбу дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сонли буйруғига асосан нашр этишига рухсат этилган.

ТОШКЕНТ – 2020

Умаров Б.М., Назаров А.С. Очiq ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик: Дарслик 5A210102-Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассислиги талабалари учун. – Т.: ЎзХИА. 2020 – 340 бет.

Ушбу ўқув дарсликда Ахборот-психологик хавфсизлик курсининг предмети, вазифалари ва методлари, ахборот - психологик хавфсизлик тушунчасининг илмий-методологик асослари, ахборот макони-иносоният ва жамият тараққиёти, ахборот соҳаси глобаллашуви шароитида замонавий очiq ахборот тизимлари фаолиятининг психологик хусусиятлари, ахборот ёшлар онгини шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатида, глобаллашув шароитида ёшларни ёт ғоялардан ҳимояланишнинг ижтимоий-психологик муаммолари, ахборий таҳдидлар ва уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот–психологик хавфсизликларига таҳдидларнинг кўринишлари ва манбалари, ёшлар ўртасида ахборий-психологик хавфсизликни таъминлаш муаммолари, интернет ва ундан фойдаланиш маданияти – ахборий таҳдидлардан ҳимояланиш омили сифатида, оммавий ахборот воситалари ва ахборот қарама-қаршилиги психологияси, ахборотлашган жамиятда ёшлар психологиясига таъсир этиш омиллари, ахборий - психологик таҳдидлардан шахс ҳимоясини таъминлашнинг маънавий-маърифий омиллари, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг психологик компонентлари ва мазмуни, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари, асосий йўналишлари ва усуллари, очiq оммавий ахборот тизимлар шароитида шахснинг психологик ўз-ўзини ҳимоялаши, жамоатчилик фикри ва жамиятнинг ахборот-психологик ҳимояси, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва жамиятнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш

Тақризчилар

З.А.Расулова Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Дин психологияси ва педагогика” кафедраси доценти, психология фанлари доктори

Ш.Ҳ.Абдуллаева Тошкент давлат шарқшунослик университети “Педагогика ва психология” кафедраси мудири, психология фанлари доктори

Ушбу дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сонли буйруғига асосан нашр этишга рухсат этилган.

КИРИШ

Собиқ совет иттифоқи парчаланиши натижасида икки сиёсий тизим ўртасидаги курашга чек қўйилган бўлса-да, ахборот кураши тўхтатилмади. Ғарб мамлакатлари мафкураси бўлмиш космополитизм кундан кунга кучайиб, ер шари бўйича тарқалиб бормоқда. Бундай шароитда бетакрор, узок асрлар тарихидан келиб чиқадиган бетакрор маданиятга эга бўлган Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам ноёб ўзлигини сақлашга ҳаракат қиллиши табиий.

Инсониятнинг XXI асрга қадам қўйиши ахборот кўлами ва сифати мисли кўрилмаган даражада ўсиши билан нишонланди. Бениҳоя катта ҳажмдаги маълумотлар уммонлар ва қитъалар оша шиддатли суръатларда, лекин киши сезмас даражада жимгина, оммавий ахборот воситаларининг шунчаки одатий иши сифатида у ёқдан бу ёққа етказиб турилибди.

Оммавий ахборот амалда ўз мазмунидан ажралиб, кўпроқ шаклан тазйиқ ўтказувчи омилга айланиб қолди. Хабарнинг ўзи воситадир, дегучи Канадалик олим Маршалл Маклюэн ғояси рўёбга чиқмоқда. Ҳаётнинг ниҳоятда жадал суръатлари, оммавий ахборот воситалари хабар қиладиган воқеаларни ўрганишга вақтнинг йўқлиги, баъзида эса уларни таҳлил этиш малакаси етишмаслиги шунга олиб келдики, кенг аудитория материалларни ахборот каналлари қай тарзда тақдим этса, шу ҳолича қабул қилаётир - мазмун-моҳияти ҳақида кўп ҳам ўйлаб ўтирилмайди.

Журналистлар орасида кўпдан “биринчи сўзни айтган ҳақ”, деган ҳикматнамо гап юради. Эндиликда унга янги жиҳат қўшилиб, “кимки мунтазам равишда ахборот оқими билан кишиларни гаранг қилиб қўйиб, фактлар устида мустақил ўйлаб кўришга ҳам имкон бермаса, ўша ҳақдир”, дейиладиган бўлди. Афсуски, бугунги кунда ҳалқаро муносабатларда қарор топган бу амалиёт кўп бўғинли, лекин ҳар доим ҳам ижобий бўлмаган оқибатларга олиб келмоқда.

Бундай хатти-ҳаракатлар кўп ҳолларда мамлакатимиз аҳолиси хавфсизлигига, унинг дунёқарабини ватанпарварлик, ўз ҳалқи ва она заминига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга таҳдид мазмунини касб этаётир.

Мазкур масала “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11, 12, 13, 14 ва 15-моддаларида ҳам ўз аксини топган (моддалар матни иловада келтирилмоқда).

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларга эгалик қилишдаги тенгсизлик, спортчилар тили билан айтганда, амалда битта дарвозага тўп тепиш бўлиб қолаяпти - оммавий ахборот асосан ривожланган давлатлардан (олтин миллиард мамлакатларидан) дунёнинг қолган қисмига етказиб берилмоқда. Си-эн-эн, Би-би-си, “Евроньюс” телекомпаниялари, “Ассошиэйтед Пресс”, “Юнайтед Пресс Интернешнл”, “Рейтер”, “Франс-Пресс”, “ИТАР-ТАСС”, “Синьхуа”, “Анадолу” агентликлари жаҳон ахборот майдонида мутлақ ҳукмронлик қилишяпти. Бошқа мамлакатлар газета ва журналларининг таҳририятлари, радио ва телевидение студиялари, эндиликда бунинг устига яна Интернет-сайтлар ўз нашр майдони, эфир ва виртуал кенглигини ана шу манбалардан олинган хабарлар билан тўлдирмоқдалар. Кўпинча таҳририятлар долзарб ҳалқаро ахборотни мустақил топиш қийин бўлганидангина эмас, балки бундай хабар ҳар доим айнан шу ерда ва ҳозирнинг ўзида нақд эканлигидан шундай йўл тутадилар.

Қисқаси, турли мамлакатларнинг ҳалқаро ахборот алмашувидаги мувозанат аллақачон ва жиддий равишда бузилиб бўлган. Бу ахборот технологияларига эгалик қилувчи жамиятларнинг фикрлари ва баҳолари, ғоялари ва қадриятлари бутун дунё бўйлаб ёйилишига олиб келди. Ҳатто Хитой, Ҳиндистон, Миср ва улар сингари бетакрор маданият соҳиби бўлган бошқа йирик давлатлар ҳам уларга қарам аҳволга тушиб қолмоқда. Бинобарин, ўзига хос, ажойиб маданиятга эга мамлакатлар ўз аҳолисини бундай ахборот босқинчилигидан авайлаб-асрашни ўрганмас эканлар, бир неча ўн йиллар ўтиб сайёрамиз маданий экологиясига ўнглаб бўлмас даражада зарар етказилади.

Ўзбекистон Республикасини ҳам тўла ҳуқуқ билан шундай ардоқлашга муносиб давлатлар жумласига киритса бўлади.

Шу боисдан ахборот хавфсизлиги дунёнинг асосий қисми учун ғоят долзарб бўлиб қолди. Аслида шундай тушунчанинг ўзи мавжудми, деган масала устида чексиз талашиб-тортишиш мумкин, муҳолифларимиз айтишундай ҳам қилмоқдалар. Улар учун “ахборот хавфсизлиги” муаммоси йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки бошқа давлатлар ҳудудида ахборотни айнан уларнинг *ўзлари* тарқатишади-да. Ўзбекистонликлар учун (ва фақат биз учунгина эмас) бу - жиддий воқелик, зеро, ўзга давлатларнинг бизнинг ҳудудимиздаги ахборот фаоллиги кундалик ҳақиқатга айландики, бунинг оқибатлари тўғрисида бош қотирмаслик мумкин бўлмай қолди.

Хуллас, ахборот-алоқа технологияларининг мислсиз тараққиёт йўналиши шуни кўрсатмоқдаки, турли-туман ахборотлар оқимини бугуннинг ўзидаёқ бирор чора билан тўсишнинг имкони бўлмай қолди. У ҳар қандай ёпиқ саналган жамиятда (бу ҳам ўта нисбий тушунча) ўз аудиториясини топиб боради. Яқин тарихимизда кўрганимиздек ва ҳозир ҳам дунёнинг айрим гўшаларида гувоҳи бўлаётганимиздек, ҳеч қандай панжара, девор, темирдан бўладими ёки темир-бетондан ёхуд мафкуравий материалдан, унга ғов бўла олмайди. Эрта-индин бу борада яна қандай мўъжизалар гувоҳи бўлишимизни ҳам бугунги кунда ҳеч ким билмайди. Шундай экан, ахборот воситасида уюштириладиган психологик ҳуружга қарши туриш бобида, жамият, давлат ва ҳар қайси шахс тегишли чора-тадбирларни кўрмоғи лозим. Лекин бунинг энг мақбул ва самарали йўли, биринчи навбатда, - ўз ахборот маконимизни ўзимиз тўлдиришимиз, яъни ҳаётимиз, унда юз бериши табиий бўлган воқеа-ҳодисалар, туғиладиган муаммолар ҳақида, гарчи уларбаъзида ёқимсиздек туюлса-да, ватандошларимизга, жаҳон оммасига ўз вақтида, ҳозиржавоблик билан ўзимиз хабар беришимиздир. Бунда ахборот оламида кўпдан қўлланиб келинаётган тажрибадан, яъни воқеа-ҳодисанинг ўзи ҳақида зудлик билан хабар узатиб, сабаб-оқибатлар, дахлдорлар ҳақидаги батафсил маълумотларни кейинроққа қолдириб туриш усулидан фойдаланиш қўл келади. Бу билан

Ўзимиз ҳақимиздаги ва айни бизга қарши қаратилган, бироқ турли бўҳтону тухматларга, ғаразли мақсадларга ийланиб, яхшилаб қорилган “янгиликлар” ҳаётимизга бостириб кириб, жаҳон бўйлаб парвоз қилиб, ҳақиқий аҳволдан ғофил қалбларда номатлуб фикрлар, туйғулар уйғотишининг маълум даражада олди олинган бўлардик. Чунки асл манбадан ва айни вақтида узатилган маълумот турганида, бошқаларнинг уйдирмалари ўз-ўзидан кадрили йўқотади, эътибордан четда қолади.

Миллий мустақиллик ғояси, маънавий эркинлик имконияти, мамлакатимиз фуқаролари ўз маданий урф-одатлари ва анъаналари бойлигини тўлақонли ҳис этишлари бевосита ахборот хавфсизлиги масаласи билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам унга бу қадар муҳим аҳамият берилаётганлиги бежиз эмас. Ўқув дастурига “Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик” фанининг киритилиши - мамлакатимиз ёшларининг илғор қисми бўлган талабаларнинг миллий онги ва дунёқараши яхлитлигини асраб қолишга қаратилган айни ўз вақтида кўрилган ва ғоят зарур тадбирдир.

1-МОДУЛ. ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК МУАММОСИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК КУРСИГА КИРИШ

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик муаммолари. Ахборот макони ва ахборот тизими ҳақида, ахборотнинг фойдаланиш мақсади, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси, оммавий ва очиқ ахборот тизими.

Курснинг предмети, мақсади ва вазифалари. Курсни ўқитишнинг мақсади, унинг предмети ва вазифалари, ахборот-психологик хавфсизликнинг давлат, жамият ва инсоният ҳаётида тутган ўрни, курснинг бошқа фанлар билан ўзаро ҳамкорлиги.

Ахборот–психологик хавфсизлик курсининг асосий тушунчалари. Ахборот, ахборот макони, ахборот тизими, оммавий ахборот воситалари, давлат, жамоатчилик ва бошқа ташилотлар ва муассасалар, реклама агентликлари бўйича тузилмалар.

Ахборот-психологик хавфсизлик курсининг ўрганиш методлари. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган психодиагностик метод ва методикалар ва уларнинг илмий асосланганлиги.

Таянч тушунча ва атамалар: Очиқ ахборот тизимларида хавфсизлик муаммолари, ахборот макони, ахборот тизими, ахборот тушунчаси, ахборот босимлари, ахборот манбалари, ахборот соҳасидаги психологик хавфсизлик муаммолари, ахборот соҳасидаги миллий мафаатлар, очиқ ахборот тизимлари, оммавий ахборот воситалари, ахборий таҳдид.

1.1. Очик ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик муаммолари

Тезкор тараққиёт одатий тамойиллар қатори вақт ва макон мутаносиблигига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Барча фаолият жараёнларида янгича ёндашув ва ривожланиш стратегияларининг шаклланиши инсонлар ва минтақаларнинг яқкаликдан яхлитликка юз буришига олиб келди.

Бугунги кунда ахборот жуда кенг тарқалган бўлиб, ҳар тарафлама ранг-баранг маъноларда тушунилади. У иштирок этмаган билим соҳасини топиш қийин. ХХІ аср ахборотнинг назарий ва амалий ижоди энг чўққисига етган аср ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ХХІ асрни ахборот асри деб таъкидлашмоқда.

Ахборотга қуйидагича таъриф бериш мумкин. Ахборот манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар, шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар мажмуи.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлат ахборот инфраструктурасининг ривожланиши жамият ва давлатнинг ҳамма жабҳаларини, жумладан, одамларнинг дунёқарашини ва уларнинг меҳнат, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда иштирок этиши шартларини ўзгартириб, жамият ривожланишини тезлаштиради. Ҳар хил ахборот технологиялари, автоматлаштирилган тизимлар ва маълумотлар базаси давлат тузилмалари, иқтисодиётни ва мамлакат мудофаасини бошқаришнинг ажралмас қисми бўлиб қолган.

Бошқа маҳсулотларга ўхшаб ахборот ҳам ўз фойдаланувчиларига, харидорларига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам у маълум бир миқдорларига эга. Ахборот қабул қилувчилар ва ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган хусусиятларига эга бўлиши лозим. Миқдорлар нуқтаи назарига кўра, фойдаланилаётган ахборотнинг сифати қўшимча молявий ва маънавий самара бериши керак. Кузатувчилар нуқтаи назаридан эса, муҳим тижорат сирининг сақланиши, ишлаб чиқариш бозорида товарларни сотиш ва хизмат кўрсатишда, омадли рақоботлашишга имкон бериш керак. Бу табиийки, сир сақланиши керак бўлган ахборотни ҳимоя қилишга таъсир кўрсатишни талаб этади.

Инсоният ахборот оқими тобора тезлашган, ер шари аҳолиси кайфияти, рухияти, мақсад ва интилишлари, қолаверса, бутун тафаккур тарзини ўзгартиришга қодир бўлган ахборот технологияси вужудга келган бир даврда яшамокда. Бу ҳозирги замон тамаддунининг ўзига хос ютуғи бўлиб, халқлар, мамлакатлар, давлатлар ўзаро муноабатларини тобора яқинлаштиришга, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини бошқаришга, дунёвий кайфият, дунёвий рухият ва маслакнинг вужудга келишига хизмат қиладиган мўъжизакор ҳодисадир.

Бироқ тамаддунининг ана шундай улкан, кенг миқёсли ва серқирра ютуғидан ким қандай мақсадларда фойдаланаяпти? Унинг беқиёс ва қудратли кучи нималарга ишлатаяпти? – деган ҳақли савол ҳам муаммога айланмокда¹.

Ахборотнинг фойдаланиш мақсадига кўра оқибати келиб чиқади. Яъни ахборотлар ижобий ва салбий мақсадларни кўзлаб қўлланилиши мумкин. Салбий мақсадни кўзлаб фойдаланилган ахборотлар зарарли оқибатларни келтириб чиқаради. Булар жамиятга, давлатга, шахсга қаратилган бўлиши мумкин.

Тиғиз ахборотлашган жамиятда "шахс-жамият-давлат" алоқадорлиги, уларнинг ўзаро узвийлиги ва яхлитлигини таъминлаш бир мунча қийинлашади. Чунки ахборот оқими тезлашгани ва ахборотлар гирдорбида яшаш каби мураккаб, зиддиятли вазиятнинг юзага келиши бевосита шахс тафаккурининг, инсон дунёқарашининг кескин ўзгаришига сабаб бўлмокда.

Бугунги кунда, ривожланган техника даврида турли хил маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали тез ва осон топиш мумкин. Жумладан, бузғунчилик, тажовузорлик, ноахлоқий хулқни шакиллантирувчи маълумотлар ҳам анчагина. Айниқса, бундай манбалар ўсиб келаётган ёш авлодлар онгига таъсир кўрсатаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Ахборот орқали юзага келган психологик можаролар шароитида давлат ахборот сиёсатининг вазифаси жамиятни салбий ахборот-психологик хуруждан

¹ Жўраев Н.Қ. Тарих фалсафасининг назарий асослари. Тошкент, "Маънавият", 2008.

ишончли сақлаш, қатъий ҳимоя қилиш механизмини яратиш билан белгиланади.

Ҳар бир янги ахборот-психологик можаро ҳимоя қилинаётган жамият учун янги таҳдидларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Демак, таҳдид қанча кўп бўлса, кўрқув, ҳадик ва ишончсизлик шунча кўпаяди. Ана шундай маънавий, руҳий, ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, жамият кайфиятини мувофиқлаштириб, йўналтириб, бошқариб туриш муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот-психологик хавфсизлик - бу бевосита сиёсий можароларнинг олдини олиш, энг аввало, инсоннинг ўзини ўзи тушуниши ва фуқаролараро муносабатларни юксак маънавий-маърифий мезонлар асосида шакллантириш, ахборот қуролидан замонавий инсонпарвар тафаккурни, ижодкорлик руҳини, яратувчилик қобилиятини, бунёдкорлик имкониятларини шакллантиришни тақозо этади.

Жамиятни бошқариш, ҳозирги замон меъёрлари асосида кишилик тараққиётини таъминлашнинг янги усул ва услубларини қидириб топиш зарур. Жумладан, сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-психологик ва ахборот тизимини бошқариш каби қатор, бир-бирига узвий боғлиқ бўлган йўналишларда бошқарувнинг энг мақбул услубини топиш, бевосита ҳокимият ва унга ишонч, жамият ва давлат тараққиётини таъминлашда фуқаролар яқдиллиги, маънавий ва ғоявий жиҳатдан бирлигини таъминлашни тақозо этади.

Оммавий ахборот воситалари таъсиридаги бузғунчи ёки онгни зарарловчи ғояларнинг олдини олиш фақат ёш авлоднинг таълим-тарбиясига эътиборни кенгайтириш ва тўғри ташкил этиш ҳамда сифатли таъсирни кучайтиришдан иборат. Бунда, албатта, педагоглар, психологлар, жамоатчилик, ота-она каби болага маъсул шахсаларнинг билим савияси ва ҳаётий тажрибалари аҳамиятлидир.

Оммавий ахборот тизими айни пайтда очиқ ахборот тизими ҳисобланади. Чунки дунё миқёсида ахборот тарқатишни маълум давлатдан ёки бир жойдан

туриб, назорат қилиб, тартибга солиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу тизим очик оммавий ахборот тизими деб номланади.

Очик ахборот тизими деганда ахборот воситалари ва унда берилаётган ахборотларнинг ошкоралиги, дунё ахборот майдонида ахборот алмашинув жараёнининг жамият эҳтиёжи сифатида намоён бўлиши ва ахборотларнинг шахс ҳаёти-фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бориши жараёни тушунилади.

Жамият шу даражада шаклланиши лозимки, унинг аъзолари тифиз ахборотлар бозоридан умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Ахборот олиш кафолати бу бевосита шахсий манфаатдан устун турадиган, умуммиллий манфаатга дахлдор бўлган қадриятга айланмоғи лозим. Ана шундай шароитда қандай мазмундаги ахборотни тарқатишни ман этиш, жамиятнинг психологик ҳолатига салбий таъсир этувчи ижтимоий, миллий, этник, диний тафовут ва келишмовчиликларни кучайтирувчи, зўравонлик ва урушни тарғиб этувчи порнография, маиший бузуқлик, шахслар мавқеи, обрўси ва шаънига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралашнинг норасмий, виждон билан боғлиқ бўлган, соғлом ақл ва юксак тафаккурга таянган маънавий-руҳий меъёрларни вужудга келтириш муҳим аҳамият касб этади.

XX асрнинг иккинчи ярми тезкор, кенг қўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиш даври, ҳаётнинг деярли барча жабҳаларига ва инсон фаолиятига кириб бориши, шунингдек, ахборот маконининг глобаллашуви, бутун жаҳон ривожига таъсир кўрсатган ва кўрсатаётган омили сифатида эътироф этилмоқда. Эътиборли жиҳати, мамлакат ичида ва ташқи дунёда фаол ахборот алмашувига одамлар эҳтиёжи жуда ортиб бормоқда. Ахборот соҳасининг бундай тезлик билан ривожланиши, унинг потенциали ва имкониятларининг ўсиши, жамоатчилик ва давлат ҳаётидаги турли хил йўналишларда кенг тарзда ишлатилиши, янги – XXI асрдаги одамзот тараққиётини аниқлаб берувчи муҳим омилларадан бири бўлишига асосдир.

Шунингдек, охирги йилларда ахборот ресурслари давлатлараро тўқнашув, геосиёсий мақсадларга эришиш учун майдон сифатида фаол фойдаланилмоқда. Бу айниқса, мазкур соҳада сезиларли даражада манфаат келтирадиган замонавий ахборот технологияларга эга ривожланган давлатларга хосдир.

Бугунги кунда кундалик халқаро муносабатларда “ахборот уруши”, “ахборот қарама-қаршилиги”, “ахборот босими” каби тушунчалар кўп ишлатилаётганлиги аҳолини ахборот хуружидан ҳимоялаш бўйича чоралар кўриш муҳимлигини янада оширади. Ушбу муаммонинг долзарблиги яна шундаки, ҳозирда одамлар (шахс, ижтимоий гуруҳ, жамият) онги шаклланишида маълум даражада оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва ахборот ресурсларининг таъсиридадир.

Шунинг учун, айниқса очик ахборот тизими шароитида шахс, жамият ва давлатнинг ахборот, ахборот-психологик хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг аҳамияти янада ошади. Айни вақтда, ахборот тизими имкониятларини миллий манфаатларни ҳимоялаш ва ривожлантириш, шунингдек, глобал ахборот маконида давлатнинг манфаатларини амалга ошириш учун қулай шароит яратиш йўлида фойдаланиш жуда муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, ахборот соҳаси – жамоатчилик соҳасидаги мустақил йўналиш сифатида – ривожланишнинг бошланғич босқичида, табиийки, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш масалаларини ўрганиш, бу борада етук мутахассисларни тайёрлаш илм-фан фаолиятида деярли янги йўналиш ҳисобланади. Ушбу маънода жаҳонда биз ўрганишимиз, таҳлил қилишимиз ва давлатнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланишимиз лозим бўлган маълум даражада тажриба тўпланган.

1.2. Курснинг предмети, мақсади ва вазифалари

Ҳозирги вақтда деярли барча давлатлар ахборот соҳасида тадрижий ривожланиши ва турли хил тазйиқлар мавжуд бўлган шароитларда унинг амал қилиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича фаолиятни кучайтирдилар.

Шунинг учун XXI-асрни ахборот технологиялари асри, деб бежиз айтмаяптилар. Бу маънода Акинавада 2000 йил 22 июлда жаҳоннинг ривожланган 8 мамлакати томонидан имзоланган глобал ахборот жамияти хартиясини эшлаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур хартия янги аср жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг муҳим омили бўлиб, ахборот-коммуникация технологиялари ҳисобланишидан яққол далолат беради. Илмий техника тараққиёти инсоният ва жамият моддий эҳтиёжларини қондириш учун улкан имкониятлар яратди. Янги юқори технологиялар жамият аъзолари турмушини исалган маҳсулот билан таъминлашга саноат хизмат соҳасини жадал ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш имконини беради. Ахборот яратиш ва тарқатиш соҳасида ҳам илгари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган суръат ва кўламга эришилди.

Кишилар ўртасида хабар етказишни таъминлашга қодир ҳисоблаш техникаси ахборот алоқа тизими, интернет тизими, шунингдек, бошқа ахборот технологиялари инсон ва жамият ҳаёти ва фаолиятида ахборотнинг аҳамиятини кескин ошириб юборди. Ҳозирги кунда ижтимоий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий ривожланиш ўртасида мутаносиблик мавжуд бўлган жамиятгина ҳар томонлама уйғун такомиллаштириш мумкин. Шунинг учун ҳар қандай жамият ўзининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ахборотга бўлган талаб ҳамда эҳтиёжини тўлиқроқ қондиришга интилади. Юқорида айтиб ўтилгандек, бугунга келиб илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, ижтимоий ривожланишнинг миқёси мазкур соҳаларда тўпланган ва алмашинаётган ахборотлар, уларнинг алмашилиш суръати ва ўзлаштирилиш тезлиги билан белгиланади.

Глобаллашаётган дунёда ахборот халқлараро ва давлатлараро муносабатларда катта аҳамият касб этади. Яъни, у жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ҳам ижобий, ҳам салбий куч сифатида намоён бўлиши мумкин. Шу маънода техникавий-технологик соҳада катта имкониятга эга бўлган мамлакатлар қулай шароитга эга бўладилар. Мана шу устунлик туфайли улар ўз шахсий манфаатларига мос келувчи қадриятларни, нуқтаи назарларни, ғояларни,

фикрларни илгари суришлари мумкин ва сурмоқдалар ҳам. Шунга кўра кўпгина давлатларда глобаллашувга қарши ҳаракатлар юзага келмоқда, булар ягона жаҳон уйғунлашган ахборот майдонини тузишни рад этмоқдалар. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, глобаллашувга қарши ҳаракатнинг ўзи тобора глобал ҳаракат тусини олмоқда. Замонамизнинг ўзига хос жиҳатларидан бўлиб, ҳар қандай маҳаллий ҳодиса ёки воқеа замонавий ахборот технологиялари туфайли глобал ҳодиса ёки воқеага айланмоқда.

Жаҳон миқёсида кезиб юрувчи бундай ахборотлар муайян давлат манфаатларига таъсир этмай қолмайди. Бу фақат шу ахборот тарқаладиган алоҳида олинган бир мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий ва жараёнлардан дарак бериши билангина эмас, балки бошқа мамлакатларнинг мазкур хабарлар ҳақида ҳеч нарса айтилмаган аудиторияси буларни ўз давлатидаги ҳолатга қиёслаши билан ҳам мазкур мамлакат манфаатларига ҳам таъсир этади. Шу сабабли давлатлар, ҳукуматлар ўртасида айрим келишмовчиликлар вақти-вақти билан юзага чиқиб туриши мумкин. Бунда ким ҳақ ёки ким ноҳақ эканлигини аниқлаш ҳар доим ҳам осон бўлавермайди.

Буларнинг барчаси ахборот жараёнларининг глобаллашуви билан боғлиқ муаммолар долзарблигини яна бир карра таъкидлайди. Аммо мазкур муаммолар туфайли ахборот ишлаб чиқариш ва тарқатиш имкониятлари тенгсизлиги пайдо бўлади. Бу объектив вазиятни шундай деб қабул қилмоқ керак. Мамлакатлар бу борадаги ўз устунликларини шахсий манфаатларида фойдаланишлари бошқа гап. Мана шундай вақтда муносабатларда кескинлик юзага келади, у кўп ҳолларда ахборот курашига ёки бошқая қилиб айтганда психологик урушга айланиб кетади. Очiq ахборот тизимларида ахборий-психологик хавфсизликни таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб талабидир. Ҳар бир давлат бунинг устида бош қотирмоқда. Бу жаҳондаги янги геосиёсий тақсимот, янги минтақавий низоларнинг юзага келиши, миллатчилик, шовинизм, дин ниқобидаги экстремизм, экологик ҳалокатнинг таҳдиди кучайиши, спид, парранда грипи ва бошқа юқумли касалликларнинг тарқалиши билан боғлиқдир.

Юқорида қайд этилганларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси учун ҳам мазкур муаммолар муҳим эканлиги алоҳида таъкидлайди. Бунинг долзарблиги давлатимиз учун миллий мустақилликни янада мустаҳкамлаш, иқтисод ва бозор муносабатларини тадрижий ривожланишини таъминлаш, ижтимоий ислохатларни чуқурлаштиришда яққол кўринади. Бунда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, миллий анъаналарни ҳаётга қайтариш, бағрикенгликни тарбиялаш ҳам катта аҳамият касб этади. Маълумки, мустақил дунё қарашга эга маъломотли кишиларгина турли хил талқиндаги ахборотга руҳан барқарор қаршилик кўрсата оладилар. Бу биринчидан. Иккинчидан, мана шундай кишиларгина тегишли муҳит яратишлари ва миллий ғояларнинг дарғалари бўлишлари мумкин.

Курснинг **предмети** бўлиб, аудиторияда очик ахборот тизимларида айланувчи ахборотларни баҳолашга психологик иммунитет ва онгли равишда оқилона ёндашишни тарбиялаш мақсадида очик ахборот тизимларидаги долзарб ахборий - психологик хавфсизлик муаммоларини идрок этиш ҳисобланади. Мазкур муаммонинг муҳимлигини яна юқори технологик коммуникация воситалари амал қилаётган шароитларда айрим кишилар, жамият, давлат, жаҳон ҳамжамяти хулқ-атвори ва ҳаракатини ҳатто биргина ахборот канали ёрдамида бошқаришни амалга оширишнинг улкан имконияти пайдо бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Тўфон, астероидлар яқинлашиб келаётган ҳақидаги биргина хабар сайёрамизга зарар етказиши, ҳатто ундаги ҳаётни барбод қилиши мумкин. Лекин бундай ҳодисалар тез-тез юз бериб турмайди. Булардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш мумкин эмас. бир ёки бир гуруҳ мамлакатларнинг миллий манфаатлари ҳақида сўз борса, бу бошқа гап. Бундай ҳолатда манфаатдор мамлакат зарур натижага эга бўлиш учун интилиб, ҳам мамлакат ичкарасида ҳам ҳалқаро майдонда ахборий тадбир ўтказади. Бугунги кунга келиб, иқтисодий, сиёсий ва бошқа мақсадларга эришиш учун ҳарбий устунлик ёки кучнинг ўзи етарли эмас. рақиб томонга ахборий-психологик тазйиқ ўтказиш ҳам зарур бўлади. Ироққа қарши биринчи ҳарбий ҳаракатлар вақтида ҳам, иккинчисида ҳам шундай бўлган эди. Совет Иттифоқи

парчалангандан сўнг айрим давлатлардаги рангли инқилоблар вақтида ҳам шудай ҳолат кузатилаган эди. Афсуски, бу ҳол бизнинг замонамизда ҳалқаро муносабатларнинг кўринишларидан бирига айланмоқда. Шунинг учун психологик тазйиқ ўтказишни минимум даражага келтириш учун ҳозирда бирор жамиятга таъсир ўтказиш мақсадида фойдаланилаётган шакл, усул ва йўсинларни ўрганиш шундай таъсирга учраши мумкин бўлган айрим давлатлар, айти пайтда Ўзбекистон Республикаси учун ҳам ниҳоятда муҳимдир. Аудитория у ёки бу ахборотдан қандай мақсад кўзлагани, кимнинг манфаатига хизмат қилишини аниқ белгилашни ўрганиш талаб этилади.

Мана шунинг учун ҳам мазкур муаммоларни ўрганишда ахборотнинг шакли ва моҳияти; ахборот хавфсизлигини таъминлаш; очиқ ахборот тизимларининг ўзига хослиги; шахс, жамият ва давлат ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш манбалари ва турлари; ахборот соҳасидаги миллий хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти ва тамойиллари; ОАВ ва ахборий қарама-қаршилик; ахборот-психологик хавсизликни таъминлашда асосий йўналиш ва усуллари; очиқ ахборот тизимларида шахснинг ўз-ўзини ҳимоя қилиши; жамоатчилик фикри ва жамият ахборий-психологик хавсизлиги; Ўзбекистон ОАВлари ва жамиятнинг психологик хавфсизлиги каби мавзуларини ойдинлаштириш талаб этилади.

Юқорида санаб ўтилган мавзуларни ўрганишда ахборот, ахборий хавфсизлик, миллий манфаатлар, ахборот соҳасидаги миллий манфаатларга бўлган хавф ва унинг манбалари, жамоатчилик фикри, очиқ ахборот тизимлари, глобаллашув, ахборий қарама-қаршилик, ахборот-психологик кураш, ОАВлари, онглилик, идрок этиш, акс эттириш, манипуляция қилиш, психологик қўпоровчилик, ижтимоий тарғибот, жамоатчилик онги, инсонни хуфёна бошқариш ва бошқаларга алоҳида эътибор қаратиш жоиз.

Ўзбекистонда тайёрланадиган ахборотнинг Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида, хорижий мамлакатларда эркин айланишини таъминлашда амалдаги қонунлар ва ҳалқаро ҳуқуқий меъёрлардаги ҳужжатларга амал этилишидан келиб чиқадиган муносабатларга таянилади. Яъни, содда қилиб

тушунтирадиган бўлсак, ҳар бир кишининг соғлиги, саломатлиги, қандай ҳимоя қилинадиган, таъминланадиган бўлса, унинг онги ва тафаккурига киритиладиган ахборотларнинг тўғрилиги мана шундай таъминланиши керак. Демак, ушбу фаннинг ўқитилишидан мақсад ҳам талабаларга яъни, келажакдаги бўлажак журналистлар, ижтимоий-гуманитар фан соҳалари мутахассисларига давлат сирини, миллий ахборот хавфсизлигини қандай сақлаш ва таъминлаш кераклигини тушунтириш. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** қўйилади:

1. Миллий ва ахборот хавфсизлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўриб чиқиш;
2. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, дунё миқёсидаги сиёсий ўрни, ролини ўрганиш;
3. Ахборотга хавф соладиган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш;
4. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш усулларини ўзлаштириш;
5. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда ҳалқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;
6. Давлат сиёсати даражасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш чоратadbирларини ишлаб чиқиш.

Психология, социология, фалсафа, сиёсатшунослик ОАВ назарияларидан олинган бу тушунча ва терминлар фанни чуқурроқ тушунишга, унинг асосий мазмунини, усуллари ва йўсинларини, яъни очиқ ахборот тизимларида фойдаланаётган усулларни идрок этишга, демак, ижобий ғояларни салбий ғоялардан фарқлай олишга кўмаклашади. Маълумки, ҳар қандай далил, ҳодиса ёки воқеа турлича талқин этилиши шунга боғлиқ тарзда аудитория томонидан қабул этилиши ҳам мумкин. Шунинг учун аввал бошиданоқ, тушунчавий аппаратни белгилаб олиш, уни шарҳлаш лозим, шундан келиб чиққан ҳолда бирор ҳодиса ёки воқеани биз қандай идрок этишимиз ва талқинимизни беришимиз даркор.

1.3. Ахборот–психологик хавфсизлик курсининг асосий тушунчалари

Ахборот агентликлари, газеталар, журналлар, журнал тарзидгаи нашрлар, бошқа нашр маҳсулотлар, радио, телевидение, аудио ва видеомаҳсулотлар Очик ахборот тизимлари (ОАТ) ҳисобланади. Интернет, матбуот хизмати, жамоатчилик билан алоқалар, давлат, жамоатчилик ва бошқа ташкилотлар ва муассасалар, реклама агентликлари бўйича тузилмалар ҳам шулар жумласидандир.

ОАВлари бўлиб, вақтли матбуот, ахборот тарқатишнинг аудио ва видео воситалари, ахборот агентликлари, интернет-журналистикаси ҳисобланади. ОАВ ОАТнинг муҳим асосий қисмини ташкил этади.

Жамоатчилик фикри – бу, ҳозирги пайт учун долзарб бўлган турмуш муаммоларига кишиларнинг муносабатини ифода этувчи ижтимоий онг шаклидир. Аслида тезкор бўлган онгнинг бу шакли юқори даражада жамият турли институтлари томонидан кўрсатилаётган таъсир остидадир. Демак, жамоатчилик фикрининг шаклланишида манипулятив ҳаракатларнинг таъсири каттадир.

Жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш (чалғитиш) муайян мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Бунда манипуляция қилиш (чалғитиш) тушунчасининг нисбийлиги ҳақида айтиб ўтиш керак. Чунки исталган томон жамоатчилик фикрига ҳар қандай таъсирни манипуляция деб баҳолаш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги жамиятда ягона бўлган ижтимоий фикр шаклланиши эҳтимолдан йироқдир. Демократиянинг тамойилларидан бири мана шудир.

Ахборот моддий дунёнинг организмда ёки организмлар жамоасида акс этган ҳамда улар томонидан атроф-муҳит ўзгаришларига мослашиш учун фойдаланиладиган моддий дунё объектларининг аксидир. У маълумотлар, хабарлар шаклида намоён бўлади. Маълумотлар моддий дунё объектлари бирлашмаси акси натижада ҳосил бўлади. Хабарлар эса бошқа организмларга хабар етказиш учун юзага келади.

Очиқ ахборот тизимларида “*хабар*” термини кишилар, ижтимоий гуруҳлар, умуман жамият қуршаб турган оламда мўлжал топа билиши учун ижтимоий аҳамиятга эга хабар маъно ифодасини беради. Шунингдек, муайян жамият ижтимоий табиати белгилаб берадиган маънавий қадриятларни қарор топдириш учун хизмат қилади.

Миллий манфаатлар бу-давлат томонидан тан олинган ҳамда шахс, жамият ва давлат ижтимоий манфаатларининг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган мутаносиблашган мажмуидир. Буларни амалга ошириш муайян тарихий шароитда миллатнинг мавжудлиги, хавфсизлиги ва кафолати ҳисобланади.

Жамият манфаатлари - жамият ривожланишидаги кучли зиддиятларни ҳал этишда, миллий ўзига хосликни сақлашда намоён бўладиган жамият эҳтиёжи ҳисобланади.

Давлат манфаати жамият ишларини бошқаришни сифатли амалга оширишга, миллий ўзига хосликни сақлашга бўлган давлат эҳтиёжидир.

Ўзини намоён эта билиш, жамият ишларида қатнашишлик, этник ўзига хосликни сақлаш шахсий эҳтиёжларни намоён бўлиши-шахснинг ижтимоий манфаатлари ҳисобланади.

Жамиятнинг ахборий хавфсизлиги унинг маънавий, иқтисодий, сиёсий соҳаларига, маданий қадриятларига, инсонлар ҳуқ-атворини ижтимоий тартибга солувчиларга, ахборот инфратузилмаларига ва булар ёрдамида узатилаётган хабарларга зарар етказиш мумкин эмаслигидан иборатдир.

Давлатнинг ахборий хавфсизлиги предмети ахборот ва жамият ахборот инфратузилмаларидан ташкил топган жамият ишларини бошқаришни бажариш бўйича давлат фаолиятига зара етказиш мумкин эмаслигидан иборат.

Тазйиқ – бу, ўзаро муносабатлар объектлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни объектлардан бирининг салбий томонга куч билан ўзгартириш критиш мақсадида зарар етказиш йўли билан ҳал этишга ўринишдир.

Миллий манфаатларга тазйиқ деганда мамлакат миллий манфаатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи миллий қадриятлар ва миллий турмуш тарзига хавф туғдирувчи шарт-шароитлар мажмуи тушунилади.

Ахборот соҳасидаги миллий манфаатларга тазйиқ деганда ахборот соҳасида ва манфаатларни амалга ошириш бўйича фаолиятда миллий манфаатлар объектларига зарар етказиш хавфини туғдирувчи шарт-шароитлар мажмуи англанади. Яъни, ахборий фаолият соҳасида инсон ва фуқаро ҳуқуқий мавқеини амалга оширишга, ахборотлар, ахборий инфратузилмага, шунингдек, мазкур объектлар билан боғлиқ миллий манфаатларни амалга ошириш бўйича фаолиятга зарар етказиш тазйиқидир.

Ахборот соҳасида шахс ва жамият манфаатларига тазйиқ деганда инсон ва фуқаронинг очик ахборотга эга бўлиши, қонун билан тақиқланмаган фаолиятни амалга оширишда фойдаланишига бўлган ҳуқуқини чеклаш тушунилади. Булар эса шахсий хавфсизлик маънавий ва ақлий ривожланишни таъминловчи ахборотлар ҳисобланади. Бундан ташқари индивидуал, *“вертуал ахборот”* майдонини, унинг руҳий фаолиятига таъсир этиш технологияларидан фойдаланиш имконини шакллантириш ҳисобига жамоатчилик онгини чалғитиш имконини кенгайтириш шахсининг манфаатларига бўлган энг хавфли тажовуз ҳисобланади.

Ахборот тизимини ва алоқа тармоқларини, жамият ҳаётини таъминловчи ўта муҳим инфратузилмаларни мураккаблаштириш ахборот соҳасидаги жамият манфаатларига бўлган тазйиқ манбаларидан бири ҳисобланади.

Бу тазйиқлар атайин ёки англанмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари улар техниканинг ва программа таъминотининг хатоси ёки ишламай қолиши туфайли, жинойтчи тўдалар ёки унсурлар томонидан мазкур инфратузилмага зарарли таъсир сифатида намоён бўлиши мумкин.

Яна бир тазйиқ манбаи бўлиб, ОАВларнинг мулкдорлар учун унча катта бўлмаган гуруҳи қўлида тўпланиши ҳисобланади. Булар тазйиғи остида ижтимоий аҳамиятга молик бирор ҳодиса сохталаштирилиши ҳамда жамоатчилик фикри чалғитилиши мумкин, шунингдек, ёт қадриятларни тикиштириш йўли билан жамият ахлоқий қадриятларига путур етказиш мумкин.

Ахборий қарама-қаршилик – бу, аудиторияга атроф-дунёдаги бирор ҳодисага нисбатан муносабатда бўлишга ўз қарашлари, фикрини тикиштириш ҳамда қарши томон ғояси ва нуқтаи назарини инкор этиш роли билан таъсир этишга интилишдир.

Ахборий психологик кураш – бу, бошқа мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳида мавжуд ижтимоий тузумни бўшаштириш, жамият ахлоқини издан чиқариш, ривожланиш миллий дастурига путур етказиш, шунингдек ўз қадриятлари ва турмуш тарзини тўғридан-тўғри экспорт қилиш мақсадида ахборот хизмати ва қўпоровчилик билан шуғулланувчи хизматларни ўзаро ҳамкорлигидир.

Омма онгига у ёки бу қадриятларни психологик жиҳатдан таъсир кўрсатишида ахборий воситаларидан фойдаланиш - ахборот манипуляцияси, ахборот ишлатиб мақсадга эришишдир.

Мавзу юзасидан назорат саволлари:

- 1. Ахборот нима?*
- 2. Ахборий таҳдид деганда нимани тушунасиш?*
- 3. Курсни ўқитишнинг зарурияти нимада деб биласиз?*
- 4. Очиқ ахборот тизими нима?*
- 5. Оммавий ахборот воситалари нима?*
- 6. Оммавий ахборот воситаларининг вазифаси нималардан иборат?*
- 7. Ахборий тазйиқ турларини кўрсатиб ўтинг?*
- 8. Ахборий психологик кураш деганда нимани тушунасиш?*

Мустақил иш учун мавзулар:

- 1. Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик муаммолари.*
- 2. Курснинг предмети, мақсади ва вазифаси.*
- 3. Ахборот–психологик хавфсизлик курсининг асосий тушунчалари.*

АХБОРОТ - ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ИЛМЙЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Ахборот асрининг мазмун-моҳияти. Ахборот асри тушунчаси, ахборот асрини баҳолашдаги ёндашувлар ва мезонлар.

Ахборотлашган жамиятга доир назариялар. Ахборот таъсирининг ўсиб бориши, ахборотлашган жамият тушунчаси, ахборотлашган жамиятга оид назариялар, “Бошқариш мактаби” назарияси.

Тармоқ жамияти назариясининг пайдо бўлиши. Тармоқ жамияти тушунчаси, Мануэл Кастелс тармоқ жамияти ҳақида, тармоқ жамияти назариясининг пайдо бўлиши.

Медиа, маданий ва касбий - ижтимоий даражадаги номуаносиблик. Медиа тушунчаси, глобал инфосферанинг вужудга келиши, медиа жамиятнинг маданий ва касбий ижтимоий даражадаги номуаносибликнинг келиб чиқишига таъсири.

Таянч тушунча ва атамалар: Ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси, ахборот асрини баҳолаш мезонлари, ахборот асри, ахборот асри, ахборотлашган жамият, Тармоқ жамияти тушунчаси, медиа тушунчаси, глобал инфосферанинг вужудга келиши, глобаллашув, ахборот таъсирининг ўсиб бориши, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчасининг илмий-методологик асоси, ахборот соҳасидаги миллий манфаатлар.

2.1. Ахборот асрининг мазмун-моҳияти

Ахборот асри бевосита глобаллашув билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, мазкур атамага изоҳ бериш тўхташ мақсадга мувофиқдир. “Энг янги социологик луғат”нинг муаллифлари ушбу сўзга қуйидагича таъриф

бермоқдалар. Глобаллашув - жамият ҳаёти барча қирраларининг ривожланиши умумжаҳон миқёсда ўзаро таъсир этиш ва очиқлик тамойилидан келиб чиқадиган ҳолатдир. Р. Робертсоннинг фикрича (“Глобаллашув”, Лондон, 1992), глобаллашув жараёнида дунё бутун бир яхлитлик сифатида бирлашади. М. Уортерс ёзганидек (“Глобаллашув”, Лондон; Нью-Йорк, 1995), глобаллашув - бу жуғрофиянинг ҳалқлар ижтимоий ва маданий ҳаётига таъсири йўқолиб бориши намоён бўладиган жараёндир.

“Глобаллашув” сўзи америкалик олим Томас Левиттнинг “Бозорлар глобаллашуви” (1983) номли мақоласидан кейин оммалашиб кетди. Ҳалқаро иқтисодий тизим - глобаллашувнинг етакчи йўналишидир. Глобаллашув жараёни ривожланишининг асосий сабабларидан айримлари - сайёра бўйлаб ахборот- коммуникацион технологиялар ривожланиши, турли мамлакатларнинг иқтисодий ҳаёти бир хил мезонлар асосида ташкил этилиши ҳамда трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган товарлар асосий қисмининг нарҳи арзон ва сифати яхши эканлиги. Шу билан бир қаторда глобаллашув жараёнида турли ҳалқларнинг миллий ўзлиги аста-секин емирилиб кетмоқда².

Ахборот асрини баҳолашдаги ёндашувлар, мезонлар. Мутахассислар ахборот асрини ва ахборотлашган жамиятни турлича ёндашувлар, мезонлар асосида баҳолашга ҳаракат қиладилар. Уларнинг баъзилари ахборотлашган жамият ахборотнинг бузилиши ва ўзгариши натижасида вужудга келди, деб ҳисоблайдилар. Бошқалари - ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги даври ворисийликка асосланган ва у ўтмиш қаъридан келиб чиққан, бироқ алоқанинг янгича технологиялари шароитида илгариги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар фаол ахборотлашувга дучор этилган, дейишади. Учинчи тоифа мутахассислар ахборотлашган тараққиётга, электрон иқтисодиётнинг вужудга келиши ва ахборотнинг ишлаб чиқарувчи кучга айланишига урғу беришади. Бир қатор мутахассислар ахборотлашган жамият давлат билан барабар пайдо бўлган (Энтони Гидденс ва бошқ.), деган фикрни илгари сурадилар. Улар

² Қаралсин: Новейший социологический словарь. Сост. А.А. Грицанов, В.Л. Абушенко, Г.М. Евелькин и др. - Мн.: Книжный дом, 2010. - Б. 226-227.

наздида, давлат - мураккаб, жипслашган ижтимоий вужуд бўлиб, ўз ички ва ташқи механизмларининг соз ишлаши туфайли муваффақиятли фаолият юритади.

Ҳозирги давр илгариги даврлардан янги алоқа воситалари, техника ва технологиялари пайдо бўлганлиги ва кенгайганлиги ҳисобига ахборот ҳажми кескин ошиб кетганлиги билан фарқ қилади. Иқтисодиётни хилма-хиллаштириш юз берди, унинг янги соҳалари, хизмат турлари ҳосил бўлди, ишлаб чиқариш жабҳасида янги техник ускуналар уни қайта қуроллантиришга ва ишлаб чиқариш кучларини қайта тақсимлашга олиб келди. Шу билан бирга илмий ёндашув замонавий миллий давлатлар мануфактура ишлаб чиқариши бўй кўрсатаётган ва саноат ривожланаётган даврда вужудга келаётганлигини аниқлаб бермоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, дунё тараққиёти аграр, саноатлашган ва саноатлашувдан кейинги даврларга бўлинади. Кейинги давр ахборотлашган жамиятнинг ривожланиш даври (Дэниэл Бэлл), модернизмдан кейинги (Жан Бодрияр), тез мослашувчан (Майкл Пайор), ахборий тараққиёт услуги (Мануэл Кастелс) даври сифатида таърифланади.

2.2. Ахборотлашган жамиятга доир назариялар

Д.Бэлл фикрича, ахборот асрига асосан янги алоқа воситаларининг ривож топиши ва улардан иқтисодиёт, маданият ва ижтимоий ҳаётда фаол равишда фойдаланилиши хосдир. “Саноатлашувдан кейинги жамиятнинг вужудга келиши” (русчаси: “Становление постиндустриального общества”), “Капитализмнинг маданий зиддиятлари” (“Культурнме противоречия капитализма”), “Иккинчи жаҳон урушидан кейин ижтимоий фанлар” (“Общественнме науки после второй мировой войнм”) унинг асосий асарларидир.

Ахборот таъсирининг ўсиб бориши “ахборот” тушунчасининг ўзига ҳамда унинг таъсирида юз бераётган жараёнларга бағишланган кўплаб тадқиқотлар, назариялар ва тахминлар вужудга келишини тақозо этди.

Мутахассислар юз бераётган ижтимоий ўзгаришларни таҳлил этишга, уларнинг характерини аниқлашга ва жамиятлар истикболини тахмин қилишга интилдилар. Янги ахборотлашган жамиятнинг вужудга келиш ғоясини ишлаб чиққан ва ҳимоя қилган олимлар орасида энг машҳури Дэниэл Беллдир. Саноатлашувдан кейинги (постиндустриал) жамият назариясини яратган бу олим ахборот асрига айна шу (постиндустриал жамият - ПИЖ) номни нисбат беради, “постиндустриализм”га эса у кўпинча ахборотлашган жамият сифатида қарайди. Бу истилоҳни Белл 1950- йиллар охирида муомалага киритди, лекин 1980- йиллар охирига келиб уни “ахборот”, “билим” сўзлари билан алмаштира бошлади. Ҳозирги пайтда “постиндустриализм” ҳамда “ахборотлашган жамият” атамалари синоним сифатида - бир хил маънода ишлатиб келинади.

Белл ва унинг тарафдорлари саноатлашган жамиятдан саноатлашувдан кейинги жамият сари ҳаракатни асосан бандлик соҳасидаги ўзгаришлар, хизмат кўрсатиш жамиятига ўтилиши ва ахборот технологияларининг ривожланиши билан изоҳласалар, бошқа тадқиқотчилар унга ўзгача нисбат берадилар. Масалан, уни замонавий (модерн) жамиятдан замонавийликни ортда қолдирган (постмодерн) жамиятга ўтиш, жипслашган жамиятдан бошбошдоқ капитализм сари ҳаракатланиш, шунингдек касод бўлган жамоавий тажриба устидан бозор иқтисодиётининг тўлиқ ғалабаси томон бурилиш сифатида таърифлайдилар.

“Бошқариш мактаби” (“Школа регулирования”) назариясини ёқловчи бир қатор олимлар ҳозирги тараққиётни фордча жамиятдан фордчиликни ортда қолдирган жамиятга ёхуд оммавий ишлаб чиқариш жамиятидан эпчил ихтисослашув жамиятига ўтиш нуқтаи назаридан тушунтирадилар. Бир гуруҳ француз тадқиқотчилари (Мишел Алетта, Ален Липиц) шу назариянинг асосчилари бўлдилар. Ижтимоий муносабатларга тарихий-босқичли (ҳолистик) қарашга эга ушбу мактаб вакиллари ҳар бир тарихий даврнинг умумий характерини аниқлашга ҳаракат қилишади. Уларни муайян бир даврдаги жамғариш тартиби, ишлаб чиқаришни бошқариб туриш, даромадларни тақсимлаш ва истеъмол усуллари қизиқтиради. Бошқарув улар учун “меъёрлар, одатлар, ҳуқуқни, бошқариб турувчи тармоқларни”, яъни жамғариш жараёнига

хизмат қилувчи ҳамма нарсани қамраб олувчи “ўйин қоидалари”ни ўзига хос равишда эгаллашдан иборат. Улар эътиборни нафақат технологиялар ва янгиликларга, балки давлатнинг ролига, унинг манфаатлари, ижтимоий таркиби, корпоратив майллари, истеъмол моделлари, гендер муносабатлари, жамият қадриятларига қаратадилар.

Ғарблик олимлар 1945-1975 йиллардаги даврни фордчилик-кейнсчилик асри сифатида таърифлашади. Иқтисодчи бўлган Кейнс ўз стратегиясида ҳукуматнинг иқтисодиётдаги ролига урғу берди. Ишлаб чиқариш билан истеъмол мувозанат ҳолатида бўлганлиги бу даврнинг ўзига хос хусусияти эди. Иқтисодиётда иштирок этувчи давлат эса бу мутаносибликни қўллаб-қувватлаб, ижтимоий таъминотга, барқарорликка таъсир кўрсатарди. Ўша даврда режалаштириш ҳам долзарблик касб этиб, унинг ёрдамида “умумий фаровонлик давлати”ни бунёд этиш кўзда тутилганди. Режалаштириш ҳам давлатнинг иқтисодиётга аралашувини (яъни **кейнсча** сиёсат юритилишини) оқлаш учун қулай асос берарди.

Ҳенри Форд ўз ишлаб чиқаришига 1920-йилларда асос солган эди, “фордизм” атамаси эса сиёсий ва жамоат арбоби Антонио Грамши томонидан муомалага киритилди. Форд товарларни истеъмолчига мақбул нархда оммавий равишда ишлаб чиқариш имконини берадиган усул ташкилотчиси бўлдики, бу оммавий истеъмолни рағбатлантирар эди. У биринчилардан бўлиб юқори даражада иш ҳақи бера бошларкан, бу ҳам ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ёрдамлашди. Шу боисдан бутун иқтисодиёт ва умуман тадбиркорлик ишини олиб бориш унинг номи билан аталадиган бўлди. Фордчилик ривожининг чўққиси Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврга тўғри келди.

Ушбу жараённинг Ф.Уэбстэр томонидан амалга оширилган таҳлилига кўра, фордчилик-кейнсчилик даврида иқтисодий фаолият давлатлар ичида ривожланиб, турли соҳаларда йирик миллий корпорациялар (олигополиялар) гуруҳи ҳукмронлик қиларди. Маҳаллий компаниялар ички бозорни ўз назоратида сақлаб туришарди. Саноатнинг ҳар қандай тармоғида - электроника, кийим-кечак ишлаб чиқариш, чакана савдо ёки машинасозликда уч -тўртта

корпорация устувор эди. Масалан, 1963-йилда Англияда савдонинг ҳар қайси соҳасида савдо-сотиқнинг қарийб 60 % бешта етакчи компания ҳиссасига тўғри келарди, пешдор 100 та компания 1960-йилда мамлакатдаги бутун саноат маҳсулотининг учдан бир қисмини ишлаб чиқарарди.

Бироқ 1970-йилларнинг ўрталарида рецессия ва нефть нархининг кескин кўтарилиши бошланиб, шок ҳолатини ва иқтисодиётда ўзгаришларни келтириб чиқарди. Бошқариш мактаби олимлари ўша пайтдан буён доимий бўҳрон - рецессия, ишсизлик, банкротлик, меҳнат соҳасида қоида бузилишлар давом қилиб келаётганини қайд этадилар. Шиддатли ўзгаришлар - ишчи кучининг одатий маънодаги жуда катта ортиқчалиги, янги касб турларининг пайдо бўлиши, технологиялар босими, валюта курсидаги кескин тебранишлар бутунлай янги замон бўй кўрсатаётганлигидан далолат берарди. Амалда ишлаб чиқариш усулидан тортиб шахсни янгича тушунишгача барча ўзгаришлар фордча аср билан хайрлашув пайти келганлигини англатарди. Айрим тадқиқотчилар (Кришнан Кумар) фордчиликдан кейинги даврни “саноатлашувдан кейинги жамият назариясининг версияси” сифатида кўришди. Натижада фордча тартибни қўллаб-қувватлашда давом этишдан фойда йўқлигини эътироф қилишга тўғри келди; шу тариқа фордчиликдан кейинги давр бошланди ва излаш ҳамда ахборот билан ишлашнинг тезкор усуллари ана шу ўзгаришлар марказида бўлиб қолди.

1980-йилларда бўҳрон ҳолати жамғаришнинг янги тартибини ўрнатиш, назорат қилишнинг бошқа механизмларини жорий этиш ҳисобига енгиб ўтилди. Масалан, Буюк Британияда бу Маргарет Тетчернинг (мамлакатнинг 1979-1991 йиллардаги бош вазири) лейбористларга нисбатан қатъий ҳаракатлари, мактаб ва олий ўқув юртларидаги таълим тизими концепциялари ва ўқув режаларини тубдан қайта кўриб чиқиш, уларни ишлаб чиқаришнинг замонавий талабларига яқинлаштириш билан нишонланди. Глобаллашув фордчилик куёшининг ботишида. энг муҳим омил бўлиб хизмат қилди. 1970-йиллардан буён глобаллашув жараёни анча жадаллашган бўлса-да, ҳали поёнига етганича йўқ.

2.3.Тармоқ жамияти назариясининг пайдо бўлиши

Мануэл Кастелс тармоқ жамияти ҳақида. Технологик-ахборот мувозанатсизлик ва янги бозор мезонлари. М.Кастельснинг 1996-1998 йилларда нашр этилган уч жилддан иборат “Ахборот асри: иқтисодиёт, жамият, маданият” (русчаси: “Информационная эпоха: экономика, общество, культура”) асари умумжаҳоний аҳамиятга эга. Олимларнинг баҳолашларича, бу тадқиқот Дэниел Беллнинг “Саноатлашувдан кейинги жамиятнинг шаклланиши” асаридан кейин ҳозирги замон цивилизация характерининг энг муҳим тавсифларидан бўлди. Ф.Уэбстер сўзларига кўра, эълон қилинганидан кейин айрим шарҳловчилар Кастелсни Карл Маркс, Макс Вебер ва Эмил Дюркгейм билан бир қаторга қўйдилар.

М. Кастелс ҳозирги даврни коммуникация тармоқлари ривожланишининг таъсири воситасида қараб чиқади. Янги жамият унда тармоқлар кенг ёйилиши ва ахборот оқимлари кўпайиши туфайли вужудга келади, дейди у. Билимга билимнинг таъсир кўрсатиши, яъни назарий умумлаштиришнинг, таҳлилий рамзнинг ўсиши ишлаб чиқариш, корхоналар фойдаси ошишининг асосий омили бўлиб қолади. Унинг эътироф этишича, “ахборотлашувчи (информациональнъга) капитализм “бу - капитализмнинг айниқса шафқатсиз, тажовузкор шаклидир, чунки тармоқли алоқа туфайли у ўзида ҳамма жойда (глобал) ҳозир у нозир туриш билан ақл бовар қилмайдиган даражадаги эпчилликни ўзида уйғунлаштирганки, бунақаси илгариги жамиятларда кузатилмаган эди². Янги шароитларда рақобат ҳам раҳмсиз бўлиб қолди. Мисол учун, муайян бир бозорда маълум муддат миллий олигополия ҳукмронлик қилиб турган бўлса, вақти келиб у қолоқлар сафига ўтиб қолиши мумкин. Бироқ айтилган бир пайтда энергетика соҳасидаги миллий корпорациялар, масалан, бошқа бозорларни эгаллаш учун мамлакат ташқарисига ҳам чиқа оладилар. Бу янги ўйинчилар ўзлари учун глобал ҳозирликни таъминлай бориб, ҳар

қачонгидан йирикроқ мавқега эга бўлишлари ёки заифлашиб қолишлари ҳам эҳтимол.

Ахборот-коммуникация технологияларининг такомиллаш-тирилиши ва биржа бозорларининг тартибга солинмай қўйилиши акциялар, валюта ҳамда облигациялар савдосида бутун кеча-кундуз давомида қатнашиш учун реал вақт режимида молиявий ахборот доимий келиб туришига имконият яратади. Бу ахборот оқимларининг кўлами ва тезлиги ақлни лол қолдиради. Шу нарса қайд қилинмоқдаки, эндиликда валюта алмаштиришлар айланмаси миллий иқтисодлар миқёсидан устун бўлиб, савдо-сотиқ оқимларини, яъни миллий иқтисодий фаолликни импорт билан экспорт нисбати орқали аниқлашдек анъанавий услубни бирмунча пасайтириб қўяди. Кастелс алоқа технологияларининг таъсир кўрсатиши натижасида иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларни чуқур таҳлил қилади. Янги шарт-шароитлар кўп нарсаларни ўзгартириб юборади. Баъзи олимлар глобаллашув миллийлик чегараларини йўқ қилиб, барчанинг бараварлаштирилишига, давлатнинг роли пасайишига олиб келиши эҳтимол, бу, айниқса, муайян бир мамлакатга бозор, ишлаб чиқариш ва умуман ахборот оқими тўсиқсиз кириб келишида сезилади, деб ҳисоблайдилар. Кастелс эса аксинча, “ахборотлашувчи капитализмнинг ҳаракатчан тизими”да давлатнинг роли анча ошишини уқтиради.

Дунёдаги ахборотлашув жараёнларини таҳлил қилганда, айрим мамлакатлар ва минтақаларнинг бошқа, ривожланган мамлакатларга нисбатан ҳимоясиз эканлигини сезмаслик мумкин эмас. Глобаллашиш майли барча иштирокчиларни максимал даражада мослашувчан бўлишга мажбур қилади, миллий ҳукуматлар зиммасига эса пайдо бўлаётган имкониятлардан фойдаланишда катта масъулият тушади. Корпорациялар тармоқда уддабуронлик, самарадорлик кўрсатишлари, зарур бўлганида “вертикал интеграциядан чиқиб, горизонтал алоқаларга кириттга оладиган” бўлишлари лозим. Ҳукуматнинг пухта ўйланмасдан қўйган қадамлари зудлик билан жаҳон иқтисодининг тегишли муносабатига сабаб бўлиши мумкин. У ёки бу мамлакат, минтақа тарихидаги гувоҳликлар ҳам бунга исбот бўла олади.

“Европа - Осиёнинг кичик бир оролчаси”, дея таъкидлаган эди француз шоири Поль Валери. Бу ифодада чуқур маъно яширинган. Европа тарихан Осиёдан кейин ривожланган; цивилизация бобидаги умуминсоний ютуқлар нуқтаи назаридан Европа ва Осиё ягона бирлик сифатида қаралиши мумкин. Шу билан бирга Кастелс, Хитой, Япония, собиқ СССР давлат ё жамият тараққиётга рағбат беришга ёхуд уни тўхтатиб қўйишга қодир эканлигининг тарихий сабоғидир, деб уқтиради.

Хитой дастлаб ўз кашфиётлари ва ишлаб чиқаришга жорий этган янгиликлари билан Европадан қолишмасди, ҳатто ундан илдам эди. Масалан, денгиз узра кемада сузиш санъатини хитойликлар европаликларга қараганда олдин такомиллаштирганлар. 960-йиллар атрофида хитойликлар компасни кашф қилишди, XVI асрга келиб хитой “жонка”лари дунёда океан оша узоқ сафарларга чидаш берган мукаммал кемалар бўлди. Қоғоз ишлаб чиқариш Хитойда Ғарбдагидан 1000 йил илгари ўзлаштирилди, китоб чоп этишга эса VII асрда киришилди. XIV асрда Хитой саноатлашиб кетишига бир баҳя қолган эди. Яккаланганлик, Ўрталиқ подшолигининг дунёдан ажралиб қолганлиги мамлакатни техник жиҳатдан қолюқликка олиб келди.

Япония ҳам яккаланиб қолиш даврларини бошидан кечирганлигига қарамасдан, деб ёзади Кастелс, ҳар ҳолда у янги пайдо бўладиган жараёнлар учун анча очик эди, шу боисдан ҳам бу ерда ўзгаришлар Хитойдагига қараганда жадалроқ юз берди. Ҳукуматнинг янгилашга қаратилган сиёсий йўли туфайли Японияда XIX асрнинг сўнгги чорагида электроника ва алоқа гуркираб ривожланди, бу эса унинг жуда қисқа муддатларда технология жиҳатидан юксалиб кетишига шароит яратди. Япония ахборот технологиялари соҳасида дунёда етакчи давлатга айланиш намунаси бўлса, собиқ СССР технология тараққиётига ўтишда муваффақиятсизликка учраган мамлакат мисоли бўлди.

Оммавий ахборот воситалари тадқиқотчиси Розалинд Эйнсли 1966-йилдаёқ чет эл капиталининг Африка мамлакатларидаги зўравонлиги маҳаллий матбуотнинг хорижий ОАВ билан рақобатлашувига йўл қўймайди, деб ёзган эди. У ривожланаётган мамлакатларда маҳаллий матбуот нашрларига нисбатан

кўпроқ Париж, Лондон ёки Нью-Йоркда нашр этилаётган газеталар оммавий равишда тарқаладиган бўлишини тахмин қилган эди. Оммавий ахборот воситаларига жамоатчилик фойдаланадиган корхоналар сифатида сармоя қўйиладими ёки бу соҳада хорижликларнинг муқаррар ҳукмронлиги билан муроса қилинадими, Африка шуни ҳозирроқ танламоғи лозим, дея уқтирган эди у.

Техникавий омиллар билан бир қаторда бу минтақанинг миллий ахборот органларига айрим ижтимоий ҳодисалар ҳам хавф туғдирди. ЮНЕСКОнинг “Курьер” журналида (1988 йил, август) шундай деб қайд этилган эди: “Бугунги кунда Африкада минг одамдан атиги ўн беш кишигина кундалик газета олиши мумкин. Айниқса, аҳолининг 80 % яшайдиган ва 800 сўзлашув тили мавжуд бўлган аграр ҳудудларда матбуотдан оммавий ахборот воситаси сифатида фойдаланиш катта муаммоларга дуч келмоқда”.

Глобал равишда интеграциялашган дунёда ютган ва ютқазганларни баҳолаш, Кастелс Лотин Америкаси, собиқ совет кенгликларидаги мамлакатлар ва янги Жанубий Африкадаги натижаларда фарқни кўради. Ва шундан келиб чиқиб хулоса қилади: турли хил давлат стратегиялари турлича натижаларга олиб келиши мумкин. Анча самарадор ҳукуматлар Япония ва Сингапур йўлидан боришяпти, қолоқлар эса тармоқли жамиятга нисбатан бир чеккада бўлиб қолмоқдалар ва “тиланчилик сиёсий иқтисоди” йўлини тутганлар.

Кастельс муомалага киритган “ахборотлашувчи капитализм”, “тармоқ (тармоққа боғланган, уланган) иқтисодиёт”, “тармоқ жамияти” истилоҳлари, бир томондан, янгича ўзаро муносабатлар вужудга келаётганлигига, “тармоқ жамияти” ўрнатилганлигидан туб-заминли ўзгаришлар юз бераётганлигига, тармоқлар бўлажак ижтимоий ташкилот учун замин яратаётганлигига эътиборни қаратишга даъват этилган. Иккинчи томондан, улар олимнинг капитализм - давримизнинг энг асосий таъриф-тавсифи, у - ўтмишдан келиб чиққан ва яшаб қолди маъносидаги ворисийликни; - кенгайди, мослашди ва электрон тармоғи орқали дунёда ўз мавқеини мустаҳкамламоқда мазмунидаги

порлоқ истиқболни ифодалайди, деган фикрини акс эттиради. Айни бир пайтда бу тармоқлар замонавий капитализм заифлигининг сабаби бўлиб хизмат қиларкан, иқтисодиётга ўз шартларини, иш услубларини ўтказди. Бу омилни ҳисобга олмаслик жадал нобарқарорликка, тадбиркорлик жараёнини барбод қилишга, унинг вайрон бўлиши ва таназзулига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам ахборотни олиш, қайта ишлаш ва таҳлил этиш воситасида ички ва ташқи муҳитдаги аҳволни доимий кузатиб бориш масаласининг мослашувчанлиги ва муҳимлиги алоҳида аҳамият касб этади.

2.4. Медиа, маданий ва касбий-ижтимоий даражадаги номутаносиблик

Бутун ер куррасини ўраб оладиган алоқа тармоқларининг ёйилиши технологик сабаблар, хусусан, сунъий йўлдош алоқасини, телекоммуникация ускуналарини такомиллаштириш тақозосидир. Бошқа томондан, юз бераётган жараёнлар таҳлили иқтисод, маданият ва медиа маҳсулоти ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Корхоналар бирорта муҳитга кириб боришлари, янги минтақа, истеъмолчиларни топишлари учун ўзлари таклиф қилаётган товарлар ва хизматлар яхши қабул қилинишини таъминлайдиган рамзий шакл, имиж акцияларидан фойдаланадилар. Реклама, клиплар, фильмлар, мусиқали лавҳалар, ҳазил-мутойиба, санъат, модалар намоёниши - буларнинг бари бозор, корхона, давлат манфаатига хизмат қилдирилган. Брендлар, маркалар, фирма белгилари муайян корпорация, ташкилот, машҳур кишининг жозибали тимсолини яратишга имкон беради.

Глобал инфосферанинг вужудга келиши, ўз навбатида, бир қатор муаммоларни ҳосил қилди. Медиа ТМК янги рамзий (ёки турли мазмундаги) муҳит, матн ва эфир материали, барча одамлар учун бирдек тимсоллар яратилишига, томошалар, кино ва видеомаҳсулотнинг кўп ададлаб чиқарилишига олиб келди. Кўплаб мусиқали, спорт кўрсатувлари, шоу-бизнес, мода дунё бўйлаб ёйилди. Буларнинг барчаси ижобий мазмунга эга бўлибгина қолмай, ҳали қудратли алоқа базасига эга бўлмаган ёки эндигина ҳалқаро

миқёсда тижоратчилик ва тадбиркорликка кадам қўяётган халқларнинг миллий маданиятлари ва ижтимоий ютуқларига маълум даражада хавф солади.

Медиа саноати мамлакатларнинг ахборот соҳасида технология жиҳатидан ривожланган ва камбағал, қолоқ мамлакатларга ажратилишига асос бўлди. Ф.Уэбстернинг қайд қилишича, 1990-йилларда америкаликларнинг йигирмата фильми бутун дунёда энг кўп даромад келтирган фильмлар бўлди. “Титаник”, “Самовий урушлар”, “Қора либосли одам”, “Алоуддин”, “Юра даври боғи”, “Форест Гамп” ва бошқа фильмлар шулар жумласидандир. Уларнинг барчаси 500 млн доллар, “Титаник”нинг бир ўзи эса 2 млрд доллар даромад келтирди. Германия, Англия, Италия, Франция, Испания, Австрия, АҚШда - ҳуллас, қаердаки кино бўлса, ҳамма жойда улар етакчилик қилишди. Шу тариқа талаблари ва муносабатлари турлича аудиторияларда умумий рамзий муҳит вужудга келтирилади. Лос-Анжелес ва Лондондан таралган рок мусиқа бутун дунёдаги ўз мухлисларини кийиниш ва ейиш-ичишда ўз пирларига тақлид қилишга мажбур этади.

Кастелс ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет ва умуман мультмедиа таъсирини ҳар томонлама қараб чиқади. У электрон почта устунлиги ва қулайлигини, электрон ҳамжамият пайдо бўлганлигини, алоқа воситалари интерфаоллигини ва бошқа ҳолатларни ажратиб кўрсатади. Тармоққа кириш имкони ва унга киришиб кетиш маданият учун энг муҳимдир. Кастелс айтганидек, истеъмолчи тармоққа боғланмаган экан, у тармоқ жамияти ҳаётида тўлақонли иштирок эта олмайди. Бироқ олимда маданий анъаналар нуқтаи назаридан компьютер тармоқларидан фойдаланишнинг айрим оқибатлари хусусида жиддий ўйлар пайдо бўлади. Унга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишдан олинадиган маданий самара демократик коммуникацияларнинг оддий имкониятидан кўра анча жиддий бўлиб туюлади. Тармоққа уланганлик учун унинг мантиқи, тили, “ўтиш балл”ига, кодировкаси ва декодировкасига мослашиш талаби тарзида нарх қўйилади, деб ёзади у.

Компьютер тармоқлари, Интернет, телевидение сингари оммавий алоқа тизимига муқобиллик қилади. Улар бир хиллаштирилган (хомогенизациялаш-

тирилган) аудитория учун марказлаштирилган ишлаб чиқариш ва кўрсатиш бўлимиш телевидениега хавфдан даракдир. Интернет пайдо бўлишига қадар алоқа технологияларидан фойдаланиш натижасида ижтимоий ҳаётни бўлакларга бўлиб кўрсатиш майли пайдо бўлган эди. Кабел ва сунъий йўлдош телевидениеси бу жараёни чуқурлаштириб юбориб, аудиториянинг турли бозорлари пайдо бўлишига олиб келди. Бу кўрсатиш-эшиттириш воситалари аниқ мақсадли аудиторияга эга бўлган ҳолда, уни олдиндан танланган ахборот билан таъминлайди. Натижада, бундай “табақалаштирилган ва хилма-хиллаштирилган дастурлар” томошабинларни ажратиб ташлайдиган бўлди. Кастелс келажакда дунё яхлит бир глобал қишлоқ бўлишини олдиндан хабар берган Маклюэнга эътироз билдирганнамо айтадики, биз дунёвий қишлоқда эмас, балки “алоҳида табақалаштирилган коттежларда” яшашимиз жуда эҳтимол кўринади. Маклюэн фикрини ўзгартириб, у “тееаде 18 Ше теёшт” - “хабар бериш воситаси - номадир“, яъни медиа аудиториянинг турли доиралари нимани талаб қилишса, нимага қизиқишса, ўшани узатади, деб ёзади. Бу умуммиллий телевидение қўллаб-қувватлаб турган умумий маданиятни бой бериш хавфини туғдиради. Зотан, медиамагнат Руперт Мёрдокга тегишли Согрогайоп ахборот маҳсулоти воқеалар ана шу тарзда ривожланишини тасдиқловчи далиллардан биридир.

Муайян ахборот маҳсулотининг турли доираларга бўлиб ташланган ҳамда ўйин-кулги ва хурсандчиликка йўналтирилган аудиторияга етказиб берилиши билан боғлиқ хонанишин, биқик турмуш тарзининг роли ошиб бораётганлиги ҳам ташвиш туғдиради. Кастелсни хавотирга соладиган нарса шуки, турмушнинг асосий қисмини кўнгилхушлик ташкил қиладиган бўлса, бу шунга олиб борадики, одамлар, оддий фойдаланувчилар интерфаол мулоқотни ўзлари амалга оширмайдиган бўлиб қоладилар. Дастурларни ишлаб чиқувчилар, продюсерлар, санъат ва кинематография соҳаси мутахассисларидан иборат марказлаштирилган кучлар бундай мулоқотни йўналтирадиган бўлади. Тармоқ жамияти муваққат чекловлар борган сари бекор қилина борадиган абадий оламни вужудга келтиради. Бу турмуш тарзларининг емирилиш,

маромийликнинг бузилиш хавфини юзага келтирадики, бунинг устига инсон ҳаётининг биологик босқичлари ҳийла-найранглар домида қолади. Инсон гўёки икки хил маконда – космополит сифатида глобал кенгликда, маълум этник, меҳнат гуруҳининг вакили ўлароқ маҳаллий муҳитда яшаётгандек таассурот туғдирувчи ҳолат жиддий физиологик зўриқиш келтириб чиқаради. Биринчи ҳолда у тармоқда етакчи роль ўйнаш, бошқарув элитаси муҳитида ҳукмронлик қилиш учун фаол алоқа билан машғул бўлади. Иккинчи ҳолда у бирликни йўқотмаслик, ўз гуруҳи, қариндош-уруғларидан узоқлашиб кетмаслик учун алоқа боғлаб туриши керак бўлади.

Телевидение ва тармоқ аудиторияси унга йўналтирилган материаллар, эшиттириш-кўрсатувлар, уларнинг мазмуни, таъсир кўрсатиш йўсинлари жиҳатидан ҳам ташвиш уйғотади. Европада, ҳамонки сен сиёсат билан шуғулланар экансан, телевидение билан иш кўрмаслигининг мумкин эмас, деган фикр таомилга айланиб қолган. Давлат етакчиларининг, сайлов кампаниясида қатнашувчи номзодларнинг сиёсий чиқишлари кўпинча улкан бир шоу тарзида берилади. Кўп ҳолларда бундай томошаларнинг персонажлари экранда реал чиқишлар билан навбатма-навбат кўрсатиб турилади. Матн билан аудиоқўриш йўсинларининг бундай омехталиги янги виртуал реалликни яратишга олиб келадики, ўз навбатида, бу муайян тажриба бўлиб яшаб қолади. Кастелснинг фикрича, мультимедиа - бу тизим бўлиб, унда реаллик тўлиқ илғаб олинган ва виртуал образларга, ўйлаб топилган оламга жо этилган, экранда акс этган ташқи тасвирлар шу оламдаги қандайдир тажрибадан хабар берибгина қолмасдан, ўзлари ҳам тажрибага айланади.

Ўйлашимизча, Кастелс экран саноати тараққиётининг салбий томонларини ҳам маълум маънода олдиндан кўра билган. Бугунги кунда ҳаётий тажрибага ва уйдирмани ҳақиқий фактдан ажратиш кўникмасига эга бўлмаган томошабин намоиш қилинаётган ҳамма нарсани ҳақиқат, воқелик деб қабул қилиши равшан кўриниб турибди. Табиийки, айрим томошабинларда ОАВ намоиш қилаётган лавҳалар, эпизодлар ва ўзларини “ҳаяжонга солган” хатти-ҳаракатлар психикасига тақлид қилиш, ўхшатма амал қилиб кўриш иштиёқи

туғилади. Компьютер ўйинлари, томоша қилинган жангари фильмлар, экранда кўрсатилган зўравонлик, ваҳшийлик сахналари таъсири остида ёшлар содир этган жиноятлар, қотилликлар, террористик ҳаракатлар сони кўпайгани бунга далилдир.

Жамиятнинг ижтимоий қатламларидаги бўлинишларда, фарқланишларда ҳам ўзгаришлар юз бераётганига эътибор қилмаслик мумкин эмас. Кастелс наздида, ахборотлашувчи капитализм жамиятнинг қатламларга ажралишини тубдан ўзгартириб юборди, Европада иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт Ташкилоти мамлакатларида аҳолининг 30 % ахборот меҳнати соҳасида бандлиги шундан далолат беради. Тармоқ жамиятининг ривожланиши аҳолининг илгаригидек қатламларга ажралиш шакллариининг ўзгариши ва тенгсизликнинг янги шакллари пайдо бўлиши билан бир вақтда давом этмоқда. Меҳнат билан капитал ўртасидаги илгариги тақсимот ҳам йўқолиб борапти. Фойдали натижани назорат қилишда асосий ролни экспертлар, кўп сонли акцияга эга гуруҳлар, топ-менежерлар, таҳлилчилар, электрон бошқарувчилар ўйнайдиган бўлишди. Улар замонавий компьютерлаштирилган ишлаб чиқаришнинг тепасидадирлар. Компаниялар фаолиятини йўналтирувчи кишилар уларга доимий ўзгариб турган шароитларда яшовчанликни сақлаб қолиш имконини берадиган ахборий кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Ҳозирги пайтда катта ҳажмдаги товарлар, хизматлар соҳиби бўлишнинг ўзи камлик қилади, бунинг устига кенг тармоқли ахборот, маълумотнома материалларига ҳам эга бўлиш даркор. Бусиз суръатни, истиқболни бой бериб қўйиш ҳеч гап эмас. Таҳлил қилишга, стратегияни белгилашга, самарали мулоқот олиб боришга ва оммавий ахборот воситалари ёрдамида тақдимот тадбирларини ўтказишга қодир ахборот ходимлари замонавий тадбиркорликнинг ўзагини ташкил қилади. Ўзларини дастурга тузган, зарур бўлган тақдирда ўқиш ва қайта ўқиш маҳоратини эгаллаган бу кишиларнинг аксарият қисми обрўли олий ўқув юртларини битирган, бизнесдаги ва лойиҳалаштиришдаги шахсий иштироклари баён этилган салмоқли ҳужжатларга эга мутахассислардир.

Бугунги янги дунёда ахборотлашган меҳнат асосий қийматни ишлаб чиқарувчи бўлиб қолмоқда ва унга юксак талаблар қўйилади. Илгариги ишчилар синфи тезда мослашувга, суръатни ушлаб туришга ва “сахнани” ўз вақтида тарк этишга қодир эмаслиги очиқ-ойдин бўлиб қолди. Глобаллашган дунёда у ўзини ночор сезади. Малакасиз ва яхши тайёргарликдан ўтмаган ишчи кучи жамият назар-эътиборидан четда қолади. Бу одамлар энг яхши деганда, ўзларига кам ҳақ тўланадиган иш топа оладилар, омад кулиб боқмаса - турли жинойткор гуруҳлар қўлига, уюшган жинойтчилик муҳитига тушиб қоладилар. Ғарб мамлакатларида, деб қайд этади тадқиқотчи, билимсиз, ахборотлашувчи капитализм корига ярамайдиган одамлар “тўртинчи дунё”ни ташкил қилади, чунки улар учун глобаллашган капитализмда керакли роль ҳам, кўникмалар ҳам қолмаган (шаҳарлик қашшоқлар, АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги геттолар аҳолиси шундайлар жумласидандир). Натижада йирик мегополис-шаҳарларда жаҳон иқтисодий тизимининг марказига айланган ахборотлашган ходимлар қаторида камбағаллар, ўз синфи билан алоқасини йўқотган аҳоли қатламлари яшашади. Бундай аянчли аҳволдан чиқиш йўли фақат бир нарсада кўринади: илгариги “умумий типдаги ходимлар” билим олиш ва ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш кўникмаларини ўзлаштириш орқалигина янги иқтисодиёт талабларини қондира оладилар.

Тармоқ жамияти ўхшашликнинг ўтмишга мурожаат қилинмайдиган янги шаклини ҳам яратади. Бу ерда эътибор марказида ижтимоий ҳаракатлар туради, деб ҳисоблайди Кастелс. Улар қадриятларни, жамият институтларини ўзгартирадиган ва инсонга унинг ўхшашлик бобидаги асосий унсурларини ато этувчи мақсадга йўналган жамоавий ҳаракатларни намоён қиладилар. Меҳнат бозорида ахборот ходимлари саноатлашган жамиятнинг илгариги ишчилар синфи ўрнини босган ўзига хос янги синф бўлиб қолди, деган фикрга ҳам йўл берилади. Ижтимоий ҳаётда ҳам аввалги синфий ажратишлар йўқолиб, сиёсий жиҳатдан уюшувнинг бошқа, янги шакллари пайдо бўлаётир. Тармоқ жамияти қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатини ва “лойиҳалаштирилган ўхшашлик” ҳаракатини дунёга келтиради.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1.Ахборот асри деганда нимани тушунасиз?

2.Ахборотлашган жамият бу нима?

Ахборотлашган жамиятга доир назариялар ҳақида нималар дея оласиз?

3.Тармоқ жамияти назариясининг пайдо бўлиши нима сабаб блди?

4. Медиа, маданий ва касбий-ижтимоий даражадаги номутаносиблик деганда нимани тушунасиз?

Мустақил иш учун мавзулар:

1.Ахборот асрининг мазмун-моҳияти.

2.Ахборотлашган жамиятга доир назариялар.

3.Тармоқ жамияти назариясининг пайдо бўлиши.

4. Медиа, маданий ва касбий-ижтимоий даражадаги номутаносиблик.

АХБОРОТ МАКОНИ – ИНСОНИЯТ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Ахборот макони. Ахборот макони тушунчаси, ахборот жараёнлари, ахборотни қабул қилиш, ахборот тизимлари, автоматлаштирилган ахборот тизимлари.

Ахборотлашув жараёнининг жамият тараққиётига таъсири. Ахборотлашув жараёнининг мазмун ва моҳияти, ахборотлашув жараёни жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий ўзгаришларига жиддий таъсир кўрсатиши, ахборотлашув жараёнининг жамият тараққиётига таъсири.

Ахборотлаштиришнинг ҳуқуқий асослари. Ахборотлаштиришнинг ҳуқуқий асослари тушунчаси, конституция, фуқаролик, жиноий ва солиқ кодекслари, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

Таянч тушунча ва атамалар: Ахборот макони тушунчаси, ахборот жараёнлари, ахборотни қабул қилиш, ахборот тизимлари, автоматлаштирилган ахборот тизимлари, ахборотлашув жараёни, ахборотлашув жараёнининг жамият тараққиётига таъсири, ахборотлаштиришнинг ҳуқуқий асослари, конституция, фуқаролик, жиноий ва солиқ кодекслари, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

3.1. Ахборот макони

Бугунги кунда ахборот жуда кенг ва ҳар тарафлама тушунилади. У иштирок этмаган билим соҳасини топиш қийин. Жуда катта ахборотлар “информация” яъни “ахборот” тушунчаси майдони ҳақиқатдан ҳам одамларни маҳкам ўраб олади.

Хўш, ўзи аслида ахборот нима? Ахборот-шахс, факт, предмет, воқеа-ҳодиса ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлар.

Маълумки, ахборот ҳар хил бўлиши мумкин, яъни узатилган маълумотлар, компьютерда сақланган ахборотлар, кўчирмалар, хат ёки эсдалик ёзувлар, архивлар, формулалар, схемалар, диаграммалар, маҳсулот моделлари, асл намуналар, диссертациялар, суд ишлари ва бошқалар.

Бошқа маҳсулотларга ўхшаб информация ҳам ўз фойдаланувчиларига, харидорларига эга. Шунинг учун ҳам у маълум бир миқдорларига эга. Ахборот қабул қилувчилар ва ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган хусусиятларига эга. Миқдорлар нуқтаи назарига кўра, фойдаланаётган информациянинг сифати қўшимча молявий ва маънавий самара бериши керак. Тарқатувчилар нуқтаи назаридан эса, ахборот муҳим тижорат сирининг сақланиши, ишлаб чиқариш бозорида товарларни сотиш ва хизмат кўрсатишда, омадли рақоботлаштишга имкон бериш керак. Бу табиийки, сир сақланиши керак бўлган ахборотни ҳимоя қилишга таъсир кўрсатишни талаб этади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлат ахборот инфраструктурасининг ривожланиши жамият ва давлатнинг ҳамма жабҳаларини, жумладан, одамларнинг дунёқарашини ва уларнинг меҳнат, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда иштирок этиши шартларини ўзгартириб, жамият ривожланишини тезлаштиради. Ҳар хил ахборот технологиялари, автоматлаштирилган системалар ва маълумотлар базаси давлат структураларини, иқтисодиётни ва мамалакат мудофаасини бошқаришнинг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Ахборот идрок этувчи субъект ёки техник қурилма томонидан қабул қилинибгина қолмасдан, дастлабки манбадан ажралган бўлиши керак. Натижада ахборот устида амаллар бажарилади. Бу амаллар тўплами ахборот жараёнини ташкил этади.

Ахборот жараёнлари - бу ахборотларни қабул қилиш, йиғиш, ишлов бериш ва узатиш жараёнидир. Ахборот доимо моддий-энергетик шаклда, жумладан сигнал кўринишида намоён бўлади. Сигнал турли-туман физик табиатга эга бўлиши мумкин. Ахборот жараёнида, сигнал манбадан қабул

килувчига, ундан эса манзилга ахборотни ташиш вазифасини бажаради. Ахборот узатиш жараёни — кўп босқичли бўлиб, сигнал ҳар бир этап оралиғида физик хусусиятини ўзгартириши мумкин. Бунда ахборотни ташувчи сигналнинг ўзаро бир қийматлилиги, узатишнинг объективлиги ва батафсиллиги, қабул килувчи субъектнинг қабул қилиш имконияти тўғрисидаги масалалар юзага келади. Ахборот узатилиши - бу ахборот жараёнининг бир қисмини ташкил этади. Аслида ахборот жараёни у ёки бу манбада жойлашган ахборотни қабул қилиш ва қайд этишдан бошланади. Ахборот турли шовқинлардан ажратилади. Сигнални шаклланиш жараёни тугалланиб, унинг ёрдамида ахборот узатилади. Сигнал дискрет шаклда ифодаланиши мумкин бўлган аниқ тузилишга эга. Компьютернинг ишлаши дискретлаштирилган сигналларни узатиш тамойилига асосланган бўлиб, у формал-мантикий амалларни бажаради. Объектлар образини субъектив қабул қиладиган инсондан фарқли ўлароқ, компьютер объектнинг турли белгилари кодларини қабул қиладди.

Инсон ва компьютернинг ахборотни қабул қилишдаги принципиал фарққа қарамасдан иккаласида ҳам ахборот жараёни маълумотни қабул қилиш ва уни ажратишдан бошланади. Ахборотнинг ўзи — электр, акустик, оптик ва шулар каби физик каналлар орқали узатиш учун қулай бўлган сигнал мазмунидир.

Ахборотни қабул қилиш — уни бошқа субъект ёки қабул қилиш қурилмаси томонидан иккиламчи қабул қилинишидир. Ахборотларга ишлов бериш инсон ёки техник қурилма, жумладан компьютер томонидан амалга оширилади. Компьютерда ахборотларга ишлов беришнинг маъноси - қатъий дастур ёки алгоритм бўйича келаётган маълумотларни рақамли ёки аналогли қилиб ўзгартиришдир. Маълумотларга ишлов бериш ва бирор масалани ечиш учун компьютерда унча кўп бўлмаган ўзгарувчилар тўплами бўлиши керак. Компьютердан фарқли ўлароқ, инсон маълумотларни фикран ва мантиқан қайта ишлаш қобилиятига эга. Ахборот жараёни истеъмолчига ахборотни тақдим этиш, яъни турли кўринишдаги тасвирларни намоиш ва қарор қабул қилиш

билан тугалланади. Маълумотларни сақлаш муҳим босқич бўлиб, у бошқа босқичлар оралиғидаги ҳолатни эгаллайди ва ахборот жараёнининг ихтиёрий этапида амалга оширилиши мумкин.

Шундай қилиб, компьютер маълумотни қабул қилишдан бошлаб то унга ишлов беришнинг тугалланишигача бўлган ахборот жараёнининг ихтиёрий босқичида қўлланилади. Ҳар бир ахборот жараёнининг мазмуни ушбу ахборотга ишлов берилаётган соҳа фаолияти билан аниқланади. Ахборот жараёнлари мураккаблик даражаси билан фарқланади.

Ахборот жараёнининг анча содда бўлган кўриниши - маълумотлардан нусха олишдир. Бошқарув жараёнлари эса энг мураккаб кўринишига тааллуқлидир.

Ахборот тизимлари - маълумотларни сақлаш, қидириш ва фойдаланувчилар сўровига биноан уларни тақдим этиш вазифасини бажарувчи тизимдир.

Ахборот тизимларининг замонавий талқини шахсий компьютерни ахборотларни қайта ишлашда қўлланиладиган асосий техник восита сифатида назарда тутаяди. Агар, ахборотга ишлов беришда инсоннинг роли инобатга олинмаса, ахборот тизимларининг техник жиҳатдан тадбиқ этилиши ўз-ўзидан ҳеч қандай маъно касб этмайди.

Автоматлаштирилган ахборот тизимлари — турли-туман ташкилотлар бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган, автоматлаштирилган тарзда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва узатишни таъминловчи инсон-машина тизимидир.

Автоматлаштирилган ахборот тизимлари, маълумотларни қайта ишлаш бўйича барча амаллар автомат тарзда, инсон аралашувисиз, лекин унга назорат вазифалари қолдирилган ҳолда бажарилиши билан тавсифланади. Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг асосий ташкил этувчиси ахборот технологиялари (АТ) бўлиб, унинг такомиллашуви ахборот тизимларининг ривожланиши ва фаолияти билан узвий боғлиқдир.

Автоматлаштирилган ахборот технологияларининг асосий мақсади — дастлабки маълумотларни қайта ишлаш воситасида янги сифатга эга бўлган ахборотларни олиш бўлиб, шунинг асосида оптимал бошқарув қарорларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Бунга ахборотнинг интеграциялашуви, унинг долзарблиги ва бир-бирини инкор этмаслигини таъминланиши, бошқарув аппарата фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг сифат жиҳатдан янги шакллари жорий қилиш ва ишлатиш учун замонавий техник воситалардан фойдаланиш ҳисобига эришилади.

Ахборот технологиялари қайта ишланаётган ахборотлар ҳажмининг шиддат билан ортишига қарамасдан бу ахборотларни қайта ишлаш муддатини сезиларли қисқартирилишига олиб келади. АТ бошқарувда ахборот ресурсларидан фойдаланиш жараёнида энг муҳим ташкил этувчиларидан ҳисобланади.

Ахборот технологиялари учун автоматлаштирилган ахборот тизимлари - маълумотларни ўзгартириш учун қўлланиладиган восита ваусуллардан ташкил топган муҳитдир. Ахборот технологиялари ахборот тизимида айланувчи ахборотлар устида бажариладан аниқ регламентланган қоидалардан иборат жараёндир.

Ахборот технологиялари ташкилий бошқарув ахборот тизимларининг асосий ташкил этувчиси ҳисобланади, у бевосита

Ахборот тизимлари ва ахборот технологияларини яратиш мураккаб лойиҳалаштириш жараёнидир. У ташкилотда янги яратилаётган ахборот - технологик муҳит орқали бошқарув аппарата фаолиятини қисман ёки тўлиқ қайта кўриб чиқишни ўз ичига олади. Шу сабабли лойиҳалаштиришнинг мақсади лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва ташкилот бошқарувининг инсон-машина тизимини жорий этишдан иборат. Бундай тизим асосини мутахассис-менеджерларга маълумот жиҳатдан хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган натижавий ахборотни олишнинг автоматлашган технологияси ҳамда уларни реал вақт режимида асосланган қарорлар қабул қилишлари учун кўпвариантли ҳисоб-китоблар билан таъминлаш ташкил этади.

Лойиҳалаштириш жараёнида ОАВлари бўлинмасининг муҳим бўлган тавсифлари аниқланади, унинг ички ва ташқи ахборот оқимлари ўрганилади, ўрганилаётган тизим ва уни элементларининг математик ва физик аналоглари яратилади, инсон ва бошқарувнинг техник воситаларининг ўзаро муносабат шароитлари ўрнатилади. Асосий эътибор, ахборот тизимларининг умумий архитектурасини батафсил ишлаб чиқиш ҳамда унинг алоҳида объект ва элементлари бўйича лойиҳа қарорлари, уларнинг таҳлили, амалий апробацияси ва жорий этилишига қаратилади.

Ахборот тизимларини технологик жиҳатдан қараб чиқилганда бошқарув аппаратини алоҳида ажратиш мумкин. Қолган ташкил этувчилар — ахборот технологиялари, функционал масалаларни ечишнинг ахборот тизими ва қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизими - ахборот ва технологик жиҳатдан ўзаро боғланган бўлиб, ахборот тизими тузилмасининг асосини ташкил этади.

Ахборот технологияларининг лойиҳалаштириш объекти сифатида, маълумотларни йиғиш, узатиш, тўплаш ва сақлаш процедурасини амалга оширувчи, уларни фойдаланувчига қулай кўринишда қайта ишлаш ва ҳисоб-китоблар натижаларини шакллантирувчи таъминот тизимлари олинishi мумкин.

Инсоният замонавий тараққиётининг бугунги таҳлили глобал информацион жамиятнинг бўсағасида турганлигимизни тасдиқлаётир. Жамиятдаги шиддатли ўзгаришлар ижтимоий ва шахсий ҳаётда улкан эврилишларни назарда тутмоқдаки, бу шубҳасиз, информацион жамиятнинг шаклланиш шароитида аниқ бир ўлчамга эга бўлган давлат ахборот сиёсатига заруриятни кучайтиради. Айниқса, унинг аҳмияти ахборий кураш кучайган пайтда янада сезилади.

Ўзбекистон Республикаси ахборот соҳасидаги давлат сиёсати ахборот хуружлари кучайган бир даврда қатор ташқи давлатлар томонидан ахборий уруш концепцияларининг ишлаб чиқилишини ташқи таҳдид даражасида кўриб чиқишни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон давлат ахборот сиёсатини амалга оширишнинг асослари

бўйича давлат дастурининг ишлаб чиқилиши давлат ахборот сиёсатининг ахборот хуружлари даврида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимининг асосий компоненти сифатида намоён бўлади. Шу билан бир қаторда таҳлиллар бугунги ахборот сиёсатининг метод ва шаклларида умумий принциплардан фойдаланишнинг самараси паст эканлигини кўрсатмоқда. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг давлат бошқаруви методлари ва шакллари талқин этишнинг долзарблиги қуйидаги омиллар билан белгиланади.

Биринчидан, бугун Ўзбекистон ахборот хуружларига қарши тура оладиган давлатнинг самарали тизимини яратишга муҳтож. Зеро, қатор хорижий давлатлар томонидан олиб бориладиган ўзига хос махсус ахборий-психологик урушнинг хусусиятлари бизга маълум.

Иккинчидан, ахборот сиёсатини тиғиз ахборотлашган жамият муаммоларини назарда тутган ҳолда ҳозирги замонавий талаблардан келиб чиқиб, янгилаш, модернизация қилиш зарур. Ахборот орқали юзага келадиган мафкуравий можаролар шароитида давлат ахборот сиёсатининг вазифаси жамиятни салбий ахборий мафкуравий хуруждан ишончли сақлаш, қатъий ҳимоя қилиш механизмининг яратиш билан белгиланади. Ҳар бир янги ахборий мафкуравий можаро ҳимоя қилинаётган жамият учун янги таҳдидларни келтириб чиқариши мумкин. Демак, мафкуравий таҳдид қанча кўп бўлса, жамиятда кўрқув, ҳадик ва ишончсизлик шунча кўп бўлади. Ана шундай маънавий, руҳий, ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, жамият кайфиятини мувофиқлаштириб, йўналтириб, бошқариб туриш муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тушунчаси маълум бир ҳалқ, миллат, мамлакат ҳаётида жиддий ижтимоий хавф туғдириши мумкин бўлган замонавий - руҳий ахборот технологиялари имкониятларидан тинчлик ва барқарор тараққиёт йўлида унумли фойдаланиш, уни бошқариш, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий манфаатларга сиёсий тус бермаслик усулларида фойдаланишни тақозо этади.

Бизнинг назаримизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш сиёсати – бу бевосита сиёсий можароларнинг олдини олиш, энг аввало инсоннинг ўзини ўзи

тушуниши ва фуқаролараро муносабатларни юксак маънавий-маърифий мезонлар асосида шакллантириш, замонавий инсонпарвар тафаккурни, ижодкорлик руҳини, яратувчилик қобилиятини, бунёдкорлик қобилиятларини шакллантиришни тақозо қилади.

Жамиятни бошқариш, ҳозирги замон меъёрлари асосида кишилик тараққиётини таъминлашнинг янги усул ва услубларини қидириб топиш зарур. Жумладан сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-психологик ва ахборот тизимини бошқариш каби қатор, бир-бирига узвий боғлиқ бўлган йўналишларда бошқарувнинг энг мақбул йўлни топиш, бевосита ҳокимиятга ишончни тула шакллантириш, жамият ва давлат тараққиётини таъминлашда фуқаролар яқдиллигини маънавий ва ғоявий жиҳатдан бирлигини таъминлаш зарур.

Тўртинчидан, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси маълум бир ҳалқ, миллат, мамлакат ҳаётида жиддий ижтимоий хавф туғдириши мумкин бўлган замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан тинчлик ва барқарор тараққиёт йўлида унумли фойдаланиш, уни бошқариш, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий манфаатларга сиёсий тус бермаслик усуллардан фойдаланишни тақозо этади. Жамият шу даражада шаклланиши лозимки, унинг аъзолари тигиз ахборотлар бозоридан умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотнигина танлаб олсин. Ахборот олиш кафолати бу бевосита шахсий манфаатдан устун турадиган, умуммиллий манфаатга дахлдор бўлган қадриятга айланмоғи лозим. Ана шундай шароитда қандай мазмундаги ахборотни тарқатишни ман этиш, жамиятнинг психологик ҳолатига салбий таъсир этувчи, ижтимоий, миллий, этник, диний тафовут ва келишмовчиликларни кучайтирувчи, зўравонлик ва урушни тарғиб этувчи, порнография, маиший бузуқлик, шахслар мавқеига, обрўсига ва шаънига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралашнинг норасмий, виждон билан боғлиқ бўлган, соғлом ақл ва юксак тафаккурга таянган маънавий-руҳий меъёрлари вужудга келади.

3.2. Ахборотлашув жараёнининг жамият тараққиётига таъсири

Ахборотлашув жараёни жамиятдаги иқтисодий ҳамда ижтимоий-маданий ўзгаришларга жиддий таъсир кўрсатади. Ғарб социологлари фикрига кўра, ахборотлашган жамият:

- техника соҳасида - ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, таълим ва маиший ҳаётган ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши;
- иқтисодий ҳаётда - ахборотнинг товарга айланиши;
- ижтимоий ҳаётда - ахборот турмуш, ҳаёт даражаси ўзгаришининг асосий омилига айланиши;
- сиёсий соҳада – кенг миқёсда фикр алмашишга замин яратувчи хилма-хил ахборотларни эркин олишга йўл очилиши;
- маданият соҳасида - ахборот алмашинуви давр эҳтиёжларига жавоб берадиган нормалар ва қадриятларнинг шаклланиши билан характерланади.

Айни пайтда ахборотлашган жамият:

- уйда ишлашнинг кенгайишига, транспорт ҳаракатининг камайишига ва бунинг оқибатида табиатга тушадиган “юк”нинг кескин қисқаришига олиб келади;
- иш кунининг қисқариши, одамларнинг уйда кўпроқ бўлишига оилавий муҳитнинг барқарорлашишига замин яратади;
- кейинги юз йилликларда кишилар шаҳар яшаш ва ишлаш учун энг қулай макон, деган хулосага келдилар. Ахборотлашув жараёни эса, қишлоқдан туриб ҳам бутун олам билан мулоқот қилиш, энг обрўли ташкилотларда ишлаш, шаҳар аҳолиси баҳраманд бўлаётган маданият ютуқларини истифода этиш имконини яратади. Бу эса, ўз навбатида нисбатан осуда ва тинч бўлган, табиатга яқин қишлоқларга қайтиш ёки у ерда доимий қолиш учун замин яратади;
- масофавий таълим билим олишнинг энг қулай шаклига айланиш баробарида, аҳолининг кенг қатламлари учун ҳатто энг элитар олий таълим муассасалари эшикларининг очилишига замин яратади. Содда қилиб айтганда,

маълумотлилик кўп даражада инсоннинг хоҳиш иродасига боғлиқ бўлиб қолади.

Айни пайтда, ахборотлашув жараёни бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда:

“Юмшоқ эротика”дан тортиб “очиқ порнография”гача бўлган ходисалар билан боғлиқ муаммолар ана шулар жумласидандир. Бундай ҳолатларнинг олдини тўла-тўқис олиб бўлмайди. Зеро, ахборот тармоқларининг узилишларсиз ишлаши унинг муҳим сифатий белгиси ҳисобланади. Ва бу жараён доимий такомиллашувни бошдан кечирмоқда. Демак, юқоридаги каби муаммолар йўлига қанчалик тўсиқ қўйилмасин доимо уларни айланиб ўтиш имконияти мавжуд бўлади.

Яна бир муаммо муаллифлик ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ. Шундай экан, ахборот тармоғида кўпчилик кўра олмайдиган ҳудудлар юзага келиши табиий. Бугунги кунда компаниялар ўз ахборотларини ҳимоя қилиш ва рухсат этилмаган ташрифнинг олдини олиш учун катта маблағлар сарфланаётгани ҳам шундан.

Шу билан бирга муайян ахборотлани яширишдан тортиб, уни ноқонуний равишда эълон қилишгача бўлган кўринишларда намоён бўладиган суистеъмолликлар ҳам келиб чиқиши мумкин.

Ахборот турли ижтимоий қатламлар, профессионал ва миллий гуруҳлар вакилларига ҳар хил таъсир қилиш баробарида уни суистеъмол қилиш амалиёти турли гуруҳларда бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Бу энг аввало, ахборот манбаи минимал (телевидение, радио), айримларда эса кенг (интернет, янги телекоммуникациялар тизими) бўлиши мумкин.

Мутахассислар фикрига кўра, бугунги кунда жамиятда айнан ахборотни олиш, унга йўл топиш соҳасида кескин бўлиниш, табақалашув содир бўлмоқда.

Ёшлар ўзининг ҳаракатчанлиги ва янгиликка интилувчанлиги ҳамда ўз вақт ресурсига эгаллиги туфайли юқори даражада коммуникатив фаоллик кўрсатишади. Бошқа гуруҳларда эса, нисбатан пассивлик кузатилади. Уларга хос бундай хусусиятлар салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Бу биринчи гуруҳ учун тобора фаоллашаётган агрессив сиёсий таъирга берилиб кетиш хавфини мавжудлигида, иккинчи гуруҳнинг эса, позитив мазмунга эга ахборотлар таъсиридан ташқарида қолишда ифодаланади.

3.3. Ахборотлаштиришнинг ҳуқуқий асослари

Амалдаги қонунчилик мавжуд ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) ривожланиш даражасини тартибга солади, телекоммуникация ва ахборот технологиялари бозорига кириш тартибини аниқлайди, бу бозордаги субъектларнинг умумий фаолият тамойилини ўрнатади, уларнинг солиқ тўлаш шартларини, қонунчилик бузилишига жавобгарлик даражасини белгилайди. Ҳозирги кунда ушбу соҳа фаолияти 17 тадан ошиқ қонунлар, жумладан Конституция, фуқаролик, жиноий ва солиқ кодекслари, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тартибга солинади.

Қуйида Ўзбекистоннинг АКТ соҳасидаги сиёсатини аниқловчи махсус қонунлар рўйхати келтирилган:

- "Алоқа тўғрисида"ги Қонун;
- "Телекоммуникация тўғрисида"ги Қонун;
- "Радиочастота спектри ҳақида"ги Қонун;
- "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонун;
- "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонун;
- "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонун;
- "Муаллифлик ҳуқуқи ва аралаш ҳуқуқ тўғрисида"ги Қонун;
- "Айрим фаолият турларни лицензиялаш тўғрисида"ги Қонун;
- "Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базаси учун дастурларни ҳуқуқий қўриқлаш тўғрисида"ги Қонун;
- "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Қонун;
- "Электрон ҳужжатлар айланиши тўғрисида"ги Қонун;
- "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонун.

Қонунчилик блокининг катта қисмини Президент фармонлари ва давлат қарорлари ҳамда АКТнинг ривожланишини тартибга солиб турувчи соҳавий меъёрий актлар ташкил қилади. Ахборотлаштиришнинг янги хизмат кўрсатиш турларини ривожлантириш ва тартибга солишнинг ҳуқуқий асосини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон ҳужжатлар айланиши тўғрисида», «Электрон тижорат тўғрисида», янги таҳрирдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

АКТнинг ривожланиши билан ахборот технологияларидан фойдаланиб давлат ва инсонлар зарар етказиши мумкин бўлган ноқонуний ҳаракатларни содир этиш хавфи ортмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 2002 йил 30 майдаги ПФ - 3080 - сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора - тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 6 июндаги 200-сонли Қарорлари асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида ахборотлаштиришни ривожлантириш концепцияси»га асосан қуйидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифалари аниқланган:

- ахборот хавфсизлиги соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

- Ўзбекистон Республикасида ахборот ва компьютер технологиялари соҳасидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини яратиш ва маълумотлар узатиш тармоғига киритилган ҳимоялаш воситаларининг самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни ахборот хавфсизлиги талабларига жавоб беришини текшириш мақсадида экспертиза ўтказиш ҳамда ахборотларни ҳимоялаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

- ахборотларни криптографик ҳимоя қилишнинг воситаларини ишлаб чиқиш ва маълумотлар узатиш тармоғида ҳамда Интернет тармоғига киришда ахборотларни ҳимоялаш воситалари тизимини қўллаш;

- киберхавфсизлик маданиятини жорий қилиш ва қўллаш;
- шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги ва ҳимоясини таъминлаш.

Бу вазифаларни бажариш ахборот ресурсларини бутунлигини таъминлашга, ноқонуний йўқ қилиш, шаклини ўзгартириш, бузиш, нусха олиш, ахборотни тўсиб қўйиш ҳамда бошқа ахборот тизим ва тармоқларига ноқонуний аралашининг олдини олишга омил бўлади. Ҳукумат томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги фаолиятларни ташкиллаштириш ва такомиллаштириш ҳамда ахборот хавфсизлиги масаласи бўйича қатор қарорлар қабул қилинган.

Миллий ахборот-коммуникация тизимлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2005 йили Компьютер инцидентларига жавоб бериш хизмати (UZCERT) ташкил этилган.

UZ-CERT миллий ахборот тизими ва Интернет тармоғи сегментида компьютер инциденти (можораси) бўйича ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилишни таъминловчи, фойдаланувчига ахборот хавфсизлигини бартараф қилишда маслаҳат бериш ва техник кўмаклашиш бўйича ягона марказ ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқи қонунчилигимизда ҳам бошқа объектлар сингари ахборот тушунчаси объект сифатида қабул қилинди. Ахборот ўз бозорига эга. Бозорга эга бу товар моддий бойликларига ва қийматига эга янги кўринишдаги объект ҳисобланади. Биз уни кўз билан кўрмасак-да ёки тасаввур қилмасакда, қўлимиз билан ушламасак-да маълум бир қийматга эга. Ўша бозорларда ўзининг ҳаракатланувчи кучига эгалиги, айниқса, хорижий мамлакатларда айрибошланиши билан бугунги кунда катта қийматга эга бўлиб бораяпти. Қолаверса у даромад манбаи бўлиб, янги объект ҳисобланади. “Ахборот олиш эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ахборотнинг ўзи нима, унинг ҳуқуқ эгаси, мулкдори ким, улар ўртасидаги муносабатлар қандай тартибга солинади, умуман ахборот билан бўлган муносабатлар қай даражада ўрнатилади деган масалаларга

ойдинлик киритилган. Яъни, таъкидлаб ўтган асосий тушунчаларга қуйидаги таърифлар берилган.

Ушбу конунда ахборотнинг қандай тайёрланиши, қандай айрибошланиши, ахборотни тайёрловчи ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатлар қандай фарқланиши, умуман давлатга тегишли ахборотлар, хусусий ахборотлар, хавфли ахборотлар, хавфсиз ахборотлар каби қатор қоидалар ўрнатилган бўлиб, бу бевосита ахборотнинг объект эканлигини тан олдиради. Демак, шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мана шу тўпланган маълум бир моддий қийматга эга бўлган, кишиларнинг онги, тафаккури, тасаввурига таъсир этадиган у ёки бу кўринишдаги фикрни шакллантиришга хизмат қиладиган ахборотлар мажмуи: босма ахборотлар, даврий нашрлар, эфирдаги ахборотлар (РВ, ТВ), электрон тизим яъни, интернет тармоғидаги ахборотлар бўладими, бу ахборотларни ички ва ташқи манбалардан ҳимоя қилиш зарур. Бу муносабатлар “ахборот хуружи” деган тушунча билан таърифланади. Демак, ахборот хавфсизлиги дегани, республика ҳудудида мавжуд бўлган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, фуқаролар умуман жамиятда истеъмолда бўлган ахборотларнинг эркин ва қонуний айланувини ҳимоя қилиш ва таъминлашдир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1. Ахборот макони деганда нимани тушунсиз?*
- 2. Ахборотлашув жараёнининг жамият тараққиётига таъсири нималарда кўринади?*
- 3. Ахборотлашув жараёнининг мазмун ва моҳияти нима?*
- 4. Ахборотлашув жараёни жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий ўзгаришларига жиддий таъсир кўрсатиши нималарда намоён бўлади?*
- 5. Ахборотлаштиришининг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?*

Мустақил иш учун мавзулар:

- 1. Ахборот макони ҳақида.*
- 2. Ахборотлашув жараёнининг жамият тараққиётига таъсири.*
- 3. Ахборотлаштиришининг ҳуқуқий асослари*
- 4. Ахборотлашув жараёни жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий ўзгаришларига жиддий таъсир кўрсатувчи омиллар.*
- 5. Ахборотлаштиришининг ҳуқуқий асослари*

АХБОРОТ СОҲАСИ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Ахборот глобаллашуви жараёнининг мазмуни ва хусусиятлари. “Глобаллашув” сўзининг маъноси, ахборот глобаллашуви жараёни, глобаллашув жараёнининг қонуниятлари, ахборот глобаллашувининг характерли хусусиятлари, ахборотнинг глобаллашуви сайёрамиз бўйлаб кенг ёйилиши.

Глобаллашув даврида оммавий коммуникация воситалари ривожланишининг янги йўналишлари. Глобаллашув даврида оммавий коммуникация воситалари ривожланиши, интернетнинг оммавий коммуникация воситаси сифатидаги афзалликлари, интернетнинг оммавий ахборот воситаси сифатидаги камчиликлари.

Дунё ахборот маконида давлатларнинг ўзаро ҳамдўстлиги ва кураши. Дунё ахборот маконида давлатларнинг ўзаро ҳамдўстлиги, ахборот маконида давлатларнинг ўзаро кураши, ахборот даври технологияларининг ривожланиши оқибатида сайёрамиз ҳудудининг геосиёсий кураш майдонига айлантирилиши.

Ахборот оқимлари шароитида цивилизациялар ҳолати. Ахборот оқимлари шароитида цивилизациялар, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар риоя қиладиган ахборотнинг эркин оқими, трафдорларини кўпроқ ривожланаётган мамлакатлар ташиқил этадиган иккинчи - янги умумжаҳон ахборот тартиби, Осиё мамлакатлари ва цивилизация.

Таянч тушунча ва атамалар: Глобаллашув жараёни, ахборот оқимлари, оммавий коммуникация, ахборот оқимлари, цивилизация, очик ахборот тизимлари, оммавий ахборот воситалари, ахборий таҳдид, ахборот соҳасидаги миллий манфаатларга, ахборот соҳасида шахс ва жамиятз манфаатларига таъйик, ахборот қарама-қаршилиги, жамиятнинг ахборий хавфсизлиги, давлатнинг ахборий хавфсизлиги.

4.1. Ахборот глобаллашувининг мазмуни ва хусусиятлари

“Глобаллашув” сўзи лотинча (ер шари)дан олинган. Глобаллашув деб, маълум бир ғоя ёки махсулотнинг сайёрамиз бўйлаб тарқатилишига айтилади. Аксарият мутахассислар наздида, глобаллашув иқтисодий жараёнлардан бошланган. Бунга гўё америкалик олим Томас Левитт 1983 йилда “Харвард бизнес ревью” журналида эълон қилган “Бозорлар глобаллашуви” номли мақола сабаб бўлган. Фикримизча, ахборот глобаллашувини даврлаштиришга бундай ёндашув унча тўғри келмайди.

Аслида, бу жараён қачон бошлангани ҳақида гап борар экан, аниқ бир муддатни келтириш қийин, албатта. Мазкур соҳадаги глобаллашув ахборот тарқатишнинг техник имкониятларига мувофиқ ривожланиб келган. Ҳатто алифбо ва қўлёзмалар (варақалар, китоблар) глобаллашувнинг дастлабки кўринишлари ўлароқ хизмат қилди десак, адашмасак керак. Ушбу масаланинг кескин ривожланиши сифатида босма китоб, радио ва телевидениенинг пайдо бўлишини айтишимиз мумкин. Балки, ахборот глобаллашувининг замонавий босқичи XX асрнинг ўттизинчи йилларида немис радиоси бошқа мамлакатларга ўз эшиттиришларини узатишга киришганидан ва 1942 йилда “Америка овози” радиостанцияси очилганидан бошлангандир.

Ахборотнинг глобаллашуви сайёрамиз бўйлаб кенг ёйилиши учун “совуқ уруш” яхшигина хизмат қилиб берди. Бундай уруш давомида бошқа (социалистик, капиталистик, учинчи дунё) мамлакатлар аҳолисини зудлик билан ва кенг кўламда тегишли ахборот билан таъминлаб туриш зарурияти

пайдо бўлди. Мазкур рақобат натижаси ўлароқ кескин ривожланиб кетган ахборот етказувчи техника глобаллашувнинг нафақат ахборот, шу билан бир қаторда барча бошқа турлари ҳам авж олишига сабабчи бўлди. Бинобарин, оммавий коммуникация технологияларининг ривожланиши ахборотнинг кенг тарқалиши ва глобаллашувини келтириб чиқарди. Бунинг оқибатида эса глобаллашувнинг бошқа турлари вужудга келди.

Ҳозирги босқичда ахборий глобаллашув қандай аниқ асосга эга? XX асрнинг 70-80-йилларида телевидение глобал ҳодисага айланолмади. Чунки ўша даврдаги телекўрсатувлар бир-бирига тўғри келмайдиган тўртта техник тизимга асосланган эди. Ривожланган дунё телевидениеси социалистик мамлакатлар телевидениеси тизимида фаолият кўрсатарди. Натижада бир техник тизимга мувофиқ яратилган телевизорлар бошқа тизим сигналларини қабул қилолмасди.

Интернетда эса бундай номувофиқлик бартараф этилди. Бунга барча Интернетдан фойдаланувчилар ягона техник стандарт (протокол)лар асосида ишлашлари ёрдам берди. Албатта, Интернет миллий секторларга бўлинади. Лекин техник жиҳатдан ягона тармоқ бўлган бу фаолият майдонида бир сектордан бошқасига ўтиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

Кўриб турганимиздек, глобаллашув ахборот шаклига асосланиб ва ундан бошланиб, кейинчалик иқтисодий ва молиявий, сўнгра сиёсий ва ҳарбий, бора-бора эса маданий ва мафкуравий соҳаларга ҳам ўтиб кетди. Демак, бугунги кунда ахборот глобаллашуви бу жараённинг барча қолган турлари учун яхлит асос, математиклар тили билан айтганда, умумий маҳраж бўлиб хизмат қилмоқда.

Ахборотнинг техник усуллар ёрдамида тарқатилишини мафкурага нисбатан иккинчи даражали иш деб ҳисоблаш соддалик бўлар эди, лекин, афсуски, бундай фикрлаш тез-тез учраб туради. Ушбу масалада биз россиялик И.Н. Панариннинг фикрини тўғрироқ деб ҳисоблаймиз. Олим шундай деб ёзади: “Интернетнинг глобал тармоклари ривожланиши ахборот асри бошланишининг энг характерли мисолларидан биридир. АҚШ ва Хитойнинг

геосиёсий ютуклари уларнинг харбий ва иктисодий куч-қудратидан кўра энг аввало ахборот соҳасидаги қудрати билан ва дунёда содир бўлаётган асосий ахборий, маданий ҳамда ижобий жараёнлар устидан назорат ўрнатганликлари билан белгиланади”³. Муаллифнинг ёзишича, ахборот таъсири ҳар бир жамиятда бошқа жараёнларни белгилаб беради. Бундай фикрга қўшилмасдан иложимиз йўқ.

Глобаллашув қонуниятларини ўзимиз тушунганимизча келтиришга ҳаракат қиламиз.

1. Фақат ҳаммага керак бўлган, яъни *универсал* концепциялар, ғоялар ёки товарлар глобаллашади. Масалан, аччиқ қалампирнинг сайёрамиз бўйлаб таркалиши ер шарининг ўрта кенгликларга келиб секинлашади ва шимолий кенгликларда деярли бутунлай тўхтаб қолади, чунки бу ерда яшовчи ҳалклар уни унчалик хуш кўришмайди. Жинси шимлар кийиш эса бутун ер юзи аҳолиси учун урф бўлган.

2. Глобаллашув давомида, албатта, мамлакатларнинг цивилизацион ўзига хос хусусиятлари эмас, балки ушбу жараёнда *фаол* мавқени эгаллаб турган давлатлар учун фойдали бўлган, масалан, ғарбий демократия принциплари сингари ғоялар кенг тарқатилади.

3. Глобаллаштириш ташаббускорлари учун ҳам, унинг натижаларини қабул қилаётган давлатлар учун ҳам *хавфсиз* бўлган ғоя ёки буюмлар (масалан, компьютерлар, лекин атом бомбалари эмас) глобаллашиши мумкин. Айрим диний акидалардан келиб чикувчи шубҳали ғоялар ёки маълум бир ҳалклар яхши кўргани ҳолда, бошқа ҳалклар хушламайдиган тадбирлар (масалан, испанияликларнинг корридаси) глобаллашмайди.

4. Фақат *илгор* турмуш тарзи ва ҳаётий нормалар, масалан, тенглик ва демократия ғоялари, гигиена коидалари ва ҳ.к. глобаллашади.

5. *Қулайликлар* яратадиган, рухий қониқиш ёки моддий фаровонлик олиб келадиган нарсалар: мусиқа анжомлари ва пластик ойналар, клиплар ва ҳ.к.

³ Панарин И.Н. Информационная война и дипломатия. - М.: ОАО “Издательский дом “Городец”, 2004. - 445-б.

буюмлар глобаллаштирилади

Ахборот глобаллашуви ҳам бир қатор характерли хусусиятларга эга. Буларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1. Барча истеъмолчиларга қизиқарли, оммавий ва фойдали ахборотни етказиш.

2. Ахборотни истеъмолчининг она тилида етказиш (“Америка овози”, “Озодлик”, “Озод Европа” ва Би-би-си радиостанциялари ўзбек тилида эшиттиришлар олиб боради ва шу тилдаги ўз сайтларига эга).

3. Маълумотни сайёрамизнинг барча жойларига тезкорлик билан етказиш (“глобал қишлоқ” концепцияси).

4. Оммавий ахборотни журналистиканинг барча турлари орқали: матбуот (“Интернешнл ҳералд трибюн”, “Файненшл таймс”), телевидение (Сиэн-эн, Би-би-си), радио (“Америка овози”, “Маяк”) ёки Интернет ёрдамида тарқатиш.

5. Ахборот олишнинг арзонлиги: 500-1000 сўм (15-30 цент)га интернет-кафеда катта ҳажмдаги маълумотларни ёзиб олиш мумкин. Кейинги ўн йил мобайнида ахборот нархи юзлаб маротаба арзонлашди.

6. Аудиториянинг турли қатламларига айнан зарур бўлган, ихтисослаштирилган ахборотни етказиш, ушбу қатламларни бевосита ўзларига керакли маълумотлар билан таъминлаш.

7. Ахборот ҳеч қандай чегара ва божхоналарни тан олмайди, барча мамлакатлар ҳудудига рухсат сўрамасдан кириб бораверади.

Ахборот бобида глобаллашувни келтириб чиқараётган омиллар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1. Дунё бўйича компьютер техникаси, сунъий йўлдошли антенналар ва қўлдаги телефонлар сонининг кўпайиши, Интернетга киришнинг осонлашгани.

2. Ахборот олиш имкониятлари тобора осонлашиб бораётгани, кўп ҳолларда ахборот истеъмолчининг бевосита уйига етказилиши.

3. Сайёрамиз аҳолиси орасида дунёвий тилларни эгаллаганлар сони кўпайиб бориши, кўпгина одамлар бир нечта дунё тилларини ўрганганлиги.

4. Телевизион ва кино образлари байналмилал характерга эга бўлиб,

таржимага мухтож эмаслиги ва ҳ.к.

XX аср охири - XXI аср боши дунёда демократик жараёнларнинг кучайиши билан нишонланди. Шахс ва халқлар ҳуқуқларининг обрўйи ошиши, бир томондан, диктатуралар ва ўта марказлашган давлатлар тарқалиб кетишига (Собиқ Совет Иттифоқи, Югославия), иккинчи томондан эса - уларнинг ўзаро манфаатли асосда бирлашувига (Европа Иттифоқи, Шанхай Ҳамкорлиги Ташкилоти) олиб келди.

Глобаллашув жараёни ахборот ва товарларнинг шу қадар кенг кўламли ва қудратли оқимидирки, у йўлида учраган тўсиқларни супириб ташлаб, барча халқлар ва мамлакатларни ўз домига тортишга қодирдир. Бугунги ахборот даврида глобаллашув дунё халқлари турмуш тарзини белгилаб берувчи асосий омилга айланди. Унинг майллари таъсирида ҳатто давлатларнинг қонунлари ва жамиятларнинг урф-одатлари ўзгариб бормоқда.

Шу билан бир қаторда глобаллашув жараёнида унинг фаоллари томонидан бошқа мамлакатларга етказиб туриладиган маълумотлар ўз-ўзидан ўша давлатлар учун таҳдид сифатида намоён бўлишини таъкидлаш жоиздир. Чунки бу жараён пешқадамлари бошқа давлатлар ҳудудида ўз ахбороти, молияси, товарлари ва харбий қуроллари тарқатар эканлар, маълум даражада уларнинг суверенлигини поймол этадилар.

Глобаллашувнинг бош хусусиятларидан бири - унинг узлуксиз равишда кенгайиб ва чуқурлашиб боришидир. Турли мамлакатларда яшайдиган халқлар ва шахсларнинг доимий равишда янгиликлардан хабардор бўлишга, уларни ўз ҳаётларига татбиқ этишга кучли интилишлари глобаллашувга асос бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида, ҳар бир давлат, жамият ва шахс психологик жиҳатдан ахборотни қабул қилиш учун очиқ тизим эканлиги бунда бош сабаб вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон учун глобаллашувнинг замонавий (ва, айтиш мумкинки, асосий) босқичи 1996 йил май ойидан бошланди. Ўша пайтда Ўзбекистон Республикаси

Президенти девонининг Ахборот маркази ташаббуси билан ЎзПАК деб номланган миллий провайдер ташкил этилди. ЎзПАК Ўзбекистон Ахборот агентлиги, газета ва журналлар тахририятларини, мамлакат радио ва телевидениесини Интернет тармоғига улаб берди. Даврий босма нашрларнинг аксарияти “Интернет” рукнини очишди ва шу йўл билан республика аҳолисининг кенг қатламларини ушбу дунёвий тармоқ билан таништира бошлашди.

4.2. Глобаллашув даврида оммавий коммуникация воситалари ривожланишининг янги йўналишлари

Интернетни оммавий коммуникация воситаси деб ҳисоблаш мумкинми ёки йўқми? Олимларнинг ушбу масала атрофидаги тортишувлари кўпдан бери давом этиб келяпти. Ҳар хил мамлакатлар мазкур масалани турлича ҳал қилмоқдалар. Битта мисол келтирайлик. “Интернет-журналистика” китобининг муаллифлари ёзишларича, “Нью-Йорк штатининг Олий суди прецедентли”^{4 5} қарор қабул қилди: суд барча Интернет сайтларини, уларнинг мазмуни ва малакавий даражасидан қатъи назар, оммавий ахборот воситаси деб эълон қилди. Энди Интернетда ўз асари билан қатнашаётган ҳар бир муаллиф Америка юстицияси назарида журналист ҳисобланади ва профессионал оммавий ахборот воситаларининг ходимлари сингари ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Экспертларнинг аксарияти мазкур қарорни инқилобий характерга эга, деб баҳоламоқдалар, чунки у глобаллашув шароитида журналистикага бўлган қарашларни тубдан ўзгартириб юбормоқда”¹.

Бир қатор мамлакатларда бўлгани каби, бизнинг республикамизда ҳам фақат Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тузилмаларида тегишли қайддан ўтган Интернет-сайтлар оммавий ахборот воситаси деб ҳисобланади.

¹ П р е ц е д е н т - инглиз-саксон мамлакатларидаги ҳуқуқий қоида. Маълум бир воқеа юзасидан бирор обрўли суднинг чиқарган қарори бошқа судлар учун шундай воқеани кўришда асос, намуна, ибрат, ўрнатки бўлиб хизмат қилиши мумкин.

⁵ Калмыков А.А., Коханова Л.А. Интернет-журналистика. Уч. пос. для студ. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. - Б. 113.

Предметнинг баҳсталаблиги бу ерда фақат нашрнинг ҳуқуқий мақомига тегишли: қайдан ўтган сайтлар анъанавий оммавий ахборот воситалари билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қайд этилмаганлари бундай ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ҳолидир, холос. Масаланинг асл моҳиятига келсак, айтиш керакки, агар бирор бир ахборот канали кенг жамоатчилик учун маълумотлар тарқатар экан, албатта, у оммавий ахборот воситаси бўлиб қолаверади. Интернетнинг аудиторияси эса анъанавий оммавий ахборот воситалариникига қараганда анча кенгдир.

Глобал оммавий коммуникация воситаси сифатида Интернет умуммиллий (Ўзбекистон), минтақавий (Марказий Осиё, Осиё - Тинч океани мамлакатлари), қитъавий (Умумий Европа) ва сайёравий бўлади. Чексиз ахборот имкониятларига эга Интернет фаолият бобида ҳам жуда катта тузилмавий-функционал кўпхилликка эга. Хоҳиши бор ва қўлидан келадиган ҳар қандай одам Интернет орқали ахборот тарқатиш йўли билан оммага таъсир этиш имкониятига эга.

Интернет кенгликларида касбий глобаллашув ҳам юз бермоқда, чунки ҳар бир касб вакили ўз соҳасида эришилган янгиликлар ва илғор технологияларни барча касбдошларига етказиш имкониятига эга. Бундай хизматлар фақат пулли асосда амалга оширилади дейиш хато бўлур эди, зеро кўпгина мутахассислар пулдан кўра ўз ихтиролари ҳақида бошқалар билишини ёки ўз кашфиётлари кенг қанот ёйишини истайди. Виртуал майдонларда шунингдек тил глобаллашуви амалга ошмоқда - жаҳон тиллари ҳисобланган инглиз, хитой, испан тиллари глобал тилларга айланиб бораяпти.

Интернетда журналистиканинг доимий мақсади бўлиб келган кўп адад (тираж)ликнинг максимал, мутлақ даражасига эришилади. Журналистиканинг ўзи ҳам, энг аввало, айнан оммавийлик принципига мувофиқ пайдо бўлганлигини эслаш жоиздир. Бундан ташқари, Интернет анъанавий журналистиканинг чегаралари ва имкониятларини, турлари, шакллари ҳамда жанрларини кескин кенгайтирди. Ҳатто журналистика жанрлари таркибига умуман кирмаган пресс-релиз Интернет сайтларида энг кенг тарқалган

жанрлардан бирига айланди. Интернет - бу дунёнинг замон ва макондаги бевосита борлиғидир, чунки у дунёни 24 соатлик жамиятга айлантирди.

Интернет - универсал оммавий коммуникация воситасидир. Бизнингча, ушбу универсалликнинг асосий ўлчовлари қуйидагилардан иборат:

1. Мазмун ва шакл универсаллиги: а) мавзу, ғоя, муаллиф позицияси, услуб, жанрлар; б) даврийлик; в) оммавийлик; г) ҳаммабоплик; д) тежамкорлик; е) ахборот етказишнинг кўпхиллиги.

2. Интернет кўплаб турли хил функцияларни бажаради: оммавий коммуникация воситаси, маълумотнома, савдо-сотик, реклама, почта алоқаси.

3. Интернет бутун дунёни акс эттириш қобилиятига эга, унинг кенгликларида ҳар бир истеъмолчи айнан ўзига керакли маълумотларни топа олади - унинг оҳанграбо кучи айнан шунда.

4. Интернет назорат ва цензурадан озоддир.

5. Сайтлардаги маълумотлар тез-тез янгиланиб туради.

6. Интернет ҳалқаро янгиликлардан тортиб бевосита шахсий маълумотларгача барча даражалардаги ахборотларни ўзида мужассамлаштиради.

7. Инсон ақлининг беқиёслиги Интернетнинг беқиёслигини ташкил этади ва аксинча.

Интернетнинг универсаллиги ахборотнинг кўпқирралиги, уни тайёрлаш ва жойлаштириш осонлиги, қабул қилиш, тушуниш, зоҳиран ва ақлан тез ишлаб чиқиш қулайлиги каби жиҳатларни қамраб олади. Бу ерда барча турдаги маълумотларни - янгиликлар, таҳлилий материаллар, касбий маълумотлар, статистика, фото, дам олишга оид ва ҳоказо ахборотни топиш мумкин. Шу каби ишларнинг барчасини уддалайдиган ахборот воситаси универсал ОКВ деб аташга лойиқдир. Интернет айнан шундай хусусиятларга эга.

Интернет сайтлари занжирли реакция принципида ишлайди: истеъмолчи бирор-бир сайтни очиб, унинг турли томонларида бошқа сайтларга ишораларни кўради ва уларга кириб, ўз қидирувида давом этади. Шу тариқа учинчи, тўртинчи сайтларга ўтиб кетаверади. Ҳар бир сайтнинг четларида Интернет

тилида гипершоралар ва гиперматн деб аталадиган янги-янги ҳаволалар пайдо бўлади ва ҳар бир истеъмолчи улар оралаб ўзи хоҳлаган тарзда изланишини давом эттиради.

Интернетнинг универсаллиги ахборот манбаларининг мажмуий характерга эгаллиги, муаллифлар қарашларининг хилма-хиллиги, ахборот етказишнинг тезлиги, кўпсайтлиги, кўпканаллиги сингари хусусиятларда ҳам ўз тасдиғини топади. Интернетда истеъмолчи фойдаланиши мумкин бўлган архивлар ҳам анчагина. Ҳар бир инсон виртуал кенгликларда хоҳлаганича сайтлар сонини очиб қуйиши мумкин. Ташкилотлар, вазирликлар ёки муайян соҳалар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, амалда тармоқнинг электрон кенгликлари чексиздир.

Интернет - ҳар бир киши учун очиқ тизим. Очиқликнинг бундай даражасига бошқа бирор ОКВ эришолмаган. Кўп ҳолларда истеъмолчилар ўзларига қулай бўлган пайтда керакли сайтларга кира оладилар ва уларнинг муаллифлари билан бевосита сўзлашув тарзида интерактив мулоқот олиб бора оладилар. Мазкур имконият - ОКВ фаолиятининг журналистлар беш юз йилдан бери интилиб келган ноёб формуласидир.

Интернетдан самарали фойдаланиш учун унинг кенгликларида тўғри юриш қоидаларини билиш, яъни навигация маҳоратига эга бўлиш лозим. Навигация - Интернетнинг мураккаб, лекин ўрганилиши зарур бўлган санъатидирки, уни эгалламасдан туриб Интернетда ишлашнинг иложи йўқ.

Жаҳон Интернет ҳамжамияти сайёрамиз бўйичабу тармоқдан фойдаланувчиларнинг умумий мажмуини ташкил қилади. Ниҳоятда улкан ва кўплаб тоифаларни ўз ичига олувчи ҳамжамият бўлганлиги сабабли уни аниқ бир тизим сифатида тавсифлаш анча мушкул. Шунинг учун Интернет ҳамжамиятининг фақат умумий хусусиятлари ҳақида гапириш мумкин.

1. Интернетда бутун дунё ҳамжамияти, унда ишлаш учун техник имкониятларга эга бўлган барча мамлакатлар фаолият кўрсатиши мумкин.

2. Ҳар бир мамлакат Интернетда ўз майдони (сектори)га эга ва ўз миллий тилидан фойдаланади.

3. Фойдаланувчиларнинг аксарияти виртуал тармоқда кенг тарқалган жаҳон тилларини имкон қадар билишлари керак.

4. Хоҳ катта мамлакат бўлсин, хоҳ кичик мамлакат, барчаси, ҳамма фойдаланувчилар Интернет олдида баравардир. Бу ниҳоятда демократик табиатли оммавий коммуникация воситаси ҳисобланади.

5. Ҳеч ким Интернетда бошқа ахборот манбалари ҳуқуқини чеклашга қодир эмас, фақат номақбул саналган у ёки бу сайтни ўз мамлакати ҳудудида вақтинча ёпиб қўйиш мумкин, холос.

Бугунги кунга келиб реал борликдаги барча нарсаларнинг виртуал нусхаси Интернетда ўз аксини топган. Сиёсий партиялар ва уюшмалар, аҳиллик ва қарама- қаршилиқлар, келишув ва баҳслар, ҳимоя ва ҳужумлар электрон кенгликларга кўчган. Айтиш мумкинки, сайёрамиз ижтимоий фикри Интернет тимсолида ўзининг виртуал эгизагига эга бўлди.

Интернет ҳамжамиятида ҳам худди реал дунёдагидек қонуниятлар амал қилмоқда. Фарқи фақат шундаки, реал дунёда реал, Интернетда эса виртуал ўлчовлар иш кўрсатапти. Лекин ахборот тарқатилиши тезлигида фарқлар жуда катта: Интернетда бу суръат бир сонияда 300000 километрни ташкил этади, реал дунёда эса бундай тезликда фақат электросигнал ва нур таралади.

Реал дунёда давлатларнинг жисмоний чегаралари мавжуд, виртуал кенгликларда эса бундай чегаралар йўқ. Реал оламда, масалан, АҚШ океандан сакраб ўтолмайди, виртуал тизимда эса улар дунё бўйича ҳокими мутлақ. Реал ҳамжамият ва Интернет ҳамжамияти ўртасидаги барча фарқларни ахборот-коммуникация технологиялари белгилаб беради. Кимки шундай технологияларга эга бўлса, электрон кенгликларда ҳам ўша етакчилик қилади.

Интернетнинг оммавий коммуникация воситаси сифатидаги **афзалликлари** қуйидагилардан иборат:

1. Ахборотнинг ўта тезлиги.
2. Цензуранинг йўқлиги.
3. Демократиклиги.
4. Универсаллиги.

5. Ахборотни чексиз жойлаштириш имкониятлари.
 6. Тармоқнинг интерактив характери.
 7. Фойдаланувчилар учун қулайлиги.
 8. Арзонлиги.
 9. Материални эълон қилишда бюрократик тўсиқлардан ҳоилиги (имзолар йиғиш шарт эмаслиги).
 10. Ҳокимият томонидан назорат йўқлиги (айрим сайтлар бундан мустасно).
 11. Оммавий коммуникация воситалари конвергенцияси.
- Интернетнинг оммавий ахборот воситаси сифатидаги **камчиликлари**:
1. Интернетни бошқарадиган ягона ҳалқаро марказ йўқлиги. Бундай идорани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошида очиш мумкин бўларди.
 2. Виртуал ахборотни тартиблаштириш учун ҳалқаро миқёсда ягона ҳуқуқий база мавжуд эмаслиги.
 3. Ахборот тарқатиш ахлоқининг тез-тез бузилиб турилиши. Тармоқдан фойдаланувчиларнинг ягона ҳалқаро ахлоқий кодекси йўқлиги.
 4. Текширилмаган, ҳақиқий бўлмаган ахборотнинг ҳаддан ташқари кўплиги.
 5. Виртуал дунё кенгликларида технологик жиҳатдан кучли давлатлар ҳукмронлиги. Бунинг оқибатида хато-камчиликлар, ишончсизлик ва бегоналашиш-нинг келиб чиқиши.
 6. Порнография, номуносиб латифалар ва бошқа шу каби ғайриижтимоий ахборотнинг кўплиги.
 7. СПАМ - кераксиз, ортиқча ахборот, яъни ахборий аҳлатнинг бисёрлиги.
 8. Ахборот манбаларининг ҳаддан ташқари кўплиги, уларнинг бетартиблиги, аралашиб кетганлиги.
 9. Сайтларни қидириш ва очиш учун жуда кўп вақт сарфланиши.
 10. Интернетдан террористик, кўпоровчилик ва бошқа ғайрифуқаровий мақсадларда фойдаланилиши.

Ҳар қайси жамиятнинг ахборий информатузилмаси иккита асосий мезондан - илғор ахборот технологияларига эга бўлиш зарурлигидан ва мамлакатнинг миллий хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади. Технологиялар бошқа мамлакатлар томонидан зудлик билан (“немис мўъжизаси” деб аталиб, Европада катта тезликда тарқалган китоб босмасига ўхшаб) ўзлаштирилади, лекин миллий хусусиятлар борасида бундай ҳодиса юз бериши жуда қийин, албатта.

Умуман олганда, ахборот инфратузилмаси оммавий ахборот тарқатувчи субъектлар ва техник воситалардан ташкил топиб, унга ахборот агентликлари, телевизион ва радиокомпаниялар ҳамда студиялар, республика, вилоят, шаҳар ва туман газеталари, Интернет секторлари, порталлари ва сайтлари киради. Шу билан бир қаторда ахборот инфратузилмаси таркибида давлат ва нодавлат ташкилотлар, ижодий уюшмалар ҳам бор. Сигналларни тарқатувчи ташкилотлар - Алоқа ва ахборот агентлиги, телерадиокомпаниялар ва босма оммавий коммуникация воситаларининг тегишли хизматлари унинг техник бўлинмаларини ташкил қилади.

Оммавий коммуникация воситалари тизими - бу жонли, доимо янгиланиб турувчи организм бўлиб, унинг айрим қисмлари вақти келганда фаолият кўрсатишга бошласа, бошқалари фаолиятини тўхтатади, учинчилари ўз шаклини ўзгартиради ва ҳ.к. Ҳар бир мамлакат қанчалик кўп ахборот имкониятлари ва технологияларига эга бўлса, шу қадар кучли бўлади. Ахборот имкониятларига ҳукумат, вазирлик, қўмиталарнинг расмий материаллари, кутубхоналар, ахборот ва таҳлил марказлари, мамлакат, ташкилотлар, муассасалар ва ОКВ таҳририятларининг архивлари, ахборотлар банклари ва базалари, каталоглар, маълумотномалар ва бошқалар киради. Ахборот технологиялари - бу сунъий йўлдош ва кабел орқали боғланишлар, компьютер тармоқлари, замонавий босмахоналар, рақамли видеокамералар, фотоаппаратлар, диктофонлар демакдир. Буларнинг ҳаммаси жам бўлиб оммавий коммуникация воситаларининг база ва мажмуасини ташкил этади.

Ахборот инфратузилмаси доимо жамият ривожига мос равишда янгиланиб туради - ўзгаришларга жавоб тариқасида босма нашрлар, телерадиоканаллар ва дастурлар, Интернет сайтларининг сонлари ҳам кўпайиб боради. Бошқача айтганда, мазкур инфратузилма ҳар бир фуқарога етиб бориш мақсадида узлуксиз кенгайиб, чуқурлашиб, табақалашиб бораверади. Ўзбекистон ахборот асрига қадам қўйитгани билан бу табиий жараён янада кучайди.

Миллий ахборот марказлари деб, мамлакат ичида фаолият кўрсатадиган ахборот марказларига айтилади. Улар кўп ва турли даражада: умуммиллий, миллий-соҳавий, оммавий коммуникация воситаларининг турлари, фаолият йўналишлари бўйича, вилоят, шаҳар ҳамда туман миқёсида ва ҳ.к. бўлиши мумкин. ОКВ жумласига матбуот хизматлари, ахборот ва таҳлил марказлари, бўлимлари ва гуруҳлари, матбуот котиблари ҳам қўшилса, мантиқан тўғри бўлади.

Халқаро марказлар тўғрисида шуни айтиш зарурки, миллий марказларга нисбатан юқорироқ мавқега эга бўлганликлари сабабли улар ўз фаолиятлари учун

“Жаҳон” ахборот агентлиги каби ахборот манбаларига эгадир.

Кучли халқаро марказлар жумласига йирик ахборот агентликларини (Ассошиэйтед Пресс, Юнайтед Пресс Интернэшнл, Рейтер, Франс Пресс, ИТАР-ТАСС ва бошқ.), дунёда пешқадам телерадиокомпанияларни (Си-эн-эн, Би-би-си, ТВ-5, “Ал-Жазира”, трансмиллий телевидение ва радио) киритишимиз мумкин. Айнан шулар халқаро майдонда ахборот тарқатувчи асосий субъектлардир. Айрим тадқиқотчилар (Е.Л.Вартанова) таъкидлаганларидек, дунёда етакчилик қилаётган телерадиокомпаниялар бутун ер юзи бўйлаб ахборот тарқатсалар-да, уларнинг маълумотлари ўзлари мансуб бўлган мамлакатларнинг ягона умумдавлат ахборот стратегияси доирасида ишлаб чиқилади ва энг аввало, ўша мамлакатлар манфаатларини ҳимоя қилади. Бундай агентликлар ва ОАВни жаҳонда ахборот таъсирини кўрсатишнинг асосий марказлари деб атасак, янглишмаймиз. Бир қарашда, мазкур марказлар

тарқатадиган ахборот гуёки безарардек туюлади, чунки уларнинг хабарлари асосан янгиликлардан иборат. Лекин бундай янгиликлар ғарбча турмуш тарзини кундан-кунга, ойдан-ойга, йилдан-йилга бир зайлда кўкларга кўтариб мақташда давом қиларкан, бу нейролингвистик дастурлаш характери касб этиб, томошабин, тингловчи ва газетхоннинг остки онгига кириб боради ва шу билан одамларни ахборот манипуляциялари объектига айлантиради. Бундай ҳолда аудитория онгида беихтиёр сайёрамизда қаерлардир (масалан, АҚШ, Буюк Британия) ҳақиқатдан ҳам шундай жаннатмонанд диёрлар экан деган тасаввур шаклланади. Аслида эса бундай “жаннат”лардаги ижтимоий, экологик ва бошқа муаммолар бошқа мамлакатларникидан кам эмас.

Матбуот, радио, телевидение ва, айниқса, Интернет ўз табиатига кўра очик ахборот тизимларидир. Улар аудиторияни мўлжаллаб фаолият юритишади, унга таъсир қилади ва керакли самарадорликка эришади ҳам. Аммо аудитория - мураккаб бирлик. Унинг қайсидир бир қисми ахборот манбаига эътибор берса, бошқа бўлаги ахборотни умуман тингламайди ёки унга нисбатан бефарқлигича қолади. Аудиториянинг аксарият қисми, одатда, кўрсатув ёки этттиртитртт тўхтатилган заҳотиёқ етказилган маълумотни эсдан чиқаради.

Табиийки, таҳририятлар ўз фаолиятининг самарадорлигини ошириш борасида бетиним иш олиб боришади. Ушбу мақсадга эришишнинг йўллари билан биттаси оммавий коммуникация воситаларининг очик характери билан боғлиқ. Бу ерда биз аудитория билан оммавий коммуникация воситаси ўртасидаги интерфаоллик жараёнини назарда тутмоқдамиз. Матбуот нашрлари ўз мухлисларига мурожаат қилиб, уларнинг хатларини чоп этади. Радио ва телевидение аудитория билан бевосита эфир режимида тез -тез боғланиб туради. Бу эса икки карра, яъни ОКВдан аудиторияга қараб ва аудиториядан ОКВ томон очикликдир.

ОКВнинг ўз мухлислари билан боғланиш усуллари кўп - таҳририятлар шаҳар ва қишлоқларга чиқиб, муштарийлари билан учрашувлар уюштиради,

улар билан анжуманлар, танловлар, викториналар, суҳбат ва бахслар ўтказди ва ҳ.к.

Муайян жамият ахборот инфратузилмаси моделининг белгиланиши тасниф учун қандай асос танланишига боғлиқ. Масалан, агар шундай мезон сифатида бирор ОКВ турини оладиган бўлсак, биринчи моделга қарашли мамлакатлар учун Интернет, иккинчи моделга мансублари учун телевидение, учинчилари учун радио, тўртинчилари учун матбуот устунлик қилувчи бўлиб чиқади. Бу ҳолда дунёдаги мамлакатларнинг аксарияти (жумладан, Ўзбекистон ҳам) иккинчи - телевизион моделга мансуб эканлиги маълум бўлади.

Бироқ агар реал ҳаётга яқинроқ турмоқчи бўлсак, ахборот даврида мамлакатлар таснифи учун иккинчи асосни, яъни давлатнинг ахборот-технологик таъминотини танлашимиз зарур. Масалан, АҚШ дунёда нафақат Интернет, шу билан бир қаторда телевидение ва радио соҳасида ҳам етакчилик қилмоқда. Таснифлашга шу тарзда ёндашилганида, ривожланган давлатлар жаҳонда ахборот ишлаб чиқариш бобида пешқадамлик қилаётганликлари яққол кўзга ташланади.

Конвергенция оммавий коммуникация воситалари замонавий ривожланишининг муҳим майлига айланди. ОКВ тарихан доимо матбуот, радио ва телевидениега бўлиниб келди. Ҳар қайсиси ўз оригинал хусусиятларига эга бу воситалар жамиятда бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиб, ўзаро рақобатлашиб фаолият кўрсатишарди. ОКВнинг онлайн режимидаги конвергенцияси илк бор тўла равишда Интернетда мужассам ифодасини топаркан, газета овоз ва тасвирга, радио ва телевидение эса - босма матнга эга бўлди. Бундан ташқари барча оммавий коммуникация воситалари аудиториянинг ҳар бир вакили фойдалана оладиган ўз архивини вужудга келтирди. Натижада конвергенция ОКВ учун жуда катта имконият яратди, чунки ундан фойдаланучи энди бир манбадан (масалан, газета сайтидан) бирданига уч хил ахборотни: мантикий (матн), товушли (аудио) ва тасвирли (видео) ахборотни олиш имкониятига эга бўлди.

4.3. Дунё ахборот маконида давлатларнинг ўзаро ҳамдўстлиги ва кураши

Бугунги кунда бутун дунё яхлит бир ахборот маконига айланди, чунки Интернет шундай вазифани уदдалашга қодир бўлиб чиқди. Шу туфайли сайёрамиз мисоли турли мамлакатлар маълум чизиқлар бўйлаб ҳар хил тезликда, тегишли белгиларга риоя қилиб ҳаракатланадиган ягона ахборот шох йўлига ўхшаб қолди.

Бутун жаҳон бугун ўзаро ахборот йўллари, чорраҳалари ва светофорлар орқали бирлаштирилган яхлит ахборот маконида яшамоқда. Ушбу йўللардан йўл хавфсизлиги қоидаларига (яъни Интернетнинг техник протоколларига) амал қилмасдан юриш мумкин эмас.

Электрон ахборот олами чексиз ва кенг имкониятли бўлиб, ахборот соҳасида миллий ҳукуматларнинг ҳар қандай қаршилигини енга олади. Ахборот оқимларини тўхтатиб ёки тақиқлаб бўлмайди. Ёпиқ давлат дунё ахборот маконида фақат вақтинчалик бир оролга айланиши мумкин. Аммо ахборот бирибир турли йўллар орқали ушбу оролга кириб келади, чунки у моддий жисм эмас, эфирдир.

Бундай глобал миқёсдаги тенгсизлик кўплаб ҳар тарафлама натижаларга, жумладан, салбий оқибатларга ҳам олиб боради. Технология жиҳатидан бақувват давлатлар компьютер тармоқлари орқали, сунъий йўлдошли ва симли боғланишлар натижасида ўз ахборот оқимларини бемалол катта миқдорларда сайёрамизнинг турли жойларига, жумладан, технологияларга эга бўлмаган мамлакатлар ҳудудларига юбориб туришлари мумкин. Бундай имкониятларга эса ер юзи аҳолисининг етти миллиардидан фақатгина бир миллиарди (“олтин миллиард” номини олган қисми) эга, холос. Қолганларнинг руҳий дунёси ва маънавий ҳаёти эса ушбу бир миллиарднинг истакларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Шу билан бир қаторда ер юзидаги давлатларнинг ахборот билан таъминланиш интенсивлиги ўзгариб борапти. Масалан, у жуда катта ҳудудларга эга бўлган Хитой ва Россияда аста-секинлик билан ошмоқда. Аммо

АҚШ ва Ғарбий Европа ҳам бир жойда тўхтаб қолгани йўқ. Улар ушбу пойгада олдинги сафларда боришаётир ва бундай пешқадамликни бой бермоқчи эмаслар. Бунинг оқибатида сайёрамиз мамлакатлари ўртасидаги рақамли тенгсизлик кундан-кунга кучаймоқда.

ДАМ - бу курраи заминдаги реал ҳолат тасвири. Аммо бу ерда гап фақат виртуал тушунчалар, электрон шаклидаги ифода ҳақида кетмоқда. Электрон жисмлар ўта кичик бўлганлиги сабабли унда акс этган ифоданинг кенг қамровлигини тасаввур қилиш ҳам қийин. Мутахассислардан бири Интернетнинг глобал тизим сифатидаги умумий физикавий сиғимини шартли равишда ҳисоблаб чиқиб, унга 600 млн тармоқни жойлаштириш мумкин, деган хулосага келди. Бу ер юзида яшовчи ҳар бир одам Интернетда ўз сайтига эга бўлиши мумкинлигини билдиради. Демак, Интернет ҳақиқатдан ҳам дунё ахборот маконидир.

ДАМ давлат чегараларига мос келадиган миллий секторлардан иборат. Интернетнинг табиий ва қулай тарзда шаклланган кўриниши ана шундай. Бу ерда ҳар бир давлат, унинг барча институтлари, турли гуруҳ ва шахслар ўз материалларини жойлаштириши мумкин.

Интернетда ахборотни эркин, чексиз, бировга ҳисобот бермасдан тарқатиш мумкинлиги сабабли виртуал майдонда нафақат бошқаларга керак бўлган, шу билан бир қаторда тарқатувчи нуктаи назаридан фойдали деб топилган, аслида эса иккинчи даражали маълумотларни ёйиш амалиёти ҳам кенг учраб туради. Гоҳида айрим ахборот тарқатувчилар шу каби иккиламчи маълумотларни бошқалар учун фойдали ва ҳатто мажбурий деб ҳам ҳисоблайдилар. Бундай сиёсат давлатлар миқёсида ҳам бемалол олиб борилади. Шундай давлатлар борки, бошқа мамлакатлар ҳам бизнинг миллий қадриятларимизни ўзлаштиришлари шарт деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрлашича, бошқалар бу қадриятлар афзаллигини тушунмайдилар ёки маҳаллий ҳукуматлар уларнинг ўз халқлари томонидан ўзлаштирилишига йўл қўймайдилар. Ахборот тарқатувчи давлатлар шундай баҳона билан ўз қадриятларини бошқа мамлакатлар аҳолисига мажбурий равишда сингдиришга

ҳаракат қиладилар. Гуёки бошқа мамлакатлар ўз ривожланишида орқада қолиб, демократик тузум ютуқларидан фойдалана олмаётган эмишлар. Шу тариқа инсон ҳуқуқлари империализми деб ном олган тажовуз юзага келади.

Ахборот даври технологияларининг ривожланиши сайёрамиз ҳудудининг геосиёсий кураш майдонига айлантирилиши, техникавий жихатдан устун давлатлар ўз қадриятларини кенг тарқатишлари учун имконият яратди. Ушбу майдонда ўзгалар ғояси рад этилади, қабул қилинмайди (масалан, Россия ғоялари АҚШ томонидан ёки аксинча) ва бу нормал ҳолат деб тушунилади. Аслида, ер курраси бундан аввал, “совуқ уруш” даврида ҳам геосиёсий кураш майдонига айланган эди. “Совуқ уруш” тугаши билан коммунистик ва капиталистик мафкуралар ўртасидаги рақобатга якун ясалган бўлса-да, миллий дунёқараш ҳамда цивилизациялар ўртасидаги кураш давом этди. Бошқача айтганда, глобал миқёсда қарама-қаршилик сақланиб қолди, фақат энди у аввалгидек яққол мафкуравий бўлинишдан иборат бўлмай, энди тафовутлар маданий, тамаддуний мазмун касб этди.

“Кимки бизнинг устимизга қилич кўтариб келса, ўша қиличдан ҳалок бўлғуси”, дейилади Инжилда. Аммо ахборот глобаллашуви бу доно сўзларни маълум даражада инкор қилмоқда, чунки сўз қуроли кўзга унчалик ташланмаслигидан ўша қуролни бошқалар устига кўтариб келганлар ундан жазо топмай қоляптилар.

Замонавий ҳалқаро муносабатлар турли хавф-хатар ва таҳдидлардан иборат. Уларнинг таъсири ҳам турлича. Назаримизда, энг тезкор хавфлар жумласига сиёсий ва мафкуравий таҳдидларни киритсак, мантиқан тўғри бўлади. Чунки бундай хавф-хатарлар бевосита инсон манфаатлари, хоҳишлари ва эҳтирослари билан боғлиқ. Техникавий ва иқтисодий ривожланиш билан вобаста хавфлар олдини олиш учун эса анча вақт талаб қилинади. Таҳдидлар таъсир ўтказиш объекти нуқтаи назаридан ҳам бир-биридан фарқланади. Бундай объектларнинг энг заифи инсондир, чунки унинг психикаси очиқ, турли таъсирларга тез ва тўлиқ берилувчан тизим ҳисобланади.

ДАМ нотинчлик ҳолатининг яна бир сабаби - ҳар бир мамлакат дунё миқёсида ўз қадриятларини ўтказишга ҳаракат қилишидир. Бундай интилишларнинг бошида АҚШ турибди. ДАМнинг фаол аъзолари сифатида яна Хитой, Россия, Буюк Британия, Германияни келтириш мумкин. Сайёрамиздаги аксарият мамлакатлар аҳолиси оммавий ахборотни пассив қабул қилувчи, муайян ғояга ишонувчи ё ишонмайдиган ўқувчи, тингловчи ва томошабинлардан иборат аудиториядир. Бошқача айтганда, дунё аҳолиси у ёки бу тарзда ахборот девлари (монстрлари) кураши доирасига тортилган.

Халқаро геосиёсий майдонда ҳеч бир давлат бошқа бир давлат сиёсатини тўлалигича ва сўзсиз қабул қилмаслиги ҳамда амалга оширмаслиги равшан. Ҳар қайси мамлакат халқаро муносабатларда энг аввало ўз манфаатларини кўзлашга ва ДАМда ўз нуқтаи назарини ўтказишга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида халқа-ро геосиёсий майдонда табиий равишда карама -қаршилиқ вужудга келади. Ҳозир-ги шароитда кўпгина давлатлар ўз қадриятларини дунё ҳамжамияти ҳаётига тат-биқ этиш учун анъанавий қуролдан воз кечиб, ахборот қуролини ишлатишга ўтган.

Ғоя ва фикрлар билан “кайнаб” турган ДАМ Ўзбекистондек мамлакат учун бир қатор хавфларни туғдиради. Бугунги кунда ДАМ давлатимиз мустақамлигини сиёсий, иқтисодий, молиявий, мафкуравий, техникавий, илмий, таълимий, миллий ва бошқа кўрсаткичлар орқали синаб келмоқда. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бири бўйича Ўзбекистон ҳақида хорижий ОАВ ва Интернетда кўпгина мақолалар чиқиб турибди. Уларнинг кучи ёки заифлиги нималардан иборат? Бу саволга тўғри жавоб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу материалларнинг кучлилиги ёки заифлиги танланган мезонларга асосан аниқланади. Ривожланган мамлакатлар кучи улар кўлидаги технологияларда бўлса, бизнинг кучимиз - ноёб маданиятга эга эканлигимиздадир. Агар вазиятни технологиялар жиҳатидан кўриб чиқмоқчи бўлсак, айтиш мумкинки, тараққий этган мамлакатлар Ўзбекистонни ахборот оқимларига кўмиб ташлай олади. Мазкур муносабатларни маданий-тарихий ютуқлар нуқтаи назаридан ўлчасак, унда Ўзбекистон дунёда унча кўп бўлмаган

- Хитой, Хиндистон, Эрон, Греция, Италия қатори - ноёб маданият ва турмуш тарзи эгаси бўлиб чиқади. Бугунги кунда ахборот жихатидан кучлилик ҳали АҚШ, Буюк Британияга ўхшаган давлатлар тарихий мусобақани қайтариб бўлмас даражада ютиб чиқди дегани эмас.

ДАМда фаол бўлган ахборот эгаларининг мақсади - ўз сиёсий нормалари, маданияти ва турмуш тарзини дунё ҳамжамияти ҳаётига сингдиришдир. Бу пешқадамлар фикрича, улар жуда тўғри яшашаяпти, бошқалар эса уларнинг ҳаётини ўрганиб, худди шу зайлда яшашлари шарт. Лекин уларнинг турмуш тарзида нима яхши-ю, қанча вақт давомида яхшилигича қолади, нимани ўзлаштирса бўлади-ю, нимадан воз кечиш керак - шу каби саволларни кўпчилик ўзига бермайди ва уларга жавоб ҳам қидириб ўтирмайди. Ҳолбуки, мазкур масалани чуқур ўрганиш бугунги кунда турли халқларнинг турмуш тарзини баҳолаш мезонларини жиддий ўзгартириши мумкин.

4.4. Ахборот оқимлари шароитида цивилизациялар ҳолати

Дунё миқёсида ахборот алмашинувиға тартиб киритиш масаласи анчадан бери долзарб бўлиб келмоқда. Мамлакатлар мафкуравий жихатдан икки тарафга бўлинган пайтдан бошлаб ахборот технологиялари ва маълумотлар етказиш усуллари жиддий ривожлана бошлади. Ҳокимиятлари миллий иқтисодиётини тўғри бошқарган давлатлар - АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари катта ютуқларга эришдилар ва ҳозирги босқичда асосли равишда ривожланган мамлакатлар деб ном олдилар. “Совуқ уруш” ахборотни оммавий ҳажмда ва катта тезлик билан уч йўналиш бўйича: ўз давлати, ғоявий рақиблар ва бетараф мамлакатлар аҳолисига етказишни талаб қилди. Учинчи дунёни ер юзи аҳолисининг аксарият аҳолиси - Осиёнинг асосий қисми, Африка ва Лотин Америкаси ташкил этди.

Иқтисодий жихатдан ривожланган мамлакатлар риоя қиладиган **ахборотнинг эркин оқими** (русчаси: свободный поток информации; 1946 й. жорий этилган) концепцияси мамлакатлар ўртасида чексиз ахборот

алмашувини назарда тутати. Бу масала бевосита техник имкониятларга боғлиқ эканлигини эътиборга олсак, ахборотнинг эркин оқими АҚШ, Буюк Британия, Германиядек мамлакатлар томонидан ишлаб чиқарилган маълумотлар дунёнинг ҳар қайси бурчагига ҳеч қандай назоратсиз етказилиши мумкинлигини англаб оламиз. Бундай шароитда бошқа давлатлар ривожланган мамлакатларга ахборот жиҳатидан (демак, мафкуравий жиҳатдан ҳам) қарам бўлиб қолиши аниқ.

Тарафдорларини кўпроқ ривожланаётган мамлакатлар ташкил этадиган иккинчи - **янги умумжаҳон ахборот тартиби** (русчаси: новый мировой информационный порядок; 1976 й.) концепциясининг маъноси ҳар қайси алоҳида жамиятнинг ички ахборот бозорига ҳалқаро ахборот оқимлари киришини назорат қилиш зарурлигидан иборат. Бу тартибнинг мақсади - миллий анъаналарни ва маданиятни ривожланган мамлакатларнинг ахборот хуружидан сақлашдир⁶.

Иккинчи концепция ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланган. Ушбу боб муаллифи концепциянинг амалга оширилишига бағишлаб 1979-йил сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган ҳалқаро конференцияда қатнашган. Мазкур анжуманда ЮНЕСКОнинг ўша вақтдаги Бош директори Амаду Махтар М*Боу ахборот алмашувини тартиб асосида ташкил этиш зарурлиги ҳақида маъруза қилган эди. Маъруза мазмуни ва Бош директорнинг нуқтаи назари АҚШ ва унинг тарафдорларига ёқмаганлиги сабабли у зот кейинчалик ўз вазифасидан усталик билан четлаштирилди, янги Бош директор (Фридерик Майор) эса эркин ахборот оқимининг тарғиботчиси бўлиб чиқди.

Цивилизацияларнинг замонавий ҳолати ҳақида тўхталадиган бўлсак, қуйидагиларга ўз эътиборимизни қаратишимиз лозим. Бугунги кунда вазият шундайки, техник жиҳатдан кучли бўлган христианлар тамаддуни бутун дунё бўйлаб ўз қадриятларини тарқатишга зўр бериб интилмоқда. Аслида эса бу маданий ҳужумдан ўзга нарса эмас. Буддавийлик ҳам (Хитой, Япония,

⁶ Қаралсин: Муминова Ф.И.Международная журналистика: теория и практика. - Т.: - Университет мировой экономики и дипломатии, 2006. - Б. 18.

Ҳиндистон, Сингапур, Гонконг мисолида) кундан-кунга кучайиб бораётир. Ислом динига эътиқод қилувчи мамлакатлар эса ахборот жиҳатидан улар билан тенг кучга эга эмас. Шу сабабли исломий давлатлар, вақтинча бўлса-да, ноилоҳ ўзларини ҳимоя қилишга мажбурдирлар.

Ғарбий мамлакатларнинг етакчилиги шак-шубҳасиз ва доимий эмас, албатта. Бунинг учун Мусулмон Ренессанси даврини эслашнинг ўзи кифоя. Дарвоқе, “Мусулмон Ренессанси” иборасининг ўзи ҳам Шарқда эмас, айнан Ғарбда пайдо бўлган, швейцариялик олим Адам Мец мазкур сарлавҳа билан барча учун бирдек мақбул салмоқли китоб ёзганлиги бунга далиллардан биридир. Америкалик муаллифлар Ҳейди ва Элвин Тоффлерлар шундай ёзади: “Ғарб дунё иқтисодиётида узоқ вақт давомида ва очиқ-ойдин пешқадамлик қилиб келганлиги боис бундан беш аср муқаддам илғор технологиялар соҳасида Европа эмас, балки Хитой олдинда бўлгани назардан четда қолдирилади. Ўша вақтларда айнан Осиё жаҳон ялпи маҳсулотининг 65 фоизини ишлаб чиқариб, дунёнинг қолган қисмига ривожланиш йўлини кўрсатиб турган”¹. Ислом дин ва турмуш тарзи ўлароқ умумсайёравий иллатларга (экология, ОИТС, ядро қуроли) қарши тура олишининг юқори самарали бўлиши ҳам дунё ҳамжамияти учун сир эмас. Балки шунинг учундир, Европа аҳолиси ўртасида исломни қабул қилиш давом этмоқда.

Ҳозирги сиёсатшунослар олдида муҳим бир масала кўндаланг турибди. Бу “Совет иттифоқи тарқалганидан кейин дунё миқёсида янги умумжаҳон тартиби қандай бўлади?” деган масаладир. Ҳарвард университетининг профессори Самюэл Хантингтон фикрича⁷, ҳалқаро майдонда давлатларнинг ўзаро муносабатлари цивилизациялар “тўқнашувидан” иборат бўлади. Олимнинг шу сарлавҳали мақоласи 1993-йили “Ғоетд Айшгз Кеабег” журналининг ёзги сониде эълон қилинган эди. Кейинчалик у рус тилига ўгирилиб, Тошкентда нашр қилинадиган “Экономическое обозрение”

⁷ Тоффлер Э., Тоффлер Х. Революционное богатство. Ингл. тилидан М. Султанова, Н. Циркун. таржимаси. - М.: АСТ: АСТ Москва: ПРОФИЗДАТ, 2008. - Б. 99.

журналида чоп этилди⁸. Мақоланинг асосий ғояси куйидагича: мафкуралар кураши тугаганидан кейин кенг тарқалган динларга асосланган 7-8 та дунё цивилизациялари ўртасида тўқнашувлар бошланди.

Ҳам биринчи, ҳам иккинчи мақолаларга муносабат сифатида ўнлаб мамлакатларда турли жанрлардаги асарлар чиқиши давом этди. Натижада С. Хантингтон 1996-йилда ушбу номдаги ўз китобини чоп этди⁹. Афсуски, бу асардан мақбул фикрлар билан бир қаторда айрим нотўғри ғоялар ҳам ўрин олган. Китобнинг охириги жумласини келтирайлик: “Етиб келаётган даврда цивилизациялар тўқнашуви бутун дунё учун энг катта хавф бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун цивилизацияларга асосланган умумдунёвий тартиб жаҳон урушининг олдини олиш учун энг ишонарли чорадир”. Етиб келаётган даврни (бизнингча, ахборот даври назарда тутилмоқда) цивилизациялар тўқнашуви даври деб баҳоланишини маъқуллаб бўлмайди. Китоб чоп этилганидан кейин ҳозиргача ўтган давр цивилизациялар тўқнашуви аччиқ қисмат эмаслигини кўрсатди. Яқин Шарқ инқирози, Ироқда бўлиб ўтган иккита уруш ва Афғонистонда толибларнинг давлат раҳбарлигидан четлаштирилиши каби воқеаларни эса бундай тўқнашувга нисбат бериб бўлмайди. Айнан шу воқеалар АҚШдаги айрим ҳарбийларни, жумладан мамлакат раҳбариятини хушёр торттирди, буни уларнинг Эронга бостириб киришга қаратилган қатъий режаларидан қайтганликларидан ҳам билса бўлади. Бу ўринда ўзаро мулоқот ва цивилизациялар тенглигига асосланган ҳалқаро тартиб устун келди.

Лекин, бошқа мамлакатларни ўзига тенг кўрмаслик, дунё миқёсида етакчиликка интилиш айрим мамлакатларга қимматга тушмоқда. Мисол тариқасида 2001 йил 11 сентябр куни содир бўлган фожиани келтириш мумкин. Айрим мутахассислар фикрича, Умумжаҳон савдо маркази биноларига уюштирилган ҳужумни АҚШнинг глобал етакчилигига қарши ҳаракат деб баҳоласа бўлади. Ушбу ҳужумни ижобий кайфият билан қарши олганлар сони кутилганидан кўпроқ бўлиб чиқди. Таниқли ёзувчи ва режиссёр Тарик Али бу

⁸ “Экономическое обозрение”. 1998. Январь. - Б. 78-84. Апрель. - Б. 62-73.

⁹ Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. - М.: АСТ: АСТ, Москва, 2006.

ҳақда шундай деб ёзади: “Мен ўрамоқчиманки, нега ислом дунёсига тааллуқли бўлмаган анчагина кишилар ушбу воқеага бефарқ қолдилар, нега кўп одамлар Усама бен Ладеннинг “Қудратли Аллоҳнинг иродаси билан Американинг энг муҳим марказларига зарба берилди” деган даҳшатли сўзларига хурсанд бўлдилар? Никарагуанинг пойтахти Манагуада одамлар сукут аро бир-бирлари билан қучоқлаша кетдилар. Бразилиянинг ички ҳудудларида жойлашган Порто-Алегредда америкалик қора танли жаз мусиқачи ўз концертини “Эй худо, Американи ёрлақагин!” деган сўзлар билан бошламоқчи бўлганида, ёшлар билан тўлиб-тошган концерт зали ғазабдан “Усама! Усама!” деб бақирдишга тушди. Концертни бекор қилишга тўғри келди. Боливия кўчаларида ҳам одамлар хурсандликларини намойиш этишди. Аргентинада ҳарбий хизматга чақирилган ёшларнинг оналари давлат томонидан уюштирилган мотам маросимида қатнашишни хоҳламадилар. Греция ҳукумати оммавий сўровлар натижасини эълон қилишга рухсат бермади, чунки бу сўровларда аҳолининг асосий қисми АҚШга қаратилган зарбаларни қўллаб-қувватлади, футбол ишқибозлари эса фожиа муносабати билан икки дақиқа сукут сақлашдан бош тортишди. “Нью-Йоркер” мухбири пекинлик талабалардан интервью олганида, улар ўз хурсандчиликларини очикдан-очик изҳор этдилар. Бунга ҳайрон қолган журналистларга талабалардан айримлари НАТО самолётлари Белградда Хитой элчихонасини бомбардимон қилганини эслатишди. Ғарб анча бефарқ эканлигини намойиш этган ўша воқеа оқибатида бор-йўғи олти нафар хитойлик ўлган бўлса-да, талабалар бу қурбонлар ҳаёти Нью-Йоркда ўлдирилган уч минг нафар америкалик ҳаётдан кам эмаслигини уқтирдилар.

Юқорида келтирилган муносабатларни тилга олишимиздан мақсад 11 сентябрда содир этилган ваҳшийликни оқлаш эмас, албатта. Бу фақат АҚШ томонидан илгари сурилаётган “улар бизни кўролмайдилар, улар бизнинг эркинликларимиз ва бойликларимизга ҳасад билан қарайдилар” каби енгил-

елпи далил-исботлардан воз кечиб, масалага жиддийроқ қарашга интилишдир. Гап мутлақо бунда (кўролмасликда, ҳасадда) эмас”¹⁰.

Хулоса сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин. Юқорида айтиб ўтилганидек, ахборотнинг глобаллашуви узок тарихга эга: алифбонинг яратилиши, китоб ихтироси ва ҳ.к. янгиликлар бу борадаги дастлабки қадамлар бўлди. Замонавий босқичдаги ахборот глобаллашуви радио кашф этилганидан кейин, XX асрнинг 30-40 йилларида бошланди. Иккинчи жаҳон уруши якун топиб, дунё мамлакатларининг катта қисми икки хил мафкурага тарафкашлик қила бошлаганларидан сўнг улар ўртасидаги ахборот рақобати авж олиб, ахборот асрини келтириб чиқарди.

Глобаллашувнинг кўп кўриниш ва турлари мавжуд. Айрим мутахассислар америкалик олим Т.Левитт фикридан келиб чиқиб, глобаллашув жараёнларига иқтисодий глобаллашув асос солган, деб ҳисоблашади. Лекин бундай фикрга қўшилиш қийин. Бизнингча, глобаллашувнинг барча бошқа турларига ахборот глобаллашуви дебоча бўлган ва ҳар доим мадад бериб туради.

Глобаллашув Интернетда ўзининг энг юксак ҳолатига эришди. Фалсафа қонунларига мувофиқ, максимал глобаллашув ўз ниҳоясига етиб, деглобаллашув (глобаллашувдан қайтиш, уни барбод қилиш) жараёнларини бошлаб берди. Бугунги кунда, бир томондан, глобаллашув давом этаётган бўлса, иккинчи томондан, деглобаллашув тамойили ҳам аста-секин кучайиб бормоқда.

Ахборот глобаллашувининг энг ёрқин кўриниши Интернетдир. Мутлақ адад (тираж)ли, ҳар томонлама универсал, барча хоҳловчилар учун очик ахборот тизими бўлмиш Интернетнинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари борлигига қарамасдан, мусбат жиҳатлари устунлигига шубҳа қисмаслик керак.

Кучли ахборот технологияларига эгалик ҳали дунёга эгалик қилиш дегани эмас. Чунки маърифатли дунёда бундай технологиялардан ташқари одамларнинг гўзал ҳаёти учун ниҳоятда зарур бўлган маданий бойлик ва

¹⁰ Али, Тарик. Столкновение цивилизаций: крестовые походы, джихад и современность. - М.: Астрель: АСТ, 2006.

маънавий қониқиш деган мезонлар ҳам барқарордир. Инсонлар келажагини ахборот технологиялари билан бир қаторда тамаддуний ютуқлар ҳам белгилаб беради. Бундай жиҳатларга эса кўпроқ маданияти қадимий бўлган давлатлар соҳибдирлар. Улар сафига, шак-шубҳасиз, Ўзбекистон ҳам киради.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1.Ахборот глобаллашуви жараёнининг мазмуни ва хусусиятлари нима­лардан иборат?

2.Глобаллашув даврида оммавий коммуникация воситалари ривожланишининг янги йўналишлари.

3.Дунё ахборот маконида давлатларнинг ўзаро ҳамдўстлиги ва кураши деганда нима­лар дейиш мумкин?

4.Ахборот оқимлари шароитида цивилизациялар ҳолати ҳақида фикр билдиринг?.

Мустақил иш учун мавзулар:

1.Ахборот глобаллашуви жараёнининг мазмуни ва хусусиятлари.

2.Глобаллашув даврида оммавий коммуникация воситалари ривожланишининг янги йўналишлари.

3.Дунё ахборот маконида давлатларнинг ўзаро ҳамдўстлиги ва кураши.

4.Ахборот оқимлари шароитида цивилизациялар ҳолати.

АХБОРОТ КУРАШИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ

Мавзунинг қисқача баёни:

Ахборот уриши ва унинг моҳияти. Ахборот уриши, ахборот-психологик уриш, ахборий таҳдид, оддий уруш билан ахборот урушининг фарқли жиҳатлари, ахборот-психологик уруш ахборот бобида қатъий устунлик қилиш мақсадида олиб борилиши.

Дунёда ахборот ўлчовларининг ўрганилиши. Ахборот ўлчовлари тушунчаси ҳақида, ахборий ҳукмронликнинг мақсади, ахборот оқимлари, “Биринчи даражали” ва “ривожланмаган” давлатлар ҳақидаги афсона.

ОАВ ахборот–психологик урушни олиб бориш воситаси сифатида. ОАВ ахборот–психологик урушни олиб бориш воситаси сифатида, ахборот–психологик уруши, ахборот урушининг таърифи, ОАВ нинг ўзига хос психологик таъсири, интернетнинг пайдо бўлиши ва интернет журналистикаси.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ривожланиш йўлида. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситлари тараққиёти ҳолати ва бу соҳадаги муаммолар, интернет ва инсоният, жамият ҳаёти, ОАВнинг аҳолига психологик таъсири.

Таянч тушунча ва атамалар: Ахборот уриши, ахборий таҳдид, ахборот-психологик уруш, оммавий ахборот воситалари, ахборот ўлчови, ОАВ ахборот–психологик урушни олиб бориш воситаси сифатида, ахборот макони, ахборот-психологик уруш, ахборот куроли, дезинформацион, ОАВларнинг психологик таъсири, оммавий коммуникация, нейролингвистик дастурлаш, омма психологияси, ахборот манипуляцияси.

5.1. Ахборот урушининг моҳияти

Ахборот уруши: Душман ахбороти, ахборотга асосланган жараёнлар ва ахборот тизимларига зарар етказиш ҳаракатлари. Айни пайтда ўз ахбороти, ахборотга асосланган жараёнлари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш орқали ахборот устунлигига эришиш кўзланади; тизимларнинг моддий, ҳарбий, сиёсий ёки мафкуравий соҳада маълум ютуққа эришишга қаратилган бир-бирига очикдан-очик ёки яширинча қарши қаратилган ахборот ҳужумлари”¹¹; ахборотни қабул қилиш қобилияти одам табиатига хос. Инсоннинг нерв тизими амалда унга етиб борадиган ҳар қандай сигнални фаол қабул қиладиган очик ахборот тизимидан иборат бўлиб, устига мунтазам равишда ёпирилиб турадиган таъсир олдида деярли ҳимоясиздир.

Бундайн шундай хулоса келиб чиқадики, одамларга кўрсатиладиган ижтимоий, ахборот-психологик таъсир турлича - ғоят ижобийдан кескин салбийгача бўлиши мумкин.

«**Ахборий таҳдид** - жамият ахборот соҳасининг фаолиятига хавф туғдираётган жами омиллар ва омиллар гуруҳлари”^{11 12}.

Ахборот-психологик уруш ахборот тажовузининг олий шакли ҳисобланади. Бу уруш нимадан иборат эканлигини билиш учун энг аввало “уруш” атамасининг ўзини тушуниб олиш лозим бўлади.

Ахборот-психологик таъсир кутилган натижани бермаган ҳолларда, босқинчи ўз мақсадини “оловли” уруш усуллари воситасида амалга оширишга киришган. Бироқ, қадимги хитой мутафаккири Сунь Цзи айтганидек, рақибни жангсиз таслим этиш жанговор санъатнинг гултожи ҳисобланади. Албатта, у ахборот уруши усуллари ишлатиб қозониладиган ғалабани назарда тутган.

Оддий уруш билан ахборот уруши мутлақо фарқли ташқи белгиларга эга. Уларнинг биринчисида ўқлар ёғилиб, замбараклар портлайди, иморатлар

¹¹ Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Қайта ишланган, тўлдирилган иккинчи нашр. Муаллифлар жамоаси: Амиров Д.М., Атаджанов А.Ю., Атаджанов Д.Ю. ва бошқ. - Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010 - Б. 27.

¹² Ўша жойда. - Б. 26.

вайрон бўлиб, одамлар ўлади. Бундай урушнинг шу сингари очик-ойдин оқибатлари унинг жаҳон ҳамжамияти томонидан қораланишига олиб келади. Ахборот уруши жараёнида кўзга ташланадиган оқибатлар бўлмай, ўзгаришлар фақат одамлар онгида юз беради. Лекин унинг вайронаворлик натижаси оддий урушникидан қолишмайди. Бундай уруш изларини кўриш, таъриф-тавсиф этиш ва таснифлаш ҳамда баҳолаш мушкул. Уни ташкил этувчиларга эса бу жуда қўл келади.

Бунинг устига, оддий ва бузғунчи ахборот ўртасидаги, шунчаки таъсир билан ахборот босқинчилиги орасидаги чегаранинг ўзини аниқлаш ниҳоятда қийин. Қисқача айтиш мумкинки, мунтазам равишда таъсир ўтказиб туриш баъзан босқинчиликка ўтиб кетади, ёпирилма босқинчилик айни ахборот тажовузи бўлиб, унинг олий кўриниши ахборот-психологик уруш ҳисобланади. Бироқ мураккаблик шундаки, ҳар доим ҳам бундай ўзгаришлар амалга оширилавермайди, шунчаки таъсир кўрсатишдан ахборот босқинчилигига, тажовузкорликка ёки урушга ўтилган пайтга кўпинча пайқаб бўлмай қолади.

Шу нарса ҳақида тўхталиш зарурки, охир-оқибатда урушга айланиб кетадиган турли хил низолар пайдо бўлишининг потенциал имкониятлари аслида инсоний муносабатлар табиатининг ўзида яширинган. Бунинг илдизлари манфаатлар мос тушмаслиги, рақобат, конкуренция, зиддият, қарши туриш, қарши кураш, тўқнашув, ихтилоф ва бошқа шу сингари тушунчаларга бориб боғланади. Зиддиятлар табиатининг ўзи зиддиятли - улар ҳар доим фақат ўзаро мос келмаган нуқтаи назарлар моҳиятини аниқлаш услубигина бўлиб қолмасдан, тараққиёт шартини ҳам бўлиб келган. Қарама-қаршиликлар ягона бир нарса доирасида вужудга келади ва ривожланади. Машҳур қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураш қонунининг моҳияти ҳам шундан иборат.

Бироқ ҳар қандай зиддият ҳам қарши туриш ёки курашга ўсиб ўтавермайди. Бунинг учун у энг кичик фарқлардан тортиб жиддий тафовутлар ва қарама -қаршилик орқали то курашгача бир неча босқичларни босиб ўтиши керак.

Низоларнинг турлича таснифи мавжуд. Шахслараро, гуруҳлараро, институционал ва давлатлараро, шунингдек бевосита ва билвосита можаролар энг кенг тарқалган низо турлари ҳисобланади.

Ахборот ихтилофи унда қатнашувчи томонларнинг янги кучларни жалб қилиши билан авж олиб, мавжуд зиддиятлар чуқурлашади ва кенгаяди, низога киришганларнинг фаоллик даражаси ошади, охир-оқибатда буларнинг ҳаммаси очикдан-очик ахборот қарама-қаршилиги, кураш ва уруш билан якун топади.

Ахборот - психологик урушининг таърифи. Мутахассислар-нинг фикрича, ахборот-психология уруш - бу: душманнинг ахбороти, ахборот тизимлари ва аҳолисининг онгига таъсир қилиб, уларни бошқаришга эришиш; ўз ахборот тизимлари ҳимоя қилинган ҳолда душман ахборот тизимига таъсир қила олиш; замонавий дунё сиёсатининг асосий воситаси бўлиб, ўзга давлатлардан сиёсат, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда устунлик қилишнинг яхши воситасидир; давлатлараро алоқанинг бир тури бўлиб, бунда ўртадаги қарама-қаршилиқни ечишда душманнинг ахборот соҳасига янги услуб, восита ва технологиялар билан таъсир этиш тушунилади.

Одатда, ахборот уруши ҳужумкор тарзда амалга оширилади, бироқ мудрофаа тадбирлари кўринишида ҳам олиб борилиши мумкин. Ҳужумкор уруш ҳақида кенг ёйилган нуқтаи назарни келтирамиз. У радиоэлектрон ҳужум кўринишида, Интернет, телевидение, радио, матбуот ва кино воситалари ёрдамида олиб борилиши кузатилади. Бунда ўзгалар ҳудудида ўз ахборотини фаол тарқатиш, бошқа томоннинг маълумотларни сир тутиш қоидаларини, яхлитлигини ва ишончлилигини бузиш, рақибнинг дастурий таъминот тизимини барбод қилиш ва ҳ.к. усуллар воситасида олиб борилиши мумкин.

Уруш давомида радиоэлектрон ҳимоя, ахборот воситаларини техник жиҳатдан муҳофаза қилиш, аҳолининг психологик ҳимояси, яширин ҳаракат қилиш, сохта из қолдириш сингари мудрофаа тадбирларидан ҳам фойдаланилади.

О.А.Колобов ва В.Н.Ясенев шундай ёзишади: “Ахборот урушининг ҳимояланиш, ҳийла-найранглар ишлатиш, деградация ва ахборотни инкор

этишни назарда тутувчи камида етти турини фарқлаш мумкин. Уларни қисқача таърифлаб, қуйидагиларга ажратса бўлади:

1)команда-бошқарув уруши (Соттапё апё Соп1го1 - душманнинг “боши” ва “бўйни”га қарши ҳужум);

2)разведка уруши: ҳарбий жиҳатдан муҳим ахборотни тўплаш ва ўз ахборотини ҳимоя қилиш;

3)психологик уруш, бунда ахборотдан иттифоқчилар, бетарафликни қўллаб-қувватловчи томонлар ва ғанимлар онгига таъсир кўрсатишда фойдаланилади;

4)хакер уруши: компьютерлар ва фуқаролик ахборот маконига ҳужум;

5)ахборий-иқтисодий уруш: иқтисодий устунликка эришиш мақсадида ахборотни тўсиб қўйиш;

6)электрон уруш: душманнинг электрон коммуникацияларига қарши хатти-ҳаракатлар;

7)киберуруш”¹³.

Ахборот-психологик урушининг сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳарбий, техник, маъмурий, молиявий ва ҳ.к. қўплаб йўналишлари мавжуд. Анчагина мутахассислар улардан сиёсий ва иқтисодий йўналишларни биринчи даражали деб ҳисоблайдилар. Бироқ, ўйлашимизча, бундай уруш давомида турли миллатлар ва элатларнинг маданий кодларини вайрон қилиб ташлаш янада жиддийроқ характерга эга бўлса борки, кам эмас.

Урушнинг мақсади таъсир кўрсатилаётганларни тушқунликка солишдан иборат. Бу мақсадга бир қатор аниқ вазифаларни ҳал этиш орқали эришилади:

- душманнинг бошқарув тузилмаларини фалаж қилиб қўйиш;
- ўзга томон аҳолиси онгида бошбошдоқликни ҳосил қилиш;
- одамларда ҳокимлик тузилмаларига, уларнинг мамлакат ва жамиятга раҳбарлик қилиш салоҳиятларига бўлган ишончни барбод қилиш;
- сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа характердаги миллий қадриятлар

¹³ Колобов О.А., Ясенов В.Н. Контртерроризм и информационная безопасность в современном мире. Монография. - Нижн. Новгород. Нижегород университети нашриёти, 2004. - Б. 145.

обрўйини кетказиш.

Хужум қилаётган томоннинг пировард вазифаси таъсир ўтказилаётган мамлакат аҳолисида ўзи учун қулай миллий онгни ва ижтимоий фикрни шакллантиришдан иборат.

Узлуксиз таъсир билан бир қаторда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг аниқ масалалари юзасидан “рейд” акцияларини ўтказишдан ҳам фойдаланилади. Ўзбекистонга нисбатан оладиган бўлсак, бизнинг мамлакатимизда демократия йўқлиги тўғрисида Интернетда мунтазам равишда пайдо бўлиб турадиган асоссиз материалларни доимий хужум деб ҳисоблаш мумкин. 2005 йил май ойида Андижонда бўлиб ўтган фожиали воқеаларнинг бир йиллигига бағишлаб ўтказилган акцияни бир галлик тадбир жумласига киритиш мумкин, бунда фақат Интернетнинг ўзида Ўзбекистон ҳокимиятини исбот-далилсиз танқид қилишга асосланган уч мингдан кўпроқ мақола эълон қилинди. Вақт кўрсатдики, ватанимизнинг ҳамма сиёсий технологлари ва журналистлари ҳам ўша пайтда бу хужумларга муносиб жавоб қайтаришга қодир эмас эканлар.

Ахборот-психологик уруш ахборот бобида сўзсиз ва қатъий устунлик қилиш мақсадида олиб борилади. Бунинг учун ҳамма воситалар - қабул қилса бўладиганлари ҳам, ўта қўполлари ҳам ишга солинади. “Урушда туриш йўқ” - оддий уруш шароитида туғилган бу мақол хужум қилувчи томон ўзи учун оддий жанговар ҳаракатлардагига қараганда анча кенг ҳаракат майдони очиб оладиган ахборий-психологик урушга нисбатан қўллашга кўпроқ мос келади, дейиш мумкин. Инсоният ўзининг узоқ ўтмиши давомида ҳатто жанговар шароитларда хотин-қизлар, болалар, қариялар ҳамда ҳарбий асирларни ҳимоя қилувчи муайян қоидаларни ишлаб чиққан, бироқ ахборот уруши ташкилотчилари ҳеч кимни фарқламай, ёппасига барчага таъсир ўтказаверадилар. Натижада анча кўнгилчан ва қарор топмаган психикага эга ўсмирлар тасаввур қила олишимиздан ҳам кўпроқ унинг домига тушиб қоладилар.

Бугунги кунда ахборот бобидаги ҳукмронлик моддий-технологик устунликка асосланади. Масалан, маълумки, дунёдаги ҳарбий харажатларнинг

50 фоизи АҚШ зиммасига тўғри келади. Бундай молиялаштириш, табиийки, мамлакатга ахборот соҳасида ҳам бошқалардан шак-шубҳасиз устун бўлиш имкониятини беради. 1648 йилги Вестфал битимидан кейин миллий суверенлик ҳалқаро муносабатларнинг негиз принципи бўлиб келган эса-да, ахборот асрининг кириб келиши бу ҳалқаро анъанани ҳам бетаъсир қилиб қўйди. Бугунги кунда ҳуқуқлари ва ҳатто қуроли кўп киши эмас, балки ер юзи аҳолисининг кўпроқ қисмига сўзини тезроқ ва ишончлироқ етказа оладиган киши ҳақдир.

Шу борада айрим қудратли давлатлар томонидан муайян Ғарб мамлакатлари кўп йиллардан буён ўз намуналарига монанд универсал жаҳон маданиятини шакллантириш борасида уриниб келадилар. “совуқ уруш” ҳам ахборот урушидан бошқа нарса эмасдир. Цивилизацияларнинг ўзаро муносабатлари тарихи ва назарияси тўғрисида гап кетар экан, россиялик тадқиқотчи Э.М.Брандманнинг шунга доир фикрига эътибор қаратиш лозим бўлади. У шундай ёзади: “Агар Ғарб нуқтаи назарини ёқлайдиган бўлсак, тарихга ва цивилизацияга ниҳоятда оддий қарашга эга бўламиз. Формациялар назарияси юксалиш учун ягона ғарбча тадрижий ривожланиш босқичларини тан олиб, тарихий тараққиёт жараёни назариясини соддалаштириб қўйди. Ғарб маданият плюрализмини маконда эмас, замонда жойлаштирди. Барча ноғарбий маданиятлар ғорлар маданиятидир ва улар инсониятнинг юксалиш сари ривожланишига қараб йўл босиб ўтишлари лозим деб эълон қилиниши ҳам шундан келиб чиққан. Умум башарият “авангарди” хато қилиб қўйса-чи? Бу ҳолда икки юз йилликдан сал кўпроқ тарихга эга АҚШ ривожланган гегемон-давлат, қолган дунё учун маданиятлилиқ намунаси, минг йиллик тарихга эга Ҳиндистон ва Хитой тамаддунлари эса умумжаҳон жараёнидан панада қолиб кетган бўлиб чиқади. Бундай соддалаштириш Шарқ тамаддунларининг маънавий асосларини ва ютуқларини аввал бошиданок тараққиёт қавсидан ташқарига чиқариб қўяди... . Либераллар Шарқ тамаддунларига... ғоят шубҳали ҳақиқатни қўшиб қўядилар - Ғарб ўз дастурлари асосида, Шарқ эса - Ғарбнинг маданийлаштирувчи таъсири негизида ривожланмоқда”. Бу фикрда бир қатор

мутахассисларнинг, шу жумладан америкалик мутахассисларнинг Шарқ билан Ғарбнинг маданий муносабатларига нисбатан қарашлари мужассам ифодасини топган. Шу ўринда бир аниқлик киритиб ўтиш лозим. “Авесто” тарихи икки ярим минг йилдан кўпроқ вақтни ўз ичига олади. Ҳиндистон ва Хитой тамаддунларига келсак, улар мухтарам муаллиф айтганидан кўра анча қадимийроқдир. Айниқса, Карл Юнгнинг нафақат тиббиёт мутахассислари, психологлар ва тарихчилар ўртасида, балки мутахассисларнинг анча кенг доирасида машҳур бўлиб кетган архетиплар назариясини эътиборга оладиган бўлсак, бу ғоят салмоқли факт ҳисобланади.

БМТ Бош Ассамблеяси 1998 йил декабрда кибержиноятчилик, кибертерроризм ва киберурушга алоқадор 53/70-сонли резолюцияни қабул қилди. Бу ҳужжатга биноан БМТга аъзо бўлган давлатларга ахборот хавфсизлиги муаммолари юзасидан, шунингдек унинг асосий тушунчаларини изоҳлаш борасида БМТ Бош қотибини хабардор қилиб туриши таклиф этилди. Резолюция глобал ахборот манзарасини уйғунлаштирувчи ва ахборот терроризми ва жиноятчилигига қарши курашни таъминловчи ҳалқаро принципларни янада ривожлантиришни кўзда тутган.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг кундалик сиёсатида ҳалқаро битимларга, шунингдек ўзи имзолаган декларациялар ҳамда бошқа ҳужжатларга оғишмай амал қилиб келмоқда. Мамлакатимиз шунингдек ер юзи миқёсидаги ҳозирги геосиёсатнинг муҳим маркази бўлган Марказий Осиё давлатларини ҳам қўттиб ҳисоблаганда, ахборот хавфсизлигини ва хавфсизликнинг бошқа турларини таъминлашда бошқаларга намуна вазифасини ўтамоқда. Россиядаги “Политика” фондининг президенти Вячеслав Никонов Тошкентда ўтказилган анжуманлардан бирида сўзлаган нутқида Марказий Осиё минтақаси дунё сиёсатида тобора кўпроқ аҳамият касб этиб бораётганини, унинг муаммолари эса минтақа давлатларининг ҳам, глобал сиёсий майдонда иш олиб бораётган мамлакатларнинг ҳам эътиборини тортаётганини қайд этди. Айни пайтда у шундай таъкидлади: “Бу ерда, Марказий Осиёда кўплар буюк давлатлар рақобатчилигининг даъватлари билан

тўқнаш келмоқдалар. Кейинги йилларда ҳозирги дунёнинг барча асосий марказлари ўзларини бу минтақадаги фаол “ўйинчилар” сифатида кўрсатдилар, афсуски, уларнинг манфаатлари Марказий Осиё давлатларининг манфаатларига ҳар доим ҳам мос келавермайди”.

Шу муносабат билан француз файласуфи Клод Гельвецийнинг сўзларини эслаш ўринлидир. У XVIII асрдаёқ шундай ёзган эди: “Ҳар қандай одам моҳиятан ҳамиша ўз манфаатига бўйин эгади...Агар физик дунё ҳаракатлар қонунига бўйсунса, маънавий дунё манфаат қонунига бундан кам бўйинсунмаган...Шахсий манфаат инсон хатти-ҳаракатларининг...бирдан-бир ва умумий мезонидир”^{14 15}. Қўшимча қилиш мумкинки, Шарқ халқлари, жумладан ўзбекистонликлар ҳаётида шахсий манфаат у қадар умумий категория эмас, бу ерда кўп ҳолларда жамоат ёки оила манфаатлари устун туради.

5.2. Дунёда ахборот ўлчовларининг ўрганилиши

Маълумки, бугунги кунда ахборот оқимлари ҳаддан ташқари жадал ва кенг кўламлидир. Битта мисол: охириги эллик йил ичида жамиятда айланадиган ахборот ҳажми миллион марта кўпайди ва кундан кунга янада ошиб бормоқда. Бу шундай бир катта рақамки, уни тўла даражада англаб олиш ҳам қийин. Шунини айтиш зарурки, ахборот билан ишлаш имконияти ҳамма давлатларга ҳам хос эмас.

Демак, техникавий жиҳатдан қудратли бўлган давлатлар кучли ахборот технологияларига эга. Шунинг эвазига улар ўзлари ишлаб чиққан ахборотни тарқатиш йўли билан бошқа мамлакатлар устидан олдин ғоявий, кейин эса сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳукмронлик қилишга ҳаракат қилмоқда. Бундай давлатлар сирасига энг аввало, ривожланган мамлакатлар киради. Мазкур мамлакатларнинг ахборот манбалари сифатида биринчи ўринда давлат ахборот марказлари ва миллий ОАВ хизмат қилади.

¹⁴Проблемы безопасности в Центральной Азии. Материалы международной научно-практической конференции. Ташкент, 20-21 октября 2005г. - Б. 8.

¹⁵Гельвеций К. Сочинения. 1-т. - М.: “Наука”, 1973. - Б. 186-187.

Ахборий ҳукмронликнинг мақсади битта – ахборот тарқатадиган мамлакатнинг мафкурасини бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида кенг тарқатиш ва тарғиб қилиш. Лекин бундай вазифа борлиги ҳақида улар очик - ойдин айтмайди, аксинча, уни ҳар хил йўллар билан яширади (Масалан, инсон ҳуқуқлари ёки демократик андозалар ниқоби остида).

“Биринчи даражали” ва “ривожланмаган” давлатлар ҳақидаги афсонанинг яратилиш эҳтимоли мавжудлиги. “Биринчи даражали” ва “ривожланмаган” давлат ҳақидаги афсоналар аслида бир неча асрлик тарихга эга. Аммо сайёрамиз мамлакатларини бундай тоифаларга бўлиш учун асос йўқ. Иқтисодий, илмий ва техникавий жиҳатлардан ривожланган мамлакатлар аҳолиси яхши яшайди, деган гапнинг ўзи унча ҳам тўғри эмас. “Яхши яшаш” нима дегани? Моддий бойлик етарлилигимиз? Унда нега аҳолиси энг узоқ умр кўрадиган иқтисодий ривожланган Япония бир неча ўн йилликлар давомида дунё мамлакатлари ичида ўз жонига қасд қилувчи фуқаролар сони жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради? Нега Самарқанд ва Бухоро тўйларини кўрган француз ва немислар бизнинг урф-одатларимизга ҳавас билан қарайдилар ва “Сизларга Европа маданияти керак эмас экан” деган фикрларни билдирадилар? Бу АҚШ профессори Самюэль Хантингтон айтган маданиятлар (цивилизациялар) тўқнашуви эмас, аксинча, улар турфа хилдир.

5.3. ОАВ ахборот–психологик урушни олиб бориш воситаси сифатида

Афсуски, айрим ОАВ бугунги кунда шундай воситага айланганлар. Ушбу урушда ОАВ ўрни ва ролини аниқлаш учун энг аввало ахборий-психологик урушнинг маъносини англаб олишимиз зарур. “Ахборот уруши” сўзларининг асосчиси физик-олим Томас Рон ҳисобланади, 1976 йилда у ахборотни харбий кучларнинг энг заиф буғини деб таърифлаб, ушбу масалага барча давлат миқёсидаги масъул кишиларни эътиборини қаратди. Шундан бери мазкур тушунчанинг аҳамияти кундан кунга кучайиб келмоқда.

Бевосита ахборот уруши таърифига келганда биз бир китобдан иқтибос келтирмоқчимиз: “Ахборот уруши деб, ижтимоий, сиёсий, этник ва бошқа тизимларнинг моддий ютуққа эга бўлиш мақсадида бир бирига очиқ ва яширин мақсадли ахборий таъсирларига айтилади. Шу билан бир қаторда ахборот уруши рақиб устидан ахборий ҳукмронликка эришиш ва шунинг эвазига унга моддий, мафкуравий ёки бошқача зарар етказиш учун давлатнинг харбий кучлари, ҳукумати ҳамда хусусий ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган табдирлар ва операциялар мажмуасидир”¹⁶.

Турли ОАВ (телевидение, радио, даврий матбуот)нинг ўзига хос психологик таъсири. Ҳар бир ОАВ аудиторияга ўзига хос таъсир этиш кучига эга. Интернетгача уларнинг ичида энг самаралиси телевидение эди, чунки у томошабинга уч йўл билан ахборот етказди: тасвир, овоз ва мантиқ. Шунинг учун телевидение оммавий равишда тарқалганидан кейин беш-ўн йил ичида беш юз йиллик тарихга эга бўлган матбуотдан узиб кетди. Радио ҳам катта кучга эга, чунки у икки канал орқали таъсир кўрсатади, овоз ва мантиқ. Унинг афзаллиги – жонли овоз ёрдамида аудитория билан мулоқот қилиш бўлиб, бундай усул ахборот манбаи билан тингловчи ўртасидаги масофани йўқотади. Инсон овозидаги ҳаяжон ва самимийлик радионинг имкониятини кескин оширади.

Матбуотнинг ўқувчи билан мулоқот йўли эса асосан мантиқий исботдан иборат, бундай таъсирга маълум миқдорда расмлар, ранг, сарлавҳалар кўринишлари ҳам қўшилади.

Психологик таъсир технологияси. Юқори технология ва оммавий коммуникация. Психологик таъсир инсоннинг сезгилари билан боғлиқ: кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид сезиш, қўл билан тегиш, фикрлаш ва х.к. Ахборот хавфсизлиги масаласига келганда психологик таъсир кўпроқ ОАВ ёрдамида амалга оширилади, шунинг учун улар мутахассислар томонидан доимий

¹⁶ Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. 2 - нашр. М.: Горячая линия – Телеком. 2006, 203 б.

мукаммаллаштирил-моқда. Натижада ривожланган мамлакатлар матбуот, радио ва телевидениенинг барча имкониятларини ўзида мужассамлаштирган интернетдек юқори технологияга эга бўлдилар.

Интернет оммавий коммуникация таъсирини энг баланд поғонага кўтарди. Сайтга жойлаштирилган маълумот бирдан бутун дунё бўйича тарқалиб кетади. Унинг адади (тиражи) эса чексиз. ОАВнинг роли интернетгача ҳам кучли бўлган, энди эса уларнинг таъсири тасаввур қилиб бўлмайдиган даражага етди. ОАВдан ташқари интернет реклама, маълумотлар етказиш, электрон почта хизматларини ҳам бажаради. Энг қулайи шундаки, интернетдаги маълумот жуда кўп, у арзон ва ўта тезкор.

Интернетнинг пайдо бўлиши ва интернет журналистикасининг такомили. Интернетни кўп мутахассислар ҳарбийларнинг ихтироси деб айтади. Аслида эса дастлабки босқичда уни АҚШдаги тўртта университет кашф этди. Мазкур университетлар компьютерларини бир тизимга бирлаштириб, ўзаро кутубхоналаридан фойдалана бошладилар. Пентагон эса бундан тез хабар топди. Ва ихтиронинг имкониятларини ўрганиб, ҳарбий тизимни такомиллаштириш мақсадида олимларни жалб этган ҳолда, уни ўз мақсадларига йўналтирди. Интернетдан журналистлар ҳам фойдалана бошлади. Натижада интернет журналистикаси пайдо бўлди.

Интернет журналистикаси – катта ва муҳим мавзу. Уни бир мавзуда очиб беришнинг иложи йўқ. Шунинг учун биз фақат унинг ижобий ва салбий томонларини айтиб ўтамыз. Интернетнинг қулайликлари: арзон, тезкор, техник жиҳатдан материалларни жойлаштириш қийин эмас, маълумотларни катта ҳажмда ўрнатиш мумкин, уларни турли тилларга угириш осон, ахборот чегара ва масофани билмайди ва ҳ.к. Салбий оқибатлари: хоҳлаган одам истаган ахбороти билан виртуал майдонга тўсиқсиз кириб келиши, назорат йўқлиги ва шу туфайли террористик ҳамда порнографик маълумотлар ўта кўплиги, космополитик ғоялар ҳамда “универсал маданият” кенг тарқалиши, давлат роли пасайиши, тармоқ ёрдамида демократик фундаментализм ривожланиши ва бошқ.

Нейролингвистик дастурлаш ва доимий, узлуксиз эфирга узатиладиган телевизион хабарлар натижасида турли миллат ва халқлар онгига таъсирнинг ўсиши. Нейролингвистик дастурлашни айрим мутахассислар (масалан, Г.Г.Почепцов) унга ҳеч нарсани қарши қўйиб бўлмайдиган шприц таъсирига қиёслайдилар. Бундай ўхшатишда маълум бир ҳақиқат бор. Агар бирор-бир ғояни, у ёлғон бўлса ҳам, ОАВ ҳаддан ташқари кўп ва турли шаклларда такрорлаверса, аудитория (гарчи у ушбу ғояга дастлабки босқичда ишонмаган бўлса-да) бориб-бориб кейинча унга ишонадиган бўлади. Ҳар хил услубларда, барча ОАВда маълум бир фикрни такрорлаш одамнинг остки онгига таъсир этади ва у ушбу фикрга ишонайдиган бўлади. Мазкур жараёни мутахассислар нейролингвистик дастурлаш деб атайдди.

Агар радио, телевидение ва матбуотда айрим давлат, гуруҳ ёки шахс ҳақида қайта-қайта бирор-бир нотўғри фикр такрорланаверса, турли мамлакатлардаги халқлар, ҳар хил миллатлар унга ишонадилар. Нейролингвистик дастурлаш учун энг қулай ОАВ телевидениедир, чунки у аудиторияга бир пайтни ўзида учта канал орқали ўз таъсирини ўтказади. АҚШ коммуникативистлари телевидениени ҳатто транквилизаторга ҳам ўхшатадилар.

Янгилик, унинг кўриниши ва шакллари. Чегараланмаган журналистика; янгиликларни тиклаш йўллари, фактларни тартиблаш ва таҳлил этиш, янгиликлар блокнинг тартиби.

Янгиликларнинг кўринишлари ҳар хил бўлади: воқеа, ҳодиса, факт, далил, рақам, номлар акс эттирилган хабар, лавҳа, репортаж, маълумотномалар ва х.к. Бугунги кунга келиб янгиликларни етказиш усуллари ғоявий курашнинг катта бир йўналишига айланиб қолди. Ушбу соҳада эса нафақат журналистлар, улар билан бир қаторда сиёсатшунослар, политтехнологлар, иқтисодчилар, психологлар, қисқаси, оммавий ахборотни оммага етказадиган барча мутахассислар фаолият олиб бормоқдалар. Уларнинг маҳорати шу қадар ривожланиб кетдики, янгилик, унинг мазмунидан қатъий назар, қандай хулоса

чиқариш керак бўлса, шундай тарзда у аудиторияга етказилади. Фактларни эса керакли тартибда тизимлаштириш қийин эмас, уларнинг кетма-кетлигининг ўзи аудиторияга керакли маълумотни беради ва ахборот етказувчи учун зарур бўлган дунёқарашни шакллантиради.

Ахборотлаштириш жараёни АҚШда меҳнат билан банд аҳолининг 60% ахборот соҳасида машғул бўлишини таъминлаган бўлса, қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич атиги 2,8 % га тенг. Ғарбий Европа ахборот индустриясида эса 70 % дан 75 % гача аҳоли банд.

Ахборотлашган жамият янгича фикрлашни, мулоқотнинг янгича шакллари юзага чиқаради, шунга мувофиқ равишда янгича ижтимоий ва психологик муносабатлар пайдо бўлади. Бу инсоннинг ҳаётий фаолияти сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилади деганидир.

Таълим, фан, оммавий мулоқот, ахборот хизматлари ва ахборот қурилмаларига хизмат кўрсатит ахборий фаолиятнинг муҳим соҳалари ҳисобланади.

Мутахассислар аҳоли турмуш фаровонлиги юксалган, мамлакат самарали ривожланган иқтисодга эга бўлган, шунингдек жамият амалда инсонпарварлик табиатини касб этган ва демократлашган ҳолдагина, ахборотлашган жамиятни барпо этиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бошқарувнинг тадбиркорлик ва рақобат эркинлигини монополиядан ҳалос қилиш учун, ахборот ишлаб чиқиш ва тарқатиш, қарорлар қабул қилишда фуқаролар қатнашуви учун сиёсий ва ҳуқуқий кафолатларни таъминловчи демократик механизмлари бунга ёрдам беради.

Шунга кўра ҳозир дунёда ахборотлашган жамиятга ўтишнинг икки модели мавжуд бўлиб, биринчиси - шарқий, иккинчиси - ғарбий модел ҳисобланади. Ғарб моделида асосий эътибор ахборот хизмати кўрсатиш бозорини эркинлаштиришга ва бу хизматнинг ҳар томонлама (универсал) бўлишига қаратилади. Шарқий модел эса мазкур соҳада давлатлар ва бозорлар ҳамкорлигига катта эътибор берилиши билан тавсифланади. Глобал ахборотлашган жамият қарор топишида анъанавий маданий қадриятлар билан

юзага келадиган ижтимоий ўзгаришлар ўртасида алоқа ўрнатишга интилиш кузатилади.

Демак, журналистика ахбороти ҳамиша ижтимоий мазмунга эга, яъни ижтимоий йўналтирилган бўлади. Ҳар қандай ижтимоий табақаланган ҳодиса эса бир хил мазмунда бўлавермайди. У кимнингдир манфаатлари, кўрсатмалари, нуқтаи назари ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам объектив ҳолда нотўлиқ, ёлғон, чалғитувчи, чалкаштирувчи ёхуд ишонарли, долзарб, ҳужжатли ва ҳоказо бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, у кенг омма - аудитория фойдасига хизмат қилишга ёки унга зарар етказишга қодирдир. Хуллас, журналистик ахборот ҳамиша жамоатчилик фикрини шакллантиришга қаратилган бўлади.

Ҳозирги даврда шуни унутмаслик керакки, дейди профессор Я.Н. Засурский, ахборотлашган жамият сарҳадлари чегара устунлари бўйлабгина ўтмайди, балки ахборот майдони, ахборий мазмун (контент) узра ҳам ўтади. Бугун у ёки бу мамлакат аҳолиси бошқа бир мамлакат оммавий ахборот каналлари таъсири остида қолар экан, ҳодисаларни ўша ўзга мамлакат талқинида қабул қилади. Олим таъкидлашича, бу “хорижлик тадбиркорлар, ишчилар ва бошқаларнинг бостириб киришидан кўра давлат учун анча жиддийроқ хавфдир”.

XXI асрда оммавий ахборот воситалари босма, кўриш, эшитиш тарзида бўлиб, инсонга, унинг онги, руҳияти, ҳис-туйғуларига атрофлича таъсир кўрсатиш имконига эга. Улар кўп жиҳатдан турли миллий, шахсий, ижтимоий ва давлат манфаатлари ҳамда интилишларининг шаклланишини белгилаб беради.

Шунинг учун ҳам оммавий ахборот воситалари ҳар қайси давлат ва ҳалқ ҳаётида муҳим ўрин тутди. Жамиятнинг ахборий-руҳий ҳавфсизлиги кўп жиҳатдан улар фаолиятининг сифатига боғлиқ. Бу эса бугунги кунда ҳар бир мамлакат учун жиддий муаммо бўлиб турибди. Давлатларнинг кўпчилиги оммавий ахборот воситалари барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, жамият фаравонлигини оширишга, миллатлараро мurosани сақлашга,

демократия ва барқарорликни мустаҳкамлашга тўлиқроқ хизмат қилишлари учун ўз миллий манфаатларини уларнинг инфратузилмаларини ривожлантириш, бу соҳага замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш билан чамбарчас боғлайдилар.

5.4. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ривожланиш йўлида

Эндиликда ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш миллий ва ҳалқаро хавфсизлик мазмунини белгилайдиган бўлиб қолди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари жамиятимиз ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг бир қатор вазифаларини ҳал қилишга даъват этилган. Уларнинг ҳозирги техник-технологик ва сон жиҳатдан ривожланиши мамлакатимиз ахборот майдонини ўз маҳсулотларимиз билан тўлдириш имконини беради.

Хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўлларида бири - ОАВ бозорини монополлаштиришга йўл қўймаслик. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январдаги ЎРҚ-78 сон билан тасдиқланган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида (янги таҳрири)” Қонунининг 30-моддасида шундай дейилган: “Биронта ҳам юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситаларининг тегишли марказий ёки маҳаллий бозорига чиқариладиган оммавий ахборот воситаларининг йигирма без фоизидан ортиғига муассис (ҳаммуассис) бўлишга ва (ёки) уларни шунча миқдорда ўз мулкида, эгалигида, фойдаланишида, тасарруфида, юритувида ёхуд бошқарувида (бевосита ёки аффилиланган шахслар орқали) сақлашга ҳақли эмас”¹⁷.

Нашр турига кўра газеталар тонгги ва кечки; кундалик ва ҳафталик; мақомига кўра республика, вилоят, туман, шаҳар; ихтисослашуви бўйича ижтимоий-сиёсий, партиявий, соҳавий, диний-маърифий, ахборот-кўнгилочар, ахборий-маърифий, реклама ва баъзи бошқа газеталарга ажралади.

^{17 1} “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири). 15.01.2007. № ЎРҚ-78. // Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. - Т.: “1Ѕбопс Магкак 8егу1Ѕ”, 2009. - Б. 15.

Даврийлигини истисно этганда, мазкур тасниф журналларга ҳам ҳосдир. Уларни чиқиш муддатига қараб ҳафталик, ойлик, уч ойлик, ярим йилликка ажратиш мумкин.

Мамлакатимиз телевидениеси бугунги кунда аҳолининг 97-98 % ини камраб олган ва 60дан ортиқ каналга эга.

Кейинги бир неча йил ичида Ўзбекистон Интернет журналистикаси жадал ривожланиб бораёпти. 2000 йилга нисбатан 2008 йилда Интернетга кириш манзилларининг сони 30 баравар кўпайди, ундан фойдаланувчилар сони 15 баравар ошди, умумжаҳон тармоққа уланган давлат бошқарув органлари 7 марта кўпайди, янги веб-сайтлар сони 10 марта ошди. Шу билан бирга глобал тармоққа уланиш нархи арзонлашди. Кейинги бир неча йилда Интернетга кириш нархи 1 соат учун 5 баробардан кўпроқ пасайди. Юқоридаги вазиятлар Интернет-контент ва Ўзбекистондаги Интернет-журналистика ривожига кенг имкониятлар беради.

Хусусий янгиликлар Интернет портали - Ўзбекистонда тўнғич ҳисоланади. У 1999 йилда очилган бўлиб, ҳозир 3 тилда (ўзбек, инглиз, рус) фаолият олиб боради ва республика ҳаётининг турли соҳаларига - жамият ҳаёти, сиёсат, бизнес, молия, суғурта, биржа, қимматбаҳо қоғозлар бозори, маданият ва спортга оид хабарларни ўзида жамлайди. Бу сайтда ҳар куни 100 га яқин ахборий материал жойлаштирилади, шунингдек турли пресс-релизлар ва биринчи манбадан олинган бошқа матнлар ҳам киритилади. Бугунга келиб сайт 100дан ортиқ мамлакатдан минглаб кирувчиларга хизмат кўрсатади.

Ўзбекистонда ЎзА, “Жаҳон”, “Туркистон-пресс” ахборот агентликлари фаолият кўрсатаёпти. Республикамизда ва ундан ташқарида оммавий ахборотни йиғиш ва ОАВ таҳририятлари, давлат идоралари, жамоатчилик бирлашмалари ва яқка шахсларга тарқатиш ЎзАнинг бош вазифаси ҳисобланади. Агентлик ўз фаолиятини сиёсий ва ижтимоий ташкилотлардан мустақил равишда олиб боради, ишидаги ташкилий масалаларни тасарруфидаги воситалар ёрдамида ўзи ҳал этади. ЎзА ахборот айрбошлаш

ҳақида бир қатор хорижий ахборот агентликлари билан икки томонлама шартнома тузган.

“Жаҳон” ахборот агентлиги 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида ташкил этилган. Хорижий мамлакатларни Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақидаги ахборот билан тезкор таъминлаш, чет элларда ахборот бюллетенлари, маълумотномалар, каталоглар, газеталар, журналлар ва бошқа босма, компьютер, фото, аудиовидео маҳсулотларни нашр қилиш, тарқатиш учун миллий ахборот агентликлари ва ҳалқаро ахборот тармоқлари билан доимий алоқани таъминлаб туриш унинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Мазкур материаллар Ўзбекистоннинг ҳалқаро ҳамкорлик имкониятлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Бундан ташқари агентлик ҳалқаро ташкилотлар учун республика ичида иқтисодий фаолият шарт-шароитларига оид маълумотларни тўплайди ва тарқатади.

Тижорий асосда фаолият кўрсатувчи “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлиги оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун журналистика материаллари тайёрлашга ихтисослашган.

ОАВнинг бу кенг тармоқли тизими мустақиллик йилларида деярли янгидан ташкил этилди. Ушбу тизим жамиятдаги турли гуруҳлар ва табақаларни назарда тутган ҳолда фаолият олиб боради. У ҳукмрон мафкурадан, давлатнинг ялпи ҳукмронлигидан ҳоли.

Мазкур ишда оммавий ахборот воситалари асосий восита, қурол ҳисобланади. Бу ўринда гап оммавий ахборот воситалариаро ёки улар ичидаги яқдиллик ҳақида эмас, балки уларнинг жамият манфаатлари, миллатнинг аҳиллиги, истиқболи, жамият ва давлатнинг гуллаб-яшнаши учун хизмат қилиши тўғрисида бормоқда. Мамлакатда барқарорлик сақланиши ҳам бунга сабаб бўлади. Шунинг учун матбуот, бир томондан, давлат ва жамият, иккинчи томондан, шахс манфаатларини мутаносиблаштиришда муҳим роль ўйнамоғи керак. Ўз ғоя ва манфаатларини ёқлаган ҳолда, фаолият бобида конституциявий тузум ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

заруриятидан келиб чиқиб иш кўриши лозим. Бу эса жамият манфаатларини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Журналистлар, медиа-бизнес ва ҳокимият тузилмаларининг миллий манфаатларни ифодалашдаги ҳамфикрлиги жамиятда тотувликни сақлашда ўта муҳим ҳисобланади. Бироқ ўзаро мурасага эришиш йўлидаги интилишни асло мурасасозлик деб тушунмаслик керак. Яъни оммавий ахборот воситалари тинчлик ва барқарорликка эришиш баҳонасида демократик қадриятлардан юз ўгирмасликлари лозим. Улар инсонларни ва жамиятни безовта қилаётган кескин, долзарб масалаларни жамоатчилик эътиборига етказишлари, муҳим мавзуларга қўл уришлари керак.

Лекин бу ҳолда журналистдан бутунлай бошқача, юқори даражаси касбий маданият талаб этилади. Оммавий ахборот воситалари ҳаммани қизиқтирадиган, фикрлашга мажбур этадиган масалаларни кўтариш ва уларни ҳал қилиш йўллари таслиф этиш билан бирга ўзлари таянадиган тамойилни - жамиятда тинчлик-тотувликка эришиш тамойилини унутиб қўймасликлари керак. Ўз навбатида, бу борада жамиятдан ҳам, амалдорлардан ҳам ўзгача, юксак даражадаги маданият талаб этилади. Улар ўринли танқидни жазавага тушмасдан, ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмасдан, оғир-вазминлик билан қабул қилишга ўрганишлари даркор. Асосли танқиднинг ёки камчиликлар фош этилишининг, улар қаерда бўлмасин, олға интилиш ва шунга қўшилган ҳисса деб қабул қилиниши барча учун манфаатлидир. Оммавий ахборот воситаларининг танқидий чиқишлари асло у ёки бу журналистни ёки ОАВ каналини душман сифатида қарашга сабаб бўлмаслиги керак.

Томонлар асрлар давомида шаклланиб келган анъаналар, эзгу ниятлар, интилишлар ва мақсадларга, бугун жамият олдида турган улуғвор вазифаларга асосланиб иш кўришлари лозим. Оммавий ахборот воситалари ахборот-психологик хавфсизлик ҳақида қайғуришлари билан бирга бутун халқни буюк мақсадларни амалга оширишга даъват этишлари даркор.

Ўсиб келаётган ёт авлодни ватанпарварлик, ўз халқига садоқат руҳида тарбиялашга, унга инсонпарварлик, инсон қадрини улуғлаш ғояларини

сингдиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Шуларга кўра журналистикамиз учун ҳалқнинг анъанавий турмуш тарзи ва менталитетини ҳисобга олишдек яна бир ўзига хос муҳим вазифа келиб чиқади.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятида янги ижтимоий-сиёсий тизим концепциясидан келиб чиққан ҳолда, ҳалқнинг тарихий хотирасини ҳам эсдан чиқармасликлари керак.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, кўплаб жамоатчилик ташкилотлари, турли ноҳукумат жамғармалар ва ҳаракатларнинг барчаси бўлмаса-да, кўпчилиги ўз оммавий ахборот каналига, шунингдек оммавий алоқалар хизматига эга, умуммиллий ОАВга чиқа олади. Табиийки, улар ижтимоий-сиёсий, оммавий ва ихтисослашган нашрлар орқали ўз дунёқарашлари, дастурий мақсад ҳамда вазифаларини тарқатишга ҳаракат қиладилар.

ОАВнинг таҳририятлари ўз ишида аудитория манфаатлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқмоғи, унинг эътиборига мавжуд ҳар хил нуқтаи назар ва фикрларни ҳавола қилмоғи, ислоҳотларнинг бориши, уларнинг турли ижтимоий гуруҳ, табақа ва бошқа қатламларнинг ҳаётига таъсири ҳақида маълумотлар етказиб турмоғи лозим. Афсуски, республикамиз матбуоти кўпинча, айниқса, кимнингдир фикри умумий қабул қилинган меъёрларга тўғри келмаган ҳолларда ортиқча эҳтиёткорлик кўрсатиб, уни рад этадилар, у ҳақда лом-лим демайдилар.

Ҳолбуки, агар бундай фикр баъзи кишилар онгида пайдо бўлиб, бошқаларга ҳам таъсир ўтказа бошласа, шундай вазият юзага келадики, муайян масал ада ахборот танқислиги сабабли турли-туман миш-мишлар, нотўғри талқинлар, уйдирмалар урчиб кетади. Буларнинг барчаси жамият ахборий хавфсизлигига таҳдид туғдириш учун қулай муҳитни юзага келтиради. Натижада миллий манфаатлар ҳам хавф остида қолиши мумкин.

Ахборот, алоқа тармоқларини, жамият ҳаётини таъминловчи ўта муҳим инфратузилма тизимини мураккаблаштириш ҳам яна бир хавф манбаидир. Бу хавфлар атайлаб қилинган ёки тушунмаслик оқибати, техник ва дастурий

таъминотдаги узилишлар ёки нуқсонлар, жиноий уюшма ёхуд жиноятчи унсурлар томонидан амалга оширилган зарарли таъсирлар бўлиши мумкин.

Ҳозирги дунёда давлатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриши ҳамон сақланиб қолаяпти. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, мамлакатлардан ҳар бирининг ўз манфаатлари бор ва бу давлатлараро муносабатларда у ёки бу сиёсатни ўтказишни тақозо этади. Шу асосда келиб чиқадиган зиддият, албатта, ахборот соҳасида ҳам намоён бўлади. Илмий адабиётларда “ахборот қарама-қаршилиги” деган таъриф қарор топган: бу аудиторияга атрофда бўлаётган бирор воқеа-ҳодисага нисбатан ўз мулоҳазаси, қарашлари, фикрларини иккинчи томон ғояси ва изоҳини рад этиш йўли билан тикиштиришга уринишни англатади.

Журналистнинг маҳорати долзарб муаммолар ва фикрларнинг жамоатчилик ҳукмига етказилишда, зарур бўлса, улар атрофида мунозара уюштириш ва батафсил шарҳлаб беришда кўринади. Гарчи баҳс-мунозара ҳақиқатни тўлиқ юзага чиқармаса-да, шу ҳақиқат изланганининг ўзиёқ муҳимдир. Зеро, бу аудиторияни ўйлашга, мулоҳаза қилишга, ўзини ташвишлантираётган масалаларга жавоб топишга ундайди. Акс ҳолда жамоатчилик фикрида турғунлашув юз беради. Тафаккур қилмайдиган, мулоҳаза юритмайдиган жамият чет таъсирига тушиб қолиши мумкин. Айниқса, Ўзбекистон ахборот кенглигида оммавий ахборот воситаларининг кўпгина чет эл каналлари фаоллик кўрсатаётган ҳозирги пайтда бундай эҳтимоллик жуда кучлидир.

Оммавий ахборот воситаларига нисбатан яна шуни айтиш зарурки, спорт соҳасида бўлганидек, бу ерда ҳам энг яхши ҳимоя - ҳужумдир, ва ноиложликдан, улар хуружига қарши мажбуран қилинадиган ҳужум эмас, балки содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ўз вақтида, зудлик билан ҳолис ёритиш орқали муҳолиф томонни “қуролсизлантириш”, уларнинг фисқ-фужур гапларига ўрин қолдирмаслик, яъни улардан ҳам илдамроқ ахборот етказит маъносидаги саъй-ҳаракатдир. Лекин, афсуски, жаҳон ахборот майдонида ўқувчи, тингловчи ва томошабиннинг онги-шуурини, қалбини овлаш учун олиб

борилаётган бу кўзга кўринмас рақобат курашида Ўзбекистон журналистлари ташқи ахборот каналларига бўш келиб қолаётган ҳоллар кам эмас. Бундай вазиятни маъмурий буйруқбозлик билангина ўнглаб бўлмайди. Чунки бу эркин “бозор”да ҳар ким ўзи хуш кўрганини харид қилади, ўқийди, кўнглига ёкса, эшитади ва кўради, чунки бу унинг манфаатларига, қизиқишларига мос келади.

Ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ Ғарб ОАВда қуйидагича тартиб қарор топган эди: ахборот воситасининг навбатдаги сониди жойлаштириладиган материални тақдим этувчи бўлимга бериладиган биринчи савол шундай бўларди.

Материал кимларга мўлжалланган? Уни кимлар ўқийди деб ўйлайсиз? Ёши? Жинси? Маълумоти? Аудитория нимани кутади, манфаати қандай? Унинг руҳий дастури қандай? Моддий аҳволи-чи? Ва ҳоказо.

ОАВ кўзлаган “нишони” аниқ, ўз далил-исботлари ишонарли бўлиши ҳақида қайғуриши лозим. “Мен ёзаётган мақола ким учун?” - журналист амал қиладиган асосий қоидалардан бири шундай бўлмоғи керак. Мўлжаллаган аудиториясини олдиндан билиш журналистга ўз материали етказаётган хабар қандай қабул қилинишини тўғри тахминлаш имконини беради.

Муайян руҳий ҳолатни шакллантириш учун ҳозир ХХ аср бошларидаги сингари кўплаб кунлар ва ҳафталар талаб этилмайди. Телеалоқа тизими бунга бир неча соатда, ҳатто тўғридан-тўғри кўрсатувда эришиши мумкин. Бунинг учун, масалан, Си-эн-эн телеканали меҳмонхоналардан бирининг тоmidан туриб АҚШ авиацияси Ироқ пойтахти Бағдодни қандай бомбардимон қилганини он-лайн режимида кўрсатганлигини эслаш кифоя.

Фавкулудда ҳолатларда фуқароларнинг ахборот-психологик ҳавфсизлигини таъминлаш ҳақида гапирганда, шуни афсус билан таъкидлаш керакки, бундай пайтда бизнинг матбуотимиз саросимага тушиб, нима қиларини билмай қолади. Журналистларимиз жадаллик кўрсатиш ўрнига сусткашлик қилиб, ўзларини йўқотиб қўйишади. Ваҳоланки, ҳалқаро журналистикада фавкулудда мазмунли ахборот биринчи ўринда туриши кузатилади.

Яна бир жуда муҳим йўналиш борки, у ҳам хавотир уйғотмаслиги мумкин эмас. Айтиб ўтилганидек, бизда мўмай даромад кетидан қувиб, оммавий аудитория ноғорасига ўйновчи қўплаб нашрлар пайдо бўлди ва бўлаётир, улар айтишга миждасининг паст савиялари, тўпори дидларига мос равишда иш тутишади.

Яратувчилик ғояларига келсак, ушбу нашрлардан уларни топиб бўлмайди. Бундай ғоялар ҳар бир қалбда пайдо бўлиши учун жамият маънавияти ва ақл-заковатини юксалтириш керакка ўхшайди. Лекин юқори маълумотли ва маънавиятли жамиятда ҳам бўлар-бўлмасга ҳадеб юзаки панд-насихат қилинавермаслиги, ҳулқ-атвор тарбиясига, қуруқ ўғитвозликка ружу қўйилавермаслиги лозим.

Ахборот-психологик хавфсизликка эришиш фуқаролар билан давлат ўртасидаги яқин алоқани амалга оширувчи жамоатчилик институтларини ташкил этиш билан жипс боғлиқ. ОАВ ана шундай институтлардан бири бўлмоғи лозим. Ҳозирги кунда бу соҳа асосан давлат таъсисчилигидаги матбуот нашрларидан иборат. Албатта, давлат ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имконига эга бўлиши керак, лекин бу ҳолда ОАВ ишига маъмурий буйруқбозлик услуби асосида таъсир этиш, аралашини иштиёқи сезиларли даражада сақланиб қолади. Бундан қутулишнинг йўли ижтимоий институтлар, Журналистлар ижодий уюшмаси, Оммавий ахборот электрон воситалари миллий Ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ахборот агентликлари фаолиятини фаоллаштиришдан иборат.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1. Ахборот уриши ва унинг моҳияти ҳақида тушунча беринг?*
- 2. Дунёда ахборот ўлчовларининг ўрганилиши муаммоси.*
- 3. “Биринчи даражаси” ва “ривожланмаган” давлатлар ҳақидаги афсона деганда нимани тушунасиз?*

4. *ОАВ ахборот–психологик урушни олиб бориш воситаси сифатида деганда нималар назарда тутиалади?*

5. *Ахборот–психологик уруши нима?*

6. *ОАВ нинг ўзига хос психологик таъсири нималарда намоён бўлади?*

7. *Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ривожланиш йўлида.*

Мустақил иш учун мавзулар:

1. *Ахборот уруши ва унинг моҳияти ҳақида тушунча.*

2. *Дунёда ахборот ўлчовларининг ўрганилиши муаммоси.*

3. *“Биринчи даражали” ва “ривожланмаган” давлатлар ҳақидаги афсона ҳақида тушунча.*

4. *ОАВ ахборот–психологик урушни олиб бориш воситаси сифатида.*

5. *Ахборот–психологик уруши.*

6. *ОАВ нинг ўзига хос психологик таъсири.*

7. *Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ривожланиш йўлида.*

АХБОРОТ – ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ВА ИНТЕРНЕТ

Мавзунинг қисқача мазмуни:

1.Компьютер, интернет ортидаги муаммолар. Компьютер ва интернет бутун дунё кашфиётларидан бири сифатида, интернет компьютер ва кичик тизимларнинг ўзаро алоқа бозлаб, глобал ахборот инфратузилмасини шакллантирувчи бутунжаҳон компьютер тармоғи сифатида.

2. Ахборот хуружлари ва унда интернетнинг аҳамияти. Айрим Ғарб давлатларининг ўз миллий манфаатларини кенгайтиришда “демократия экспорти, иккиламчи меъёр” каби атамаларини қўллаши, ахборот хуружи, ҳозирда турли усулларда олиб борилаётган мафкуравий тарғибот ва ташиқотларнинг асл мақсади инсон қалби ва онги учун курашга қаратилганлиги.

3. Интернет тармоқларида техник бузилиш муммолари. Интернет тармоқларида техник бузилишлар, кундалик эҳтиёжсимизга айланган, интернетнинг хавфли хусусиятлари, интернет вируслари ва уларнинг асл мақсади.

Таянч тушунча ва атамалар: Ахборот, интернет, интернет ортидаги муаммолар, бутунжаҳон компьютер тармоғи тизими, Ахборот хуружлари ва ундаги интернетнинг ўрни, ахборот “демократия экспорти, иккиламчи меъёр” атамаларининг мазмуни, Интернет тармоқларида техник бузилишлар, интернетнинг хавфли хусусиятлари, интернет вируслари ва уларнинг асл мақсади, дезинформацион.

6.1. Компьютер, интернет ортидаги муаммолар

Ривожланиш, кашфиётлар инсонни доимо ҳайратга солиб келган. Айримлари маълум даврдагина машҳур бўлиб, кейин омма эътиборидан қолаётган бўлса, баъзилари бутун инсониятни ҳайратга солиб, ўзининг орқасидан эргаштирмоқда. Табиийлик қонунига кўра ҳайрат билан бошланган янгилик биров вақт ўтгач, ҳаётнинг одатий таркибий қисмига айланиб қолади.

Инсоният тарихида ҳайрат чўққисида энг узоқ турган кашфиётлардан бири бу компьютер ва интернет бўлса, ажаб эмас. Компьютер технологиялари бугун ҳаётга шиддат билан кириб келаяпти. Янги нарса эса ёш авлод учун доим қизиқарли. Лекин ўша ёш авлод мазкур соҳани ипидан игнасиғача мукаммал эгаллашга ҳаракат қиляптими ёки унинг қулига айланиб бораяптими, бунинг ажратиби олиш мушкул. Компьютерда ўйнаш учун мўлжалланган ўйинлар (дисклар) турини ўрганган киши қўйидаги хулосаларга келади: Айни пайтда бозорда диск кўринишида сотилаётган ўйинларнинг деярли 95% қотиллик, ўғрилиқ, зўравонлик ва шу каби хатти-ҳаракатлар асосига қурилган экан. Албатта бундай ҳолатлар бола психологиясига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Ўйнаш жараёнида бола шу ҳаракатга кўникиш пайдо қилади ва аста-секин энг даҳшатли жиноятларни ҳам у оддий ҳолдек қабул қилади.

Фан ва техниканинг жадал ривожланиши, фаолиятнинг барча соҳаларида ахборот тизимларининг жорий этилиши ва уларнинг кенг қўлланилиши кишиларнинг одатий, анъанавий турмуш тарзига, ишлаб чиқариш амалиётига таъсир этиб, унинг яққол янги шакллари яратмоқда. Бизда савол туғилади, бугун барчани қамраб олган интернет аҳамияти қандай? Ундан биз нимани ўрганишимиз?

Интернет бу, вақт, макон ва жуғрофий чегараларнинг мавжудлигига қарамай, компьютер ва кичик тизимларнинг ўзаро алоқа боғлаб, глобал ахборот инфратузилмасини шакллантирувчи бутунжаҳон компьютер тармоғидир. У кашф қилингач маълум бир давр ўтиб ноанъанавий интерфаол журналистиканинг ривожланишига сабаб бўлди. Мультимедиа хусусиятларига

эга бўлган, миллий, минтақавий ва давлат чегараларини билмайдиган интернетнинг дунёга келиши, бугун барча учун қимматли бўлган ахборотларни тарқатиши эса ўз навбатида катта бир кашфиёт эканлигидан далолат. Бугун интернетда бир вақтнинг ўзида бемалол маълумот олиш, тарқатиш, қабул қилиш каби бир неча вазифаларни бажариш мумкин. Аммо, ундан қай тарзда, қандай фойдаланиш эса мавҳум бир тушунчадек четда қолиб кетмоқда.

Буюк Британиялик Патрисия Ҳолланд интернет ҳақида шундай дейди: “Интернет деб номланувчи компьютерлар занжирида ташкил топган бутунжаҳон коммуникация тармоғи чексиз масофада бўлган, ўзаро нотаниш индивидиумлар ўртасидаги алоқа боғлашга замин яратади. Интернет макони бўйлаб ҳаракатланиш – бу бўш вақтни фойдали ва мазмунли ўтказиш йўли, тадқиқот учун маълумот йиғишнинг самарали усули, зарур маълумотларни излаш ва таҳлил этишда ёрдам берувчи бебаҳо воситадир”¹⁸.

Дарҳақиқат, интернетдан фойдаланиш ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Кимдир ундан маълумот олиш, сўнгги кашфиётларни билиш мақсадида фойдаланса, яна кимдир порнографик расмлар жойлашган сайтни кўриш учун фойдаланади. Айрим пайтларда интернет орқали тарқатилган ҳамма ахборотлар ҳам тўғри бўлиб чиқавермайди. Чунки унда муаллифлик ҳуқуқи мавжуд эмас. Киши ўзи хоҳлаган хабарни тарқатиши мумкин. Компьютер ўйинлари-ю интернет тармоғига ҳаддан ортиқ боғланиб қолишни мутахассислар касаллик, дея баҳолашмоқда. Гарчи бунинг қай даражадаги руҳий хасталик эканлиги номаълум бўлса-да, лекин юқори технологияларсиз «яшай олмаётганлар» сони ўсиб бормоқда. Америкада 2,5 минг киши ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, 70 % одам интернетсиз умуман яшай олмаслигини билдирган. Уларнинг 14 % бутунжаҳон тармоғисиз ҳаёт кечиришлари мушкул кечишини айтган, 12,3 % одам ўзини бу тармоқда ишлашдан тийишга уринаётганлигини маълум қилади. 8,7% киши эса интернетга бўлган қизиқишини дўстлари, ҳамкасблари ва оила аъзоларидан сир тутишга уринади.

¹⁸ Рашидова Д., Муратова Н., Интернет журналистикаси. Тошкент 2007 й. 9-б.

Кўпчилик ёшларнинг ахборотга нисбатан эҳтиёжи юқори. Ахборот олиш имкониятларининг юқорилиги боис интернет уларни ўзига кўпроқ жалб этмоқда. Бироқ улар маълумотлар аҳамиятини ажрата олишмаяпти. Шу боис тажовузкор ўйинлар, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи сайтлар билан банд бўлиб қолишяпти. Афсуски айрим ёлғон тарқатилган маълумотлар инсонларнинг мафкуравий онгига катта маънавий таъсир ўтказмоқда. Бу маълум бир маънода глобаллашув даврида инсон онгига ёт бўлган ғояларни сингдириш, уларни онгини заҳарлаш орқали бир томонлама фикрлайдиган бўлиб ўсишига хизмат қилмоқда. ХХІ аср техник юксалишлар асри бўлсада, болага самимий туйғулар, гўзал нарсалар, ахлоқ меъёрлари ҳақида гапириш керак. Уларга ўзингизнинг иқтисодий муаммоларингиз, ижтимоий мавқеингиз нуқтаи назаридан эмас, энди дунёни англаб, унга нисбатан муайян муносабати шаклланаётган шахс сифатида эътибор бериш катта аҳамиятга молик.

Олимлар радио, камера, телевидения, коинотни ўзлаштириш соҳаларида бир қатор кашфиётларни амалга оширди. Компьютер кашф қилиш оқибатида уни бошқариш қийинлиги бугун барча олимларнинг олдида турган муҳим долзарб муаммога айланди.

Матбуот, радио ва телевидениедан илгарилаб кетган интернетда бугун чек-чегарасиз маълумотларни кўриш мумкин. Аммо бу сарҳадини билмаган мақола ва хабарлар инсоннинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда. Ҳозирги пайтда ҳар қандай тараққиёт ва модернизация ахборот технологиясиз рўй бермайди. Ишбилармонлар, ишхоналар фаолиятини интернетсиз тасаввур этиш қийин. Ривожланган мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги касаллик варақалари ҳам айнан ҳалқаро тармоқ орқали тарқалмоқда. Албатта, бунда маълум бир миқдордаги қоғоз, вақт тежалганини англаш қийин эмас. Дунёдаги глобаллашув ҳодисаси бевосита интернет имкониятлари туфайли жадаллик касб этмоқда. Бугун интернет бағрида шу қадар ахборот жамланганки, даб-дурустдан унга мурожаат этган инсон шошиб қолиши ҳеч гап эмас. Аммо, таъкидланганидек, баъзи пайтларда интернет

инсон психологиясига таъсир ўтказиб, уни бошқараётганлигига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин.

Статистик манбаларнинг кўрсатишича, ҳар бир 5 ёшли болада (10-17 ёшгача) интернетда ўргатилаётган нарсалар оқибатида зўравонлик қилиш, одам ўлдириш ҳолатлари ва уларнинг порнографик расмлардан бемалол фойдаланиб, ҳаётда чидаб бўлмайдиган жиноятларга қўл уриш ҳолатлари ўсиб бораётганлиги кузатилади. Бу эса жамиятда жуда катта муаммога айланмоқда.

Инсон табиатан шов-шувли нарсаларга қизиқувчан бўлади. Интернетда бундай хабарлар минг-минглаб миждозлар томонидан ўқилгани кўрсатилади. Айрим олинган хабарлари тўғрисида фикрларини ёзиб, тўғрироғи уни шарҳлаб, қайта ишлаб чиқиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Хабарни тарқатган одам шуни англайдики, бугун у юборган янгилик назардан четда қолмади. У оммавий аудиториясини кенгайтириш мақсадида яна кўпроқ миш-мишларга бой бўлган материалларни тайёрлайди. Ахборот мазмуни эса омманинг қизиқишига қараб тайёрланади. Унинг тўғри ёки нотўғрилиги эса ўз исботини талаб қилмайди.

Афсуски, интернет хабарлари орасида менталитетимизга тўғри келмайдиган, миллийлигимизга қарши бўлган мақолаларни ҳам йўқ дея олмаймиз. Айнан мана шундай пайтларда инсоннинг ягона унга қарши иммунитетини бу унинг мустақил фикрга эга эканлиги ҳисобланади. Ўз фикри ва ғоясига эга инсон биринчи маълумотни ўзи баҳолайди. Кейин эса унга ўз муносабатини билдиради. Айрим ҳолларда кўр-кўрона битта янгиликни ўқиб олиб, уни одамларга тарқатиш, ўзидаги саводхонлиги етмагандек, бошқаларни ҳам шунга жалб қиладиган дўстларимиз йўқ деб айта олмаймиз. Ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда - эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Бу бир-бирига қарши бўлган сўзлар ўртасида кураш мавжудлигини англатади. Буларни тўғри англаш ва баҳолаш эса инсон онгига ва унинг маънавий бойлигига боғлиқ.

Замон воқеалигига очиқ кўз билан қараш, реал ва огоҳ туриш, жаҳонда ва қардош мамлакатларимиздаги мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва

сабоқлар чиқариб яшаш бугунги кун талаби ҳисобланади. Глобаллашув жараёнида мафкуравий имунитетни шакллантириш, миллий анъана ва қадриятларимизнинг моҳиятини ёшлар онгига сингдириш борасида, ёшларни ҳар хил интернет клубларида вақтларини бекор ўтмаслиги учун, улар онги ва тафаккурини шакллантиришда кўпроқ турли соҳа муҳахассилари, Ватан, меҳнат қаҳрамонлари қабилар билан учрашувлар, тарихий жойларга саёҳат ва семинар, тренинглар олиб бориш ҳар хил ахборот хуружларидан ҳимояланишига фойда беради.

6.2. Ахборот хуружлари ва унда интернетнинг ўрни

Бугун бир минтақадаги салбий, ижоби воқеа-ҳодисалар дунёнинг бошқа бир минтақасига жуда тез тарқалиб, ўз таъсирини кўрсатмоқда. Унинг оқибатида, минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий таҳдидлар вужудга келмоқда. Сўнгги даврларга келиб геосиёсий вазиятнинг ўзгариши ҳамда рақобат кучайиши натижасида, юқорида кўрсатилган омиллардан ташқари илгари кузатилмаган таҳдидлар юзага кела бошлади. Айрим Ғарб давлатлари томонидан ўз миллий манфаатларини кенгайтиришда “демократия экспорти, иккиламчи меъёр” каби атамалар “ахборот хуружи” каби асосий воситага айланмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирда ахборот - иқтисодиётнинг энг сердаромад манбаига айланиб бормоқда.

АҚШ Стратегик тадқиқотлар институтининг маълумотларига кўра: “Ахборот маҳсулотига сарфланган ҳар бир доллар, ёқилғи-энергетика соҳасига сармоя қилинган бир доллардан кўра, бир неча ўн баробар кўп фойда беради”¹⁹. “Ҳозирги шароитда глобаллашув жараёнини мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар”. Агарда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Ғарб матбуотининг республикамизга бўлган муносабатини таҳлил

¹⁹ [http:// www. Google.com](http://www.Google.com)

этадиган бўлсак, “Озодлик”, “BBC” ва бошқа бир қатор ОАВлар кўпроқ ижтимоий-иқтисодий ва маиший соҳалардаги камчиликларга эътибор қаратганини кўришимиз мумкин. Ахборотни ҳимоялаш масалаларига ривожланган мамлакатлар катта аҳамият беради. Ҳозирги пайтга келиб ҳалқаро муносабатлар янги ахборот технологиялари асосида шаклланаётгани боис, ахборотни ҳимоялаш, жамиятнинг энг муҳим вазифаси бўлиб келмоқда.

АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси томонидан 20-асрнинг 50-60-йилларида “одамларни қайта дастурлаш”, “онгни ювиш” борасида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган. Ижтимоий онга таъсир этувчи самарали усулларни ўйлаб топиш ва улар орқали одамларни бошқариш мақсадида бу соҳада катта маблағ сарфланган. Шундай лойиҳалар устида ишлаган олимлардан бири доктор Ивен Камерон 1946 йил чоп этилган “Ижтимоий психиатриянинг чегаралари” асарида фуқаролар устидан назорат ўрнатишга хизмат қиладиган, уларда ижтимоий фикр, эътиқод ва ҳаёт тарзини шакллантирувчи усулларни таъкидлаб ўтган.²⁰

Ахборот хуружларининг тез-тез уюштирилаётганлиги аслида “уруш”га муносабат ўзгарганидан, қуролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Ҳозирда турли усулларда олиб борилаётган мафкуравий тарғибот ва ташвиқотларнинг асл мақсади инсон қалби ва онги учун курашга қаратилган. Бу кураш натижасига кўра *3та асосий босқичдан* иборат:

1) Муайян ахборот инсон томонидан қабул қилинмайди.

2) Ахборот инсон онгида маълумот сифатида сақланиб қолиши ва бундан бошқа бир масала юзасидан қарорлар қабул қилишда солиштирувчи манба сифатида фойдаланиш мумкин.

3) Ахборот фикр ёки ғоя сифатида инсон қалбини эгаллаши маънавий-руҳий ҳолатини узвий қисмига айланиши ҳамда бу унинг амалий фаолиятини асосини ташкил қилувчи омил бўлиб қолиши мумкин.

²⁰ П.И.Иванов, М.Э.Зуфарова. Умумий психология. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. Тошкент. 2008. 474-бет.

Ахборот учинчи ҳолатда инсонни даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучини тўла намоён этади. Ҳозирда ахборот хуружлари ҳақида кўп гапирилаётган бўлсада, мутахассислар томонидан ҳали бу тушунчага тўла таъриф берилгани йўқ. Ўзбекистоннинг геосиёсий жойлашуви, табиий ресурсларга бойлиги ва бошқа иқтисодий, ижтимоий салоҳияти унинг манфаатдор кучлар томонидан “Ахборот хуружларининг объекти” сифатида қаралиши эҳтимолини келтириб чиқаради. Дунёда ким ахборот бозорини эгалласа, ўша ҳукмронлик тизгинини тутати, дейишади. Чунки айни пайтда дунёни инсон эмас, айнан ахборот бошқармоқда. Си-Эн-Эн ва Би-Би-Сининг овози етмаётган жойда “Ал-Жазира”нинг маҳсулотлари сотилаётган экан, бу ахборот бозорида янгича қарашнинг пайдо бўлишига имкон беради.

Ахборот қуролининг универсаллиги, яширинлиги, дастурий аппаратнинг амалга оширилиши шакллариининг кўп вариантлилиги, таъсирларнинг радикаллиги, вақт ва жой танлаш имконини етарлилиги, ниҳоят тежамлилиги унинг жуда хавфсизлилигини кўрсатади. Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш ва бошқариш, мудофаа ва алоқа, транспорт ва энергетика, таълим ва ОАВ - барчаси ахборот алмашинуви жадаллигига, ҳаққонийлигига, тўлиқлиги ва тезлигига боғлиқ. Хужум қилувчи ахборот қуроли деб, қуйидагиларни ҳисоблаш мумкин:

- компьютер вируслари;
- телекоммуникацион тармоқларда ахборот алмашиниш воситаларини йўқ қилиш, давлат ва ҳарбий бошқарув каналларида ахборотларни қалбакилаштириш;
- дастурларини бузиш, ишдан чиқариш ва ҳ.к.

Жамият бир неча минг йиллардан бери мавжуд, лекин кенг ахборот урушлари асосан интернет тизими пайдо бўлгандан сўнггина кенг оммалашди. Бу борада компьютер вируслари етакчи аҳамиятга эга. Компьютер вируслари фуқаролик ва ҳарбий ахборот тизимлари ва тармоқларига киритишга уларни масофадан туриб бошқаришга имкон берувчи воситалардир. Бу воситалар ҳақиқий вақт давомида доимий ишлаб турадиган излаб топиш ва бошқариш

автоматлаштирилган тизимларига катта зарар кўрсатади. Ғарб экспертларини ҳисоблашлари бўйича бундай тизимлар хусусан ишдан чиқарилган вазифаларни тиклаш эҳтимоли жуда паст, шунинг учун уларнинг ишларига аниқ мақсад билан бузиб кириш, оммавий ҳужум қуролини оқибатлари билан тенг алоҳида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ахборот қуроли бу, душманнинг ахборот имкониятларини йўқ қилиш учун қаратилган дастурли ахборот воситалари комплексида иборатдир. Бу аниқлик киритувчи тушунча жаҳонда қадимий тарихга эга бўлган “дезинформация” номи билан, ҳаммага маълум бўлган оддий ташвиқот-психологик ахборот қуроли мавжудлиги сабабли ҳам муҳимдир. Бугунги глобаллашув асрида ахборотга бўлган талаб ҳар қачонгидан кучайиб бормоқда. Шу сабабли ҳам дунё аҳолиси мулоқоти тилида “психологик уруш”, “ахборот уруши”, “психологик операциялар”, “ахборот-психологик кураш олиб бориш”, “психологик ҳимоя сингари атамалар” кенг оммалашиб бормоқда.

Стратегик даражада психологик операциялар муайян сиёсий ёки дипломатик қарашдарни, расмий баёнотларни ёки давлат раҳбарларининг хабарларини тарқатиш ва тарғиб қилиш бўлиши мумкин. Ахборот психологик таъсир ўтказишда сиёсий ва ҳарбий раҳбарлар, шунингдек ОАВ, маданият ва санъатнинг кўзга кўринган вакиллари асосий объект бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, кейинги пайтларда мамлакатимизга нисбатан ҳам ахборот-психологик таҳдидлар содир этилмоқда. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ўз вақтида ва ишончли ахборотларга эга бўлиш ҳамда уларни ўз вақтида етказиш ва амалиётда унумли фойдаланиш самарали бошқаришни таъминлашнинг асосий шарти ҳисобланади. Эндиликда ахборот-давлат фаолиятида бошқарувчилик кучини сезиларли даражада намоён қилади. Бугун жаҳон миқёсида бўлаётган ўзгаришлар, иқтисодий тараққиёт, илм-фандаги инсон ақлини лол қолдирадиган янгиликлар, ихтиролар барча-барчаси ОАВ орқали ҳар бир хонадрга кириб бораётганлигини инобатга олсак, ОАВ матбуот ва интернет яхшиликка, эзгуликка хизмат қилмоқда, дейишимиз мумкин. Ҳалқаро муносабатлар тизимида рўй бераётган ўзгаришлар

натijasида миллий хавфсизлик, минтақавий хавфсизлик ва ҳалқаро хавфсизлик каби тушунчалар моҳиятини тушунишга, уларнинг ўзаро боғлиқлигини англашга, эътибор ортиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Одамларнинг мақсадлари хилма-хил, ҳалқлар орасида тортишиш ва талашишлар жуда кўп. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, журналистнинг заҳирасида ёлғон хабардан бошқа хабар бўлмайди. Бунга қарши курашишнинг энг самарали қуроли ҳам, айнан шу ахборотдир. Шу боис ахборотни ўз мақсадларига хизмат қилдиришга интилиш кескин тус олмоқда. Ахборот, уни узатиш, қайта ишлаш ва йиғиш босқичлари ўзига хос хусусиятга эга эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Яъни, инсоннинг оддий, кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатларининг асосини ҳам, дунё мамлакатларининг инсоният тақдирига даҳлдор бўлган қарорларининг манбаини ҳам ахборот ташкил этади. Бу эса ўз навбатида ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларини янада кенгайтиради.

6.3. Интернет тармоқларида техник бузилиш муммолари

Ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган бир даврда, барча радиоэлектрон воситалар ахборот курашидан оммавий фойдаланиш йўли билан эришилади. Ривожланган мамлакатларнинг кўпчилик таҳлилчилари қуролнинг бу турини “замонавий дунёга эгалик қилишнинг ҳал қилувчи омили” деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатдан ҳам, замонавий дунёга эгалик қилишнинг энг яхши воситасига айланиб улгурган ахборот воситаларисиз бугунги кунимизни тасаввур қилиб бўлмайди.

Ахборот хуружи – турли хил давлатлар томонидан ишлаб чиқилиб бошқа давлатларнинг ахборот соҳасига ҳавфли таҳдид ўтказиш воситаларини яратишни кўзда тутати²¹. Ахборот объектларини қамраб олади ва уларга таъсир

²¹ Микрюков В.Ю., Безопасность жизнедеятельности человечества. 2006, изд-во Феникс, 419-425 стр.

ўтказишга ҳаракат қилади. Ахборот хуружининг келиб чиқиши 4 та йўналишдан иборат: ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий, технологик йўналишлар²².

Биз биламизки, ахборот хуружининг 2 кўриниши мавжуд: тасодифий хато ва режалаштирилган хатодир.

Тасодифий хатолар оператор хатоси, дастурчи янглишиши, компьютер ишдан чиқиши, табиий офатлар натижасида бўлиши мумкин. Бунга мисол қилиб, Марс сайёраси ҳудудига учиб кетган “Фобос” фазовий аппарати кейинги вазифаларни бажармади. Чунки юборилган сигналда фақатгина бир ҳарф тушурилиб қолдирилган эди, натижада йўл кўрсатиш тизимининг ўчиб қолиши содир бўлган. Венерага йўналтирилган Америка фазовий кемаси бошқарув тизими модулида оператор вергул ўрнига нуқта қўйиб қўйгани учунгина ўз учишини тўхтатган.

Режалаштирилган хато эса билиб туриб, атайин бузилишлар бу айнан эътиборимизни тортаётган ахборот хуружидир. Ғарбий Европа мамлакатларининг биридан Ироқ сотиб олган ПВО тизимларида шундай аталувчи хато ишлайдиган дастур атайин киритиб қўйилган эди, бунинг натижасида 1991 йили Форс кўрфази ҳудудидаги уруш пайтида бу тизимлар ишга тушмади.

Дезинформация – бу тушунча бизга узоқ ўтмишдан маълум, 60-70 йиллар даврида “оддий” ахборот қуролига “сунъий интеллект” кириб келади, ахборот тизимларини компьютерни ва микрокомпьютерни жиҳозлаш содир бўлади. Натижада, ахборот қуроли фақатгина уни қўллаш доирасини чексиз кенгайтиришга имкон берувчи эмас, балки, у оммавий ҳужум воситаларининг ҳам ўрнини боса оладиган хусусиятга эга бўлади.

Россиялик экспертларнинг фикрича: “Ахборот қуроли бу - ахборот массивларини йўқ қилиш, бузиш ёки ўғирлаш воситаси, ҳимоя тизимини бузиб киргандан кейин улардан керакли малумотларни билиб олиш, уларга қонуний фойдаланувчиларининг киришини тақиқлаш ёки чеклаш, техник воситаларининг ишларини бузиш, телекоммуникацион тармоқларни ишдан

²² Қосимов С.С., Ахборот технологиялари. Т.: Ўзбекистон, 2005й.

чиқариш, компьютер тизимларини, жамият ҳаётини юқори технологик таъминлашни ва давлат фаолиятининг барча бўғинларини йўлдан чиқаришдир²³". Бу каби жараёнларни ахборот технологиялари, хусусан, интернет тармоқларида ишлаганимизда кузатишимиз мумкин.

Кундалик эҳтиёжимизга айланган, интернетнинг иккита *муҳим ва хавфли хусусиятларини* алоҳида таъкидлаш керак: яшовчанлигини ва стратегик аҳамиятдаги ҳарбий объектларни бошқариш тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш мумкинлиги.

Интернетнинг яшовчанлиги - интернет тармоғи 1973 йилда бомбардимон ёки ҳатто ядро ҳужуми пайтида ҳам қисман зарарланганда ишлай оладиган истиқболли тадқиқотлар ва АҚШ мудофаа вазирлиги лойиҳалар бошқармаси доирасида "Арпанет" тармоғи яратилганда пайдо бўлган. Кейинчалик бу тармоққа бошқа бошқармаларнинг ахборот тармоқлари уланган.

Форс кўрфази ҳудудидаги уруш пайтида кучли радиоэлектрон бостириш қўлланилишига қарамай, Қўшма Штатлари Ироқни ташқи дунёдан тўлиқ узиб қўя олмади. Ироқ ҳукумати айнан "интернет" тармоғи орқали қурол сотиб олган, маҳсулот етказиб берган, фирмаларга чет эллардаги банкларда сақланган пулларни ўтказган.

Ҳозирги кунда интернет тармоқларидан бир қанча ижобий мақсадларда, хусусан, шу муқаддас заминда туриб ҳам интернет орқали дунёнинг нуфузли олий таълим муассасаларида ўқиш ёки жаҳоннинг номдор кутубхоналаридан фойдаланиш, донгдор музейларини томоша қилиш имкониятини берадиган интернет тармоқларидан фойдаланиш мумкин. Баъзи бир қабих ниятли шахслар эса ўзларининг нопок ниятларини амалга оширадилар. Бу ҳудди танганинг икки томонли эканлигидек гап.

Мисол учун, 1994 йили 16 ёшли Лондонлик мактаб ўқувчиси интернет орқали АҚШнинг ҳаво ҳужумидан ҳимояланиш тизимларидан бирининг компьютер тармоғига кириб олади, кейин эса Нью-Йорк яқинида жойлашган Америка ядро тадқиқот маркази тармоғига ҳам уланади. "Ахборот

²³ Фозилов М. Ахборотлар хавфсизлиги ҳақида. //Info.com.uz журнали, №2, 2005 й.

қароқчи"нинг аниқланишича, Лондон магазинларида сотиладиган иккита оддий компьютер бўлиб чиққан. Аммо, бу далилий ашёлардан олинган ахборотлар Америка ҳарбий объектлари ҳақида шунчалик кўп махфий малумотларга эга эканки улар уч минг бет матн бўлиши мумкин эди.

Компьютер вируслари ўтган асрнинг 70-80 йилларида компьютернинг ҳаётимизга кириб келиши билан пайдо бўлган²⁴. Ўлчами бўйича катта бўлмаган махсус ёзилган дастурдан иборат бўлиб, у ўзини бошқа дастурларга "ёзиб қўйиши", шунингдек, компьютерда турли нохуш амалларни бажара олиши мумкин. Бундай дастур ишлашни бошлаганда, дастлаб бошқарувни вирус олади. Вирус бошқа дастурларни топади ва унга "юқади", шунингдек, қандайдир зарарли амалларни бажаради. Вирус ўзига тегишли амалларни бажариб бўлгандан сўнг, бошқарувни ўзи жойлашган дастурга узатади. Вирус жойлашган дастур одатдагидек ишини давом эттиради. Ташқаридан дастурнинг "касалланганлиги" билинмайди.

Кўп турдаги вируслар шундай тузилганки, касалланган дастурни ишга туширганда, вирус компьютер хотирасида доимий қолади ва вақти-вақти билан дастурларни касаллайди ва компьютерда зарарли амалларни бажаради. Бунга бир қанча вирус турларини санаб ўтиш мумкин:

ВИРУС №-666 деб аталувчи вирус, у ЭХМ операторининг психофизик ҳолатига тасир кўрсатиб, уни ўлимга олиб келиши мумкин. Бу "қотил-вирус" экранга алоҳида махсус ранглар комбинациясини чиқаради, у одамни ўзига хос гипнотик қарахт ҳолатга туширади ва у юрак-қон томир тизимининг ишлашини кескин ўзгаришига, бош мия томирларини ишлатмай қўйишгача ўзгартиради.

Троян – хавфли вируснинг бир тури. Бу малумотлар олиш учун душманнинг ахборот муҳитига яширин, рухсатсиз киришни амалга оширишга имкон берувчи дастурдир.

²⁴ Каримов М.М. Ахборот хавфсизлиги масалалари. Тошкент.: Ахборот технологиялари нашриёти, 2006. 4-7 б.

Вирусга қарши дастурлар қувватига қараб бир неча турга бўлинади. Қуйидаги энг кўп тарқалган вирусга қарши DSAV 2.0 комплекси яратилган. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

1. *Kaspersky Internet Security 2010* – компьютерларни барча тармоқ хавфларидан ишончли ҳимоялашни таминловчи "Касперский лабораториси" янги маҳсулоти. Касперский® 2010 Антивируси самарадорлиги бутун дунёда миллионлаб фойдаланувчилар томонидан текширилган, таянч антивирус технологиялари билан таминланган маҳсулот.

2. *Doctor WEB (Dr Web)* - янгидан яратилган, малум ва номалум вирусларни аниқлаш ва йўқотиш учун ишлатиладиган вирусга қарши дастур. У архивланган ва ваксияланган файлларда ҳам вирусларни аниқлай олади (ҳар ойда ўртача 2 марта янгиланади).

3. *ADINF* - дискдаги барча ўзгаришларни назорат қилувчи, дискларнинг вирусга қарши ревизор дастури (бир йилда бир неча марта янгиланади.) Дискдаги барча дастурларнинг физик камчиликларини назорат қилади. Дискнинг тизимли соҳасини ва файллар ҳолатини эслаб қолади ва қайта юклашда дискдаги ўзгаришларни аниқлайди. Агар бирор хавфли ўзгаришлар аниқланса, фойдаланувчига бу ҳақда хабар беради.

4. *SHERIF* - қаттиқ дискдаги операцион тизим, дастурлар ва малумотлар файлини 100 % кафолат билан ҳимояловчи резидент дастур.

Амалда юқоридагиларнинг биттасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бироқ дастурни ўрнатиб, уни доимий равишда янгилаб борилса, фойдалироқ бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, бежизга биз яшаётган аср “ахборот технологиялар асри” деб номланмаган. Дарҳақиқат, ривожланиш, ўсиш, юксалиш бир қанча омилларга боғлиқлиги билан бир қаторда, ахборот технологиялари воситалари, радиоэлектрон воситаларининг аҳамияти ҳолат юксак.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1. Компьютер ва интернет технологияси ва унинг инсоният ҳаётида тутган ўрни ҳақида нима дея оласиз?*
- 2. Бу тармоқларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ёзма тарзда баён этинг?*
- 3. Интернетнинг инсон руҳиятига таъсири деганда нимани тушунасиз?*
- 4. Интернет ортидаги муаммолар деганда нитмани тушунасиз?*
- 5. Интернет хавфсизлигини таъминлаш дастурлари ҳақидаги фикрингиз?*

Мустақил иш учун мавзулар:

- 1. Компьютер ва интернет технологияси ва унинг инсоният ҳаётида тутган ўрни.*
- 2. Бу тармоқларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари.*
- 3. Интернетнинг инсон руҳиятига таъсири.*
- 4. Интернет ортидаги муаммолар.*
- 5. Интернет хавфсизлигини таъминлаш дастурлари.*

2-МОДУЛ. ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИ

ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКЛАРИГА ТАҲДИДЛАРНИНГ КЎРИНИШЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ

Мавзунинг қисқача мазмуни:

1. Ахборот-психологик таъсир ва унинг хавфсизлик тугдиручи субъектлари ва омиллари. Ахборот-психологик таъсир, ахборот-психологик таъсирнинг хавфсизлик тугдиручи субъектлари ва омиллари, бузғунчи ахборотларнинг манбалари, ахборот бозори, ахборот ресурслари, ахборот ёрдамида манипуляциялар қилиш.

2. Ахборот-психологик хавфсизликка таҳдидлар. Ахборот-психологик хавфсизликка таҳдид тушунчаси, шахснинг ахборий-психологик хавфсизлигини таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг мақсади, шахсга ўтказилиши мумкин бўлган ахборий таъсирнинг турлари, ахборот-психологик таъсирининг назарий-мафкуравий ва кундалик-психологик даражалари.

3. Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари. Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий ва технологик тизимлари, Ўзбекистонда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг ташкилий масалалари, Давлат, жамият ва алоҳида шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш муаммолари.

Таянч тушунча ва атамалар: Ахборот-психологик таъсир, ахборот-психологик таъсирнинг хавфсизлик тугдиручи субъектлари ва омиллари,

Ахборот-психологик хавфсизликка таҳдидлар, ахборот-психологик таъсирининг назарий-мафкуравий ва кундалик-психологик даражалари, давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари, Давлат, жамият ва алоҳида шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш муаммолари, ахборот соҳасидаги миллий мафаатлар, ахборий таҳдид, ахборот соҳасидаги миллий манфаатларга, ахборот соҳасида шахс ва жамият манфаатларига таъйиқ.

7.1. Ахборот-психологик таъсир, унинг хавфсизлик туғдиручи субъектлари ва омиллари

Инсон ва жамият ҳаёти фақат табиат қўйнида эмас, айти пайтда одамларнинг ўзлари яратган сунъий муҳитда ҳам кечади. Бу муҳит эса техника ва технологиялардан ташкил топган техносфера ва ахборот муҳитини ўз ичига олади. Ўз навбатида, техносфера ҳам, ахборот муҳити ҳам бир қатор қонуниятлар асосида ривожланиб боради.

Кишилиқ жамиятининг пайдо бўлиши айти пайтда ахборот муҳитининг вужудга келганлигини ҳам англатади. Жамият тараққиёти ва ахборот муҳитининг ривожу бир-бирига боғлиқ равишда давом этди. XX аср бошларида, айтиқса, унинг сўнгги чорагида ахборот муҳитининг равақи шиддатли тус олди. Бундай жадал суръат ахборот технологияларида юз берган инқилобий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлди. Компьютер технологияларининг вужудга келиши ва ривожланиши жамиятда айланиб юрган ахборот ҳажмининг кескин ўсишига олиб келди. Таассуф билан таъкидлаш жоизки, ахборот ҳажмининг ўсиши унинг таркибидаги ижобий, тараққиётга хизмат қиладиган ахборотлар билан бир каторда ривожланишга ғов бўладиган, одамларнинг онги ва дунёқарашига бузғунчи таъсир ўтказадиган ахборотлар ҳажми кенгайишига ҳам олиб келди.

Жамият тараққиётининг илк босқичларидаёқ вайронкор ғоялар, мафкуравий хуружлардан ҳимояланиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Бироқ XX

асрнинг сўнгги чораги ва ХХІ аср бошларида бундай ғоя ва ахборотларнинг ҳар бир шахс ва умуман, инсоният ҳаёти учун хавфи кескин ортгани боис улардан ҳимояланиш зарурияти ҳам устувор аҳамият касб эта бошлади.

Бузғунчи ахборотларнинг манбалари турлича. Лекин улар орасида алоҳида шахслар ва гуруҳлар томонидан ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш ниятида воқеликнинг бузиб кўрсатилиши асосий ўринни эгаллайди. Бундай ахборотлардан ҳимоя тизимини яратишда мана шу ҳолатни ҳисобга олиш зарур бўлади.

Ҳозирги кунда жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ҳарбий соҳалари сингари ахборот соҳаси ҳам биринчи даражали аҳамиятини тобора намоён қилиб бормоқда. Бундай ҳолат қуйидаги сабаблар билан боғлиқ: биринчидан, компьютер технологиялари вужудга келгач, ахборотнинг қиммати кескин ошди ва у жамиятнинг муҳим иқтисодий ресурсига айланди. Бир қатор мамлакатларда ўтказилган тадқиқотлар аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжи жиддий тарзда юксалиб бораётганини кўрсатмоқда. Бундай эҳтиёжга мутаносиб тарзда ахборот товарларини ишлаб чиқиш ва ахборот хизматларини таклиф этиш ҳам кескин ортиб бораётир. Янгича ахборот маҳсулотлари, янги ахборот хизматлари, ахборот соҳалари, янги-янги ихтисосликлар ва иш ўринлари вужудга келмоқда. Бунинг оқибатида, ахборот яратиш ва тарқатиш, уни янгилаш ва татбиқ этиш суръатлари бошқа соҳаларга нисбатан илдамроқ ривожланаяпти.

Ахборот бозори (компьютерлар, телекоммуникациялар, дастурий маҳсулотлар, ахборот хизматлари кўрсатиш бозори) борган сари иқтисодиётда тобора салмоқли ўринни эгалламоқда. 2005 йилда мана шу бозордаги олди-сотдилар ҳажми уч триллион АҚШ долларидан ортиб кетди. Бу бозорнинг ривожланиш суръати товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг бошқа ҳар қандай тури бозоридан кўра шиддатлироқдир.

Иккинчидан, ахборот реал ижтимоий ресурсга айланмоқда. У инсоннинг тинимсиз ўзгариб бораётган ижтимоий шароитга мослашувида, жамиятда вужудга келаётган янги-янги таҳдидларга жавоб беришда борган сари муҳим

роль ўйнаёт. Ҳозирги даврда инсонлар узлуксиз равишда янги-янги нарсаларга бўйбўй келмоқда. Бундай шароитга ва ўзгаришларга мослашиш бобида фақатгина ахборот ёрдам бериши мумкин.

Учинчидан, жамият ҳаётининг турли соҳаларига замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши жамият, шунингдек ҳар бир фуқаро хавфсизлигини ахборот инфратузилмаси фаолиятининг ишончилигига боғлаб қўйди. Ана шу инфратузилма фаолиятига ғайриқонуний тарзда аралашиб, бу тузилмада юз бериши мумкин бўлган ҳалокатлар қандай дахшатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Алоҳида шахслар, ижтимоий гуруҳ ва бирлашмалар ахборот-психологик хавфсизлигини уларнинг иродаси ва ҳоҳишига зид равишда психик ҳолати ва хусусиятларига таъсир ўтказиб, уларнинг ҳуқуқ-атворини, эркини чеклаш ва модификация қилиш сифатида тушуниш мулоқот, коммуникация, ахборотнинг ўзаро таъсирини, шунингдек ҳозирги жамиятдаги турли ижтимоий-психологик жараёнлар ва ҳодисаларни англашга янгича ёндашув заруриятини келтириб чиқарди.

Минг йилликлар айрилишида жамиятда муомалада бўлган ахборот ҳажмининг ўсиши шиддатли тус олди. Шунга мос равишда оммавий ахборот воситалари ҳам миқдорий ва сифат ўзгаришларига дуч келди. Ахборот ҳажмининг кескин ўсиши одамлар камолотига, уларнинг биргаликдаги фаолияти такомиллашувига ижобий таъсир кўрсатди. Кўпгина ижобий ҳодисаларда бўлгани сингари бу ҳодисанинг ҳам салбий жиҳатлари мавжуд. Одамлар ахборот алмашинувисиз ҳаёт кечиришлари жуда мушкул. Бироқ ўша айирбошлашнинг шундай салбий жиҳатлари ҳам мавжудки, улар жамият ва шахс ривожини жиддий хавф остига қўяди. Ўзбекистонда ўтказилаётган туб иқтисодий -ижтимоий ислохотлар одамларнинг турмуши яхшиланиши, демократия сари илдам силжиш учун замин яратди. Шу билан бирга, мамлакатда бозор муносабатларининг қарор топа бориши одамлар ўртасида мусобақалашув, рақобат ва ижтимоий муносабатларда етакчилик учун кураш

омилини ҳам келтириб чиқарди. Бундай баҳслашувнинг стихияли тарзда жадаллашиб бориши баъзи кўнгилсиз ҳодисаларга ҳам олиб келди.

Ўзаро беллашув кайфиятининг авж олиши фақат иқтисодий соҳада эмас, ижтимоий ҳаётда ҳам баъзи нохушликларни намоён этаётир. Масалан, одамлар энди билим олиш, касб эгаллаш, ишлаб чиқариш соҳаларида юқори кўрсаткичларга эришиш борасида эмас, оилавий тадбирларни, ҳатто мотам маросимларини кўпроқ дабдабабозлик билан ўтказишда бир-бирларидан ўзиш майлларига берилдилар. Оқибатда, баъзи мотам маросимлари марҳумлар хотираси ва ҳурмати учун эмас, тириклар бойлигини, амалини кўз-кўз қилиш учун ўтказиладиган тадбирларга айланиб қолди. Бу ҳолатни ҳам ахборот алмашинуви кучайишининг салбий оқибатларидан бири сифатида баҳоланиши мумкин.

Замонавий алоқа ва ахборотни қайта ишлаш воситаларининг тез суръатлар билан ривожланиши инсоният турмуш тарзининг ўзгаришига, миллий ахборот ва телекоммуникация тизимларининг ягона ахборот инфратузилмасига бирлашувига олиб келди. Бу янги инфратузилма сайёрамиздаги инсонларнинг қаерда туриши ва истиқомат қилишидан қатъи назар, реал вақт шароитида ўзаро мулоқот қилишлари учун имкон яратиб, жамият тараққиётига кучли туртки берди. Айтиш мумкинки, инсоният ҳозирги кунда янги жаҳон ахборот ҳамжамятини тузиш бўсағасида турибди. Афсус билан қайд этиш мумкинки, ахборотлашувнинг ана шундай ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий томонлари ҳам кўриниш бермоқда. Улкан ахборот маконида ижобий маънодаги ахборот тизимлари билан ёнма-ён инсон руҳиятига салбий таъсир қилувчи, унинг онгини емиришга йўналтирилган ахборотлар ҳам айланиб юрибди.

Ҳозирги замон ахборот технологияларининг ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига: иқтисодиёт, транспорт, алоқа тизими, маданият, қишлоқ хўжалиги, илм-фан соҳасига татбиқ қилиниши бутун жамиятни ва ҳар бир шахсни ана шу ахборот инфратузилмасининг фаолият тарзига боғлаб қўйди. Алоқа, авиация, транспорт ва энергетика сингари соҳаларда ахборот -

телекоммуникация тизимларининг ишдан чиқиши қандай даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилитт қийин эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, инсоният ўзи яратган ахборот технологияларининг ва улардан хавфсиз фойдаланишнинг муайян даражада гаровига айланиб қолди, дейиш хато бўлмайди.

Ўзбекистоннинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини белгиловчи асосий ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эканлигини назарда тутиш зарур. Мазкур масала бўйича дарсликнинг биринчи бобида қайд этилган ва шахс, жамият ҳамда давлат хавфсизлигига бағишланган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 2002 йилнинг 12 декабрида қабул қилинган 439 -II сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13, 14 ва 15-моддалардан ташқари ушбу ҳолат бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20, 24, 29, 31, 43, 57 ва 67 моддаларида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига тегишля фикрлар бор. Жумладан, Конституциянинг 20-моддасида сўз фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шартлиги ҳақида юритилади. 29-моддада эса ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир, деб қайд этилган. Шу билан бирга айтилганки, фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

31-модда эса виждон эркинлигига бағишланган. Моддада келтирилганидек, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Давлат ва фуқаролиар муносабатлари 43-моддада тартиблаштирилган. Бу ерда ёзилганидек, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Шунингдек, ушбу масала юзасидан 2007 йил 15 январь куни қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳририда ҳам бир қатор моддалар бор. Масалан, Қонуннинг 5- моддасида оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги кафолатланган, 7- моддасида эса “Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди”, деб қайд этилган. 1997 йилнинг 24 апрелида қабул қилинган “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги 400-І сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг барча моддаларида ахборот олишни таъминлаш кафолатлари келтирилган. Масалан, Қонуннинг 3-моддаси “Ахборот олиш кафолатлари” деб номланган ва унда шундай дейилган: “Ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади”. 4-модда эса “Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари ҳақида. Унда “Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари ахборотнинг ошкоралиги, ҳамма олиши мумкинлиги, очиқлиги ва ҳаққонийлигидан иборатдир” деб акс эттирилган.

Конституциямиз “ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга” эканлигини алоҳида таъкидлайди (29-модда). Шу билан бирга бу ҳуқуқларга муайян чекловлар ҳам белгиланган бўлиб, улар амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонунда белгиланган бошқа ҳолатлар билан боғлиқ: “Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин”. Аслини олганда, Конституцияда белгиланган бу чекловлар жамият ва шахснинг ахборот- психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Инсоннинг атрофдаги воқеликни адекват идрок этиш қобилияти, дунёдаги ўз ўрнини англаши, шунга мувофиқ тарзда муайян эътиқодларга эга

бўлиши, шу эътиқодлар асосида қарорлар қабул қилиш эркинлиги алоҳида шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш объекти ҳисобланади. Шахс хавфсизлигига таҳдид туғдирадиган ҳолатлар билдирмасдан ва шахс розилигисиз унинг онгига ёки беихтиёр-остки онгига таъсир ўтказиш усуллари ва воситалари бўлиши мумкин. Бундай таҳдидлар чет одамлар томонидан мақсадга йўналтирилган тарзда шахснинг психикаси тузилмаларига, остки онгига таъсир ўтказиш (масалан, “25-кадр”) тарзида амалга оширилади. Бундай таъсир унинг психик реакциялари ва хулқ-атвори ўзгаришига олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, шахслар хавфсизлигига мамлакатда яширин фаолият юритаётган “Ҳизбут-тахрир”, “Акримийлар”, “Тавба”, “Қуёш ота” сингари диний секта ва мазҳаблар таҳдид туғдиради. Бу секталардаги яширин расм-русумлар, маросимлар шахс установакаларига ва хулқ-атвор стереотипларига жиддий таъсир ўтказиш орқали унинг, айти пайтда, жамиятнинг ҳам хавфсизлигига таҳдид туғдиради.

Бу мазҳаб ва секталарнинг фаолияти қанчалик “самарадор” бўлганини кўрсатувчи баъзи мисолларга мурожаат қилайлик. “Ҳизбут-тахрир”чилар мамлакатимизда ўнлаб ва юзлаб фуқароларни ўзларининг ғайриқонуний фаолиятларига жалб этдилар. Улар таъсирига тушган фуқароларнинг асосий кўпчилиги (баъзи маълумотларга кўра, 80 фоиздан ортиғи) ёшлардан иборат. Фақат ақлга, онгга мурожаат қилишни шиор қилиб олганликларининг ўзиёқ бу ҳаракат нақадар хавфли эканлигидан далолатдир. Хусусан, “Акримийлар” ҳаракатининг қай даражада “самарали” бўлганини 2005 йилда юз берган Андижон воқеалари яққол кўрсатади. Бу реакция диний оқимнинг ғайриқонуний фаолияти нафақат Андижон шаҳри ва вилояти осойишталигини бузди, балки бутун мамлакат миқёсида маълум бир нотинчликлар келтириб чиқарди, ўнлаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди.

Мамлакат ичкарасида ғайриқонуний фаолият юритадиган гуруҳлар, секталар ва ташқаридан муайян мақсадга йўналтирилган ахборот-психологик тажовузлар жамиятнинг ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдид

туғдирадиган манбалар бўлиши мумкин. Бунда жамиятда шаклланган ижтимоий онг асосан икки қисмдан - консерватив ва динамик қисмлардан иборат эканлигини назарда тутиш лозим.

Консерватив қисм фуқароларнинг (ижтимоий гуруҳлар ва синфлар, миллатлар, халқлар, элатлар, умуман, мамлакат аҳолисининг) муштарак манфаатларидан ташкил топади. Бу қисм, шунингдек, ўша ижтимоий гуруҳлар ва халқлар томонидан эътироф этиладиган маданий, маънавий ва ахлоқий қадриятларни, мавжуд одоб-ахлоқ меъёрларини ҳам қамраб олади.

Мана шу таркибий қисмга таҳдид асосан унга ёт бўлган манфаатлар, қадриятлар ва хулқ-атвор кўринишларини куч ёрдамида, лекин яширин равишда олиб киришдан иборат бўлиши мумкин. Бундай тазйиқлар оқибатида миллат ёки гуруҳнинг маънавий-ахлоқий саломатлигига шикаст етиши, мавжуд ижтимоий муносабатлар бузилиши ва емирилиши ҳеч гап эмас.

Ижтимоий онгнинг динамик қисми эса ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган ахборотнинг консерватив қисмда акс этиши ва у юзага келтирадиган жўшқин ҳис- туйғулар билан боғлиқ.

Ижтимоий онгнинг динамик қисмига нисбатан таҳдид туғдирадиган ҳодисаларни бузиб кўрсатиш ахборот ёрдамида манипуляциялар қилиш шаклида намоён бўлиши мумкин. Бундай таҳдидлар оқибатида ижтимоий онг атроф- воқеликни адекват идрок эта олмай қолишидан юз берадиган бундай ўзгаришлар ижтимоий апатия, лоқайдлик, нигилизм, ёки бўлмаса, ташқи дунёга агрессив муносабат шаклида намоён бўлади.

7.2. Ахборот-психологик хавфсизликка таҳдидлар

Юқоридаги бобда айтилганидек, XX аср охирига қадар ахборот хавфсизлиги деганда, давлат, иқтисодий ва ҳуқуқий тузилмалар хавфсизлиги тушунилган. Шахс хавфсизлиги деган ибора деярли ишлатилмаган. Аслида эса шахс камолоти, унинг ижодий салоҳияти рўёбга чиқиши тараққиётнинг олий

мақсади ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан шахснинг ахборий-психологик хавфсизлиги таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг биринчи мақсади бўлиши лозим.

Шахс онгига, айниқса, унинг остки онгига ахборот-психологик таъсир ўтказиш хавфи кундан-кунга ортиб бормоқда. Шахсга ўтказилиши мумкин бўлган бундай таъсирнинг бир неча турлари мавжуд:

- ахборот тузилмалари фаолиятининг технологик кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлган беихтиёрий таъсир (масалан, компьютер ёки видеотехниканинг иш фаолияти ва жараёнида электромагнит нурланиши хавфи мавжудлиги);

- шахс онги ва остки онгига уни муайян хатти-ҳаракатларни бажариш ёки бажармасликка ундаш мақсадида олдиндан ўйлаб ва режалаштириб ўтказиладиган таъсир (психотроп таъсир; ахборот-тарғибот таъсири; психоаналитик таъсир; нейролингвистик таъсир; психотрон таъсир).

Психотроп таъсир одамлар психикасига фармакологик препаратлар, наркологик воситалар ёрдамида ўтказилади. Бу воситалар инсон асаб тизимидаги биохимик жараёнларга ва унинг уйқусига, уйғоқлик даврига, фаоллигига, атроф- муҳитни идрок қилиш сифатига таъсир ўтказади.

Психоаналитик таъсир инсоннинг остки онгига уйғоқлик пайтида, уйқусида ёки гипноз ҳолатида ўтказиладиган таъсирдир. Шахс психикасига унинг диққатини четлаб ўтиб таъсир ўтказиш жараёни шахснинг назоратидан ташқарида бўлади.

Нейролингвистик таъсир одамлар онгига махсус лингвистик дастурларни киритиш йўли билан уларнинг эътиқодлари, қарашлари ва тасаввурларини тегишли йўналишда ўзгартиришни кўзда тутди.

Психотрон таъсир - одамлар психикасига сезгидан ташқари, англомайдиган таъсир ўтказиш.

Ахборот-тарғибот таъсири сўзни, ахборот ёрдамида муайян қарашлар, эътиқодларни шакллантиришни назарда тутди.

Ахборот-психологик таъсир ўтказишнинг санаб ўтилган турларига оддий одамлар қаршилиқ кўрсатишлари қийин. Уларнинг бири бўлмаса иккинчиси, иккинчи бўлмаса учинчиси одамлар онгида муайян ўзгаришларни келтириб

чиқаради. Мана шу баён қилинганлардан келиб чиқиб, шахснинг ахборот-психологик хавфсизлиги - бу унинг иродасига ва хоҳишига қарши онгини ўзгартиришни кўзлайдиган ахборот-психологик таъсирлардан ҳимояланганлиги дейиш мумкин.

Ахборот-психологик таъсирлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда психиканинг ривожланиши қонуниятларидан ҳеч бўлмаганда асосийларини билиш умумий маданиятнинг таркибий қисми бўлибгина қолмасдан, балки хавфсизлик ва яшаш учун курашнинг ҳам муҳим шартига айланиб бормокда.

Психологиядан ҳеч бўлмаганда таянч билимларга эга бўлган одамлар ўз онгларига ўтказиладиган ташқи таъсирдан ҳимояланиш бобида дастлабки психологик тўсиқни қўйиш имконига эга бўладилар.

Ахборот-психологик таъсири икки хил даражада: назарий-мафкуравий ва кундалик-психологик даражаларда намоён бўлади. Назарий-мафкуравий даражада дунёқарашлар, илмий концепциялар, маданий қадриятлар ўртасида кураш юз беради ва бунда таъсир шахснинг интеллектуал салоҳиятига тарғибот, мантиқий далиллар ёрдамида ўтказилади.

Кундалик-психологик даражада эса кураш одамларнинг кайфиятини тегишли йўналишда ўзгартириш мақсадида амалга оширилади. Бунда уқтириш усули асосий восита ҳисобланади. Ишонтириш усули асосли далиллар келтириш ёрдамида шахс эътиқодига таъсир ўтказишни мақсад қилиб қўйса, уқтириш ёрдамида инсон психикасига эътиборни тортмасдан кириб борилади.

Ўтказилаётган ахборот-психологик таъсирни бир неча хил мезонлар асосида тасниф қилиш мумкин. Ана шундай мезонлардан бири - таъсирнинг очик ёки хуфялиги. Бузғунчи таъсирлар кўпинча объектга сездирмасдан махсус технологиялар (масалан, манипулятив технологиялар, НЛП технологиялар, суггестив технологиялар ва ҳ.к.) ёрдамида ўтказилади. Бунда асосий эътибор субъектнинг онгига эмас, остки онгига қаратилади. Бундай таъсирлардан ҳимояланиш учун одамлар психологиядан ҳеч бўлмаса бошланғич маълумотга эга бўлишлари зарур.

Остки онгига хуфя тарзда ўтказилган таъсир шахснинг характери, хулқ- аъводини ўзгартириб, ақл-заковати ва ижодий имкониятларини кескин пасайтириш юбориши мумкин. Бундай таъсир турли даражадаги раҳбарлар остки онгига ўтказилганда, унинг вайронкорлик миқёси яна ҳам кенгрок бўлади.

Одамлар психологик таъсирга турли даражада берилувчан бўлади. Бу уларнинг ёши, ҳаётий тажрибаси, шахсий (индивидуал) психологик хусусиятлари билан боғлиқ. Шахснинг ҳаётий тажрибаси ва билимлари ортгани сари психологик таъсирга берилувчанлиги ҳам камайиб боради. Бирок, шуни ҳам назарда тутиш керакки, барча одамлар у ёки бу даражада ўқтириш таъсирига мойил бўлади. Фарқ фақатгина бировларнинг бу таъсир гирдобигага тезроқ, бошқаларнинг эса секинроқ тушиб қолишида.

7. 3. Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари

Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш бу соҳада муайян тизим ташкил этишни тақозо қилади. Бундай тизим асосан уч қисмдан иборат бўлади: меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий ва технологик тизимлар.

Хавфсизликнинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатлари ахборот-психологик хавфсизликка, таҳдидга қарши тегишли кураш воситаларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Бу воситалар меъёрий-ҳуқуқий актлар, давлат, жамият ва шахс хавфсизлигига таҳдид уйғотувчи ҳолатларга қарши меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини руёбга чиқаришга хизмат қиладиган қонунлар ва қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқишни кўзда тутди. Мазкур ҳужжатларнинг барчаси фуқароларнинг руҳий саломатлигини ҳимоя қилишга, жамиятда ижтимоий осойишталик ҳукм суришини таъминлашга қаратилган бўлади. Мазкур жараён Ўзбекистонда самарали амалга оширилаётгани ҳаммага маълум.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг ташкилий қисми таркибига мазкур соҳадаги ҳуқуқий меъёрларга амал қилишини таъминлаш билан шуғулланувчи давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек алоҳида фуқаролар киради. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти таркиб топа боргани сари бошқа соҳаларда бўлгани сингари, хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳам фуқаролик жамияти тузилмаларининг роли ошиб бормоқда. Шу ўринда Ўзбекистондаги фуқаролик жамиятининг ўзига хос кўринишларидан бўлган маҳалла институтининг ролини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Фуқароларнинг ўз - ўзини бошқариш тизимидаги муҳим таркибий қисм сифатида маҳалла турар жойлардаги маънавий-руҳий иқлимни тартибга солиш билан бирга, хавфсизликни таъминлашда ҳам муҳим роль ўйнаётир. Фуқароларни, биринчи навбатда ёшларни, турли хил ғайриқонуний диний оқимлар таъсиридан асрашда маҳалла борган сари фаолроқ иштирок этмоқда. Аҳолининг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашда, айниқса, турли хил миш-мишлар олдини олиш ва ғайриқонуний диний оқимларнинг вакиллари томонидан варақалар тарқатилишини бартараф этишда маҳалла фуқаролар йиғини муҳим вазифаларни бажаради. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг маънавий-маърифий ва диний-тарбиявий ишлар бўйича маслаҳатчилари лавозимининг жорий этилиши бу йўналтиришдаги ишларнинг янада жонланишига катта туртки берди.

Ўзбекистонда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда ташкилий масалаларнинг ўрни айниқса, муҳим. Дунёдаги кўпчилик мамлакатларда ўрнатилган тартибга кўра, хавфсизлик масалалари билан давлат шуғулланади. Бу борада давлатнинг роли жамоат ташкилотлари ва алоҳида фуқароларни бу муҳим масала ечимидан четлатишда эмас, балки уларни шу жабҳага жалб этиш ва уюштиришда намоён бўлади. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигидаги давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти органлари, шунингдек жамоат ташкилотлари ва алоҳида фуқаролар давлатни бошқаришдек ягона мақсад йўлида ўз ваколат ва ҳуқуқлари доирасида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Ташкилий тузилманинг муҳим таркибий қисмларидан бири - кадрлар масаласи бўлиб, давлат ташкилотлари ва хусусий сектордаги ташкилотларнинг ахборот-психологик хавфсизлиги кўп жиҳатдан уларга боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан етарли салоҳиятга эга бўлган кадрлар тизимини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш давлатнинг ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш йўлидаги фаолиятида юксак самарадорликка эришишда жуда муҳим омил ҳисобланади.

Давлат, жамият ва алоҳида шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашда бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат. Энг аввало, бу мазкур соҳада давлат сиёсати асосларини ишлаб чиқиш муаммосидирки, унинг мураккаблиги хавфсизликни таъминлаш объекти ва субъектининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Шахс ва жамият маънавиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун шароитлар яратиш соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар, аввало, жамиятнинг ўзи томонидан ҳуқуқий мезонларни белгилаш ва қўллаб-қувватлаш, фуқаролар ҳуқ-атворидаги ижтимоий мақбул стереотипларни қўллаш механизмларини яратиш орқали амалга оширилади. Айни пайтда давлатнинг оммавий ҳуқуқ ёрдамида мазкур соҳадаги энг хавфли хатти-ҳаракатлар олдини олиш борасида муттасил фаолият кўрсатиши шу соҳадаги энг муҳим йўналишлардан бирини ташкил этади. Мазкур соҳада давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро муносабатлари чегарасини аниқ белгилаб олиш жуда зарур бўлиб, унинг бузилиши, бир томондан, ҳокимиятни обрўсизлантириб қўйиши, иккинчи томондан, жамоат ташкилотларининг бефарқлиги ва лоқайдлигига сабаб бўлиши мумкин.

Индивидуал ва ижтимоий онгга жиддий таъсир ўтказиши мумкин бўлган оммавий ахборот воситалари тизимини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Муаммонинг мураккаблиги аввало шундаки, фуқаролик жамиятининг асоси бўлган жамоат ташкилотлари оммавий ахборот воситаларига таъсир ўтказиш учун самарали воситаларга эга эмас. Айни пайтда давлат органларининг оммавий ахборот воситалари фаолиятига бевосита ва

мунтазам аралашуви бу воситалар фаолиятида бирёқламаликка олиб келиши мумкин. Демократик институтлар тараққий топган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда аҳолининг кенг қатламлари учун ҳолис ва объектив ахборот олиш имкониятлари яратилди.

Вазиятни таҳлил қилиш шундан гувоҳлик берадики, бир қатор мамлакатлар оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газета ва журналлар, Интернет)дан ахборот ёрдамида таъсир қилиш курули сифатида фойдаланмоқдалар.

Ахборот куруллари сирасида электрон воситалар (телевидение, радио, Интернет) алоҳида ўрин тутати. Ҳозирги кунда психотрон курулларнинг ишлаб чиқарилиши ва тарқала бошлаши электрон оммавий ахборот воситаларидан хатарли курул сифатида фойдаланишнинг эҳтимолий хавфини кескин оширмоқда. Бугунги кунга келиб айтиш мумкинки, ахборот курулининг хавфи оммавий қирғин курули хавфидан кам бўлмай қолди.

Ҳозирги кундаги мавжуд тасаввурларга кўра, индивидуал онг ва ижтимоий онгни бузғунчи ахборот таъсиридан (бундай ахборотни инсонлар онгига ёки остки онгига киритиш йўли билан уларнинг атроф-воқеликни ноадекват идрок қилишига олиб келиш), шунингдек, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоялаш зарур. Бундай манфаатлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Шахс манфаатлари: фуқароларнинг объектив ахборотни излаш, олиш, узатиш ва яратишга бўлган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини; уларнинг ўз шахсий ҳаётлари даҳлсизлигига бўлган ҳуқуқини; ўз саломатликларини зарарли ахборотдан сақлашга бўлган ҳуқуқини таъминлаш.

2. Жамият манфаатлари: ахборот жамиятини шакллантириш; миллий маънавий қадриятларни ҳимоя қилиш, миллий маданий меросни тарғиб қилиш, оммавий онг устида ўтказиладиган манипуляцияларга йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш.

3. Давлат манфаатлари: шахс ва жамият манфаатларини ҳимоялаш; давлат ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назорат институтларини

шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш, ҳуқуқий давлат тузитиш.

Таҳдидлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- инсон саломатлигига зарар етказиш;
- шахс эркини англаб бўлмайдиган даражада тўсиб қўйиш, унга тобелик синдромини сингдирит ва бунинг натижасида ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этишга мажбурлаш;
- инсоннинг ахлоқий, маданий, сиёсий қиёфасини бузиш;
- махсус таъсир ўтказиш воситалари ёрдамида ижтимоий онг устида манипуляциялар ўтказиш;
- Ўзбекистондаги ягона маънавият ва ахборот маконини пароканда қилиб ташлашга уриниш;
- ижтимоий ахлоқ меъёрлари ва жамиятнинг анъанавий қадриятларига зарар етказиш.

Бу таҳдидлар салбий ахборот-психологик таъсир ўтказиш, махсус восита ва усулларни ишлаб чиқиш, Ўзбекистон давлатининг ички сиёсатига четдан туриб мақсадга йўналтирилган тарзда аралашуш ахборот урушига тайёрланиш ва ахборот қуролидан фойдаланиш шаклларида амалга оширилади. Бундай таҳдидлар олдини олиш ва уларнинг зарарли оқибатларини минимал даражага тултириш учун давлат сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим:

- мавжуд таҳдидларга мос равишда хавфсизлик чораларини кўриш;
- фойдаланиш фақатгина қонунда кўрсатилган ҳолатларда мумкин бўлган ахборот-психологик таъсир ўтказишнинг махсус воситаларини ишлаб чиқиш, яратиш ва қўллашга давлат ва жамият монополиясини ўрнатиш;
- ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш борасида ошкоралик ва фуқаролик назоратини жорий этиш;
- ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятда жамоат ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш зарурлиги.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги вазифа ва функцияларни бажариш зарур:

1. Ўзбекистон Республикасининг ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашга оид қонунчилигини такомиллаштириш.

2. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириши.

3. Давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш.

1. Фуқароларнинг ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириши.

2. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни ташкил этиш.

3. Ўқув муассасалари томонидан ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида кадрларини тайёрлашни йўлга қўйиш.

Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бири - шу йўналишда ўтказиладиган экспертизалардир. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш бўйича ўтказиладиган экспертиза тизими Ўзбекистонда эндигина шаклланиб келмоқда. Мамлакатимизда давлат, жамият ва шахснинг ахборот-психологик хавфсизлиги тўғрисида махсус қонун қабул қилиш вақти етди. Бундай қонун мазкур йўналишдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади. Чунончи, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси”, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий кодекси” сингари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам тегишли ўзгартишлар киритит заруриятини ҳам келтириб чиқаради.

Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири, шунингдек, ҳалқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришдан иборат. Ҳозирги кунда мамлакатимизга турли каналлар орқали хорижда тайёрланган ва нашр этилган газета-журналлар, адабиётлар, эшиттириш ва кўрсатувлар кириб келмоқда.

Уларнинг муайян қисми таркибида мамлакатимиз аҳолиси учун ёт бўлган стереотиплар, установкалар, қадриятлар йўқлигига кафолат бериб бўлмайди.

Юртимизга қарши ахборот-психологик хуружлар имконият вужудга келди дегунча амалга оширилмоқда. Мафкуравий кураш кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитда ахборот қуролларида ғанимларимиз фойдаланишларининг эҳтимоли ортиб бормоқда. Шуни ҳам назарда тутитган лозимки, “кибермакон” деган кенгликда ҳеч қандай чегара йўқ. Бу маконда фойдали ва зарур ахборот билан бир қаторда ёшлар учун зарарли, умуман аҳоли учун хавфли бўлган ахборот, психотрон қурооллар ҳам бемалол айланиб юрибди.

Ҳозирги кунда фан ва технология тараққиёти шу қадар тезлашиб кетдики, психотрон қуроолларнинг янгидан-янги турлари яратилмоқда. Масалан, улар орасида узоқ масофадан туриб одамлар онги, тафаккури, хотираси, ҳис-туйғуларига кучли таъсир ўтказа оладиганлари ҳам бор. Мисол учун, УЮЧ (ўта юқори частотали) қурооллар узоқ масофадан туриб шахснинг психикаси, хотирасига, ҳатто ички ва жинсий аъзоларига таъсир қилиши мумкин. Баён этилганларнинг барчасини назарда тутиб, давлат томонидан ҳалқаро ахборот айирбошлаш жараёни учун тегишли меъёрлар, тақиқлар ва чекловлар ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир. Бунга эришиш учун ҳалқаро ҳамжамиятнинг диққат-эътиборини мазкур масалага қаратиш, миллий давлатлар қонунчилигини унификация қилиш талаб этилади.

Юқорида баён қилинганлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жараёнлар ва муносабатларнинг ўсит суръатлари қонунчиликнинг такомиллашиш суръатларидан бир оз илдамлаб кетди. Бундай ҳолат давлат, жамият ва шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашга оид қонунларни ишлаб чиқиш ва қўллаш амалиётини ривожлантириш зарурлигини кўрсатади;

- давлат, жамият ва шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлат борасида ягона сиёсат асосларини ишлаб чиқиш ва мазкур йўналишда тегишли қонун қабул қилиш, шунингдек мазкур йўналишдаги

қонунларга тегишли ўзгартишлар киритиш муҳим эҳтиёжга айланди;

- халқаро ахборот алмашув жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган таҳдидлардан самарали ҳимояланиш учун халқаро ҳамжамиятнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда миллий давлатлар қонунчилигини унификациялаш, “Ахборот урушлари хавфининг олдини олиш ва ахборот куроли муомаласини чеклаш ҳақида” халқаро конвенция яратиш йўлидаги фаолиятларни бирлаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Инсон онги моҳиятан очик тизимдир. У ташқи дунё билан ахборот алмашиш жараёнида ривожланиб боради. Оннинг бундай очиклигидан бузғунчи кучлар ҳам фойдаланиб қолишга уринадилар. Зотан, ҳозирги кунда глобал тармоқнинг, янги жиҳозлар ва технологияларнинг вужудга келиши бундай кучлар томонидан фақат алоҳида шахс онгига эмас, миллионлаб кишилар онги-шуурига вайронкор таъсир ўтказилиши учун имконият яратди.

Ахборотни қайта ишлаш ва алоқа бобидаги замонавий воситалар инсоният мавжудлигининг принципиал янги шароитларини вужудга келтирди. Ҳозирги кунда миллий ахборот ва телекоммуникациялар тизимини глобал ахборот инфратузилмасига бирлаштириш сингари улкан лойиҳалар юзага чиқди. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳар бир шахс учун, у қайси мамлакат ва минтақада яшамасин, дунёнинг хоҳлаган бурчагидаги одамлар билан ахборот алмашиш имконини вужудга келтирди. Бундай инфратузилманинг барпо этилиши инсоният тараққиёти учун мисли кўрилмаган имкониятлар эшигини очади. Айни пайтда бу инфратузилма вайронкор кучларга ҳам жуда қўл келишини унутмаслик керак.

Замонавий ахборот технологиялари ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига кириб келиши, айтиш мумкинки, ҳар бир шахс ва жамият хавфсизлигини ана шу инфратузилманинг аниқ ва узлуксиз фаолият юритишига, олинаётган ахборотнинг ишончлилигига, бу ахборотнинг хуфя тарзда модификация қилинмаслигига боғлаб қўйди.

Ахборот-телекоммуникация тизимларидаги техник носозликлар ва аварияларнинг келиб чиқиши энергия тизими, улкан қувурлар тизимидаги,

шунингдек экологик хавфли ишлаб чиқариш, сунъий йўлдошлар ва темир йўл тизимини бошқаришда қанчалик ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Инсоният, бир томондан, янги ахборот тузилмаларининг улкан имкониятларидан фойдаланса, иккинчи томондан, унинг мавжудлиги ва рисоладагидай ҳаёт кечириши ана шу тузилманинг тўғри ва самарали фаолият юритишига боғлиқ бўлиб қолди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1. Ахборот-психологик таъсирнинг хавфсизлик тугдиручи субъектлари ва омилларига нималар киради?*
- 2. Бузғунчи ахборотларнинг манбалари нималар ҳисобланади?*
- 3. Ахборот ёрдамида манипуляциялар қилиш деганда нима назарда тутилади?*
- 4. Ахборот-психологик хавфсизликка таҳдид тушунчасига изоҳ беринг?*
- 5. Шахсга ўтказилиши мумкин бўлган ахборий таъсирнинг турлари қандай номланади?*
- 6. Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари.*
- 7. Ўзбекистонда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг таъкидланган масалалари нималар киради?*

Мустақил иш учун мавзулар:

- 1. Ахборот-психологик таъсирнинг хавфсизлик тугдиручи субъектлари ва омиллари.*
- 2. Бузғунчи ахборотларнинг манбалари.*
- 3. Ахборот ёрдамида манипуляциялар қилиш.*
- 4. Ахборот-психологик хавфсизликка таҳдид тушунчаси.*
- 5. Шахсга ўтказилиши мумкин бўлган ахборий таъсирнинг турлари.*
- 6. Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини*

таъминлаш йўналишлари.

7. Ўзбекистонда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг таъкилий масалалари.

8. Шахнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш муаммолари.

ОЧИҚ ОММАВИЙ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ШАРОИТИДА ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ЎЗ-ЎЗИНИ ҲИМОЯЛАШИ

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Индивиднинг ахборот-психологик ҳимояланганлик тушунчаси.

Индивид шахс сифатида ахборот-психологик таъсир нишони сифатида, инсон ҳар қандай ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий-маънавий тизимнинг бош бўғини, ахборотлашув даври индивиднинг ахборот-маънавий мустақиллиги.

Инсон онги учун кураш - геосиёсатнинг бош йўналиши. Индивиднинг психологияси очик тизим сифатида. Инсон онги ва унинг психологик хусусиятлари, онгнинг мураккаб мазмунга ва тузилишга эга эканлиги, оммавий онг – ижтимоий онгнинг ажралмас қисми сифатида, Индивидга ахборот-психологик таъсир кўрсатиш йўллари ва шакллари

Индивидга йўналтирилган ахборот даъватларининг турлари ва мазмуни. *Индивиднинг ахборот даъватларининг турлари, мазмуни ва аҳамиятидан етарли даражада хабардор эмаслиги, маънавий-маърифий соҳада хориждан туриб ахборот ёрдамида таъсир кўрсатишнинг мақсади.*

Индивидни оила, жамоа, ишлаб чиқариш, жамият ва давлат томонидан ҳимоялаш шакллари. *Индивидни оила, жамоа, ишлаб чиқариш, жамият ва давлат томонидан ҳимоялаш тушунчаси, миллий мафкура ва асли-наслига ўхшашлик, айнанлик (идентивлик) шахс, жамият ва давлатни ҳимоя қилишнинг асосий шакллари сифатида.*

Таянч тушунча ва атамалар: Ахборот ўлчови, ахборот макони, ”Биринчи даражали” ва “Давлат сифатида шакллана олмаган” давлатлар, ахборот уруши, ахборот қуроли, дезинформацион, электрон, ахборот экспансияси, ОАВларнинг психологик таъсири, оммавий коммуникация,

нейролингвистик дастурлаш, омма психологияси, ахборот манипуляцияси, “ахборот истеъмоли маданияти”.

8.1. Индивиднинг ахборот-психологик ҳимояланганлик тушунчаси

Инсон ҳар қандай ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий-маънавий тизимнинг бош бўғини ҳисобланади. У фақат асосий ишлаб чиқарувчи куч бўлиб қолмасдан, шу билан бирга ахлоқий кадриятларнинг, ёки, умумлаштириб айтганда, ўз миллати, жамияти, маданияти, бутун инсоният маданий кодининг бирдан-бир соҳибидир. Таркибида фан, ишлаб чиқариш, сиёсат, маданият ва бошқа соҳаларда чинакамига кучли шахслар бўлган тақдирдагина жамият қудратга тўлади. Уларни жамулжам қила билган ва уларнинг ижодий ҳамда жисмоний имкониятларидан тўғри фойдалана олган ҳар қандай жамият ривожланиш бобида юксак даражаларга эришади.

Индивид шахс сифатида ахборот-психологик таъсирга нишон бўладиган ягона объектдир. Ҳамма гап шундаки, фақат угина ижтимоий онгга эга бўлиб, таъсир айнан шу онгга қаратилади. Шунинг учун ҳам биз индивидни унинг психологик сифатлари ва унга кўрсатиладиган ахборот таъсири нуқтаи назаридан унга асосий мазмунда кўриб чиқсак, тўғри бўлади: биринчидан, у мақсадли йўналтирилган ахборот-психологик таъсирга дучор қилинадиган бош объект ҳисобланади; иккинчидан, айтиб бериш пайтида у ижтимоий ахборот бобида бирдан-бир ишлаб чиқарувчидир; учинчидан, у ахборот таъсиридан давлат ва жамият томонидан ҳимоя қилиниб турган. муҳтож субъектдир.

Биринчи тоифага мансуб одамлар (шундай маълумотларнинг истеъмолчилари) ҳар бир жамиятда кўпчиликни, иккинчи тоифа одамлар (яъни оммавий ахборотни ишлаб чиқарувчилар) эса камчиликни ташкил қилади. Ушбу муаммони равшанроқ тасаввур қилишимиз учун шу икки тоифага доир қисқача тушунтириш бериб, уларни ажратиш кўрсатиш зарур бўлади.

Оммавий ахборотни ишлаб чиқарувчилар сирасига ўз мамлакати ва хорижий мамлакатлар жамоатчилигини оммавий ахборот билан таъминлаб

турувчилар: муайян жамиятнинг раҳбар доиралари, депутатлар, журналистлар, ўқитувчилар ва бошқалар киради. Қолган барча одамлар оммавий ахборотни қабул қилувчилар ҳисобланади.

Бу ҳали гапнинг ҳаммаси эмас. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, оммавий ахборотни ўз аудиториясига етказиш билан касбий жиҳатдан шуғулланадиганларнинг каттагина қисми (журналистлар, ўқитувчилар) ўзлари ахборотни турли манбалардан олиб, қайта ишлаб, шундан кейингина бошқаларга ёдилар. Ҳеч кимга қарам бўлмай, фақат бевосита ишлаб чиқарувчигагина боғлиқ бўлган, профессионал жиҳатдан юксак даражадаги дастлабки ахборотни тайёрлаш билан ҳар бир жамиятда камсонли кишилар давраси шуғулланади. Бундай инсонларга ўзга ахборот билан таъсир кўрсатиш қийин, чунки ўз билимлари, касблари ва эгаллаб турган лавозимлари туфайли улар кучли ижтимоий иммунитетга эга бўлиб, бошқа ахборот манбаларидан келадиган маълумотлар таъсирига деярли берилмайдилар.

Демакки, ҳар қандай давлат фуқароларининг аксарият кўпчилиги асосан ахборотни истеъмол қилувчилардир. Шу тариқа учинчи ва асосий муаммо - индивидни ахборот-психологик муҳофаза қилиш зарурияти келиб чиқади. Бирорта жамият ўз аъзоларига оммавий ахборот манбаларининг, бунинг устига нафақат хорижий, балки ўз ватани ахборот воситаларининг таъсирини эътибордан четда қолдира олмайди. Шу боис давлат фақат ахборот-психологик таъсир кўрсатиладиган объект бўлибгина қолмасдан, айтилган пайтда ўз фуқароларини уларга ёт ахборот таъсирдан ҳимоялаш ташкилотчиси ҳамдир.

Инсоннинг психологик ҳолати унинг дунёқарашига, ғоялари, дини, эътиқоди, жамоавий ва жавобгарлик туйғуси, моддий аҳволи, эҳтиёжларини қондириши ва бошқа жиҳатларга бевосита боғлиқ. У қанчалик билимдон бўлса, ижтимоий-тарихий тараққиёт қонуниятларини шунчалик яхши тушунади ва ҳар қандай тасодиқий, ишончсиз ахборотларга қарши шунчалик пухта қуроллангандир. Билим инсон дунёқарашининг ва маънавий-психологик аҳволининг асоси ҳисобланади.

Оилада ва дўстлар даврасида, мактабда ва олий ўқув юртида, маҳалла ва ишлаб чиқариш жамоасида олинадиган билим негизида индивидда ўзи ва яқин одамлари инсон хурмати жойига қўйиладиган, фазилатлари муносиб баҳоланадиган жамиятда яшаётганликлари тўғрисида муайян ғоялар, имон, эътиқод тарбия топади. Аста-секин улар индивид учун ғоят аҳамиятли қоидаларга айланиб, унинг ҳаётий қадриятлари тизимини шакллантиради.

Шахс сифатида Ўзбекистонда камол топадиган ёш киши болалигиданок жамоавий психологияни чуқур ҳис қилиб ва хашар, биргаликда ўтказиладиган бошқа ҳар хил тадбирлар, байрамлар ҳамда оммавий маросимларни юксак қадрлайдиган бўлиб ўсади. Бундай тадбирларда шахсан иштирок этиш билан у қилмишлари учун ўзи яшаётган жамият, оила, маҳалла ёки меҳнат жамоаси олдидаги масъулиятини чуқур англайдиган бўлиб вояга етади. Бундай ҳаётий кайфият, бундай психология ўзбекистонликларни бошқа мамалакатлар аҳолисидан маълум даражада фарқлаб турувчи тенгсиз қадрият ҳисобланади. Шу боисдан бу хилдаги анъаналарни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамиятимиз ва давлатимизнинг муҳим вазифасидир.

Ахборотлашув даври индивиднинг ахборот-маънавий мустақиллиги хусусида қуйидагиларни айтиш мумкин. Ҳар қайси замон турли мамлакатлар ҳалқларининг одатий ҳаётига маълум ўзгартишлар киритиш даври бўлиб келган. Бироқ уларнинг ҳеч бири бу борада ахборотлашув давридек катта ютуққа эриша олмади. Барча давлатлар аҳолиси бошига турли-туман ахборот оқимлари ёпирилдики, уларнинг кўплари эсанкираб қолдилар ва ҳозир ҳам кимга ва нимага ишонишларини билолмай ҳайрондирлар. Шунинг учун турли мамлакатларнинг фуқаролари ахборотни танлаш ва баҳолашда мустақиллик сақлашга, бунда аниқ сиёсий кўрсатмалардан ва кимларнингдир таклифи билан иш кўрувчи оммавий коммуникация воситаларидан ҳоли бўлишга интилмоқдалар. Ахборот технологияларига ва катта миқдорда турли-туман ахборотга эга бўлиш уларга бу борада муваффақиятли иш олиб боришга имкон беради.

Албатта, шахс ахборотни танлаш, қайта ишлаш, истеъмол қилиш ва ёйишда мустақил бўлмоғи лозимки, бу инсоннинг тамал ҳуқуқларидан биридир. Бироқ унинг бундай эркинлиги бошқаларга ҳалал бермаслиги ёки зарар етказмаслиги керак. Масалан, бирор хабарни Интернетда жойлаштириш манбанинг бирданига жуда кенг жамоатчилик олдига чиқишини билдиради. Шунинг учун ҳам у қилаётган ишини яхши англаши, бошқаларга етказаётган маълумотлари учун жавоб бериши керак. Давлат, ундан ҳам кўпроқ даражада жамият ҳар бир фуқарода шундай масъулиятни тарбиялаши даркор. Ахборотни ишлаб чиқиш ва истеъмол қилиш шахс эркинлигининг муҳим шартларидан биридир, лекин бу борада ҳам меъёр туйғуси, ўз ишлари учун масъулият ҳисси бўлиши лозим. Хуллас, ахборот асрига нисбатан шуни айтиш керакки, шахснинг ахборот ишлаб чиқишдаги эркинлиги бунга оид масъулияти билан уйғунлашган бўлиши жуда муҳимдир.

Индивиднинг оммавий ахборот билан ишлашидаги мустақиллик масаласида ҳам тўхталиб ўтиш тўғри бўлади. Маълумотларни истеъмол қилиш ва ёйишни давом эттиришда индивидлар эркин бўлиб қолганликлари шубҳасиздир, чунки эндиликда улар бу борада давлатга қарам эмасдирлар. Илгари давлат ўз хусусияти ва ҳолислик даражасидан келиб чиқиб ҳамда меъёр ва жоизлик чегарасига риоя қилган ҳолда, ахборотни ўзи ишлаб чиқар ва тақсимлар эди. “Эркинлик технологиялари” деб номланган ахборот технологиялари миллий давлат имкониятларидан устун чиққанига қадар шундай давом этиб келди.

Инсонларнинг ахборот истеъмол қилиш ва ишлаб чиқиш бобидаги мустақиллиги кескин ошди. Бу эса кўпларнинг бошини айлантириб қўйди. Ҳамма ўзини Интернетга урди. Порнография, жиноятчилик, одобсизлик, латифалар, миш-мишлардан иборат кераксиз, зарарли ахборотга эга жуда кўплаб сайтлар пайдо бўлди. Бундай маълумотларнинг асосий қисми “сариқ” ахборотга киради. Бироқ оммавий аудитория уни, айниқса, қизиқиб ўқийди. Бундай енгил-елпи, шармандали “янгиликлар” жамиятни босиб кетмаслиги учун давлат ва жамият зарур чора-тадбирларни кўриши лозим.

Ахборотни танлаш ва у билан ишлаш салбий ёки ижобий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган жараёндир. Бир томондан, индивид мустақил бўлиши лозим. Лекин, иккинчи томондан, у ўзининг маънавий негизларига путур етказиша оладиган ёт таъсирдан ҳимояланиш дастурига эга бўлиши даркор. Индивид ахборотнинг сохталигини ўз вақтида пайқамаслиги эҳтимол, сабабики бундай ахборот, одатда, “ялтироқ қоғозга яхшилаб ўралган” бўлади. Оқибатда инсоннинг ахборотдан фойдаланишдаги эркинлиги акс самара берадики, бу индивиднинг ўзини ҳам бундай мустақилликдан муҳофаза қилиш зарурлигини кўрсатади. Оддий фуқаро, одатда, ахборотни истеъмол қилишга тайёрланмаган бўлиб, ёппасига ҳамма нарсага, шу жумладан, ёлғон -яшиқ ва бўҳтон гапларга ҳам ишонаверади. Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда ахборот бобида алдам-қалдам технология-лари ғоятда кўп бўлиб, улар юксак даражада. Давлатнинг муайян ахборот сиёсатидан мустақил бўлиш хорижий оммавий ахборот коммуникация-ларининг ахборот таъсири ўтказиш бобидаги устамон сиёсатига қулликка ўсиб ўтмаслиги керак.

Уч жилдлик “Ахборот асри” асарининг муаллифи, Жанубий Каролина университети профессори Мануэл Кастелс шундай ёзади: “Бугунги кунда ер юзида Интернетдан фойдаланувчилар бир миллиарддан кўпроқни ташкил қилади ва икки миллиардга яқин мобил телефон мавжуд. Жорий (2006) йилнинг май ойигача ҳолатда 37 миллион блог бўлиб, дунёда ҳар секундда яна янги бир блог, яъни йилига 30 миллион блог яратилади... Шундай қилиб, коммуникациянинг янги, оммавий бўлса ҳам бир киши томонидан ишлаб чиқариладиган, олинадиган ва қабул қилинадиган ижтимоий шакли вужудга келди”²⁵.

Шундан кўриниб турибдики, кейинги йилларда шахсий сайтлар сони мислсиз даражада ошди. Бугунги кунда хоҳлаган ҳар бир киши ўз сайтини оча олади. Бу жараёни тўхтатиб бўлмайди. Ҳозирги пайтда “блоггерлар Интернетни тўлдириб юборишди” деган гапни тез-тез эшитиш мумкин.

²⁵ Кастелс М. Новме индивидуальнш масс-медиа // “Свободная мысль”. 2006. №35. - Б. 62.

Айни бир пайтда шахсий сайтларда ижодий масъулиятсизлик чегарасидаги “ўта эркин” ахборот акс этганлигига шубҳа йўқ. Аслида, бу фойдаланувчиларнинг кенг даврасига қизиқарли бўлмаган шахсий мазмундаги ахборотдан иборат. Улар, албатта, кўп жихатдан текширилмаган ва ишончсиз эканлиги тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Бугунги кунда кўпчилик кўнглига келган нарсани ёзиш ва глобал тармоқда жойлаштириш билан овора.

Анъанавий журналистика соҳалари бўлган газета ва журналларга, телевидение ва радио эфирига йўл топиш, шубҳасиз, мушкулроқ. Бу ерда ахборот мазмуни тез-тез текширилиб ёки ҳеч бўлмаганда йўналтириб турилади. Бундан ташқари Интернетда ахборот жойлаштириш билан киши бирданига жаҳон майдонига чиқади. Табиийки, бу одамларни йўлдан уради. Кўпгина кишилар ўзларини ватандошларимизга ва ҳатто жаҳон жамоатчилигининг кенг даврасига айтадиган гапимиз бор, деб ҳисоблайдилар. Бироқ Интернетдан фойдаланувчиларга фақат аниқ ва ишончли фактларни тақдим этиш нақадар мураккаб ва масъулиятли иш эканлиги тушунарлидир.

8.2. Инсон онги учун кураш - геосиёсатнинг бош йўналиши. Индивиднинг психологияси очик тизим сифатида

Онг мураккаб мазмунга ва тузилишга эга сифат ҳисобланади. Ушбу тушунчани етарлича англаб етмасдан туриб, инсоннинг юриш -туришидаги унинг ролини тасаввур қилиш қийин. Мазкур масалани изоҳлаб берувчи айрим манбаларга мурожаат қилайлик.

“Катта психологик энциклопедия” (“Большая психологическая энциклопедия”) муаллифлари шундай ёзишади: “Онг - объектив воқеликка муносабат билдиришнинг инсонга хос шакли бўлиб, бу ижтимоий-тарихий амалиёт унсурлари воситачи, оралиқ омил сифатида қабул қилинишида ифодаланди, инсон оламнинг объектив (умум томонидан қабул қилинган) манзараларини шуларга асосан куради. Фалсафа нуқтаи назаридан онг инсон фаолиятининг объектив мазмунига (моддий шарт-шароитлар, нарсалар, ҳамда

воситаларга) қарама-қарши равишда бу фаолиятнинг субъектив жиҳати (мақсадга мувофиқлиги) ҳисобланади”¹.

Бу ерда онгни таърифлашда психологлар ва файласуфлар ўртасида маълум фарқ борлиги бежизга эслатилмаган. Ҳақиқатан ҳам, файласуфларнинг онгни тушунишида гўёки онга эга инсон уни ўзига бўйсундиришда эркин эканлиги тўғрисидаги кучли субъектив жиҳат мавжуд. Амалда эса гарчи онг инсон миясининг сифати бўлса ҳам, унга ҳар доим ва тўлиқ равишда бўйсунмавермайди. Психологлар томонидан қайд этилган бу жиҳат бутун ушбу дарслигимиз учун муҳим нукта ҳисобланади. Онгни тўғри тушунибгина қолмасдан, уни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш ҳам керак.

Қиёслаш учун “Фалсафий энциклопедик луғат” (“Философский энциклопедический словарь”) муаллифларининг фикрини келтирамиз: “Онг-фалсафа, психология ва социологиянинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, ижтимоий мавжудот бўлган инсоннинг олий даражадаги психик фаоллигини билдиради. Бу фаолликнинг ўзига хослиги шундан иборатки, реалликнинг ўта таъсирчан ва ақлий тимсоллар шаклидаги ифодаси инсоннинг амалий хатти-ҳаракатларини олдиндан сезиб, уларга аниқ бир мақсадга йўналганлик характерини бахш этади. Бу дастлаб амалиёт соҳасида, сўнгра эса ички планда тасаввурлар, фикрлар, ғояларда ҳамда онгнинг мазмунини ташкил қилувчи ҳоказо маънавий феноменларда воқеликнинг ижодий қайта ўзгартирилишини тақозо қиладики, бунда онг маданият маҳсулотларида (жумладан, тил ва бошқа муҳим тизимларда) гавдаланиб, идеал шакл касб этади ва билим сифатида майдонга чиқади”^{26, 27}.

Иқтибос келтиришни давом эттиравериш мумкин, лекин масаланинг моҳияти равшан бўлди, деб ўйлаймиз. Психологлар билан файласуфлар бош масалада келиша олмайдилар. Психологлар онгни пассив-фаол жиҳат деб билсалар, файласуфлар онгни фаол, зеро, инсон унинг ёрдамида воқеликни

²⁶Большая психологическая энциклопедия. Муаллифлар жамоаси: Альмуханов А.Б., Гладков Е.С., Есина Е.В. ва бошқ. - М.: ЭКСМО, 2007. - Б. 433.

²⁷Философский энциклопедический словарь. Бош муҳаррирлар: Ильичев Л.Ф., Федосеев Н.П., Ковалев С.М. ва бошқ. - М.: “Сов. Энциклопедия”, 1983. - Б. 622.

қайта ўзгартиради, деб ҳисоблайдилар. Бу ерда инсонларнинг фаол, қайта ўзгартирувчилик сифатларини турли даражаларга ажратиш лозим кўринади. Жамиятнинг камсонли аъзоларигина юксак даражадаги қайта ўзгартирувчилик фаолиятига эгадирлар. Инсонларнинг аксарият кўпчилигига эса воқеликни ўзларининг шахсан турмуш кечиришларини таъминлайдиган даражада яшашларига ёрдам берадиган тарздаги пассив онг хосдир. Бундан амалда жамиятнинг кичик бир қисмигина юксак онгли фаолликка эга бўлиб, қолганлар эса фақат истеъмолчилар, жумладан, маънавий маҳсулот, хусусан, оммавий ахборот истеъмолчилари эканлиги келиб чиқади.

Бу фикрлардан инсон психологияси, ёки, камида, аксарият кўпчилик кишилар психологияси исталган мазмундаги ахборот таъсирига дучор қилиниши мумкин бўлган очик тизимдир, деган муҳим хулоса чиқади. Индивиднинг онги, модомики у инсон ижтимоий фаолиятининг натижаси, гуруҳий изланишлар ва олинган билимлар меваси ҳисобланар экан, ташқи таъсир учун очик бўлмаслиги ҳеч мумкин эмас. Мутлақ маънода олганда, ижтимоий ахборот ҳар доим индивид томонидан қабул қилинади ва унга сўзсиз таъсир ўтказади. Оммавий ахборот турли даражада ижобий ёки салбий бўлади. Ўз навбатида, инсоннинг амалда юриш-туришини кўп жиҳатдан индивид муайян ҳолатда қабул қилган ва ўзлаштирган аниқ ахборотнинг мазмуни тақозо қилади.

Бундай аҳвол инсон тўғрисидаги фаол, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила билладиган онгли мавжудот деган анъанавий тушунчани ўзгартириб юборади. Бундан келиб чиқадики, биз ишонч ҳосил қилганимиздек, очик, қабул қилувчи онгга эга бўлган индивидларни ҳам салбий, бузғунчи оммавий ахборот таъсиридан муҳофаза қилиш керак экан.

Ахборот асрида индивидни ва жамиятни манфий маълумотлардан муҳофаза қилиш зарурияти кескин ошади ва мураккаблашади. Бундай давр оммавий ахборотни назорат қилиш ишининг аҳволини тубдан ўзгартиради. Ахборот технологияларининг сони ва сифати жадал ошиб бориши уларга эгалик қилувчиларнинг нафақат ўз мамлакатлари, балки бутун дунёдаги

фуқароларга таъсир ўтказиш имкониятларини чексиз-чегарасиз қилиб қўяди. Бугунги кунда оммавий ахборот ҳадсиз миқдорда ишлаб чиқарилиб, сайёрамиз бўйлаб жуда катта тезликда тарқатилмоқда. Бироқ бу ишни фақат шундай технологияларга эга бўлган мамлакатлар амалга ошира олади. Бошқа давлатлар эса бу борада уларга бевосита боғлиқ бўлиб қолишяпти. Шу боисдан инсон онги учун, унинг муайян идеалларга тарафдорлиги учун кураш ҳозирги замон геосиёсатининг энг муҳим масаласига айланди.

Ахборотлашган даврда оммавий ахборот манбалари учун индивидлар билан тўғридан-тўғри иш олиб бориш имконияти сезиларли даражада юксалади. **Биринчидан**, бевосита техника туфайли уларнинг истеъмолчига рўпара бўлиш имконияти кескин ошади. Кимнингдир ҳудудида оммавий ахборот тарқатилишига асрлар давомида тўсиқ бўлиб келган давлат чегараси энди бу вазифани бажара олмай қолди. Жараён давомида радио ва телевидение ёки Интернет материалларига айланадиган электр сигналлари ҳар қандай ғовни осонгина енгиб ўтади.

Иккинчидан, ахборот сифат жиҳатидан ҳам турли-туман бўлиб бораёпти. Ахборот етказиш технологияси ва ахборот сифати уни ишлаб чиқарувчиларга айнан ўз маҳаллий аудиториясини топишга ва давлат ҳамда унинг тузилмаларини четлаб ўтган ҳолда, шу “мижозлари” билан бевосита иш олиб боришга имкон беради. Бу борада оммавий ахборот ва ишора-маълумотнома материаллар шу даражада кўпки, ҳар қайси истеъмолчи ўзини қизиқтирган манбани топиши ва хоҳлаган ахборотни олиши мумкин. Ҳозирги пайтда оммавий ахборотни ишлаб чиқувчилар исталган мамлакатдаги ҳар қандай сиёсий қатламни: талабалар, ўрта ёшдагилар, пенсионерлар ва бошқа тоифаларни ўз маҳсулоти билан таъминлашга қодирдирлар.

Турли мамлакатлардаги аудиториянинг турли сегментларига оммавий ахборотни бу тарзда табақалаштириб, аниқ манзилни мўлжаллаб етказиб бериш замонавий геосиёсатнинг муҳим унсури бўлиб қолди. Илгари фуқаролар онги учун кураш асосан ҳар кимнинг ўз мамлакати доираси билан чегараланган эди. Бугунги кунда бундай кураш глобаллашиб кетди. Бунга замонавий ахборот

технологиялари ҳал қилувчи ҳисса қўшди. Натижада технологияларга эгалик қилувчи мамлакатлар ўз кадриятлари кенг қамровли ва ҳаммабоб мазмунга эга эканлиги ҳақидаги фикрга бориб, уларни бутун дунё бўйлаб очикдан-очик тарғиб қилишга киришдилар. Бундай иш барча каналлар: телевидение, радио, газета, журналлар орқали, ахборот агентликлари ва матбуот марказлари ёрдамида олиб борилмоқда. Интернет оммавий ахборотни жойлаштириш учун янги, қудратли ва ҳақиқатдан ҳам чегара билмас восита бўлиб қолди.

Мамлакат ўз аҳолисини унга ёт ахборотдан ҳимоялашни ташкил этиши учун инсон хулқидаги онглилик ва беихтиёрий онглилик омилларининг нисбати масаласини аниқлаб олиши жуда муҳимдир. Узоқ давр мобайнида индивиддаги онглилик устун ҳисобланиб келдики, бу унинг табиатидаги беихтиёрий онгни билишга тўсқинлик қилиб турди. Албатта, бундан юз йил муқаддам ҳам инсонда беихтиёрий онгнинг устун эканлигини исботловчи асарлар, мисол учун, Гюстав Лебон асарлари чиқиб турарди. Бироқ токи Зигмунд Фрейд ва Карл Юнг инсон психикасидаги беихтиёрий онг моҳиятини очиб, мазкур мураккаб илмий муаммони узил-кесил ҳал қилиб бермагунларича мутахассислар узоқ вақт бу фикр билан мураса қилмай келдилар. Эндиликда инсон психикасида беихтиёрий онг шакл-шубҳасиз етакчилик қилиб, ҳақиқий онглилик учун замин хизматини ўташи исботлаб берилган факт ҳисобланади.

Бундан ташқари, олимлар инсон психикасидаги онглилик ва беихтиёрий онглиликка доир турли нисбатларни келтирадилар. Баъзилар ҳатто беихтиёрий онг ҳақиқий онгга 90/10 фоиз нисбатда деган фикрдадилар. Ушбу масалада бирор аниқ рақамни айтиш, қийин, албатта. Устига-устак, бу аниқ индивидларга боғлиқ ҳодиса. Бироқ, ўйлашимизча, инсон хулқ-атворидаги беихтиёрий унсур камида учдан икки ҳиссага тенг деб тахмин қилсак, хато бўлмаса керак. Бу, айниқса, Интернет, аудио-видео воситалари ва матбуот маълумотларининг оммавий онг томонидан қабул қилинишида яхши кўзга ташланади.

Оммавий онг - ижтимоий онгнинг замонавий типдаги жамиятларда кенг ёйилган ва ғоят муҳим аҳамиятга эга ўзига хос тури. Синфий, миллий, касбий

ва бошқа гуруҳий ижтимоий онг шаклларига ўхшаб, оммавий онг ўзининг гносеологик хусусиятлари (мазмун, даражаси ҳамда воқеликни акс эттириш жиҳати) билан ажралмай, энг аввало, уни ташувчининг, субъектнинг хусусиятлари билан ажралиб туради. Бунда жамиятнинг муайян гуруҳлари (синфлар, миллатлар ва ҳоказо) ташувчи ижтимоий онгнинг юқорида санаб ўтилган шаклларида фарқли равишда оммавий онг ҳолатида индивидларнинг “омма” деб аталувчи алоҳида мажмуи (кўплиги, жамоаси) шундай субъект сифатида майдонга чиқади. Омманинг ўзи сингари, оммавий онг ҳам замонавий типдаги жамиятларда биринчи навбатда асосий шарт-шароитларнинг, одамлар ҳаётий фаолияти шакллари (ишлаб чиқариш, истеъмол, мулоқот, ижтимоий-сиёсий иштирок, дам олиш соҳалари) оммалашуви жараёнида вужудга келади ва шаклланадики, бундай оммалашув бир хил ёки шунга ўхшаган интилишлар, қизиқишлар, эҳтиёжлар, кўникмалар, мойилликлар ва ҳоказо жиҳатларни юзага келтиради”²⁸.

Шундан хулоса қилиш мумкинки, индивид омма орасида бўлганида, унинг оммавий коммуникация воситалари хабарларини танқидий қабул қила бошлаши сезиларли даражада пасаяди. Психик юқтириш жараёни сабабли бошқа кишилар таъсири остида у ахборот мазмунини ўшаларга ўхшаб қабул қилади, гарчи мазкур масалада анча мустақил бўлиши лозим эса-да. Ҳар ҳолда инсон табиати ва унинг ОАВ хабарларини қабул қилишидаги қонуният ана шундай.

Индивидга ахборот-психологик таъсир кўрсатиш йўллари ва шакллари жуда кўп бўлиб, уларга битта мавзу доирасида таъриф-тавсиф бериш имконсиздир. Уларнинг асосийларини санаб ўтамиз. Таъсирнинг барча турлари универсал шаклда ҳиссий ва рационал, ифодали ва мантиқий таъсирларни ўзида умумлаштиради. Ҳиссий таъсир образлар, ҳиссиётлар, тасвирий-ифодали ва сатирик-юмористик воситалар ёрдамида амалга оширилади. Ўз навбатида, рационал таъсир фикр юргизиш мантиқи ва баён этиш мантиқига бўлинади.

²⁸ Новая философская энциклопедия. 4 жылдик. Таҳрир кенгаши: Стёпин В.С. (раис) ва бошқ. 2 -ж. - М.: “Ммсль”, 2001.

Юқорида зикр этиб ўтилган таъсир кўрсатиш услубларининг ҳар бирига оид кўплаб адабиётлар мавжуд, шунинг учун улар ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз.

Шундай қилиб, биз индивидга таъсир кўрсатишнинг кўплаб услубларидан айримлари ҳақида сўз очдик, холос. Бундан ташқари, “майин” тарғибот, манипулятив технологиялар ва аллақанча ҳоказо услублар мавжуд.

8.3. Индивидга йўналтирилган ахборот даъватларининг турлари ва мазмуни

Иккинчи масала юзасидан баён этилган материалдан бу борада етарли тайёргарликка эга бўлмаган инсон амалда ўз устига ҳар томондан ёпириладиган ахборий таъсир олдида ожиздир, дея тўлиқ ишончли хулоса чиқариш мумкин. У телевизор томоша қилади, радио эшитади, газета ўқийди ва матбуот саҳифаларидан, телерадио эфиридан ўзига қарата йўналтирилаётган гапларга ишонади.

Бунинг устига оммавий ахборот воситалари ўз хабарларини етарлича профессионал даражада узатадилар, яъни босма матнни тўғри шакллантиришни, радио ва телевидение хабарини яхшилаб монтаж қилишни, характерли далиллар танлашни ҳамда уларни кераклича тартибда бир қаторга тизиб, зарур шарҳ билан тўлдиришни ва ҳоказо усулларни қойиллатиб бажарадилар. Аудиториянинг оддий вакили таҳририятлар ўз маълумотларини ишончли, асосли, зарур таъсир кучига эга бўладиган даражада тайёрлашлари учун қанчалик кўп иш олиб боришларини кўпинча тасаввур ҳам қилмайди. Таъсир кучи юқори бўлишига эришиш учун жуда катта иш олиб бориладики, бу ҳақда радио ва телевидение эфирда ёки матбуот саҳифасида ҳеч нима дейилмайди.

Шунинг учун, оммавий аудитория билан олиб бориладиган профессионал ишни ҳисобга олган ҳолда, индивиднинг ягона ўзи ахборот тажовуздан ўзини омон сақлаб қололмайди, дея етарлича ишонч билан айтишга тўлиқ асос бор. Бу

ишни шу даражада ҳийла-найранглар ва кутилмаган усуллар ишлатиб ташкиллаштиритгт мумкинки, ҳатто мазкур соҳада билимдон киши ҳам унда айнан тажовуз яширинганлигини сезмай қолиши эҳтимол.

Буни биз ахборот даъватларнинг турлари ва мазмуни, аҳамиятини эслатиш билан масала номининг ўзидаёқ акс эттирдик. Ўз олдимизга бир оддий савол қўяйлик: “Кичик бир мақолачада қутқу бўлиши мумкинми?” Масалан: “АҚШ Президенти Си-эн-эн мухбирига берган интервьюсида ўз мамлакатада ишсизлик даражаси пасайганини маълум қилди. Албатта, бу ерда ҳеч қандай қутқу ёки таҳдид йўқ. Лекин шунга ўхшаш хабарлар Си-эн-эн, “Ассошиэйтед Пресс”, “Юнайтед Пресс” Интернешнл, Рейтер томонидан ҳар ойда ва қўплаб мартадан бериб турилса-чи?! Яъни ҳар куни ишсизлик ва инфляция камайгани, маошлар ва доллар курси ошгани, ялпи маҳсулот ҳажми қўпайгани ва ҳоказо - ҳоказо ютуқлар ҳақида изчил равишда гапирилаверса-чи?!

Бу ҳолда аудиторияда табиий равишда олтин миллиард жамиятларида (ривожланган мамалакатларни шундай аташади) ҳамма нарса яхши, бошқаларида эса унчалик эмас, деб ўйлайди. Шу тариқа кўзга кўп ташланавермайдиган тарзда, аста-секин бошқа мамлакатларга нотўғри ахборот йўлланади - билиб қўйингки, бизга ҳамма соҳада муваффақиятлар ёр, сизда эса ундай эмас. Ваҳоланки, ишсизлик ва инфляция, шунингдек меҳнат ҳақи ва миллий валюта курси ҳам мунтазам равишда кўтарилиб-тушиб туриши маълум нарса. Бироқ камчиликлар тўғрисида, одатда, гапиришни у қадар ёқтиришмайди, кўпроқ ғарбча турмуш тарзининг афзалликларини таъкидлашга ҳаракат қиладилар.

Ушбу қонуният, яъни хабарлар сони пировардида зарур сифатни бериши жаҳон ахборот бозорида кўп йиллардан бери амалда. Сайёрамиз Ғарбий Европа ва АҚШ ҳалқлари қанчалар яхши яшаётгани ва дунёнинг қолган қисмида ҳамма нарса ҳам у қадар муваффақиятли эмаслиги ҳақида йилдан-йилга кўриб, эшитиб ва ўқиб келмоқда. Жаҳондаги етакчи ахборот агентликлари ва компаниялари ҳамда радиотелекомпаниялар, бир томондан, ҳаётнинг истеъмолчилик характери, ёшларнинг ўз идеалларидан қониқмаслиги ошиб

бораётганлиги, ўша ишсизлик ва инфляция, анъанавий диндан юз ўгириш, Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШ халқлари ҳаётидаги бошқа салбий жиҳатлар ҳақида, иккинчи томондан, бошқа давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ютуқлар тўғрисида жуда кам гапиришади.

Ўзбекистон фуқаросига хорижий ОАВ томонидан амалга оширилаётган кундалик ёпирилма босимни тажовуз деб атасак, тўғри бўлади. Бундай таъсир ўтказишни бошқача таърифлаб ҳам бўлмайди. Энди шу фикрни исботлашга ҳаракат қилайлик.

Ҳар бир инсон ўз жамиятида яшайди, муайян ижтимоий институтлар ва гуруҳлар муҳитида бўлиб туради. Умумга дахлдор бўлиш - ижтимоийлашув (социализация), яъни туғилган кунидан то 25-29 ёшга киргунига қадар давом этадиган жамиятга киришиш даврида у мазкур муҳитда барча томонидан қабул қилинган қадриятлар ва меъёрларни ўзлаштириб олади. Бу давр охирига бориб у ўзи ўсиб-улғайган ва шахс сифатида камол топган муҳитга хос қимматли йўл-йўриқлар мажмуини эгаллаган бўлади.

Мана энди у хорижий ОАВ таъсирида ўзи амал қилишга ўргатилган қадриятларнинг тўғрилигига шубҳалана бошлайди. Индивиднинг шахс сифатида ўз мўлжалини йўқотиб қўйитгани уни ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Натижада унда ҳамма нарсага ишончсизлик, нигилизм, бошқа одамлар тақдирига бепарволик, ҳаёсизлик, маданиятсизлик ва ҳоказо иллатлар намоён бўлиши ҳеч гап эмас.

Қолаверса, хорижий қадриятлар ҳам ҳар хил бўлади. Уларнинг кўпгина қисми Ўзбекистоннинг катта ёшдаги аҳолиси ва ёшлари томонидан муваффақиятли ўзлаштирилмоқда. Лекин шундайлари ҳам борки, улар бизда кўкариб кета олмайди. Биринчи навбатда бу протестантчиликда қўллаб-қувватланадиган ва Ғарбий Европа ҳамда АҚШда жамиятларнинг гуллаб-яшнашига ёрдам берган эгоцентризм, индивидуализм, карьеризм ва бошқа шунга ўхшатилган сифатларга тааллуқлидир. Протестант одобининг моҳиятига хос хусусиятлардан бири шундан иборат бўлиб, таниқли социолог М.Вебер бу ҳақида ёзиб, мазкур мамлакатларда жуда машҳур бўлиб кетди.

Бироқ бу жамоавий ҳаёт тарзига эга мамлакатлар томонидан сўзсиз қабул қилиниши мумкин эмаски, Ўзбекистон ҳам шундай давлатлар жумласига киради. Бизда агар оила, маҳалла, меҳнат жамоаси манфаатларига тўғри келмаса, инсоннинг якка ҳолда ва шахсан ўзини кўзлаб муваффақиятга интилиши маъқулланмайди. Бу ерда қавмнинг вазифалари, жамоа миқёсидаги ижобий натижа шахс даражасидаги ютуққа қараганда юксак қадрланади.

Шунинг учун агар хорижий ОАВ маҳаллий шарт-шароитларни назар-писанд қилмасдан, пухта йўлга қўйилган ахборот ёрдамида ўз кўрсатмаларини ўзбекистонликлар онгига сингдирадиган бўлсалар, ватандошларимиз азалий танланган ҳаётий мўлжалларини йўқотиб қўядилар ва бу жиддий салбий оқибатларга олиб келади.

Аслида, хорижий оммавий ахборот манбалари кўпинча айна шу мақсадни кўзлаб иш олиб борадилар. Лекин улар ўзбекистонликларнинг аниқ қадриятларини, масалан, мадҳиямиз мазмунини, Тошкентнинг кўрки-тароватини ёки тарихдаги ютуқларимизни мақсадли обрўсизлантиришга интилмайдилар. Йўқ, чет эл ОАВ бошқача йўл тутадилар. Улар Ўзбекистонда демократия йўқ, оммавий ахборотни тарқатиш назорат қилинади, одамлар ўз фикрлари, орзу -умидларини эркин изҳор қила олмайдилар, деган гапларни қилишади. Ҳақиқатан ҳам биздаги газета ва журналларнинг муҳаррирлари, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни эфирга чиқариш учун масъул кишилар, агар беҳаёларча, дағал ёки ахлоқ-одоб қоидаларига тўғри келмайдиган, яъни жамоавий ҳаёт тарзи анъаналарига зид бўлса, бундай ишлар қилинишига ижозат бермайдилар. Бошқа барча масалаларда оммавий коммуникация воситаларида чиқиш қилувчи муаллифларга мамлакатимиз қонунлари амал қилиш учун зарур эркинлик бериб қўйган.

Маънавий-маърифий соҳада хориждан туриб ахборот ёрдамида таъсир кўрсатишнинг мақсади бўлган Ўзбекистон фуқароларининг умум томонидан қабул қилинган қадриятлари, истаклари ва йўл-йўриқлари бузилиши жамиятнинг барқарор ривожланиши учун маълум хавф туғдиради. Бу категориялар ўзбекистонликларнинг ҳаётий дастурлари бўлганлигидан биз

уларнинг хорижий ахборот манбалари томонидан сурбетларча поймол этилишига бефарқ қараб туролмаймиз. Барча томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ва ахлоқ-одоб меъёрларини обрўсизлантириш мақсадида мамлакатимизга қарши амалга оширилаётган турли ҳужумларни фош этиш маънавий-маърифий иш ва ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш соҳаси ҳар бир мутахассиснинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шу маънода Ўзбекистон фуқаросининг ахборот ҳужумларидан давлат ва жамоатчилик томонидан ҳимояланиши зарурлиги кундай равшан бўлиб турибди. Юқорида тушунтириш бериб ўтганимиздек, индивидга ёпирилаётган ахборот тўлқини ҳажман катталиги ва мазмунан мураккаблиги боис бу масалани унинг ёлғиз ўзи ҳал қилишга ожиздир.

8.4. Индивидни оила, жамоа, ишлаб чиқариш, жамият ва давлат томонидан ҳимоялаш шакллари

Индивиднинг ахборот-психологик ҳимояси шу қадар мураккаб ишки, бу борада ҳамманинг: оила, маҳалла, ишлаб чиқариш жамоаси, дўстлар давраси, жамият ва давлатнинг куч-ғайратини бирлаштириш зарур. Албатта, индивиднинг ўз-ўзини ҳимоя қилиши ҳам катта роль ўйнаши лозим.

Ахборотдан ҳимоянинг ушбу ҳар бир турида умумий хусусиятлар, барча шаклларга тўғри келадиган жиҳатлар мавжуд. Бироқ муайян бир тур учун махсус, ўзига хос хусусиятлар ҳам бор. Шунинг учун ҳам бу ерда мазкур шаклларнинг бири иккинчисининг тўлиқ ўрнини босиши, ўзаро бир-бирини алмаштириши мумкин эмас. Ушбу тизимда уларнинг ҳар қайси ўз ўрнига эга ва ўзининг мустақил ролини ўйнайди.

Оилада ёт ахборотдан ўзини ҳимоя қилиш нимани англатади? Бола туғилганидан балоғат ёшига етгунигача оила шароитида ўсиб -улғаяди. Бу анча узоқ муддат бўлиб, вақти-вақтида ҳовлига ўйнашга чиқишини ҳисобга олмаганда, болалар боғчасига боргунига қадар у доимо мазкур ягона ахборот муҳитида кун кечиради. Психологлар бекорга бу даврни инсон ҳаётининг энг

масъулиятли даври деб ҳисобламайди. Ҳаётининг дастлабки йилларида индивид жуда тез суръатларда билим ва дунёни билиш кўникмаларини эгаллаб боради. У кўпроқ инстинктив даражада бўлса ҳам, атрофдаги воқеликни ўрганади. Бироқ кейинги илмий ютуқлар, аниқроғи Карл Юнг ишлаб чиққан архетиплар илми нуқтаи назаридан қараганда, билишнинг қайси даражаси, онглими ёки инстинктив даража тўғрироқ ва фаолроқ эканлиги ҳали номаълум, дейиш мумкин.

Оилада бола илк қадамларини қўяди, ўйинчоқлар ўйнай бошлайди, дастлабки телекўрсатувларга тикилади, қизиқарли расмларни томоша қилади, бўяшга мўлжалланган альбомларга чизади. Айнан шу тариқа у илк босқичда жуда катта ахборот ҳажмини ўзига сингдириб, шахс сифатида шаклланади. Албатта, бундай шаклланиш оммавий ахборот воситасининг иштирокисиз юз бермайди, гарчи бу ҳали Би-би-си ёки Ўзбекистон телерадиокомпанияларнинг сиёсий эшиттириш ёки кўрсатувлари бўлмаса ҳам.

Ғоят муҳим жиҳат шундан иборатки, индивиднинг умумий ижтимоий даврага киришиш даври яқунига етгунига қадар оила, болалар боғчаси, мактаб ва олий ўқув юрти билан бир қаторда кўча ҳам унга етарлича кучли таъсир кўрсатади, шунинг учун у оммавий ахборот воситаларининг бу муҳитга оид маълумотларини ҳам ўзига, айниқса, фаоллик билан сингдириб боради. “Мураккаб ёш” деб аталадиган даврда “кўча ахбороти” самарадорлиги юқори чўққисига чиқади.

Жамоа-қавм (маҳалла) ҳимояси ҳам индивид учун жуда муҳим ҳисобланади. Жамоа бошқа шароитларда, масалан, ўрганиш қийин бўлган нарсаларни - жамоачилик туйғусини, ўзаро ёрдам ва бири-бирини қўллаб-қувватлашни ўргатади. Бу ҳали ҳаммаси эмас, боз устига - асосийси ҳам эмас. Индивид маҳаллада оила шароитида берилмайдиган ёки бериш имкони бўлмаган дастлабки билимларни, аниқроқ айтганда - “ҳаёт” деб аталмиш ўйиннинг ҳолис, баъзида эса аёвсиз қоидаларини эгаллай бошлайди. Ота-оналар ўз фарзандларини ана шундай аёзли шамоллар оқимидан асрашга интиладилар. Маҳалла ва кўча индивид ўзи учун янги, номаълум дунёни оча

боришига ёрдам берадики, оилада ўқтирганларидек, унда ҳамма нарса ҳам силлиқ ва кўнгилдагидек эмаслиги аён бўлади. Шунинг учун маҳалла ва кўча ҳам инсоннинг устозларидир.

Индивиднинг оила, болалар боғчаси, маҳалла, мактаб ва олий ўқув юртидан кейинги ўқитувчиси унинг ишлаб чиқариш жамоасидир. Мактаб ва олий юртидаги сингари бу ерда ҳам расмий сиёсат қўшилади, шахсга нисбатан давлат ва жамоатчилик назорати, рағбати ва жазоси намоён бўлади. Инсон ишлаб чиқариш жамоаси бағрида анча узок давр, бутун етук ҳаёти давомида, ўрта ҳисобда 20 ёшдан то пенсия ёшигача, кўпинча ҳатто ундан узокроқ муддат бўлади. Меҳнат жамоаси муҳим ва жиддий тарбиячи ҳисобланиб, бу ерда энди оилага ва маҳаллага хос “кечиришлар” бўлмайди. Бу ерда ўзаро ахборот алмашуви юз беради, индивиднинг олаётган маълумотларини элақдан ўтказди. У ҳамкасблари тажрибасида ўзи эшитган хабарларни, жумладан оммавий ахборотни танқидий баҳолашни ўрганади. Одатда, меҳнат жамоасида барча янгиликлар қизғин муҳокама қилиниб, уларга ҳолис баҳо берилади, воқеаларга қўшиб, орттириб айтилган, ишончсиз, очикчасига ёлғон жиҳатлар чиқитга чиқарилади. Жамоа мавжуд оммавий ахборотни танқидий баҳолаган ҳолда, ҳамма нарсани жой-жойига қўйишга ҳаракат қилади.

Жамоанинг бешинчи тури ижтимоий ҳимоя бўлиб, ахборотлашув даврига қадар у ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмасди. Индивиднинг ёт ахборотдан давлат томонидан муҳофаза қилиниши бош масала эди. Лекин ахборотлашган замон устуворликларни кескин ўзгартириб юборди. Эндиликда инсонга яқинроқ бўлган ва уни эркин дунёга хос бош мезонлар - умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида ҳимоя қила оладиган жамият, жамоатчилик асосий кучга айланди.

Ахборотлашган давр биринчи даражали бўлмаса, ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Давлатсиз самарали ҳимоя бўлиши мумкин эмас, чунки у жамиятнинг биринчи мудофаачиси ҳисобланади. Афсуски, кўпгина мамлакатларда салбий оммавий ахборотдан давлат муҳофазаси - бу сайтларни тақиқлаш, олий ўқув юртлари ва мактабларда назорат қилиш ва ўз ватанигагина

тегишли ахборотни тарғиб этишдан иборат бўлиб қолаётир. Давлатнинг табиати унга фуқаро билан сўзсиз ишонч қозонгудек масофада яқинлашувга доимий, узлуксиз йўл қўймайди. Бундай масофага эришиш ҳар бир мамлакат учун ниҳоятда муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз. Бу масофани жамият ташкиллаштириши мумкин. Модомики давлат энг аввало куч саналар экан, бу ерда ўзаро ишонч бўлиши лозим ва муҳимроқдир. Бу ишончни эса жамият ҳосил қилади.

Индивидни хорижий оммавий коммуникация воситаларидан ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Бу ерда асосий хусусият шундаки, улар ўзлари билмаган ҳолда бизнинг миллий қадриятларимизни унутитгга. ҳаракат қилишади. Ўзбекистонликлар миллий қадриятлар иккинчи даражали ҳисобланиб, мавжуд бўлмаган илмий коммунизм ва КПСС тарихи қадриятлари илгари сурилган собиқ Иттифок даврида буни бошдан ўтказган эдилар. Ҳалқаро ОАВ беадабларча, лекин моҳирона иш қилишади. Кишиларга ёт бўлган ахборотни шу тарзда етказадиларки, одамлар унга ишониб қўя қоладилар.

Бу ўринда бир неча омиллар ҳалқаро оммавий ахборот воситалари фойдасига ишлайди. **Биринчидан**, бу сайёрамиз панорамаси. Шубҳасизки, инсонга бошқа қитъалар, мамлакатларда нималар бўлаётгани ҳар доим қизиқ. Унга ўз мамлакати янгиликлари етарли эмас, у кўпроқ нарсани билгиси келади ва хорижий оммавий ахборот воситалари шундан усталик билан фойдаланадилар. **Иккинчидан**, улар янгиликларни жуда моҳирона тақдим этишади. Бунинг учун зарур бўладиган технологияларга, махсус эффектларга эгадирлар. **Учинчидан**, ахборотнинг мавзу жиҳатдан кенг қамровли бўлиши таъминланади, материалларга қараб кўз узиб бўлмайдиган мавзуларни киритадилар. **Тўртинчидан**, материалларни ишлаш юксак даражада йўлга қўйилган: фактлар, талқинлар, умумлаштиришлар, самарали қабул қилиниши анча олдиндан кўзлаб қилинган ҳисоб-китоблар. **Бешинчидан**, тушитириш, ишонтириш, ўз томонига тортиш маҳорати.

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, шахс нафақат хорижий, балки ўз ватани ОАВдан ҳимояланишга муҳтож.

Ўзбекистонда ватанимиз телеканалларига қараганда чет эл телеканалларининг рейтинги айрим пайтлари юқори бўлар экан, бу мамлакатимиз миллий хавфсизлигига таҳдидир, чунки юртдошларимиз ўзимизникига қараганда ўша манбаларга ишониб қолишади. Демакки, биринчидан, ватанимиз оммавий ахборот коммуникациялари дунёдаги муҳим янгиликлар ҳақида ўз вақтида маълумот беришга бевосита бурчлидирлар. Агар шундай қилмасалар, “ахборот очлиги” хавфини туғдириб, ватандошларимизнинг чет эл ОАВ мурожаат қилишларини муқаррар қилиб қўйган бўладилар.

Иккинчидан, ватанимиз оммавий ахборот воситалари ҳақиқатни гапиришлари лозим, акс ҳолда биринчи манзара такрорланади - ўзимизнинг каналлар тўғри гапни айтмасликларига амин бўлган истеъмолчилар хорижий манбаларга юзланадилар.

Учинчидан, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари аудиторияда қўрқув туйғусини уйғотмасликлари керак. Украиналик олим В.В.Цыганов Москванинг Дубровка майдонидаги Театр маркази қуролланган террорчилар томонидан босиб олинганида Россия телеканаллари ўзларини қандай тутганликларини яхши таҳлил қилиб берди. Муаллиф шундай ёзади: “Телевидение зўравонлик ҳақида шунчаки хабар қилиб қўймади, даҳшатни узатиш, миллионлаб хонадонларга етказиш орқали қайта жонлантирди ва қўпайтириб берди”²⁹. Медиатерроризм сиёсатшуносликдаги янги йўналиш ҳисобланади. Бугунги кунда у жуда долзарб бўлиб қолганлигидан ҳатто мактаблар ва олий ўқув юртларида медиатаълим ва медиапедагогика номли янги фан киритиш эҳтиёжини туғдирди.

Ватанимиз оммавий ахборот воситалари аудиторияни ижобий мисолларда ўргатиши, ҳар куни ҳар бир мамлакатда юз бериб турадиган турли ғавқулодда ҳодисалар муносабати билан вазиятни кескинлаштирмаслиги лозим.

²⁹ Цыганов В.В. Медиа-терроризм: терроризм и средства массовой информации. - К.: Ника-Центр, 2004. Б. 503

Аудиторияда шундоқ ҳам хавфсираш учун сабаблар етарли: умумжаҳон иқтисодий ва шу каби бўҳронлар, нархларнинг ошиб бориши, сайёрамизнинг қизғин нуқталаридаги нотинч вазиятлар, ер юзи бўйлаб ядро қуролининг тарқалиб бориши, гиёҳвандлик, терроризмнинг авж олаётгани, экологиянинг ёмонлашаётгани, ОИТС ва ҳоказо.

Миллий мафкура ва асли-наслига ўхшашлик, айнанлик (идентивлик) шахс, жамият ва давлатни ҳимоя қилишнинг асосий шакллари ҳисобланади. Бу тушунчалар юзаки қарашдагина оддий ва тушунарли кўринади. Бирок, аслида, улар ниҳоятда юксак самарадорликка ва шу боисдан ахборотлашув даврига энди кириб келаётган Ўзбекистон учун ғоят муҳим аҳамиятга эга, у қадар оддий бўлмаган масалалардир. Шу маънода Ўзбекистон қисқа муддатда миллий истиқлол мафкурасини яратиб, ўзини кўрсата олди, ҳозир уни мамлакат аҳолиси оддий қилиб “миллий мафкура” деб атайди..

Индивиднинг ўз жонажон тамаддуни-маданияти муҳитида яшаб турганидаги психологик аҳволи катта роль ўйнайди. У қадрдон маданияти иқлимида ўсиб вояга етди, шахс сифатида шаклланди, бу ерда унинг ўзи, қариндош-уруғлари, ёру дўстлари, атрофидаги одамлар яшайди. Ўз-ўзидан тушунарлики, бундай шароитда индивиднинг психологик аҳволи бадастир, ўнғай ва бошқа афзалликлар оғушида бўлади.

Инсоннинг жонажон цивилизацияси - унинг учун ўрганиб қолинган урф-одатлар, анъаналар, бошқаларга нисбатан гуруҳий ва ижтимоий фарқланиш демакдир. Қадрдон цивилизация индивиднинг ўз маънавий дунёси, ўз ахборот олиш қулайлиги, ўзаро ишончдан путур кетган ҳозирги даврда маънавий тараққиётнинг бошни айлантириб юборувчи силжишлари, нобарқарор нархлар замонида унинг руҳиятига, руҳий аҳволига бағоят қадрдон бир хилқатдир.

Жонажон цивилизация - бу ён-атрофдаги одамлар билан умумий тил топишувни, маънавий-руҳий осойишталикни, тушунарли ва қалбга яқин қадриятлар ва муносабатларни билдиради. Инсоннинг ўз қадрдон маданияти унинг қонида, архетипларда ўрнашиб қолганлиги, онглилик даражасидагина

эмас, балки остки онг даражасида ҳам бўлиб ва ҳис қилиб турилиши вақти келганда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Маълумки, турли хил - сиёсий, иқтисодий, маданий, этник, фуқаровий ва бошқа айнанлик, ўхшашликлар мавжуд. Ҳозирги пайтда дунё маданияти ва сиёсатшунослигида асосан этник ва миллий аслига ўхшашлик билан бу наслига монандликни назар-писанд қилмайдиган, инкор этадиган космополитизм ўртасида баҳс бораётир. Биз ҳам шу хусусда тўхталамиз.

Миллий ва фуқаровий аслига ўхшашликлар ўртасидаги баҳс илдизлари бутун бир даврни ташкил этадиган тушунчалар бўлган миллийликка тарафдорлик билан космополитизм орасидаги туб-негизли мубоҳасага бориб тақалади. Кўпгина тадқиқотчилар фикрига кўра, инсоният тараққиёти шунга олиб келадики, сайёрамиздаги миллатларнинг барчаси бир миллатга - замин аҳлига бирлашади, космополитизм миллий мансубликдан устун келади. Ватанпарварлик ғурурини маънавий жиҳатдан хавфли ҳиссиёт деб ҳисоблайдиган олимлар ҳам йўқ эмас¹. Бу ғоят жиддий масала бўлиб, ундан куруқ баёнотлар билан қутулиб бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам, дунё тараққиёти шундай йўлдан кетмоқдаки, аста-секин ҳамма нарса - кийим-кечак, уйлар, машиналар ва бошқа нарсалар бир хил бўлиб бораяпти. Ягона умумжаҳон стандартлари, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг умумий шакллари: демократик меъёрлар ва тамойилларнинг ривожланиши, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, парламентга сайловлар ва ҳоказолар барча мамлакатларни қамраб олмоқда. Натижада яқин орада дунё маданияти озми-кўпми фарқлар билан бир хиллашиб, фуқаровий ўхшашлик этник фарқлардан устунлик қилади, деб фикр билдиришга амалий ва назарий асос юзага келади.

Ниҳоятда жиддий битта ҳолатни соқит қилганда, ҳамма нарса яхши бўларди, албатта. Гап шундаки, маданиятларнинг бу тарзда қўшиливи уларнинг хилма-хиллиги ёки бошқача сўз билан айтганда, сайёрамиз маданий экологияси учун ўта салбий оқибатларга олиб келади. Ҳамма нарса универсаллашиб, умумий қиёфа ва мазмун касб этиб, кучли давлатлар билан иқтисодий

рақобатга дош беролмайдиган кичик миллатларнинг кўлам ва аҳамият жиҳатдан жуда улкан маданиятлари йўқ бўлиб кетиши мумкин. Бу сайёрамиз учун катта йўқотиш бўлади. Ҳамма бир хил уй, машина, кийим-кечакка ва ҳоказо мулкка эга бўлади, лекин инсон ҳаётида энг муҳими шуми? Саноатлашув асрининг “серияли” тартиби яна, бироқ бу сафар анча юксак даражада қайтиб келади. Бу келажакдаги дунё тараққиётининг ўта номақбул йўлидирки, бунга йўл қўймаслик керак. Мисол учун оладиган бўлсак, Ўзбекистонда ўзбеклар билан бир қаторда татарлар, қозоқлар, руслар, корейслар ва бошқа миллатлар яшашади. Фуқаровий ўхшашликнинг устунлик қилиши шуни англатадики, ҳозир Америкада бўлаётганидек, улар ўзларини татарлар, корейслар, руслардан чиққан ўзбекистонликлар деб атай бошлайдилар. Аста-секин кийиниш, таомлар, урф-одатлар ва ҳоказо соҳаларда миллий ўзига хос хусусиятларни йўқотиш юз беради. Ҳамма нарса универсаллашиб, умумлашиб кетади ва маълум йиллар ўтиб ўзбекни русдан, тожикни татардан ажратиш бўлмай қолади. Бундан ким ютадию, ким ютқазади? Ўйлаймизки, шундай ҳолат юз берган, айниқса, дунё миқёсида воқе бўлган тақдирда, бутун жаҳон маданияти учун жиддий йўқотиш келиб чиқади, чунки бой хилма-хиллик, ранг-баранглик йўққа чиқарилади.

Индивиднинг ўз-ўзини ҳимоя қилишининг шахсий кўринишлари ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг турлари жуда кўп. Мутахассислар улардан еттитасини негизий турлар сифатида ажратиш кўрсатадилар: ўрнини эгаллаш, проекция, ўрнини қоплаш, регрессия, бостириш, инкор этиш, муносабат билдириш ва ақл-заковатни ишга солиш. Психологияга оид адабиётларда ³⁰ уларнинг ҳар бирига доир тушунтиришлар берилади. Умумлаштириб баҳоладиган бўлса, уларни индивид онгига ёт ахборот бостириб киришига қарши муҳофаза механизми, деб таърифлаш мумкин.

Давлат, жамият ва индивиднинг ўз кучлари бирлаштирилган ҳолдагина индивидни ахборот-психологик ҳимолаш алгоритмини яхлит бир дастур

³⁰ Қаранг: Хантингтон С. Кто мы? Вызовм американской национальной идентичности. Ингл. тилидан А.Башкиров таржимаси. - М.: ООО “Издательство АСТ”; ООО “Транзиткнига”, 2004. - Б. 423.

сифатида ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Ушбу ижтимоий бирликларнинг ҳар бири ўзига хос вазифаларни ва шу билан бирга ҳимоя тадбирларини амалга оширишнинг умумий, жамланган равишда ўша ҳимояни таъминлайдиган қоидаларини бажаради. Ушбу бирликларнинг ҳеч бири алоҳида ҳолда ҳимояни таъминлашга қодир эмас. Бунинг сабаби шундаки, инсон онгига таъсир ўтказиш қуйидаги икки жиҳатга кўра ғоят мушкул саналади:

- 1) инсон онги мураккаб структуравий-функционал тузилма ҳисобланади;
- 2) онгга кўрсатиладиган ахборот-психологик таъсир турлари ҳам мураккабдир.

Аниқроқ қилиб шундай дейиш мумкин: фақат давлат-жамият ҳимоя механизми негизидагина индивид ўз-ўзини ҳимоя қилишни ташкил эта олади. Айни бир вақтда шубҳасизки, агар шахс ўзида ахборот иммунитетини тизимини ҳосил қилишни хоҳламаса, ўз-ўзини муҳофаза қилмаса, унга ҳеч бир қонун ёки ахлоқий йўриқнома ёрдам бера олмайди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. *Инсон-ижтимоий - сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий тизимлар асоси.*
2. *Инсоннинг психологик ҳолати унинг билими, тажрибаси, ишончи ва моддий фаровонлигига боғлиқлиги.*
3. *Ахборот асрида оммавий ахборотни қабул қилиш ва уни ўзлаштиришда инсон мустақиллигининг ошиши.*
4. *Инсон онги учун қураш геосиёсатнинг йўналиши сифатида.*
5. *Инсон руҳиятида онглилик ва беихтиёрининг оннинг нисбати ва кўринишлари.*
6. *Шахснинг ахборот хуружларидан давлат ва жамият томонидан ҳимояланиши зарурлиги.*
7. *Шахснинг ўз-ўзини ҳимоялаш механизмлари ва уларни амалга ошириш йўллари.*

Мустақил иш учун мавзулар:

- 1. Инсон-ижтимоий - сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий тизимлар асоси.*
- 2. Инсоннинг психологик ҳолати унинг билими, тажрибаси, ишончи ва моддий фаровонлигига боғлиқлиги.*
- 3. Ахборот асрида оммавий ахборотни қабул қилиш ва уни ўзлаштиришда инсон мустақиллигининг ошиши.*
- 4. Инсон онги учун кураш геосиёсатнинг йўналиши сифатида.*
- 5. Инсон руҳиятида онглилик ва беихтиёрий онгнинг нисбати ва кўринишлари.*
- 6. Шахснинг ахборот хуружларидан давлат ва жамият томонидан ҳимояланиши зарурлиги.*
- 7. Шахснинг ўз-ўзини ҳимоялаш механизмлари ва уларни амалга ошириш йўллари.*

АХБОРИЙ – ПСИХОЛОГИК ТАҲДИДЛАРДАН ШАХС ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ОМИЛЛАРИ

Мавзунинг қисқача мазмуни:

1. Турли ахборот-психологик вазиятларда шахснинг ижтимоий хулқи. Ахборот-психологик вазиятларда шахснинг ижтимоий хулқи, психологик ҳимоя-шахсни турли салбий таъсирлардан асрашга, психологик дискомфортни бартараф этишга хизмат қилиши, психологик ҳимоя механизмлари.

2. Шахснинг маънавий – ахлоқий тақомили, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ва бошқариш имкониятлари. Шахснинг маънавий – ахлоқий тақомили, очик ахборот хуружлари вазиятида шахснинг ўзини ўзи ҳимоя қилишни бошқариш, ахборот хуружларига қарши туришнинг психологик йўллари.

3. Таълим билан қамраб олинмаган аҳолига зиёлилар орқали соғлом ғояларни етказиш усуллари. Таълим билан қамраб олинмаган аҳолига соғлом ғояларни етказиш усуллари, тарғиботнинг энг самарали йўлларида бири ҳалқ ичига фаол кириб бориш, маънавий-маърифий тарғибот.

Таянч тушунча ва атамалар: Шахснинг ижтимоий хулқи, психологик ҳимоя, психологик дискомфорт, психологик ҳимоя механизмлари, Шахснинг маънавий – ахлоқий тақомили, ахборот хуружлари вазиятида шахснинг ўзини ўзи ҳимоя қилишни, ахборот хуружларига қарши туришнинг психологик йўллари, соғлом ғояларни етказиш, маънавий-маърифий тарғибот.

9.1. Турли ахборот-психологик вазиятларда шахснинг ижтимоий хулқи

Очик ахборот коммуникацияси жараёнида ёшлар онгига таъсир этаётган ёт ғояларга қарши ҳимоя воситаларини ишлаб чиқишдан аввал ёшларнинг

ижтимоий ҳуққда кўзга ташланадиган энг муҳим ҳолатлардан бири ташвишланиш, нимадандир чўчиш ваш у туфайли ижтимоий муносабатлардан ўзини олиб қочишга интилиш ҳисларини намоён бўлишидир. Чунки агар, психологик ҳимоя ҳолатининг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлса, бу шахс-ички кечинмаларини ифодаловчи шундай ҳолатки, унда одам ички руҳий мўтадилликни асраш учун ўзидаги хавотирланиш, кўрқув ва ҳадиксирашларини босишга, улардан ҳалос бўлишга интилади. Психологик ҳимоя-шахсни турли салбий таъсирлардан асрашга, психологик дискомфортни бартараф этишга хизмат қилади. Шундай ҳолатларда одам одатда шахслараро муносабатларда ўзини бошқачароқ тутадиган бўлиб қолади. Психологлар ҳимоя механизмларига одатда қуйидагиларни киритадилар:

Психологик ҳимоя механизмлари:

- очик ҳис-кечинмаларни **босиш**, **кўрсатмасликка уриниш**;
- **рад этиш**, яъни номаъқул маълумотни очик рад этиш, қўшилмаслик;
- **проекция** – ўзидаги ҳиссиёт ва кечинмаларни ташқи объектларга кўчириш орқали пайдо бўлган ҳолатнинг сабабларини ташқаридан қидиришга мойиллик;
- **идентификация** – ўзини ахборот эгасига ўхшатиш, унинг ўрнига ўзини қўйиш орқали қадриятларни рад этиш ёки танқидсиз ўзлаштириш;
- **регрессия** – илгари ҳаётида, масалан, ёшлигида бўлиб ўтган қайсидир воқеаларга қайтиш, уларнинг яхши ва маъқулларини яна хотирада тиклаш ва ҳуққда қайтариш орқали ўзида психологик ҳимоя ёки оқловни ташкил этиш;
- **ёлғизланиш**-жамиятдан ўзини олиб қочиш, ўзидаги ўзгаришларни бошқаларга билдирмасликка интилиш, айрим талабалар ўқишга бормаи қўядилар;
- **рационализация** – мулоҳаза ва фикр юритиш орқали ўзида ҳимоя инстинктларини пайдо этиш;
- **конверсия**- мулоқотдаги қандайдир тўсиқлар ёки барьерларни олиб ташлаш учун кутилмаган усулларни қўллаш, масалан, хавотирли информацияни юмористик билан алмаштириш йўли.

9.2. Шахснинг маънавий – ахлоқий такомили, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ва бошқариш имкониятлари

Очиқ ахборот хуружлари вазиятида шахсинг ўзини ўзи ҳимоя қилишни бошқаришда айрим жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим. Аввало, ҳар бир инсон учун мустақил фйикр зарурлигини таъкидладик. Мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига етиши ва унга нисбатан адекват реакция кўрсатиши, ҳимоя механизмларини ишга солиши мумкин.

Иккинчидан, ёшлар турли ёт ва бемаза ахборот хуружларига берилмаслиги учун биз уларда миллий ғурурни тинмай тарбиялашимиз ва бунда ҳар бир фан предмети ва тарбиявий мулоқотлардан оқилона фойдаланишимиз зарур. Масалан, Республикамизда нишонланган қатор тантаналар, ўтказилган ҳалқаро тадбирлар ва уларнинг нима учун айнан Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилганлигига ёшлар эътиборини қаратиш уларда миллий ғурурни уйғотади.

Миллий ғурурнинг аҳамияти шундаки, бундай сифати бор инсон бошқаларга қул, ахборот хуружларига тобе бўлмайди. Учинчидан, миллий ғурури бор инсонда имон, инсоф ва диёнат тушунчаларини шакллантириш мумкин. Чунки инсон қалби билан боғлиқ бу қадриятлар интернет ва очиқ ахборотлар оламида адаштирмайдиган «компас» ролини ўйнайди. Зеро, «интернет» шундай ўрмонки, унда компасиз юриб бўлмайди». Тўртинчидан, олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчиларнинг мавқие, улар айтадиган ҳар бир сўзнинг аниқ мўлжалли бўлишини таъминлаш зарур. Ўқитувчи ахборот қайдай бўлишидан қатъий назар, у қабул қилувчи инсоннинг измида бўлиши, унинг манфаатига хизмат қилиши керак. Бунинг учун ёвуз ниятли, ёт ғояларни тарғиб этувчиларнинг асл ниятларини, улар сайъи - ҳаракатларининг охир-оқибати нима билан тугашини очиқ айтавериш лозим.

Шундай қилиб, ахборот хуружларига қарши туришнинг психологик йўллари ҳар бир мураббий ва талабага етказиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидагиларни ёдда тутиш лозим.

➤ Аслида атайлаб таъсир этишга мўлжалланган хабарни шахс дарров қабул қилмайди. Чунки, биринчидан, унда илгаридан психологик ҳимоя

мавжуд ва иккинчидан, ҳар қандай Янги нарсанинг сингиб кетишида муайян ахборот тўсиқлари ҳам бўлади.

➤ Б) бундай шароитларда шахс хабарга ҳамма ишонаверсин, менга таъсир қилмайди» деб ўйлайди, лекин маълум маънода шу фикр таъсирида у ахборот таъсирига тушиб қолган бўлади.

Ишонтирувчи чақириқларга, масалан, реклама орқали етказилаётган хабарларга ёш болалар жуда ўч бўлади ва айнан улар ота-онани муайян маҳсулотни харид қилишга кўндиради. 90% оналар айнан реклама қилинган маҳсулотларни болаларига харид қилиб олиб беради. Худди шундай интернетга уланиш, уйда замонавий компьютерга эга бўлиш фикри ҳам болалардан чиқади, бунга ота-онани кўндирадилар ҳам. Бу маънода ёшлар энг ҳимояланмаганлар тоифасига киради.

Хабарнинг асл мақсади аслида маълумот бериш эмас, балки ишонтириш эканлигини тушуниш керак. Одамнинг маълумотлилик даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг турли хабарларга ишонқирамай муносабатда бўлиши ҳам юқори бўлади. Лекин хабарга ишонмаслигимиз қарашимиз бизнинг уни қабул қилишимиз ёки қилмаслигимизни билдирмайди. Яъни, агар биз очиқчасига ёшларга «бу ахборот манбаига ишонманглар, улар атайлаб ёлғон маълумот бермоқда» десак, бу нарса уларнинг шу турли ахборотни қабул қилмасликларини кафолатламайди. Лекин «огоҳлантирилган одам қуролланган, муҳофазали бўлади» деган тамойилдан келиб чиқиб, биринчи огоҳлантиришдан сўнг, яна ўз фикримизни фактлар билан асосласак, улардаги иммунитет кучлироқ бўлади. Аммо шуни назарда тутиш лозимки, огоҳлантириш муддати ҳам роль ўйнайди. Масалан, тажрибаларда бир ҳафта аввал огоҳлантиришнинг таъсири узоқроқ муддатдан кўра камроқ эканлиги маълум бўлган ёки уйда ҳоли, комфорт шароитда қабул қилинган таъсир билан одамлар орасида, кўпчиликнинг ичида ёмон хабарни қабул қилиш фарқланади, чунки ёлғиз уйдаги таъсир скептизмни (шубҳаланишни) кучлироқ намоёйиш этиши кузатилган.

Иккинчи томондан, бевосита ахборотни қабул қилиш арафасидаги огоҳлантиришлар қарши далиллар топиш вақтини камайтиради, ундан сал аввалроқ огоҳлантириш эса инсон миясида маълумотни қайта ишлашга имкон беради.

Таниш нарсалар ҳақида маълумотга эга бўлган одамни ишонтириш тезроқ амалга ошади. Лекин самарали тактикалардан бири сифатида ахборот каналлари орқали берилаётган маълумотларни ортиқчасига жамият манфаатларига зид эканлиги, уларнинг адолатсиз, худбинларча узатилаётганлиги, нималаридир қонунга хилоф эканлигини қайд этиш мумкин. Яъни, тарбиячи, ўқитувчи очик тарзда ўз тнорозилигини баён этиш, тарғиботчи фикрига қарши эканлигини айтиш имконига эга. Бу ҳолат ҳам аудиторияни ўйлашга мажбур этади.

Бундан ташқари, ўқитувчига хос бўлган усуллардан бири-ўз қарашларига нисбатан иккиланиш позицияси борлигини очик тан олиш: «балки мен ноҳақдирман, лекин бу масалада шундай асосларим бор эди...», деб ўз асосларни келтириши ҳам педагогик амалиётда самарали усуллардан ҳисобланади.

9.3.Таълим билан қамраб олинмаган аҳолига зиёлилар орқали соғлом ғояларни етказиш усуллари

Миллий ғоя мамлакатимизда истиқомат қилаётган салкам 34 миллион аҳолига мақсад-муддаолари, истиқболда тинч ва фаровон яшашига кафолат берувчи ғоявий куч бўлиб, у миллатни миллат, ҳалқни ҳалқ этиб бирлаштирувчи кучли омилдир. Бугунги кунда миллий ғоя, миллий мафкура тарғиботи билан кенг жамоатчилик шуғулланмоқда, айниқса, таълим тизимида бир қатор илмий манбалар, дарсликлар яратилиб, ўқув жараёнларида қўлланилмоқда ва ёшларни ўз Ватанига содиқ, мард, фидойи, юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлишга ундалмоқда. Лекин мамлакатимизда таълим тизими билан қамраб олинмаган аҳолига ҳам миллий ғояни сингдириш зарурати бор. Таълим билан қамраб олинмаган аҳоли онгида миллий ғурур, ватанпарварлик,

юртга садоқат, ҳалқ ишига камарбасталик психологиясини шакллантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардандир.

Миллий ғоя ҳар бир фуқаронинг оиласи, жамият, эл-юрт олдидаги бурч ва маъсулиятини қай даражада акс этаётганини белгилайдиган мезондир. Шунинг учун инсонларда мана шу эътиқодни, маъсулиятни кучайтириш учун тарғиботнинг самарали усуллари кўллаш зарур. Тарғиботнинг самарали кечиши учун ўқитувчи қандай омилларга мурожаат этиш керак?

Тарғиботнинг энг самарали йўлларида бири ҳалқ ичига фаол кириб бориш, яъни маҳаллаларда аҳоли билан юзма-юз бевосита суҳбатлар олиб боришдир. Давра суҳбатларига таниқли эл-юрт ишончини оқлаган олимлар, меҳнат фахрийларини таклиф этиб, инсонларда Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни янада кучайтириш мумкин.

Тарғиботнинг самарали кечадиган жараёни таълим тарбияни оила институтини орқали олиб бориш ҳам ўз натижасини беради. Инсон дастлабки ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини ўз оиласидан олади. Машҳур рус ёзувчиси Л.Толстой "ҳамма тасаввурларим 5 ёшгача олган таассуротларим йиғиндисидан иборатдир" дегани бежиз эмас. Чунки инсоният илк бора атроф-муҳит ҳақидаги маълумотларни жамиятнинг асосий ўзаги бўлмиш оиладан олади. Оилада яхши тарбия топган бола мактабда, маҳаллада, жамоат жойларида ҳам нозуқ ҳаракат қилмайди. Педагог А.С.Макаренко ота-оналарга қарата шундай деган эди: "Сизнинг хулқ-атворингиз ҳал қилувчи омилдир. Сиз болани фақат у билан гаплашаётганда унга бирор нарсани ўргатаётганда ёки буйруқ бераётганда ўргатаман деб ўйламанг. Сиз уни ҳаётингизнинг ҳар бир сониясида, ҳатто, ўзингиз уйда йўқ чоғингизда ҳам тарбиялайсиз Сизнинг қандай кийинишингиз, бошқа кишилар билан қандай гаплашишингиз, қандай қувонишингиз ва ташвишланишингиз, дўстларга ва душманларга қандай муомала қилишингиз, қандай кулишингиз, қандай газета ўқишингиз бола учун катта аҳамиятга эга. Товушингиздаги озгина ўзгаришни ҳам бола

сезади ёки ҳис этади, фикрингиздаги барча бурилишлар кўринмас йўллар орқали унга етиб боради". Демак, фарзандларга оилада таълим тарбия берилаётганда ота-оналарнинг ўзлари улар учун намуна, ибрат бўлишлари керак. Шунинг учун миллий ғояни инсонлар қалбига ва онгига сингдиришни энг аввало оиладан бошлаш керак.

Маънавий-маърифий тарғиботни оилада, маҳаллада, кенг жамоатчиликка ахборот тармоқлари, нотиқлик клублари, жамоат ташкилотлари орқали узатиш мумкин. Бизнинг ижтимоий хулқ-атворимиз, ҳатти-ҳаракатларимиз бизнинг установакаларимиз билан белгиланади. Тарғибот ва ташвиқот ҳам таълим-тарбиянинг бир кўриниши бўлиб, агарда тўғри тарғиб қилинса, инсонларни бузғунчи ғоялардан асрайди, установакаларни ўзгартиради.

Ижтимоий сўровлар орқали жамоатчилик фикрини ўрганиб, уларнинг билдирган фикр-мулоҳазалари асосида мафкуравий тарғиботни олиб бориш мумкин. Жамоатчилик фикрини ўрганаётганда асосан учта омилга аҳамият бериш керак.

***Таълим билан қамраб олинмаган аудиторияга
психологик таъсир этишнинг олти босқичи:***

- 1. Хабар, ғоя аудиторияга берилиши керак.**
- 2. Берилган хабар, фикр аудиториянинг диққатини жалб қилиши керак.**
- 3. Аудитория хабар, фикрнинг моҳиятини тушуниши керак.**
- 4. Берилган хабардан янги ғоя сифатида хулоса чиқариши керак.**
- 5. Янги ғояни ёдда сақлаб қолиш керак.**
- 6. Ёдда сақланган ғояни ўзининг хулқ-атворида қўллай олиши керак.**

Урф-одатлар, миллий қадриятларимиз орқали ҳам ҳалқимизга миллий ғояни тарғиб этиш мумкин. Ўзек оилаларининг ўзига хос миллий қадриятлари мавжудки, бу одатлар ер куррасининг ҳамма ерида ҳам топилавермайди. Масалан, оддий овқатланиш маданиятини олайлик. Ҳамма оила аъзолари жам

бўлгандан сўнг дастурхонга таом тортилади. Сўнг таомга биринчи бўлиб оиланинг каттаси бува, буви, ота кетма-кетлигида таомга қўл узатилади. Оддий кундалик давом этадиган бу жараёнда ҳам катталарни ҳурмат қилишга, сабр-қаноатли бўлишга ундалади.

Бадий адабиёт орқали халқимизга сабр-қаноат, ҳаллоллик, ватанпарварлик, садоқат каби фазилатларни қалбларга сингдириш мумкин. "Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарфламаслик керак" (Абдулла Қаҳҳор). Мамлакатимиз олим ва ёзувчи, шоирларининг асарларида миллий менталитетимизга мос ғоялардан ўринли мос ва мутаносиб тарзда фойдаланиш зарур.

Ёзувчи А.Қаҳҳор "Бирор бир асар ўқувчида қандай таъсир қолдирса, уни қайси йўлга бошласа, унинг ғояси ўшандадир" деган фикрни билдирган. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ёшларни турли ёт ғояларга берилиб кетмасликлари учун уларни эзгу ғояларига ундаш керак ва бу ғоялар уларнинг маслағига айланишига эришмоқ лозим. Шундагина инсонларни турли бузғунчи ғоялардан сақлай оламиз.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1. Турли ахборот-психологик вазиятларда шахснинг ижтимоий хулқи.*
- 2. Психологик ҳимоя-шахсни турли салбий таъсирлардан асраш деганда нимани тушасиз?*
- 3. Шахснинг маънавий – ахлоқий такомили ҳақида фикр билдиринг?*
- 4. Ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ва бошқариш имкониятлари хусусида гапиринг?*
- 5. Очiq ахборот хуружлари вазиятида шахснинг ўзини ўзи ҳимоя қилишни бошқариш деганда нима назарда тутилади?*
- 6. Ахборот хуружларига қарши туришининг психологик йўллари ҳақида гапиринг?*

7.Таълим билан қамраб олинмаган аҳолига зиёлилар орқали соғлом гоёларни етказиш усуллари тўғрисида фикр билдиринг?

8. Ахборот-психологик таҳдидлардан ҳимоялашда маънавий-маърифий тарғибот ўрни.

Мустақил иш учун мавзулар:

1.Турли ахборот-психологик вазиятларда шахснинг ижтимоий ҳуқуқи.

2. Психологик ҳимоя-шахсни турли салбий таъсирлардан асраш сифатида.

5. Шахснинг маънавий – ахлоқий такомил турли хил ахборий таҳдидлардан ҳимоялаш омил сифатида.

6. Ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ва бошқариш имкониятлари.

7. Очиқ ахборот хуружлари вазиятида шахснинг ўзини ўзи ҳимоя қилишни бошқариш.

6. Ахборот хуружларига қарши туришнинг психологик йўллари.

7.Таълим билан қамраб олинмаган аҳолига зиёлилар орқали соғлом гоёларни етказиш усуллари.

8. Ахборот-психологик таҳдидлардан ҳимоялашда маънавий-маърифий тарғибот ўрни.

3-МОДУЛ. АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

АХБОРИЙ ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Ахборот хуружлари. Ахборот хуружлари ҳақида тушунча, "Ахборот уруши" атамаси, ахборот хуружларининг психологик мазмуни, ахборот хуружларини амалга ошириш усуллари.

Таҳдидлар ва уларнинг таснифи. Таҳдидларнинг объекти ва унга муносабат, таъсир хусусияти, зарар кўлами ва миқдори бўйича таснифланиши, шахснинг ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдиднинг манбалари ва умумий тавсифи, таҳдид объектлари ва уларни таснифлаш, шахс, жамият ва давлат манфаатлари, жамоатчилик фикри ва мамлакат маънавий юксалишига ахборот таҳдиди.

Ахборот-психологик хавфсизликка таҳдидлар. Шахснинг ахборий-психологик хавфсизлиги таҳдидлари ва улардан ҳимоя қилишнинг мақсади, шахсга ахборот-психологик таъсир турлари, ахборот-психологик таъсирнинг даражаси: назарий-мафкуравий ва кундалик-психологик даражалари.

Асосий атамалар ва тушунчалар: Ахборот; ахборот хуружлари, ахборот уруши, ахборот хуружларининг психологик мазмуни, ахборот хуружларини амалга ошириш усуллари, Таҳдидлар ва уларнинг таснифи, шахснинг ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдиднинг манбалари, шахснинг ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдиднинг манбалари, ахборот-психологик хавфсизликка таҳдидлар, фуқаронинг психологик ҳимояси ва ўз-ўзини муҳофаза этиши, миллий мустақиллик мафкураси.

10.1. Ахборот хуружлари

Ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситалари-нинг юқори суратларда ривожланиши, жамият ва давлат ҳаётида кескин ижобий ўзгаришларнинг юз беришига сабаб бўлиб инсоният тараққиётини янги босқичларга олиб чиқди.

Инсоният ахборот технологиялари ёрдамида маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш билан чегараланмай, жамиятда иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва бошқа соҳаларни бошқариш, уларга таъсир этиш ва истиқболлини белгилаш имкониятига ҳам эга бўлиб бормоқда.

Бу жараёнлар негизида давлатлараро ҳамкорлик янги босқичга киритиб, ўзаро муносабатларнинг бир-бирига нисбатан боғлиқ ҳолатларни кучайтирмоқда. Шу боис, ахборот давлатнинг миллий бойлиги, ҳалқаро майдонда эса стратегик ресурсга айланган. Аммо, замонавий ахборот технологиялари жамият ҳаётида кўплаб қулайлик ва имкониятлар яратиши билан бирга, айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Аксарият ҳолларда ушбу муаммолар ахборот коммуникация воситаларидан ва уларнинг имкониятларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш оқибатида юзага чиқмоқда. Бу эса ахборот хуружларига қарши курашнинг зарур йўналишларини ишлаб чиқиш, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ягона тизимини яратиш, атрофимизда рўй бераётган ўзгаришларни ҳар тарафлама чуқур таҳлил қилиш ва ахборот соҳасида илмий изланишлар олиб бориш вазифасини қўяди.

Ўзбекистон Республикасида хавфсизликни таъминлашнинг устувор вазифаларидан бири ахборот хужжатларининг ортиши шароитида жаҳон ахборот тизимига интеграциялашиш, ахборотни эркин олишнинг кафолатини яратиш ва ахборот таҳдидларига қарши курашишнинг самарали тизимини ишлаб чиқишдир. Ҳар бир давлатнинг ахборот макони шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, уларга тегишли бўлган ахборотни ўзгартириш, рухсатсиз тарқатиш, маънавий ва руҳий борлиғига

таъсир кўрсатиш, конституциявий тузумга қарши бўлган ғоялардан миллатлараро ва диний конфессионал, куч ишлатиш ва бошқа кўринишдаги ҳаракатлардан қонуний равишда ҳимояланган.

Ахборот хавсизлиги миллий хавфсизликнинг ажралмас қисми сифатида тармоқлараро ҳусусиятга эга, яъни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, маданий соҳаларда ҳам ахборот хавфсизлигини таъминланганлиги ушбу йўналишларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Бизга маълумки, глобаллашув даврида воқелик ҳеч нима, алоқа эса ҳамма нарсадан устун. Цивилизацияларнинг тақлиди эса ахборот етказиб бериш тезлигига боғлиқ ҳисобланади. Ўз вақтида ахборотга ва уни етказиб бериш, тарқатиш технологиясига эга бўлган давлат энг қудратлидир. Айрим назарияларга кўра давлатнинг қудрати моддий бойликлар билан эмас, балки ўзга давлатлар ахборот ҳудуди (ўз ҳудудининг ҳимоя қилинганлиги) ва фуқароларнинг онгини эгаллаганлиги билан фарқланиб туради.

"Ахборот уруши" атамаси илк бор 1967 йил тилга олинган бўлиб, бу иборанинг муаллифи собиқ совет Иттифоқига қарши бошлаган ахборот урушининг асосчиларидан бири Аллен Даллесдир. Ахборот уруши назариясининг асосчиларидан яна бири Уинн Швартоу фикрича: "Замонавий жамият ахборотга асосланганлиги сабабли, эртами, кечми, ҳар ким ахборотхуружининг қурбонига айланади",-деб таъкидлайди. Уинн Швартоу ахборот урушини олиб боришда барча хатти-ҳаракатларнинг учта субъектга қаратилганлигини таъкидлайди: шахсга (индивидуал ҳолатда), ташкилий тузилмага (ташкилот-муассасага қаратилган) ва глобал кўринишда (давлатлар ўртасидаги зиддиятга қаратилган).

"Ахборот хуружи" ибораси биринчи марта 1976 йил Томас Роннинг "Boeing" компанияси учун мўлжалланган "қуроолар тузуми ва ахборот уруши" номли ҳисоботида қайд этилган. Томас Рон АҚШ иқтисодиётида инфратузилма асосий компонент бўлиб, кейинчалик унинг ҳарбий, сиёсий соҳалар каби заиф нуқта бўлиб қолишини таъкидлайди. Ахборот хуружининг муҳим жиҳати эса "қарши давлатнинг-корхоналари раҳбарларига, аъзоларига психологик босим

ўтказиб, уларни "керакли" қарорларни қабул қилишга мажбур қила билишдир" дейди. Шунга кўра "ахборот хуружи" нима, деган саволга жавоб бериш мумкин. Ахборот хуружи бу рақиб саналган шахсга, жамиятга ва давлатга сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда қабул қилинган қарорларга таъсир кўрсатиш, ижтимоий фактлар ва жамоатчилик онгини ўзига керакли йўналишда шакллантиришга уринишдир. Ахборот хуружларининг амалга оширишда рақиблар асосан қуйидаги усуллардан фойдаланади:

- дезинформация (ёлғон ахборот тарқатиш) - психологик таъсир кўрсатишнинг бир кўриниши бўлиб, рақиб тарафни чалғитиш мақсадида ёлғон ахборот тарқатилади. Бунда ҳақиқий ахборот билан ёлғон ахборот аралаш кўринишида бўлади;

- манипуляция (омма онгини бошқариш) - омма онгини тули ғоялар, кўрсатмалар, мотивлар, стереотиплар, тақлид орқали субъект манфаатларига мослаштириш. Воқеликни нотўғри идрокқилиш орқали сохта, ёлғон тушунча ёки тасаввур ҳосил қилинади;

- тарғибот - омма онгида ОАВ ёрдамида маълум ғояларни тарқатиш ва оммалаштириш;

- инқирозли ҳолатларни бошқариш - асосан иқтисодий ва сиёсий соҳаларга қаратилган бўлиб, маълум гуруҳ ёки давлат қизиқишларини кўзлайди. Аввалдан танлаб олинган шахсларга яширин кўринишида таъсир кўрсатилади;

- иғвогарлик - маълум гуруҳлар ва шахслар томонидан давлатнинг конституцион тузумига ёкиқонуний асосларига қарши ҳаракатларни амалга ошириш;

- тухмат (бўхтон)-бирор объектни обрўсизлантириш, шаънини булғаш мақсадида ёлғон маълумотларни тарқатиш;

- дискредитация (обрўсизлантириш) - омма орасида давлат раҳбарлари, жамоат ташкилотлари, айрим шахслар обрўсини, сиёсий ечимлар, тадбирлар аҳамиятини тушунтириш ва уларга салбий таъсир кўрсатиш;

- омма диққатини жалб этиш - бирор воқеа, ҳодиса, иш юзасидан ҳуқуқий маълумот панадақолдирилади, шов-шувга сабаб бўладиган тадбирлар амалга оширилади;

- миш-миш гапларни тарқатиш - мавжуд бўлмаган маълумотларни тарқатиш. Асосан давлат ва жамиядаги бўшлиқ жойларга асосий зарба берилади ҳамда сиёсий ва маънавий етук бўлмаган шахслар объект сифатида танлаб олинади;

- фитна - махсус ахборот ҳаракати бўлиб рақиб муваффақиятсизликка (мағлуб бўлиш) олиб боровчи вариантни танлашга мажбурланади.

Демак, юқорида келтирилган усуллар маълум амаллар кетма-кетлигидан иборат бўлиб, уларни амалга оширишдан ахборот хуружининг объекти ва субъекти, куч ва воситалар, ресурслар ва вақт омилини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Юқори даражада ахборот хуружидан қўзланган асосий мақсад - рақиб давлат ахборот майдонини эгаллаб олиш, ҳалқаро майдонда давлат имиджини тушуриш, жамият ҳаётини беқарорлаштириш, шахсни обрусизлан-тиришгақаратилган ахборотларни тарқатиш кабилардир. Ҳозирги босқичда мақсадга эришиш учун асосий воситалар сифатида ОАВ ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланилади.

Ҳозирги кунда бирор давлатда ахборот хуружларини амалга ошириш усулларига қарши ягона бир комплекс тадбирлари кетма-кетлиги ишлаб чиқилмаган. Бунга сабаб қилиб ахборот-коммуникацион технологияларининг жуда тез суръатларда ривожланиб бораётганлиги, тезкорлиги, турличалиги, чегара билмаслиги, миллат танламаслиги, яширинлиги (қандай вақай кўринишда яқунланишининг номаълумлиги) кабиларни келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш маълумки бугунги кунда ахборот-коммуникацион технологияларидан жамият соҳаларининг барча жабҳаларида фойдаланишнинг кенгайиб борилаётганлиги ахборотга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши ҳамда ахборот хуружларининг кучайиб бориши ва уларнинг ёпиқ характерга эга эканлигини инобатга олиб, у биздан ахборотга бўлган тақчилликнинг олдини олиш (миллий ахборот маконини ривожлантириш), содир бўлган воқеликка

тўғри ва ҳолис баҳо бериш (амалга ошириладиган ахборот ҳужумларини таҳлилқилиш ва башоратлар бериш), турли ёт ғояларга (қўпоровчилик руҳидаги) қарши курашиш ва бу соҳада етук мутахассисларни тайёрлашни талаб қилади. Ҳар бир ахборотни қабулқилаётган шахслар уни ҳақиқат ёки ёлғон эканлигини дастлабки ўқишда ажратиш даржасига етказиш талаб қилинади. Ушбу омиллар шаклланганда турли деструктив кучлар томонидан амалга ошириладиган тарғибот ва қўпоровчилик ҳаракатларига барҳам беришимиз мумкин.

10.2. Таҳдидлар ва уларнинг таснифи

Таҳдидлар: объект ва унга муносабат, келиб чиқиши, таъсир хусусияти, зарар кўлами ва миқдори бўйича тасниф қилинади. Таҳдидлар аслида турлича бўлиши мумкин: шахс, жамият ва давлатга, ички ва ташқи, катта ва кичик, узоқ ва яқин, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий, экологик, миллий ва бошқ.

Ахборий фаолиятнинг субъектлари сифатида давлат тузилмалари, оммавий ахборот воситалари, турли катта (корпорация, ассоциация, бирлашма, концерн...) ва кичик (корхона, идора, ваколатхона...) ташкилотлар хизмат қилиши мумкин. Замонавий босқичда, яъни, интернет пайдо бўлганидан кейин, шундай субъект сифатида алоҳида шахслар ҳам фаолият кўрсатиши мумкин.

Таҳдид объектларини таснифлашда икки ёндашув мавжуд. Биринчи ва кенг тарқалган нуқтаи назар бўйича бундай объектлар учта: *давлат, жамият ва шахс*. Иккинчи қарашнинг тарафдорлари фикрича, таҳдид объектлари социологик таснифлашга мос тушса, тўғрироқ бўлади. Яъни, бундай объектларга жамият, ижтимоий синф, катта ва кичик ижтимоий гуруҳлар ҳамда шахсларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланади.

Таъсир кўрсатиш йўллари таъсир этувчи томонидан объектга мос равишда танланади, барча объектлар учун бир хил усул тўғри келмайди. Давлатга таъсир бир йўл билан амалга оширилса, шахсга таъсир этиш учун бошқача усул танланади.

Зарарнинг кўлами ва миқдори ҳам жуда катта даражадан унча аҳамиятли бўлмаган ҳажмгача бўлиши мумкин,. Бу эса ўз навбатида таъсир этувчининг мақсади, моддий, илмий, психологик ва техник имкониятларига боғлиқ.

Шахс, жамият ва давлат манфаатлари, жамоатчилик фикри ва мамлакат маънавий юксалишига ахборот таҳдиди. Ахборот таҳдиди шундай бир универсал характерга эгаки, унинг барча бошқа соҳаларга жиддий салбий таъсир қилиш имконияти бор: шахс дунёқарашига, жамият барқарорлигига, давлат тинчлигига, жамоатчилик фикрини чалғитишга ва охир-оқибатда ҳар бир мамлакатнинг маънавий, сиёсий, иқтисодий, маданий юксалишига ҳам. Чунки ахборотнинг жамият, ташкилот, оила, шахс онгига кириб келиши унча ҳам кўзга ташланмайди. Ижобий ва салбий ахборотни фарқлаш, яхши маълумотни ўзлаштириш ва зарарлисини рад этиш учун инсон онги ривожланган, унинг ўзи эса мустаҳкам иродали бўлиши зарур. Ҳар бир мамлакат аҳолисининг асосий қисми эса бундай имкониятга эга эмас. Шунинг учун ахборий-психологик барқарорликка биринчи ўринда ахборот тарқатувчилар яъни, давлат тузилмалари хизматчилари, журналистлар, педагоглар, жамоат ташкилотлари ходимлари ва бошқалар эга бўлиши шарт.

Давлат сиёсатини таъминлашдаги ахборий таҳдид. Ахборий таҳдидлар-нинг энг хавфлиси давлат сиёсатини таъминлашга ҳалақит бераётганларидир. Чунки агар шахсга салбий таъсир тор доирадаги одамларни қамраб олса, давлат ва жамиятга таҳдид бутун бир мамлакат, ҳалқ тинчлигини хавф остига қўяди. Бу жуда катта ва жиддий муаммодир, шунинг учун биз уни мазкур фанни ўзлаштириш жараёнида турли нуқтаи назардан ўрганмоқдамиз.

Мамлакат ахборот таком依лидаги таҳдидлар; ички бозорни ахборот билан таъминлаш; миллий ахборот технологиялари ва ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уни тўплаш. Ахборий таҳдидларга қарши курашнинг яхши йўлларида бири – мамлакат ўзини ўзи ахборот билан таъминлаши. Албатта, бундай ахборот тўлиқ, сифатли ва ҳаққоний бўлиши шарт, акс ҳолда жамият аъзолари янада хорижий манбаларга мурожаат этадилар ва бунга ҳеч ким тўсиқлик қилолмайди. Аслида ички ҳудудни ахборот билан етарли

даражада таъминлаш унча ҳам қийин эмас, чунки бугунги кунда ахборот технологиялари жуда кенг ишлатилмоқда ва ахборот тарқатадиган субъектлар мамлакатнинг ҳамда дунёнинг турли бурчакларидан хоҳлаган маълумотларни олиб, мамлакат ичида тарқатиши мумкин. Фақат ушбу ишда лоқайдлик ва ўзибўларчиликка йўл қўймаслик зарур. Чунки инсон психологиясининг шундай бир хусусияти борки, агар у бирор бир воқеа бўйича уч-тўрт соат ичида маълумот (жумладан, расмий) ололмаса, пайдо бўлган ахборот бўшлиғини ҳар хил уйдирма ва миш-мишлар тўлдиради.

Ахборот ва телекоммуникация восита ва тизимлари хавфсизлигига таҳдидлар. Биринчи Ироқ уруши пайтида Ироқнинг ўша даврдаги президенти Саддам Ҳусайннинг кучли армияси бор эди. Аммо мазкур армия бир неча кун ичида АҚШ ҳарбийлари томонидан тор-мор қилинди. Бунинг сабаби нимада? Биринчи ўринда АҚШ ҳарбийлари Ироқ армиясининг ҳарбий коммуникацияларини, жумладан, компьютерларини ишдан чиқардилар. Бундай кейин техника ва аскарларни енгиш қийин бўлмади.

Мазкур мисолдан ҳар бир мамлакат ўз ахборот тизимларини хавфсизлигини таъминлаши нақадар муҳим эканлигини англаб олиш қийин эмас. Ахборот асрининг муҳим кўрсаткичларидан бири – давлат ва жамиятнинг барча бўғинлари учун тезкор ахборот алмашинуви биринчи ҳаётий заруратга айланиши. Бу ишни қила олганлар замона билан ҳамнафас яшайди, эпполмаганлар эса орқада қолиб кетаверади ва қолоқлик кундан кунга ошади. Демак, ривожланишни хоҳлаган давлат биринчи ўринда ўз коммуникация тизимлари фаолиятини, бутунлигини, уларни хавфсизлигини таъминлаши зарур.

Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қатор Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларда давлат ва фуқаролар манфаатини ҳимоялашни назарда тутувчи ахборотлар, сиёсий, ҳарбий, илмий-техник соҳаларидаги ахборотларни сир сақлаш, фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир ахборотларни сир сақлаш ҳамда юридик ва жисмоний

шахсларнинг мулки ҳисобланган ахборотларни сир сақлаш тартиблари ўз аксини топган.

Ахборот – психологик таъсир воситаси сифатида. Инсон учун ахборот – энг таъсирчан воситадир, чунки унинг онги бор. Мантикий исбот, қолаверса, ахборот етказишнинг энг оддий усуллари шу қадар катта кучга эгаки, унга ҳеч ким ҳеч нарсани қарши қўя олмайди. Шунинг учун тарғиботи ҳаддан кучли мамлакатнинг аҳолиси фанатикларга ўхшайди. Масалан, Гитлер давридаги немис бюргерлари ҳақиқий ақидапарастлар бўлишган. Инсоннинг табиати шундай яратилганки, у ахборотни қабул қилмасдан, уни тушунишга ҳаракат қилмасдан яшолмайди. ҳар бир одам маълумотни кўради, эшитади, ўқийди ва, энг муҳими, доимо, узлуксиз равишда, кечаю-кундуз ахборотнинг таъсирида яшайди. Шунинг учун ахборот ёрдамида кимгадир руҳий таъсир қилмоқчи бўлганларга агар ушбу инсон ахборотни ўйламасдан қабул қилаверса ўша одамнинг психологияси кўмаклашади.

Шахснинг ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдиднинг манбалари ва умумий тавсифи: ташқи ва ички таҳдид, унинг тузилиши ҳамда моҳияти. Юқорида айтганимиздек, шахс томонидан ахборотни қабул қилишнинг ҳал этувчи мезони – бу инсоннинг онги борлигидир. Мазкур онгдан фойдаланиб, мантикий исбот ёрдамида одамга хоҳлаган, энг номаъқул ғояни ҳам “тўғрилигини” исботлаш мумкин, бу қийин эмас. Бунинг учун далилларни усталик танлаб, исбот жараёнини яхши тузиш кифоя. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка таҳдиднинг биринчи манбаси – бу, инсоннинг ўзидир.

Ундан ташқари бошқа манбалар ҳам бор. Улар, энг аввало, ташқи ва ички манбаларга бўлинади. Ташқилари бошқа мамлакатларнинг Ўзбекистон ахборот ҳудудида ҳукмронлилик қилишга йўналтирилган ҳаракатларидан ҳосил бўлади ва турли ноҳолис сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, жамоавий тузилмалар вакиллариининг Ўзбекистон фуқароларига нисбатан салбий таъсир кўрсатишидан иборат. Бундай ҳаракатлар, жумладан, хорижий ОАВ, турли

нодавлат, жамоавий ташкилотлар, жамғармалар, гуруҳлар ва ҳ.к. томонидан амалга оширилади.

Ички таҳдидлар сирасига аҳолини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари етарли эмаслиги, фуқаролик жамиятининг институтлари ривожланмаётганлиги ва фуқароларнинг давлат ва нодавлат ташкилотларига мурожаатлари жавобсиз қолиб кетиши, ахборот бозори қандай ривожланиши давлат томонидан назорат қилинмаслиги, фуқаролар давлат тузилмалари фаолияти ҳақида етарли ахборот ололмаслиги ҳамда юқори ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорлар уларга тушунтириб берилмаслиги ва бошқ. киради.

Шахс руҳиятининг биоижтимоий табиати, унинг хусусияти, шаклланиши ва бошқарилуви, кишининг шахсий тавсифи ва ахборот-психологик хавфсизлик таҳдиди тизимида унинг аҳамияти. Инсон руҳияти биоижтимоий табиатга эга эканлигини кўпчилик билса-да, бу ҳолатга ва бундан келиб чиқадиган оқибатларга унча ҳам эътибор берилмайди. Биоижтимоий табиат эса инсон хулқи ва онги учун етакчи омил. Демак, кенг аудитория билан ишлаш жараёнида психология қонунларини билмасдан самарали фаолият кўрсатиб бўлмайди. Инсон психологиясининг негизини биологик фазилатлар ташкил этади. Одатда биологик жиҳатдан камчиликсиз бўлган оддий одам ижтимоий сифатларга эга бўлишга қодир. Зигмунд Фрейд, Карл Юнг ва шулар каби файласуф-психологлар исботлаб бергани бўйича, инсон онгининг фундаменти онгсиз биологик хусусиятлар (шахсий ва жамоавий онгсизлик) ташкил этади. Шундай экан, ахборот хавфсизлиги соҳасида ихтисослашаётган мутахассислар буни эътиборга олишлари зарур.

Масалан, ҳар бир инсон хулқи, нуқтаи назари ва позицияси турли ахборот ёрдамида ҳар хил бошқарилиши мумкин. Сиёсатшунослар ёки журналистлар бир воқеани, битта фактни шундай талқин қила оладик, ундан кенг аудитория ижобий ёки, тескарис, салбий хулоса чиқариши одатий ҳол бўлиб қолган. Шундай экан, ахборот-психологик хавфсизлик таҳдиди тизимида фаолият кўрсатадиган Ўзбекистон ОАВ учун энг муҳим омиллар бўлган тезкорлик ва

ҳақиқатгўйлик принциплари асосида иш олиб боришлари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Жамият ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдиднинг манбалари.

Бундай манбалар кўп, уларнинг асосий қисми шахс ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдиднинг манбалари таркибида келтирилди. Қўшимча равишда бутун жамият ва миллатга хавф солаётган манбалар сифатида келтириш мумкин, масалан, миллатчиликни, шовинизмни, империявий тафаккур, мафкуравий экспансионизм ва бошқа шу каби иллатларни қўзғатувчи давлатлар, ташкилотлар ва шахсларни келтириш мумкин.

Ахборотда ҳудудий муносабатлар: ахборот олиш ҳудудини таъминлаш; шахсий ҳаёт ва оила сири, сирли ёзишмалар дахлсизлигини таъминлаш. Энг аввало айтиш керакки, ахборий хуружни ҳудуд жиҳатдан олтига асосий турга ажратиш мумкин:

- 1) умумсайёравий (бир кутбли, яъни “однополярный” дунёни ташкил этишга ҳаракат қилувчи давлатлар томонидан амалга оширилади);
- 2) қитъавий (Осиё ёки бошқа қитъага нисбатан амалга оширилади);
- 3) регионли (ўзаро чегарадош, масалан, Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан тушунилади);
- 4) давлат (Ўзбекистон)га нисбатан йўналтирилади;
- 5) минтақавий (масалан, Фарғона водийси) хусусиятлар кўзда тутилади;
- 6) маҳаллий (вилоят, шаҳар, туманга нисбатан амалга оширилади).

Табиийки, ҳар бир давлат ўз ахборот ҳудудини ўзи ташкил этади. Бошқа давлат томонидан ушбу мамлакат ҳудудида интенсив равишда ахборот тарқатиш ахборий хуруж ҳисобланади. Бундай ҳаракат ушбу давлатни ўз ахборий маконини ҳақли равишда ҳимоя қилишга ундайди. Ҳимоя қилинадиган соҳаларга давлат ва жамият манфаатларидан ташқари шахсий ҳаёт дахлсизлигини, оилани асраш ва ёзишмаларни асраш ҳам киради.

Ўзбекистон давлати дунё ҳамжамиятининг тенг вакили сифатида мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб турли йўналишлар бўйича ўз оқилона сиёсатини ишлаб чиқди ва унга амал қилиб келмоқда. Мамлакатимиз

ички ва ҳалқаро миқёсидаги ахборот алмашинувида ўзига хос ва мос ҳамда бошқа мамлакатларга зарар етказмайдиган давлат сиёсатидан фойдаланмоқда. Шунинг ҳам айтиш керакки, шу сиёсатга мувофиқ иш олиб бориш давлат тузилмалари, ОАВ, жамоат ташкилотлари, қолаверса, бутун мамлакат учун фойда бериши муқаррар. Ушбу сиёсатдан чекланиш эса давлат миқёсидаги бирликка, ҳамжиҳатликка путур етказди.

Маълумки, инсоният ривожланишининг “учинчи тўлқин” босқичида давлатларнинг асосий бойлиги ахборотдир. Демак, ҳар бир мамлакатга ахборот билан ишлайдиган мутахассислар ҳам керак. Одатда бундай одамлар сифатида журналистлар тилга олинади. Лекин бу масаланинг фақат бир қирраси. Ундан ташқари ахборот билан самарали тарзда сиёсатшунослар, политтехнологлар, ўқитувчилар ва бошқалар ҳам ишлайди. Охирги йилларда бундай мутахассислар сафига пиарменлар (жамоатчилик билан алоқалар олиб бориш бўйича мутахассислар) ҳам қўшилди. Лекин ахборот технологиялари ривожланган даврда энг керакли мутахассислар компьютер дастурчиларидир. Ўз давлатини ривожлантирмоқчи бўлган ҳукумат ахборот асрида биринчи ўринда ушбу тоифадаги мутахассисларни тайёрлаш зарурлигини англайди ва кун тартибига қуяди.

10.3. Ахборот-психологик хавфсизликка таҳдидлар

XX аср охирига қадар ахборот хавфсизлиги деганда, давлат, иқтисодий ва ҳуқуқий тузилмалар хавфсизлиги тушунилган. Шахс хавфсизлиги деган ибора деярли ишлатилмаган. Аслида эса шахс камолоти, унинг ижодий салоҳияти рўёбга чиқиши тараққиётнинг олий мақсади ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан шахснинг ахборий-психологик хавфсизлиги таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг биринчи мақсади бўлиши лозим.

Шахс онгига, айниқса, унинг остки онгига ахборот-психологик таъсир ўтказиш хавфи кундан-кунга ортиб бормоқда. Шахсга ўтказилиши мумкин бўлган бундай таъсирнинг бир неча турлари мавжуд:

- ахборот тузилмалари фаолиятининг технологик кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлган беихтиёр таъсир (масалан, компьютер ёки видеотехниканинг иш фаолияти ва жараёнида электромагнит нурланиши хавфи мавжудлиги);

- шахс онги ва остки онгига уни муайян хатти-ҳаракатларни бажариш ёки бажармасликка ундаш мақсадида олдиндан ўйлаб ва режалаштириб ўтказиладиган таъсир (психотроп таъсир);

- психотроп таъсир одамлар психикасига фармакологик препаратлар, наркологик воситалар ёрдамида ўтказилади. Бу воситалар инсон асаб тизимидаги биохимик жараёнларга ва унинг уйқусига, уйғоқлик даврига, фаоллигига, атроф- муҳитни идрок қилиш сифатига таъсир ўтказади;

- психоаналитик таъсир инсоннинг остки онгига уйғоқлик пайтида, уйқусида ёки гипноз ҳолатида ўтказиладиган таъсирдир. Шахс психикасига унинг диққатини четлаб ўтиб таъсир ўтказиш жараёни шахснинг назоратидан ташқарида бўлади;

- нейролингвистик таъсир одамлар онгига махсус лингвистик дастурларни киритиш йўли билан уларнинг эътиқодлари, қарашлари ва тасаввурларини тегишли йўналишда ўзгартиришни кўзда тутди;

- психотрон таъсир - одамлар психикасига сезгидан ташқари, англомайдиган таъсир ўтказиш.

Ахборот-тарғибот таъсири сўзни, ахборот ёрдамида муайян қарашлар, эътиқодларни шакллантиришни назарда тутди.

Ахборот-психологик таъсир ўтказишнинг санаб ўтилган турларига оддий одамлар қаршилиқ кўрсатишлари қийин. Уларнинг бири бўлмаса иккинчиси, иккинчи бўлмаса учинчиси одамлар онгида муайян ўзгаришларни келтириб чиқаради. Мана шу баён қилинганлардан келиб чиқиб, шахснинг ахборот-психологик хавфсизлиги - бу унинг иродасига ва ҳоҳишига қарши онгини ўзгартиришни кўзлайдиган ахборот-психологик таъсирлардан ҳимояланганлиги дейиш мумкин.

Ахборот-психологик таъсирлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда психиканинг ривожланиши қонуниятларидан ҳеч бўлмаганда асосийларини

билиш умумий маданиятнинг таркибий қисми бўлибгина қолмасдан, балки хавфсизлик ва яшаш учун курашнинг ҳам муҳим шартига айланиб бормокда.

Психологиядан ҳеч бўлмаганда таянч билимларга эга бўлган одамлар ўз онгларига ўтказиладиган ташқи таъсирдан ҳимояланиш бобида дастлабки психологик тўсиқни қўйитт имконига эга бўладилар.

Ахборот-психологик таъсири икки хил даражада: назарий-мафкуравий ва кундалик-психологик даражаларда намоён бўлади. Назарий-мафкуравий даражада дунёқарашлар, илмий концепциялар, маданий қадриятлар ўртасида кураш юз беради ва бунда таъсир шахснинг интеллектуал салоҳиятига тарғибот, мантикий далиллар ёрдамида ўтказилади.

Кундалик-психологик даражада эса кураш одамларнинг кайфиятини тегишли йўналишда ўзгартириш мақсадида амалга оширилади. Бунда уқтириш усули асосий восита ҳисобланади. Ишонтириш усули асосли далиллар келтириш ёрдамида шахс эътиқодига таъсир ўтказишни мақсад қилиб қўйса, уқтириш ёрдамида инсон психикасига эътиборни тортмасдан кириб борилади.

Ўтказилаётган ахборот-психологик таъсирни бир неча хил мезонлар асосида тасниф қилиш мумкин. Ана шундай мезонлардан бири - таъсирнинг очик ёки хуфялиги. Бузғунчи таъсирлар кўпинча объектга сездирмасдан махсус технологиялар (масалан, манипулятив технологиялар, НЛП технологиялар, суггестив технологиялар ва ҳ.к.) ёрдамида ўтказилади. Бунда асосий эътибор субъектнинг онгига эмас, остки онгига қаратилади. Бундай таъсирлардан ҳимояланиш учун одамлар психологиядан ҳеч бўлмаса бошланғич маълумотга эга бўлишлари зарур.

Остки онгига хуфя тарзда ўтказилган таъсир шахснинг характерини, хулқ- атворини ўзгартириб, ақл-заковати ва ижодий имкониятларини кескин пасайтириш юбориши мумкин. Бундай таъсир турли даражадаги раҳбарлар остки онгига ўтказилганда, унинг вайронкорлик миқёси яна ҳам кенгрок бўлади.

Одамлар психологик таъсирга турли даражада берилувчан бўлади. Бу уларнинг ёши, ҳаётий тажрибаси, шахсий (индивидуал) психологик

хусусиятлари билан боғлиқ. Шахснинг ҳаётий тажрибаси ва билимлари ортгани сари психологик таъсирга берилувчанлиги ҳам камайиб боради. Бироқ, шунинг ҳам назарда тутиш керакки, барча одамлар у ёки бу даражада уқтириш таъсирига мойил бўлади. Фарқ фақатгина бировларнинг бу таъсир гирдобигага тезроқ, бошқаларнинг эса секинроқ тушиб қолишида.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1. Ахборот хуружлари деганда нимани тушунаси?*
- 2. Ахборот хуружларининг психологик мазмуни ҳақида тушунча беринг?*
- 3. Ахборот хуружларини амалга ошириш усуллари ҳақида гапиринг?*
- 4. Таҳдидлар ва уларнинг таснифи*
- 5. Таҳдидларнинг объекти ва унга муносабат, таъсир хусусияти, зарар кўлами ва миқдори бўйича таснифланиши ҳақида фикр билдиринг?*
- 6. Шахснинг ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдиднинг манбалари ва умумий тавсифи нима деб аталади?*
- 7. Ахборий таҳдидларнинг объектлари ва уларни таснифлаш, шахс, жамият ва давлат манфаатлари, жамоатчилик фикри ва мамлакат маънавий юксалишига ахборот таҳдид деганда нималар назарда тутилади?*
- 8. Ахборот-психологик хавфсизликка таҳдидлар деганда нималар назарда тутилади?*
- 9. Шахснинг ахборий-психологик хавфсизлиги таҳдидлари ва улардан ҳимоя қилишнинг мақсади нима?*
- 10. Шахсга ахборот-психологик таъсир турлари, ахборот-психологик таъсирнинг даражаси: назарий-мафкуравий ва кундалик-психологик даражалари ҳақида фикр билдиринг?*

Мустақил иш учун мавзулар:

- 1. Ахборот хуружлари ҳақида тушунча.*
- 2. Ахборот хуружларининг психологик мазмуни.*
- 3. Ахборот хуружларини амалга ошириш усуллари.*
- 4. Таҳдидлар ва уларнинг таснифи.*
- 5. Таҳдидларнинг объекти ва унга муносабат, таъсир хусусияти, зарар кўлами ва миқдори бўйича таснифланиши.*
- 6. Шахснинг ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдиднинг манбалари ва умумий тавсифи.*
- 7. Ахборий таҳдидларнинг объектлари ва уларни таснифланиши.*
- 8. Шахс, жамият ва давлат манфаатлари, жамоатчилик фикри ва мамлакат маънавий юксалишига ахборот таҳдиди.*
- 9. Ахборот-психологик хавфсизликка таҳдидлар.*

АХБОРОТ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИНГ ПСИХОЛОГИК КОМПОНЕНТЛАРИ ВА МАЗМУНИ

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг мазмун ва моҳияти ҳамда зарурияти. Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш тизими, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг усуллари, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг ижтимоий хавф, миллий таҳдид, тараққиётга тўғаноқ сифатида баҳоланиши.

Ахборот соҳасидаги миллий хавфсизлик тушунчаси. Миллий хавфсизлик тушунчаси, “Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қонуни, миллий хавфсизликнинг таркибий соҳалари: иқтисодий хавфсизлик; ички сиёсий хавфсизлик; ижтимоий хавфсизлик; маънавий хавфсизлик; ҳалқаро хавфсизлик; ахборот хавфсизлиги; ҳарбий хавфсизлик; чегаравий хавфсизлик; экологик хавфсизлик.

Миллий ахборот тизимларини такомиллаштириш муаммолари. Миллий ахборот тизимларини такомиллаштириш муаммолари, миллий ахборот тизимини қўллаб - қувватлаш, унинг фаолиятини такомиллаштириш, таъсир доирасини оширишнинг соҳалари.

Ахборот тизимидан кириб келаётган салбий таъсиротларга қарши курашиш усуллари. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш усуллари, ахборот соҳасида ахборот хуружларининг моҳияти.

Ахборот соҳасида миллий хавсизликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибаси. Ахборот соҳасида миллий хавсизликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибаси: муаммо ва ечимлар, миллатларни йўқ қилиш, уларнинг илдизини қирқиб ташлаш, миллий хусусиятлари, анъаналари ва урф-одатларини барбод этиш йўли билан мамлакатларни забт этиш цивилизациявий ҳодисага

сифатида, Ўзбекистонда хавфсизликни таъминлаш тизимини яратиш усуллари.

Таянч тушунча ва атамалар: Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизими, миллий ахборот тизими, миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини яратиш усуллари, давлат ахборот сиёсати, миллий таҳдид, миллий хавфсизлик, ижтимоий хавф, сиёсий конфликтология, сиёсий психология.

11.1. Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг мазмун ва моҳияти ҳамда зарурияти

Инсоният ахборот оқими тобора тезлашган, ер шари аҳолиси кайфиятини, руҳиятини, мақсад ва интилишларини, қолаверса, бутун тафаккур тарзини ўзгартиришга қодир бўлган ахборот технологияси вужудга келган бир даврда яшамокда. Бу ҳозирги замон цивилизациясининг ўзига хос ютуғи. Ҳалқлар, мамлакатлар, давлатлар ўзаро муносабатларини тобора яқинлаштиришга, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини бошқаришга, дунёвий кайфият, дунёвий руҳият ва маслакнинг вужудга келишига хизмат қиладиган мўжизакор ҳодиса.

Бироқ цивилизациянинг ана шундай улкан, кенг миқёсли ва серқирра ютуғидан ким қандай мақсадларда фойдаланаяпти? Уни беқиёс ва қудратли кучини нималарга ишлатаяпти? - деган ҳақли савол ҳам муаммога айланмоқда.

Умуман олганда инсоният тафаккури кенгайиб, фан-техника тараққиёти жадаллашгани сайин инсоният ўзининг буюк яратувчилик қудратини намоён этмоқда. Шу билан бирга ўзининг бошини ўзи оғритадиган, ўз ҳаётига ўзи таҳдид соладиган, ўз истикболини мавҳумлаштирадиган ҳолатларга ҳам дуч келмоқда.

Инсоният ёзув ихтиро қилингунга қадар тахминан уч миллион йил оғзаки алоқа қилган бўлса, ундан беш минг йил кейингина саноат асосида китоб босишни ўрганди. Ундан беш юз йил ўтиб телефон, радио ва телевидениега эга

бўлди. Анъанавий эшитув – кўрув воситаларидан компьютерларга ўтиш учун эса атиги эллик йилча вақт керак бўлди, холос. Ана шу тарихий ҳақиқатнинг ўзи инсон тафаккури тараққиёти, фан-техника ривожига билан боғлиқ бўлган оламшумул ўзгаришлар динамикасини кўрсатади.

Компьютерларнинг юзага келиши эса бутун ер шарини ягона ахборот маконига айлантирдики, натижада ҳар бир мамлакат тақдири билан ҳам, бутун дунё тақдири билан боғлиқ бўлган воқелик юзага келди.

Бугун Ўзбекистон ана шу ягона ахборот тизимининг фаол субъектига айланди. Унинг дунё билан алоқаси, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларига иштироки, давлатлараро муносабатлар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маданий алоқалари умумжаҳон ахборот тизими таркибида амалга оширилмоқда. Бу бевосита электрон почта, электрон ахборот алмашиш тизими орқали ҳам миллий, ҳам дунёвий муаммоларни ҳал этишда фаолият самарадорлигини оширишда, вақтни тежашда, молиявий харажатларнинг кескин камайишида, қолаверса, замонавий ахборот алмаштириш салоҳиятини намоён қилишда катта самара бермоқда.

Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу бевосита ахборот бозоридан фойдаланаётганда қандай ахборотларни қабул қилиш, қандай ахборотлардан фойдаланиш борасидаги салоҳиятни ҳам тақозо этмоқда. Чунки бозорнинг оддий ҳақиқати шундаки, ҳар ким топганини савдога чиқаради. Сифати, мазаси, ранги, таъми ёки фойдаси жиҳатидан танлаш харидорнинг ихтиёрида. Ана шу ҳаётини қонуният нуқтаи назаридан қараганимизда жаҳон ахборот бозорида бизнинг манфаатларимизга зид бўлган, миллий хусусиятларимизни, анъаналаримизни, турмуш тарзимизни рад этадиган ахборотлар ҳам хурж қилмоқда, ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Бу ўз - ўзидан ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш муаммосини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Ҳозирги замон ахборот тизими, унинг жуда кенг имкониятларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ахборот олиш, сақлаш, фойдаланиш ва тарқатишнинг умуммиллий манфаат ва умуммиллий тараққиёт нуқтаи

назаридан бошқарув механизмини яратиш, унинг моҳияти ва унсурларни чуқур англаш зарур бўлиб қолмоқда. Ана шу ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқиб ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг қуйидаги усуллари қўллаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, социологик йўналиш. Бунда ахборот олиш ва тарқатиш жараёнида жамият тараққиётида ахборотнинг ижтимоий воқелик сифатидаги ролидан келиб чиқиб жамиятда шаклланаётган ижтимоий онг йўналишлари, ижтимоий тафаккур даражаси ва унинг оқимларини ўрганишни йўлга қўйиш керак. Аҳоли турли қатламлари қарашлари, касбий ва бошқа ижтимоий ҳолатлари асосидаги фикрлаш тарзини аниқлаб бориш зарур.

Иккинчидан, статистик йўналиш. Кўпмиллатли мамлакатда, хусусан, 130 дан ортиқ миллат ва элат яшаётган, 20 га яқин диний конфессиялар фаолият кўрсатаётган Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро можароларни, турли сиёсий манфаатлар ва бузғунчи ғоялар таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган сиёсий низоларни ўрганиб бориш, бу борада аниқ ҳисоб-китобларга, таҳлилий ечимларга эга бўлиш талаб этилади.

Учинчидан, сиёсий конфликтология ва сиёсий психология. Ахборот-психологик хавф авж олаётган бир пайтда, турли бузғунчи ғоялар инсон онги ва тафаккурига ўз таъсирини ўтказаётган бир шароитда сиёсий можаролар келиб чиқиши мумкин бўлган манбаларни ўрганиш, омилларни аниқлаш ҳамда унинг натижасида жамиятда шаклланиши мумкин бўлган жамоатчилик фикри, сиёсий қарашлари, рухияти - ижтимоий-сиёсий психология изчил равишда ўзгариб боришмоғи лозим.

Тўртинчидан, мантиқий-тизимий ва функционал таҳлил. Ахборот тизими, хусусан, ахборот-психологик таъсир ахборот сиёсати тизими ва воситасининг муҳим қисми сифатида баҳоланиши лозим. Воқеликка ана шу тарзда ёндашиб, илмий-таҳлилий, назарий ва амалий хулосалар чиқариш керак. Тиғиз ахборотлашган жамиятда ахборот оқими таъсирида шаклланаётган ижтимоий фикр фан нуқтаи назаридан изчил ўрганилмоғи, унинг предмети ва методологиясини ишлаб чиқиш муҳим бўлиб қолди.

Бешинчидан, ахборот тизимида миллий истиқлол ғоясининг устиворлиги. Ҳар қандай фуқаро ахборот бозоридан "маҳсулот" танлаш жараёнида унинг калбида, руҳиятида, кайфиятида, феъл-атворида, буларнинг барчасининг оқибати сифатидаги хатти-ҳаракати ва муносабатида мафкуравий иммунитет устуворлигини таъминлаш зарур.

Албатта, Ўзбекистонда мустақилликнинг ўтган 28 йили мобайнида оммавий ахборот коммуникацияси соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Энг аввало, ҳар бир фуқаронинг сўз ва фикр эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқи Конституция билан кафолатланди, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги бир қатор қонунлар яратилди ва амалда қўлланилмоқда. Мустақил нашрлар сони кескин кўпайди. Буларнинг ҳаммаси мамлакат ички ҳаётида миллий ахборот тизимининг ўзига хос тараққиётидан далолат беради.

Шу билан бирга Ўзбекистон жаҳон ахборот тизимидаи фойдаланишнинг энг замонавий ва тезкор технологиясини жорий этди. Бу нафақат давлат ва ҳокимият, расмий идоралар, балки нодавлат-нотижорат ташкилотлар, ҳатто, алоҳида фуқароларга дунё ахборот бозорига бемалол кириши ва ундан бемалол фойдаланиши имконини беради.

11.2.Миллий хавфсизлик тушунчаси

Ҳозирда 29 август 1997 йили қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қонуни амалда. Ушбу қонунга асосланиб, миллий хавфсизлик тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

“Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги” – Ўзбекистон Республикасининг суверенитетини ифодаловчи ва ҳокимиятнинг ягона манбаи ҳисобланувчи кўп миллатли халқининг хавфсизлигидир.

Миллий хавфсизликнинг, шартли равишда, қуйидаги ташкил этувчиларини кўрсатиш мумкин:

– иқтисодий хавфсизлик; ички сиёсий хавфсизлик; ижтимоий

хавфсизлик;

- маънавий хавфсизлик; ҳалқаро хавфсизлик; ахборот
- хавфсизлиги; ҳарбий хавфсизлик; чегаравий хавфсизлик;
- экологик хавфсизлик.

Иқтисодий хавфсизлик – шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий соҳадаги ҳаётий муҳим манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлиги. Иқтисодий хавфсизликка биноан ҳалқ ўзининг иқтисодий ривожланиш йўллари ва шакллари ташқаридан аралашишсиз ва босимсиз мустақил равишда аниқлай олади.

Ички сиёсий хавфсизлик – ҳокимият институтларининг барқарорлиги ва самарадорлиги, ҳокимият тузилмаларининг сиёсий жараёнларни назоратлаш қобилияти, аксарият фуқаролар томонидан маддатлашга эришиш, жамиятда сиёсий барқарорликни таъминловчи, самарали фаолият юритувчи нодавлат сиёсий институтларнинг мавжудлиги билан характерланади. Ички сиёсий хавфсизликка биноан сиёсий муносабатлар соҳасида қарама-қаршилик, сиёсий экстремизмнинг оммавий тус олиши, ҳокимият билан ҳалқ орасида қарама-қаршилик бўлмайди. Фуқароларнинг сиёсий онги ҳолати ва жамиятнинг сиёсий маданияти жамиятнинг хавфсиз сиёсий ривожига жиддий таъсир кўрсатади.

Ижтимоий хавфсизлик – шахс, оила ва жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлиги. Ижтимоий хавфсизликнинг объекти - миллий ва ижтимоий сиёсат томонидан тартибга солинувчи ҳалқ турмуши сифати ва даражасини таъминловчи ижтимоий тизимнинг барча асосий элементлари. Ижтимоий ривожланиш стратегияси, уларнинг узоқлигига, қамабағаллик даражасига, турмуш даражасидаги минтақавий мутаносиблигига, таълим ва соғлиқни сақлаш сифатига, жамиятдаги маънавият ва маданиятнинг умумий даражасига ва, ниҳоят, демографик муаммоларига таъсири маълум.

Маънавий хавфсизлик – бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган,

лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. Айниқса, оммавий маданият деган никоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятларини, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити, деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва қўпчилик бутун жаҳонда бамисоли балоқазодек тарқалиб бораётган бундай ҳуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда.

Халқаро хавфсизлик – халқаро муносабатлар назариясида халқаро хавфсизлик деганда дунё ҳамжамиятининг барқарорлигини таъминловчи халқаро муносабатлар ҳолати тушунилади. Бошқача айтганда, халқаро хавфсизлик – халқаро муносабатлар субъектларига уруш хавфи ёки суверен ҳаётига ва мустақил ривожига ташқаридан бошқа тажовуз хавфи бўлмаган ҳолат. БМТ Низомига биноан, ҳозирда халқаро тинчликни сақлашга асосий жавобгар сифатида Хавфсизлик Кенгаши белгиланган. Фақат айнан ушбу Кенгаш агрессорга нисбатан санкция қўллаш ҳуқуқига эга.

Ахборот хавфсизлиги – мамлакат маданий мулкнинг, хўжалик субъектлари ва фуқаролар интеллектуал мулкнинг, давлат ва касбий сирга эга махсус маълумотларнинг ишончли ҳимояланганлиги ҳолати.

Ҳарбий хавфсизлик – ҳарбий сиёсат Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринасида ишлаб чиқилган низомларга асосан юритилади. Ҳарбий доктрина – Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хавфсизлигининг ҳарбий-сиёсий, ҳарбий-стратегик ва ҳарбий-иқтисодий асосларини белгиловчи расмий қарашлар мужмуи.

Ҳарбий доктринанинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси, қонунлар ҳамда ҳарбий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хавфсизлигини таъминлашга раҳбарлик Қуролли Кучларнинг Олий Бош қўмондони ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади.

Чегаравий хавфсизлик – Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси ва чегара олди ҳудудларининг ҳимояланганлик ҳолати. Чегаравий хавфсизлик шахс, жамият ва давлат хавфсизлигининг жуда муҳим ташкил этувчиларидан бири ҳисобланади, чунки давлат барқарорлиги унинг чегараларининг хавфсизлиги билан узвий боғланган. Чегара хавфсизлигини таъминлаш зарурияти давлат чегараси ва чегара олди ҳудудларда юзага келган таҳдидлар тизимига асосланган.

Экологик хавфсизлик - Цивилизациянинг атроф – муҳитга фаол таъсири натижасида унинг ифлосланиши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ушбу салбий таъсир айниқса экологик ҳалоқат жойларда, минерал ресурслардан ва ишлаб чиқаришнинг зарарли чиқиндиларидан оқилона фойдаланилмайдиган жойларда кучли бўлади.

11.3. Миллий ахборот тизимларини такомиллаштириш муаммолари

Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизими бевосита ижтимоий хавф, миллий таҳдид, тараққиётга тўғаноқ сифатида баҳоланмоғини ва унга қарши кучли механизмни яратишни тақозо этади. Бунда давлат ахборот сиёсати алоҳида аҳамиятга эга. Албатта, Ўзбекистонда ахборот тизими, уни бошқариш, ундан фойдаланиш борасида қатор қонунлар бор. Жумладан, ахборот олиш кафолатлари, электрон почта, электрон рақамли имзо тўғрисидаги қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бироқ булар етарли эмас. Чунончи, замонавий ахборот технологиялари тобора такомиллашиб, ривожланиб, ахборот олиш, сақлаш, уни ишлаш ва тарқатишнинг шакллари,

узуллари, услублари тобора кенгайиб бормоқдаки, бу бутун кўлами билан амалдаги қонунларда ўз ифодасини топмаган.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ўзбекистонда ҳозирги мавжуд ижтимоий фикр, жамиятнинг умумий сиёсий-маърифий даражаси замонавий ахборот хуружига ва унинг шиддатига дош бериши зарур. Аниқроғи, унинг бутун кўламини, моҳиятини, ахборот остидаги яширин ғояни ва ахборот тарқатувчи манба мақсадини етарли даражада баҳолаш керак. Натижада ахборот бозорида мавжуд бўлган асосли, жиддий, фикрлашга чақирадиган, тараққиётга ёрдам берадиган ахборотларни етарлича қабул қила олиш мумкин. Акс ҳолд, енгил-елпи, шов-шувли, ҳаётимиздаги мавжуд ўткинчи камчилик ва нуқсонларни бўрттириб кўтариб чиққан хабарлар таъсирига тушиб қолиши мумкин. Натижада жамиятда ялпи ўртача кайфият, озурда руҳият пайдо бўлишига имконият яратилди. Бундай вазиятда миллий ахборот тизимини ҳар томонлама қўллаб - қувватлаш, унинг фаолиятини такомиллаштириш, таъсир доирасини ошириш зарур бўлиб қолмоқда. Бу муаммоларни ҳал этиш учун қуйидагиларга эътибор бермоқ лозим:

- оммавий ахборот воситаларида ҳозиргача шаклланган тил, услуб ва ифода усулини ўзгартириш лозим. Жозибадор, айти пайтда ҳаётга яқин, энг оддий фуқаро қалби ва руҳиятига мос келадиган ҳалқчил ифода усулини шакллантириш лозим. Бошқача қилиб айтганда, ахборот маконини ҳаётга, одамларга, уларнинг кундалик ташвишу изтиробларига, янгиланаётган жамият муаммоларига мослаштириш керак;

- жамиятни, унинг ҳар бир аъзосини ахборот воситаларига қизиқишини орттириш йўли билан ахборот орқали юзага келаётган руҳий танглик, маънавий озурдалик, бошқача қилиб айтганда, бузғунчи ғояларга эргашиш кайфияти оммалашиб кетишига чек қўйиш лозим. Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат тамойилининг устиворлигига эришмоқ керак;

- ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари-жамоат ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, улар сўзи ва фикрини таъсирчанлигини ошириш керак.

Токи ҳар қандай умуманфаат ва умумтараққиёт йўлида айтилаётган сўз ҳар бир тингловчи қалбига кирсин, онгига сингсин. Уни рағбатлантирсин, руҳлантирсин, миллий яқдилликка, миллий бирликка давъат этсин.

11.4. Ахборот тизимидан кириб келаётган салбий таъсиротларга қарши курашиш усуллари

Албатта, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлашнинг энг самарали йўлларида бири тўғридан тўғри ҳар қандай бузғунчи ғояларга, жамоатчилик фикрини бузадиган хабарларга асосли тарзда қарши тура билиш ва унга қарши тарғибот механизмини самарали бошқаришни таъминлаш.

Ҳозирги замон ахборот тизимида шундай ҳодисалар мавжудки, уларга қарши чиқиш эмас, уни бошқариш, тартибга солиш ҳам мумкин бўлмай қолмоқда. Демак, бундай шароитда энг мақбул ва самарали усулларни ишалб чиқиш зарур. Жумладан:

Биринчидан, жамоатчилик фикрини ўзгартираётган, чалғитаётган вайронкор ахборотлар ташқаридан, ўзига хос ҳимоя қалқонига эга бўлган маконлардан келаётганлигини назарда тутиб, ахборот тарқатиш борасидаги можароларга йўл қўймай, уларга юксак сиёсий ва касбий маданият орқали ёндашиш, бефарқлик, сукут сақлаш, кайфиятига барҳам бериб, миллий орият, миллий нафсоният билан боғлиқ ҳолдаги тарғиботчилик имкониятимизни намоён этиш йўлидан бориш даркор.

Иккинчидан, шуни назардан топиш керакки, ҳар қандай ҳужумкор ва бузғунчи ғояга қарши ўз вақтида, мўлжални аниқ олиб муносабат билдиришда эҳтиросларга берилмаслик, ортиқча шов-шувларга йўл қўймасдан сиёсий вазминлик ва босиқлик, айни пайтда кучли таъсир ўтказиш усуллари йўзлаштирмақ лозим.

Ахборот соҳасида ахборот хуружи қизгин авж олган бир пайтда, айни ана шу хуружлар моҳиятини, унинг манбаларини, ривожланиш омилларини, илмий тил билан айтганда конфликтоген жиҳатларини чуқур ўрганиш лозим. Бузғунчи

ва ҳужумкор ахборотлар мақсади, иддаоси, уларнинг тагида ётган манфаатлар қанчалик тўғри ўрганилса, уларга шунчалик тўғри ва ишончли зарба бериш мумкин бўлади.

XXI аср цивилизацияси оқибатида инсоният ҳаёти ахборот-психологик таҳдид кучаётган жараёни бошдан кечирмоқда. Бу айниқса, ривожланиш йўлига чиқиб олган Ўзбекистондай ёш мустақил давлатларга салбий таъсир ўтказиши мумкин. Чунки ҳар қандай асоссиз, бузғунчи ғоя ўтиш даврига хос бўлган жузъий камчиликлар ва ўткинчи ижтимоий-иқтисодий нуқсонларни бўрттириб кўрсатиб, жамоатчилик фикрини чалғитиши, унинг истиқболга ишончини сусайтириб юбориши мумкин. Зотан, бутун жаҳон сиёсати тобора маданийлашиб, ижтимоий-сиёсий жараёнлар инсонийлашиб бораётган бир пайтда оммавий қирғин курулларидан фойдаланиш ўрнига ахборот-психологик куруллардан фойдаланиш устувор аҳамият касб этиб бормоқда.

11.5. Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибаси

Миллатларни йўқ қилиш, уларнинг илдизини қирқиб ташлаш, миллий хусусиятлари, анъаналари ва урф-одатларини барбод этиш йўли билан мамлакатларни забт этиш цивилизациявий ҳодисага айланди. Бундай мақсадни амалга оширишда ахборот тизимидан фойдаланиш кенг авж олиб бормоқда. Мустақил Ўзбекистон эса ана шу жараёнда ўзининг янгидан-янги имкониятларини, ақлий салоҳиятини ўзини ўзи ҳимоя қилиш ва ҳар қандай тажовузларга қарши тура олиш иқтидорини намоён этмоқда. Бироқ бу етарли эмас. Аниқ натижаларга эришиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз:

- инсонни шахс ва фуқаро сифатидаги имкониятларини рўёбга чиқариш ва уни шакллантириш;

- инсоннинг ўзини ўзи ҳимоя қила олиш инстинктини, ўзини ўзи бошқариш салоҳиятини шакллантириш;

- алоҳида одамлар, гуруҳлар, қатламлараро муносабатларни яна ҳам барқарорлаштириш;

- аҳолида жамоалар бирлиги, умумий хонадон-яхлит мамлакат тақдири учун жавобгарлик ҳиссини кучайтириш;

- миллатидан ва диний эътиқодидан қатъий назар Ўзбекистон фуқароси бўлган ҳар бирн шахснинг келажак учун маъсуллигини таъминлаш;

- келиб чиқиши мумкин бўлган можаролар, келишмовчиликлар асосларини, йўналишларини, уларнинг ривожланиш омилларини ва динамикасини доимий тарзда, узлуксиз равишда ўрганиб бориш.

Албатта, ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш борасида Ўзбекистон тажрибаси такомиллашиб бормоқда. Бу бевосита ахборот хуружи авж олаётган, ахборот тарқатиш технологилари тобора такомиллашиб, унинг усул ва услублари янгиланиб бораётган бир пайтда ана шу цивилизациявий жараённинг энг самарали, энг инсонпарвар усулларида яна ҳам кенгроқ фойдаланиш имкониятларини тақдим этмоқда.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. *Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш муаммоси нималардан иборат?*

2. *Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини қандай усуллари мавжуд?*

3. *Миллий ахборот тизими фаолиятини такомиллаштириш, таъсир доирасини оширишда нималарга эътибор бермоқ лозим?*

4. *Ҳужумкор ва бузғунчи гояга қарши қандай курашни керак?*

5. *Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлашда аниқ натижаларга эришиш учун нималарга эътибор бериш лозим?*

Мустақил иш учун мавзулар:

- 1. Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг мазмун ва моҳияти ҳамда зарурияти.*
- 2. Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш тизими.*
- 3. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг усуллари.*
- 4. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг ижтимоий хавф, миллий таҳдид, тараққиётга тўғаноқ сифатида баҳоланиши.*
- 5. Ахборот соҳасидаги миллий хавфсизлик тушунчаси.*
- 6. Ахборот соҳасидаги миллий хавфсизликнинг.*
- 7. Миллий ахборот тизимларини такомиллаштириш муаммолари.*
- 8. Миллий ахборот тизимини қўллаб - қувватлаш, унинг фаолиятини такомиллаштириш, таъсир доирасини оширишнинг соҳалари.*
- 9. Ахборот тизимидан кириб келаётган салбий таъсиротларга қарши курашиш усуллари.*
- 10. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш усуллари.*
- 11. Ахборот соҳасида ахборот хуружларининг моҳияти.*
- 12. Ахборот соҳасида миллий хавсизликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибаси.*

АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий вазифалари ва даражалари. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш-нинг асосий вазифалари, ахборот хавфсизлиги субъектларининг категориялари, шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг ахборот муҳитидаги манфаатларини ҳимоялаш.

Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари. Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари, Ўзбекистоннинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини белгиловчи асосий ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашдаги манфаатлар.

Таянч тушунча ва атамалар: Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий вазифалари, ахборот хавфсизлиги субъектларининг категориялари, ахборот-психологик таъсир, унинг хавфсизлик туғдиручи субъектлари ва омиллари Ахборот-психологик таъсир, ахборот-психологик таъсирнинг хавфсизлик туғдиручи субъектлари, Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари. Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари, Ўзбекистоннинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини белгиловчи асосий ҳуқуқий ҳужжатлар.

12.1. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий вазифалари ва даражалари

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мунтазам ва комплекс характерга эга кўп қиррали фаолиятни амалга оширишни кўзда тутди. Уни амалга оширишда ахборот хавфсизлигидан манфаатдор тарафлар олдида қўйиладиган вазифаларга алоҳида эътибор бериш зарур. Ушбу турли-туман вазифаларни бир неча қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) **ахборотдан фойдалнишни таъминлаш**, яъни мақбул вақт мобайнида ахборот хизматини олиш ҳамда ахборотни олишда рухсатсиз тақиқлашни бартараф этиш;

2) **ахборот яхлитлилигини таъминлаш**, яъни ахборотнинг рухсатсиз модификацияланишини ёки бузилишини бартараф этиш;

3) **ахборот конфиденциаллигини таъминлаш**, яъни ахборотдан рухсатсиз танилишни бартараф этиш.

Одатда, бир-биридан ахборот хавфсизлигининг ҳуқуқий, техник, молиявий, ташкилий ва бошқа ресурсли таъминоти билан фарқланувчи ахборот хавфсизлиги субъектларининг қуйидаги тўртта категорияси ажратилади:

- бутун бир давлат;
- давлат ташкилотлари;
- тижорат тузилмалари;
- алоҳида фуқаролар.

Юқорида келтирилган ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги асосий вазифалар қамраб олган қуйидаги кенг спектрли масалаларни кўриб чиқиш жоиз ҳисобланади:

- конфиденциаллик;
- яхлитлик;
- идентификация;
- аутентификация;
- ваколат бериш;

- фойдаланишни назоратлаш;
- мулклик ҳуқуқи;
- сертификация;
- имзо;
- воз кечмаслик;
- санасини ёзиш;
- олганлигига тилхат бериш;
- бекор қилиш;
- анонимлик.

Ахборотнинг конфиденциаллиги — ҳимоянинг энг керакли вазифаларидан бири. Ҳар бир инсонда ёки ташкилотда шундай ҳужжатлар борки, уларнинг жамоа мулкига айланмаслиги таъминланиши шарт. Бундай ҳужжатларни сақлашда қоғоз, фотоплёнка ишлатилса, конфиденциаллик маъмурий усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Ахборот компьютерда ишланиб, очиқ алоқа канали орқали узатилса, маъмурий усуллар ожизлик қилади ва ёрдамга ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари келади. Конфиденциалликни таъминлаш масаласига биноан маълумотлар шундай кўринишда узатиладик, ҳатто нияти бузук элтувчидан ёки узатиш муҳитидан фойдалана олганида ҳам ҳимояланган маълумотларни олаолмайди.

Ахборотнинг яхлитлиги. Маълумотлар, ишланиши ва алоқа канали бўйича узатилиши жараёнида, тасодифан ёки атайин бузилиши мумкин. Ахборот элтувчида сақланадиган жойидаёқ бузилиши мумкин. Яхлитликни таъминлашга (яхлитликни назоратлашга) биноан маълумотлар сақланиши ва узатилиши жараёнида модификацияланмаганлигини тасдиқлаш ёки маълумотлар бузилганлигини аниқлаш талаб этилади. Бошқача айтганда, маълумотларнинг ҳар қандай ўзгариши сезилмасдан қолмаслиги зарур.

Идентификация фойдаланувчини қандайдир ноёб идентификатор билан айнанлигини тасдиқлаш учун керак. Ундан сўнг идентификаторга юкланган барча ҳаракатларга ушбу идентификатор бириктирилган фойдаланувчи

жавобгар ҳисобланади.

Аутентификация идентификацияга зарурий қўшимча ҳисобланади ва идентификаторни тақдим этган фойдаланувчининг ҳақиқийлигини (аутентлигини) тасдиқлашга мўлжалланган. Аноним бўлмаган фойдаланувчи аутентификациядан муваффақиятли ўтгандагина ишлаш имкониятига эга бўлиши шарт.

Ваколат беришга биноан бирорта ҳам фойдаланувчи аутентификациядан муваффақиятли ўтмагунича тизимдан фойдаланмаслиги ва бирорта ҳам фойдаланувчи, агар у махсус рухсатнома билан ваколатга эга бўлмаса, ресурслардан фойдаланмаслиги шарт.

Фойдаланишни назоратлаш комплекс тушунча ҳисобланади ва ресурслардан фойдаланишни чеклашга мўлжалланган усуллар ва воситаларни англатади.

Мулкчилик ҳуқуқи – фойдаланувчига қандайдир ресурслардан фойдаланишга қонуний ҳуқуқни ва у истаса, ушбу ресурсни бошқа фойдаланувчига ўтказиш имкониятини тақдим этишга мўлжалланган. Мулклик ҳуқуқи одатда фойдаланишни назоратлаш тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

Сертификация – фойдаланувчи ишонадиган тараф томонидан қандайдир фактни тасдиқлаш жараёни. Кўпинча сертификация очик калитнинг муайян фойдаланувчига ёки ширкатга тегишли эканлигини тасдиқлашда ишлатилади, чунки очик калитлар инфраструктурасидан фақат сертификация тизимининг мавжудлигида самарали фойдаланиш мумкин. Сертификатлар фойдаланувчилар сўрови бўйича махсус ваколатли ташкилот – сертификация маркази томонидан, маълум шартлар бажарилганида берилади.

Имзо ҳужжат қабул қилувчига ушбу ҳужжатнинг айнан узатувчи томонидан имзоланганлигини исботлашга имкон беради. Бунда имзони бошқа ҳужжатга ўтказиш ва узатувчи ўзининг имзосидан воз кечиши мумкин эмас. Ҳужжатнинг ҳар қандай ўзгариши имзонинг бузилишига сабаб бўлади ва ҳар қандай фойдаланувчи мустақил тарзда имзонинг ҳақиқийлигини текшириши

мумкин.

Воз кечмаслик – ахборот алмашиш схемасининг хусусияти ҳисобланади. Унга биноан хабар қабул қилувчининг учинчи тарафнинг хабар узатувчининг кимлигини текширишга жалб қилиши қобилиятига эга эканлигининг исботи мавжуд. Бошқача айтганда, хабарни узатувчи муаллифликдан воз кечиш имкониятига эга эмас.

Санасини ёзиш кўпинча имзо билан биргаликда ишлатилади ва ҳужжат имзоланган онни қайдлайди. Бу битта ҳужжат бир неча фойдаланувчилар томонидан имзоланганда, биринчиликни исбот қилишда фойдали ҳисобланади, чунки ҳар бир фойдаланувчи ҳужжат муаллифлигига даъво қилади. Ундан ташқари санасини ёзиш муддатли сертификатларда кенг қўлланилади.

Олганлигига тилхат бериш – қабул қилувчидан узатувчига узатилади ва узатувчи томонидан узатилган ахборот қабул қилувчига тилхатда кўрсатилган ондан кечикмасдан етказганлигини исботлашда ишлатилиши мумкин.

Бекор қилиш – сертификатлар, ваколатлар ва имзолар таъсир кучини бекор қилиш. Агар ахборот алмашишда иштирок этувчи ёки унга тегишли калитлар ва сертификатлар обрўсизланса, ушбу фойдаланувчини ресурслардан фойдаланишга йўл қўймаслик ва мос сертификатларга ишонмаслик зарур, чунки бу сертификатлардан нияти бузуқ фойдаланиши мумкин. Бекор қилиш муолажаси сертификация марказига нисбатан ҳам қўлланиши мумкин.

Анонимлик камдан кам учрайди. Ҳукуматлар ва ширкатлар учун фойдаланувчининг ахборот муҳитида қандайдир ҳаракатларининг аноним бўлиб қолишлиги фойда бермайди. Шу сабабли анонимликни таъминловчи лойиҳалар камдан кам учрайди ва одатда узоқ яшамайди. Коммуникация воситалари кўпинча у ёки бу хабарнинг узатилиши маршрутини, узатувчини аниқлашга имкон беради.

Юқорида келтирилган вазифалар мавжуд ахборот дунёси эҳтиёжига асосан тавсифланган. Вақт ўтиши билан баъзи вазифалар ўз долзарблигини йўқотиши ва, аксинча, ечимини кутувчи янги вазифалар пайдо бўлиши мумкин.

Цивилизация ривожининг замонавий босқичида ахборот нафақат жамият

ва давлат институтлари фаолиятида, балки ҳар бир шахс ҳаётида ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Шахснинг ахборот муҳитидаги манфаатлари инсон ва фуқаронинг ахборотдан фойдаланишдаги конституциявий ҳуқуқларининг амалга оширилишини, қонун тақиқламаган фаолиятни, физик, маънавий ва интеллектуал ривожини ҳамда шахсий хавфсизлигини таъминлашни кўзда тутади.

Жамиятнинг ахборот муҳитидаги манфаатлари ушбу муҳитда шахс манфаатларини таъминлашни, демократияни мустаҳкамлашни, ҳуқуқий ижтимоий давлатни яратишни, жамият иноқлигига эришиш ва уни мададлашни, мамлакатнинг маънавий янгиланишини кўзда тутади.

Давлатнинг ахборот муҳитидаги манфаатлари инсон ва фуқаронинг ахборот олишидаги конституциявий ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашни, олинган ахборотдан конституциявий тузумнинг мустаҳкамлигини, давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни ҳамда қонунийликни ва ҳуқуқий тартибни, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳалқаро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида фойдаланишдаги шарт-шароитларни яратиш учун ахборот инфраструктурасининг гармоник ривожини кўзда тутади.

12.2. Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари

Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш бу соҳада муайян тизим ташкил этишни тақозо қилади. Бундай тизим асосан уч қисмдан иборат бўлади: меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий ва технологик тизимлар.

Хавфсизликнинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатлари ахборот-психологик хавфсизликка, таҳдидга қарши тегишли кураш воситаларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Бу воситалар меъёрий-ҳуқуқий актлар, давлат, жамият ва шахс хавфсизлигига таҳдид уйғотувчи ҳолатларга қарши меъёрий ҳужжатлар,

шунингдек, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини руёбга чиқаришга хизмат қиладиган қонунлар ва қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқишни кўзда тутди. Мазкур ҳужжатларнинг барчаси фуқароларнинг руҳий саломатлигини ҳимоя қилишга, жамиятда ижтимоий осойишталик ҳукм суришини таъминлашга қаратилган бўлади. Мазкур жараён Ўзбекистонда самарали амалга оширилаётгани ҳаммага маълум.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг ташкилий қисми таркибига мазкур соҳадаги ҳуқуқий меъёрларга амал қилишини таъминлаш билан шуғулланувчи давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек алоҳида фуқаролар киради. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти таркиб топа боргани сари бошқа соҳаларда бўлгани сингари, хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳам фуқаролик жамияти тузилмаларининг роли ошиб бормоқда. Шу ўринда Ўзбекистондаги фуқаролик жамиятининг ўзига хос кўринишларидан бўлган маҳалла институтининг ролини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Фуқароларнинг ўз - ўзини бошқариш тизимидаги муҳим таркибий қисм сифатида маҳалла турар жойлардаги маънавий-руҳий иқлимни тартибга солиш билан бирга, хавфсизликни таъминлашда ҳам муҳим роль ўйнаётир. Фуқароларни, биринчи навбатда ёшларни, турли хил ғайриқонуний диний оқимлар таъсиридан асрашда маҳалла борган сари фаолроқ иштирок этмоқда. Аҳолининг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашда, айниқса, турли хил миш-мишлар олдини олиш ва ғайриқонуний диний оқимларнинг вакиллари томонидан варақалар тарқатилишини бартараф этишда маҳалла фуқаролар йиғини муҳим вазифаларни бажаради. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг маънавий-маърифий ва диний-тарбиявий ишлар бўйича маслаҳатчилари лавозимининг жорий этилиши бу йўналишдаги ишларнинг янада жонланишига катта туртки берди.

Ўзбекистонда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда ташкилий масалаларнинг ўрни айниқса, муҳим. Дунёдаги кўпчилик мамлакатларда ўрнатилган тартибга кўра, хавфсизлик масалалари билан давлат шуғулланади. Бу борада давлатнинг роли жамоат ташкилотлари ва алоҳида фуқароларни бу

муҳим масала ечимидан четлатишда эмас, балки уларни шу жабҳага жалб этиш ва уюштиришда намоён бўлади. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигидаги давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти органлари, шунингдек жамоат ташкилотлари ва алоҳида фуқаролар давлатни бошқаришдек ягона мақсад йўлида ўз ваколат ва ҳуқуқлари доирасида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Ташкилий тузилманинг муҳим таркибий қисмларидан бири - кадрлар масаласи бўлиб, давлат ташкилотлари ва хусусий сектордаги ташкилотларнинг ахборот-психологик хавфсизлиги кўп жиҳатдан уларга боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан етарли салоҳиятга эга бўлган кадрлар тизимини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш давлатнинг ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш йўлидаги фаолиятида юксак самарадорликка эришишда жуда муҳим омил ҳисобланади.

Давлат, жамият ва алоҳида шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашда бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат. Энг аввало, бу мазкур соҳада давлат сиёсати асосларини ишлаб чиқиш муаммосидирки, унинг мураккаблиги хавфсизликни таъминлаш объекти ва субъектининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Шахс ва жамият маънавиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун шароитлар яратиш соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар, аввало, жамиятнинг ўзи томонидан ҳуқуқий мезонларни белгилаш ва қўллаб-қувватлаш, фуқаролар ҳуқ-атворидаги ижтимоий мақбул стереотипларни қўллаш механизмларини яратиш орқали амалга оширилади. Айни пайтда давлатнинг оммавий ҳуқуқ ёрдамида мазкур соҳадаги энг хавфли хатти-ҳаракатлар олдини олиш борасида муттасил фаолият кўрсатиши шу соҳадаги энг муҳим йўналишлардан бирини ташкил этади. Мазкур соҳада давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро муносабатлари чегарасини аниқ белгилаб олиш жуда зарур бўлиб, унинг бузилиши, бир томондан, ҳокимиятни обрўсизлантириб қўйиши, иккинчи томондан, жамоат ташкилотларининг бефарқлиги ва лоқайдлигига сабаб бўлиши мумкин.

Индивидуал ва ижтимоий онгга жиддий таъсир ўтказиши мумкин бўлган оммавий ахборот воситалари тизимини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Муаммонинг мураккаблиги аввало шундаки, фуқаролик жамиятининг асоси бўлган жамоат ташкилотлари оммавий ахборот воситаларига таъсир ўтказиш учун самарали воситаларга эга эмас. Айни пайтда давлат органларининг оммавий ахборот воситалари фаолиятига бевосита ва мунтазам аралашуви бу воситалар фаолиятида бирёқламаликка олиб келиши мумкин. Демократик институтлар тараққий топган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда аҳолининг кенг қатламлари учун ҳолис ва объектив ахборот олиш имкониятлари яратилди.

Вазиятни таҳлил қилиш шундан гувоҳлик берадики, бир қатор мамлакатлар оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газета ва журналлар, Интернет)дан ахборот ёрдамида таъсир қилиш қуроли сифатида фойдаланмоқдалар.

Ахборот қуроллари сирасида электрон воситалар (телевидение, радио, Интернет) алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги кунда психотрон қуролларнинг ишлаб чиқарилиши ва тарқала бошлаши электрон оммавий ахборот воситаларидан хатарли қурол сифатида фойдаланишнинг эҳтимолий хавфини кескин оширмоқда. Бугунги кунга келиб айтиш мумкинки, ахборот қуролининг хавфи оммавий қирғин қуроли хавфидан кам бўлмай қолди.

Ҳозирги кундаги мавжуд тасаввурларга кўра, индивидуал онг ва ижтимоий онгни бузғунчи ахборот таъсиридан (бундай ахборотни инсонлар онгига ёки остки онгига киритиш йўли билан уларнинг атроф-воқеликни ноадекват идрок қилишига олиб келиш), шунингдек, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоялаш зарур. Бундай манфаатлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Шахс манфаатлари: фуқароларнинг объектив ахборотни излаш, олиш, узатиш ва яратишга бўлган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини; уларнинг ўз шахсий ҳаётлари дахлсизлигига бўлган ҳуқуқини; ўз саломатликларини зарарли ахборотдан сақлашга бўлган ҳуқуқини таъминлаш.

2.Жамият манфаатлари: ахборот жамиятини шакллантириш; миллий маънавий қадриятларни ҳимоя қилиш, миллий маданий меросни тарғиб қилиш, оммавий онг устида ўтказиладиган манипуляцияларга йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш.

3.Давлат манфаатлари: шахс ва жамият манфаатларини ҳимоялаш; давлат ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назорат институтларини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш, ҳуқуқий давлат тузиш.

Таҳдидлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- инсон саломатлигига зарар етказиш;
- шахс эркини англаб бўлмайдиган даражада тўсиб қўйиш, унга тобелик синдромини сингдирит ва бунинг натижасида ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этишга мажбурлаш;
- инсоннинг ахлоқий, маданий, сиёсий қиёфасини бузиш;
- махсус таъсир ўтказиш воситалари ёрдамида ижтимоий онг устида манипуляциялар ўтказиш;
- Ўзбекистондаги ягона маънавий ва ахборот маконини пароканда қилиб ташлашга уриниш;
- ижтимоий ахлоқ меъёрлари ва жамиятнинг анъанавий қадриятларига зарар етказиш.

Бу таҳдидлар салбий ахборот-психологик таъсир ўтказиш, махсус восита ва усулларни ишлаб чиқиш, Ўзбекистон давлатининг ички сиёсатига четдан туриб мақсадга йўналтирилган тарзда аралashiш ахборот урушига тайёрланиш ва ахборот қуролидан фойдаланиш шаклларида амалга оширилади. Бундай таҳдидлар олдини олиш ва уларнинг зарарли оқибатларини минимал даражага йўналтириш учун давлат сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим:

- мавжуд таҳдидларга мос равишда хавфсизлик чораларини кўриш;
- фойдаланиш фақатгина қонунда кўрсатилган ҳолатларда мумкин бўлган ахборот-психологик таъсир ўтказишнинг махсус воситаларини ишлаб чиқиш, яратиш ва қўллашга давлат ва жамият монополиясини ўрнатиш;

- ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш борасида ошкоралик ва фуқаролик назоратини жорий этиш;

- ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятда жамоат ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш зарурлиги.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги вазифа ва функцияларни бажариши зарур:

1.Ўзбекистон Республикасининг ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашга оид қонунчилигини такомиллаштириш.

2.Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириши.

3.Давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ахборот-психологик хавфсизликни таъминлат борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш.

4.Фуқароларнинг ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириши.

5.Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни ташкил этиш.

6.Ўқув муассасалари томонидан ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида кадрларини тайёрлашни йўлга қўйиш.

Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бири - шу йўналишда ўтказиладиган экспертизалардир. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш бўйича ўтказиладиган экспертиза тизими Ўзбекистонда эндигина шаклланиб келмоқда. Мамлакатимизда давлат, жамият ва шахснинг ахборот-психологик хавфсизлиги тўғрисида махсус қонун қабул қилиш вақти етди. Бундай қонун мазкур йўналишдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади. Чунончи, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси”, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий кодекси” сингари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам тегишли ўзгартишлар киритит заруриятини ҳам келтириб чиқаради.

Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири, шунингдек, халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришдан иборат. Ҳозирги кунда мамлакатимизга турли каналлар орқали хорижда тайёрланган ва нашр этилган газета-журналлар, адабиётлар, эшиттириш ва кўрсатувлар кириб келмоқда. Уларнинг муайян қисми таркибида мамлакатимиз аҳолиси учун ёт бўлган стереотиплар, установкалар, қадриятлар йўқлигига қафолат бериб бўлмайди.

Юртимизга қарши ахборот-психологик ҳуружлар имконият вужудга келди дегунча амалга оширилмоқда. Мафкуравий кураш кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитда ахборот қуролиларидан ғанимларимиз фойдаланишларининг эҳтимоли ортиб бормоқда. Шунинг ҳам назарда тутиш лозимки, “кибермакон” деган кенгликда ҳеч қандай чегара йўқ. Бу маконда фойдали ва зарур ахборот билан бир қаторда ёшлар учун зарарли, умуман аҳоли учун хавфли бўлган ахборот, психотрон қуролилар ҳам бемалол айланиб юрибди.

Ҳозирги кунда фан ва технология тараққиёти шу қадар тезлашиб кетдики, психотрон қуролиларнинг янгидан-янги турлари яратилмоқда. Масалан, улар орасида узоқ масофадан туриб одамлар онги, тафаккури, хотираси, ҳис-туйғуларига кучли таъсир ўтказа оладиганлари ҳам бор. Мисол учун, УЮЧ (ўта юқори частотали) қуролилар узоқ масофадан туриб шахснинг психикаси, хотирасига, ҳатто ички ва жинсий аъзоларига таъсир қилиши мумкин. Баён этилганларнинг барчасини назарда тутиб, давлат томонидан халқаро ахборот айирбошлаш жараёни учун тегишли меъёрлар, тақиқлар ва чекловлар ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир. Бунга эришиш учун халқаро ҳамжамиятнинг диққат-эътиборини мазкур масалага қаратиш, миллий давлатлар қонунчилигини унификация қилиш талаб этилади.

Мамлакатимизда кенг тармоқ отаётган компьютер клубларидаги ўйинлар орасида халқимизга ёт бўлган зўравонлик, фаҳт ва ахлоқсизликларни тарғиб этадиганлари тобора кўпайиб борапти. Бундай ҳолат мазкур масалага нафақат давлат идораларининг, балки ота-оналар кўмиталари, маҳалла, қишлоқ

фукаролар йиғинлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг эътиборини тортиш мақсадга мувофиқлигидан гувоҳлик бермоқда.

Юқорида баён қилинганлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жараёнлар ва муносабатларнинг ўсит суръатлари қонунчиликнинг такомиллашиш суръатларидан бир оз илдамлаб кетди. Бундай ҳолат давлат, жамият ва шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашга оид қонунларни ишлаб чиқиш ва қўллаш амалиётини ривожлантириш зарурлигини кўрсатади;

- давлат, жамият ва шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлат борасида ягона сиёсат асосларини ишлаб чиқиш ва мазкур йўналишда тегишли қонун қабул қилиш, шунингдек мазкур йўналишдаги қонунларга тегишли ўзгартишлар киритиш муҳим эҳтиёжга айланди;

- ҳалқаро ахборот алмашув жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган таҳдидлардан самарали ҳимояланиш учун ҳалқаро ҳамжамятнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда миллий давлатлар қонунчилигини унификациялаш, “Ахборот урушлари хавфининг олдини олиш ва ахборот куроли муомаласини чеклаш ҳақида” ҳалқаро конвенция яратиш йўлидаги фаолиятларни бирлаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Инсон онги моҳиятан очик тизимдир. У ташқи дунё билан ахборот алмашиш жараёнида ривожланиб боради. Онгнинг бундай очиклигидан бузғунчи кучлар ҳам фойдаланиб қолишга уринадилар. Зотан, ҳозирги кунда глобал тармоқнинг, янги жиҳозлар ва технологияларнинг вужудга келиши бундай кучлар томонидан фақат алоҳида шахс онгига эмас, миллионлаб кишилар онги-шуурига вайронкор таъсир ўтказилиши учун имконият яратди.

Ахборотни қайта ишлаш ва алоқа бобидаги замонавий воситалар инсоният мавжудлигининг принципиал янги шароитларини вужудга келтирди. Ҳозирги кунда миллий ахборот ва телекоммуникациялар тизимини глобал ахборот инфратузилмасига бирлаштириш сингари улкан лойиҳалар юзага чиқди. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳар бир шахс учун, у қайси мамлакат ва минтақада яшамасин, дунёнинг хоҳлаган бурчагидаги одамлар

билан ахборот алмашиш имконини вужудга келтирди. Бундай инфратузилманинг барпо этилиши инсоният тараққиёти учун мисли кўрилмаган имкониятлар эшигини очади. Айни пайтда бу инфратузилма вайронкор кучларга ҳам жуда қўл келишини унутмаслик керак.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий вазифаларига нималар киради?

2. Ахборот хавфсизлиги субъектларининг категориялари ҳақида нималарни биласиз?

3. Шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг ахборот муҳитидаги манфаатларини ҳимоялаш деганда нималар назарда тутилади?

4. Ахборот-психологик таъсир, унинг хавфсизлик туғдиручи субъектлари ва омиллари.

5. Жамият тараққиёти ва ахборот муҳитининг ривожланиши, бузғунчи ахборотларнинг манбалари нималар ҳисобланади?.

7. Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари.

8. Ўзбекистоннинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини белгиловчи асосий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида гапиринг?

9. Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашдаги манфаатлар нималардан иборат?

Мустақил иш учун мавзулар:

1. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий вазифалари.

2. Ахборот хавфсизлиги субъектларининг категориялари.

3. Шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг ахборот муҳитидаги

манфаатларини ҳимоялаш.

4. Ахборот-психологик таъсир, унинг хавфсизлик туғдиручи субъектлари ва омиллари.

5. Жамият тараққиёти ва ахборот муҳитининг ривожланиши, бузғунчи ахборотларнинг манбалари.

7. Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари.

8. Ўзбекистоннинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини белгиловчи асосий ҳуқуқий асослари.

9. Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашдаги манфаатлари.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ ПСИХОЛОГИЯСИ

Мавзунинг қисқача мазмуни

Ахборот уруши ва ахборот қарама қаршилиги. Ахборот урушининг хусусиятлари, ахборот қуроли, унинг ўзига хослиги, замонавий дунёда уни қўллаш имконияти ва кўлами, ахборий қарама-қаршилиқнинг мақсади, восита ва шакллари, уни назорат этиш, жамиятнинг умумий ҳолатига келтирадиган психологик зарарлари.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифалари. Оммавий ахборот воситаларининг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифалари, давқулотда ҳолатларда фуқароларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш, ахборотлашган жамият - билимлар жамияти, узлуксиз давом этадиган таълим жамияти бўлиши зарурлиги, ахборот-психологик хавфсизликка эришиш фуқаролар билан давлат ўртасидаги яқин алоқани амалга оширувчи жамоатчилик институтларини ташиқил этиш билан боғлиқлиги.

Таянч тушунча ва атамалар: Ахборот уруши, ахборот қарама-қаршилиги, ахборот соҳасидаги миллий мафаатлар, очик ахборот тизимлари, оммавий ахборот воситалари, ахборий тахдид, ахборот соҳасидаги миллий манфаатларга, ахборот соҳасида шахс ва жамият манфаатларига тазйик, ахборот қарама-қаршилиги, жамиятнинг ахборий хавфсизлиги, давлатнинг ахборий хавфсизлиги.

13.1. Ахборот уруши ва ахборот қарама – қаршилиги

Ахборот уруши таърифини биз юқорида келтирган эдик. Ушбу фикрни давом эттираемиз. Ахборот урушининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат. Биринчидан, ахборот қуролини ишлаб чиқиш унча ҳам қиммат эмас ва бу ишни турли соҳа мутахассислари бажариши мумкин. Иккинчидан, чегаралар нисбийлиги: давлатлар, қонуний ва ноқонуний ҳаракатлар, ҳарбий ва ноҳарбий жанглар ўртасида ва ҳ.к. Учинчидан, ҳужумнинг олдини олиш ноиложлиги. Тўртинчидан, зарарни ҳисоблаб чиқиш мураккаблиги. Бешинчидан, ҳарбий блоклар, бирлашмалар тузиш имконияти мавжуд.

Ахборот қуроли, унинг ўзига хослиги, замонавий дунёда уни қўллаш имконияти ва қўлами. Ахборот қуrolининг кенг ва тор маъноларда тушунилиши мумкин. Кенг маънода ахборот қуроли деб рақибни керакли йўналишда фикрлашга ундайдиган, унинг нуқтаи назарини ўзгартиришга қодир бўлган ва тегишли ахборот ёрдамида амалга ошириладиган ҳаракатларга айтилади. Тор маънода ахборот қуроли деб рақибнинг ахборот захиралари устидан назоратни таъминлайдиган ва унинг телекоммуникациялари тизимларига зарар етказа оладиган техникавий усуллар ва технологияларга айтилади. Демак, ахборот қуроли – бу рақибнинг ахборот ва бошқарув тизимларига таъсир этувчи махсус мослама ва воситалар. Табиийки, ахборот технологиялари ривожланган мамлакатлар томонидан бундай қуролдан фойдаланиш имкониятлари жуда кенг.

Ахборий қарама-қаршилиқнинг мақсади, восита ва шакллари, уни назорат этиш, жамиятнинг умумий ҳолатига келтирадиган психологик зарарлари. Ахборий қарама-қаршилиқнинг мақсади – дунёвий (глобал) ахборот майдонида миллий манфаатлар ҳимоясини таъминлаш. Мазкур масқадга эришиш эса турли мамлакатлар томонидан турлича амалга оширилади: технологик кучли давлатлар ҳукмронлик қилишга интилади, ривожланаётган давлатлар эса ўзини ҳимоялашга ҳаракат қилади. Иккала томон ҳам ўзига қулай келадиган усуллардан фойдаланади.

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, технологик жиҳатдан кучли давлатнинг ахборий ҳужуми бошқа мамлакатлар аҳолисига катта психологик зарар етказди. Чунки бундай урушни тўхтатайдиган ва агрессор-давлатга нисбатан чора кўриш учун имконият яратадиган халқаро меъёрий ҳужжат йўқ. Ривожланган мамлакатлар ушбу вазиятдан кенг фойдаланмоқдалар.

Оммавий коммуникация – хориж ОАВда ахборот экспансиясидан ҳимояланиш, фикрлаш ва ўзини туттиш воситаси сифатида. Хорижий ОАВ экспансиясидан ҳимояланиш учун энг қулай чоралардан бири – маҳаллий ОАВ. Ўзбекистон шароитида бунинг учун миллий газета, радио ва телевидениемизнинг имкониятлари бор, фақат улардан самарали фойдаланишимиз зарур. Бунинг учун бош омил ва мустаҳкам асос – миллий истиқлол ғоясидир.

ОАВ доирасида халқаро корпорация; дунё ҳамжамияти ва айрим давлатларда жамоатчилик фикрини шакллантириш механизми сифатида. ОАВ соҳасида бевосита халқаро корпорациялар кам ва улар дунё бўйича ахборот тарқатиш жараёнига катта таъсир кўрсатолмайдилар. Бундай ОАВ сифатида биз “Си-эн-эн” ва “Би-би-си”, “Евроњьюс” ва ТВ–5, “Ассошиэйтэд Пресс” ва “Франс Пресс”, Рейтер ва ИТАР-ТАСС, “Америка овози” ва “Дойче Велле”ларни тилга олишимиз ўринлироқ бўларди. Ушбу ахборот манбалари АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Россияга тегишли бўлиб, улар нафақат юқори тезлик ва катта ҳажмда, шу билан бир қаторда турли тилларда маълумотларни тарқатадилар. Масалан, “Би-би-си” телерадиокорпорациясининг ўзбек тилидаги сайти, “Америка овози” радиостанциясининг эса ўзбек тилидаги бўлими бор. Биз улар ўзбекистон ҳақида тарқатадиган материалларга бефарқ бўла олмаймиз.

13.2. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифалари

Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, кўплаб

жамоатчилик ташкилотлари, турли ноҳукумат жамғармалар ва ҳаракатларнинг барчаси бўлмаса-да, кўпчилиги ўз оммавий ахборот каналига, шунингдек оммавий алоқалар хизматига эга, умуммиллий ОАВга чиқа олади. Табиийки, улар ижтимоий-сиёсий, оммавий ва ихтисослашган нашрлар орқали ўз дунёқарашлари, дастурий мақсад ҳамда вазифаларини тарқатишга ҳаракат қиладилар.

Лекин ҳар қандай сиёсий ёки бошқача тузилма, агар у Конституцияга, қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаса, бир умумий мақсад - мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиёти муносабатларини қарор топтириш, жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, фуқаролар фаровонлигига эришиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига ҳисса қўшиш нуқтаи назаридан амал қилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ бу ташкилотларнинг ҳаммасининг ҳам фаолияти республика оммавий ахборот воситаларида муносиб равишда акс эттирилавермайди. Фақат давлат томонидан молиялаштирилувчи ахборот воситаларигагина эмас, балки партиявий нашрларга ҳам шу фикр тааллуқлидир. Камдан-кам истисно ҳолларни ҳисобга олмаганда, уларнинг ишга ёндашувлари бир хил йўналишда бўлиб қолмоқда. Журналистлар ҳар доим ҳам партия ҳаётидаги ўткир масалаларни кўтариб чиқавермайдилар, кўтарган ҳолларида ҳам ҳеч бир мунозарасиз, муҳокамасиз, чуқур таҳлилларсиз, бирор масалага аниқ урғу бермай, зиддиятларни ҳаспўшлаш йўлидан борадилар.

Бунинг оқибати ўлароқ партияларнинг, улар матбуотининг четдан уюштириладиган мафкуравий, ғоявий тазйиқларга (баъзида Ўзбекистонга нисбатан шундай ҳолатлар кузатилади) қарши самарали иши кўринмайди. Ваҳоланки, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан бундай иш улар томонидан ўта зарур деб қаралмоғи лозим.

Шундай экан, ОАВнинг таҳририятлари ўз ишида аудитория манфаатлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқмоғи, унинг эътиборига мавжуд ҳар хил нуқтаи назар ва фикрларни ҳавола қилмоғи, ислохотларнинг бориши, уларнинг турли

ижтимоий гуруҳ, табақа ва бошқа қатламларнинг ҳаётига таъсири ҳақида маълумотлар етказиб турмоғи лозим. Афсуски, республикамиз матбуоти кўпинча, айниқса, кимнингдир фикри умумий қабул қилинган меъёрларга тўғри келмаган ҳолларда ортиқча эҳтиёткорлик кўрсатиб, уни рад этадилар, у ҳақда лом-лим демайдилар.

Ҳолбуки, агар бундай фикр баъзи кишилар онгида пайдо бўлиб, бошқаларга ҳам таъсир ўтказа бошласа, шундай вазият юзага келадики, муайян масал ада ахборот танқислиги сабабли турли-туман миш-мишлар, нотўғри талқинлар, уйдирмалар урчиб кетади. Буларнинг барчаси жамият ахборий хавфсизлигига таҳдид туғдириш учун қулай муҳитни юзага келтиради. Натижада миллий манфаатлар ҳам хавф остида қолиши мумкин.

Ахборот, алоқа тармоқларини, жамият ҳаётини таъминловчи ўта муҳим инфратузилма тизимини мураккаблаштириш ҳам яна бир хавф манбаидир. Бу хавфлар атайлаб қилинган ёки тушунмаслик оқибати, техник ва дастурий таъминотдаги узилишлар ёки нуқсонлар, жиноий уюшма ёхуд жиноятчи унсурлар томонидан амалга оширилган зарарли таъсирлар бўлиши мумкин.

Мулк эгаларининг кичик бир гуруҳи қўлида оммавий ахборот воситалари тўпланиб қолиши ҳам хавф манбаи бўла олади. Бу соҳадаги монополия, одатда, бирор ижтимоий аҳамиятга молик воқеа ҳақида жамоатчиликда нотўғри фикр уйғотиш, шунингдек жамиятнинг ахлоқий негизларини барбод қилиш учун замин яратади.

Ҳозирги дунёда давлатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриши ҳамон сақланиб қолаяпти. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, мамлакатлардан ҳар бирининг ўз манфаатлари бор ва бу давлатлараро муносабатларда у ёки бу сиёсатни ўтказишни тақозо этади. Шу асосда келиб чиқадиган зиддият, албатта, ахборот соҳасида ҳам намоён бўлади. Илмий адабиётларда “ахборот қарама-қаршилиги” деган таъриф қарор топган: бу аудиторияга атрофда бўлаётган бирор воқеа-ҳодисага нисбатан ўз мулоҳазаси, қарашлари, фикрларини иккинчи томон ғояси ва изоҳини рад этиш йўли билан тикиштиришга уринишни англатади.

Журналистнинг маҳорати долзарб муаммолар ва фикрларнинг жамоатчилик ҳукмига етказилишда, зарур бўлса, улар атрофида мунозара уюштириш ва батафсил шарҳлаб беришда кўринади. Гарчи баҳс-мунозара ҳақиқатни тўлиқ юзага чиқармаса-да, шу ҳақиқат изланганининг ўзиёқ муҳимдир. Зеро, бу аудиторияни ўйлашга, мулоҳаза қилишга, ўзини ташвишлантираётган масалаларга жавоб топишга ундайди. Акс ҳолда жамоатчилик фикрида турғунлашув юз беради. Тафаккур қилмайдиган, мулоҳаза юритмайдиган жамият чет таъсирига тушиб қолиши мумкин. Айниқса, Ўзбекистон ахборот кенглигида оммавий ахборот воситаларининг кўпгина чет эл каналлари фаоллик кўрсатаётган ҳозирги пайтда бундай эҳтимоллик жуда кучлидир. Олдинги бобларда санаб ўтилган етакчи хорижий оммавий ахборот воситалари бу борада ўзаро рақобатлашибгина қолмай, бизнинг ахборот бозоримиз учун Ўзбекистон ОАВ билан ҳам кураш олиб бормоқдалар. Ўз-ўзидан равшанки, улар аудитория онгига кўпинча ўз мамлакатларининг манфаатлари буюрган ғоявий қарашларни сингдириш пайидан бўладилар, агар мамлакатимиз ОАВ бирор хусусда жимлик сақлашни ёки бирор нарсани эътиборсиз қолдиришни афзал биладиган бўлсалар, уларнинг хорижлик ҳамкасблари айти шу нарса ҳақида ўзларича шарҳлаб ва талқин қилиб жар соладилар. Ўзбекистон матбуоти баён этиши мумкин ва жоиз бўлган нуқтаи назарнинг йўқлиги ёки анча кечикиб муносабат билдирилиши шунга олиб келадик, дастлабки ахборот туфайли пайдо бўлган фикрни ўзгартириш мушкуллашади, чунки бу ерда гап бирор нарсага ишонч ҳосил қилган кишини қайта ишонтиришдек қийин вазифа устида боради.

Оммавий ахборот воситаларига нисбатан яна шуни айтиш зарурки, спорт соҳасида бўлганидек, бу ерда ҳам энг яхши ҳимоя - ҳужумдир, ва ноиложликдан, улар хуружга қарши мажбуран қилинадиган ҳужум эмас, балки содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ўз вақтида, зудлик билан ҳолис ёритиш орқали муҳолиф томонни “қуролсизлантириш”, уларнинг фикс-фужур гапларига ўрин қолдирмаслик, яъни улардан ҳам илдамроқ ахборот етказит маъносидаги саъй-ҳаракатдир. Лекин, афсуски, жаҳон ахборот майдонида

ўқувчи, тингловчи ва томошабиннинг онги-шуурини, қалбини овлаш учун олиб борилаётган бу кўзга кўринмас рақобат курашида Ўзбекистон журналистлари ташқи ахборот каналларига бўш келиб қолаётган ҳоллар кам эмас. Бундай вазиятни маъмурий буйруқбозлик билангина ўнглаб бўлмайди. Чунки бу эркин “бозор”да ҳар ким ўзи хуш кўрганини харид қилади, ўқийди, кўнглига ёкса, эшитади ва кўради, чунки бу унинг манфаатларига, қизиқишларига мос келади.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг ижтимоий табақалашуви юз бермоқда. Ҳар бир қатламнинг ўз ижтимоий мўлжаллари бор. Лекин бизда оммавий ахборот воситалари маълум даражада тармоқланган, замонавий жамиятнинг ўзига хосликларини гўё ҳисобга олгандек бўлса-да, барчаси бир қиёфада кўринади. Ўзбекистон аудиторияси мамлакатимиз ОАВ каналларига мурожаат этиб, кўпинча уларда бизни қўшаб олган олам билан, кишилиқ жамиятининг ҳозирги ривожланиш даражаси билан муносабатликни кўрмайди.

Муайян руҳий ҳолатни шакллантириш учун ҳозир XX аср бошларидаги сингари кўплаб кунлар ва ҳафталар талаб этилмайди. Телеалоқа тизими бунга бир неча соатда, ҳатто тўғридан-тўғри кўрсатувда эришиши мумкин. Бунинг учун, масалан, Си-эн-эн телеканали меҳмонхоналардан бирининг тоmidан туриб АҚШ авиацияси Ироқ пойтахти Бағдодни қандай бомбардимон қилганини онлайн режимида кўрсатганлигини эслаш кифоя.

Кишиларнинг яшаш жойларидан қатъи назар, юқори технологиялар улар турмушининг барча соҳаларини турли тарзда ва турли шаклда қамраб олиб, таъсир кўрсатиш учун имконият яратади. Шу боисдан шахс ва жамиятнинг ахборот-технологик ҳавфсизлиги мақсадларида ташқи каналлар ноҳуш таъсирининг олдини олишни кўзлаб, ахборотга эркин эга бўлиш учун шароит ва кафолат яратиш, ғайриқонуний ахборот-психологик таъсирдан ҳимояланиш, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш зарур.

Агар мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ўз аудиториясининг ахборотга бўлган хоҳиш-истаклари, ҳис-туйғулари, руҳиятларига айтилган пайтда тўлиқ жавоб бера олса, янгиликларнинг бошқа манбаларини

қидиришга эҳтиёж ҳам, ҳохиш ҳам қолмайди. Ҳатто ташқи ахборот каналига тўқнаш келганларида ҳам, у тақдим этаётган маълумотни кўр -кўрона қабул қилавермасдан, ҳар бир нарсани танқидий мулоҳаза қилиб кўришга тайёр бўлишади.

Айниқса, ғавқулодда ҳолатларда фуқароларнинг ахборот-психологик ҳавфсизлигини таъминлаш ҳақида гапирганда, шуни афсус билан таъкидлаш керакки, бундай пайтда бизнинг матбуотимиз саросимага тушиб, нима қиларини билмай қолади. Журналистларимиз жадаллик кўрсатиш ўрнига сусткашлик қилиб, ўзларини йўқотиб қўйишади. Ваҳоланки, ҳалқаро журналистикада ғавқулодда мазмунли ахборот биринчи ўринда туриши кузатилади.

2000 йил августида Россия атом сувости кемаси ҳалокатга учраганида, 2001 йил сентябрда Нью-Йоркдаги эгизак бинолар - Жаҳон савдо марказига ҳужум уюштирилганида шундай бўлди. Америкалик ва россиялик журналистлар туфайли бу фожиалар миллий доирадан чиқиб, умумжаҳон, глобал фожиага айланди.

Ўзбекистонда ҳам ғавқулодда ҳодисалар юз берган. 1999 йил февралда, 2000 йил август, 2005 йил май ойларида шундай воқеалар содир бўлди. Афсуски, мамлакат ОАВ улар ҳақида хабар беришда ўзларини кўрсата билмадилар. Фақат вақт ўтгач, уларда ушбу ҳодисалар сабаб-оқибатини очиб берувчи материаллар пайдо бўлмади. Кейинчалик расмий терговлар ва суд жараёнида бу қўпоровчилик ҳаракатларини уюштирган экстремистлар мақсади фақат Марказий Осиёда беқарорлик пайдо қилиш билангина чекланиб қолмасдан, Ўзбекистонда давлат тўнтаришини ҳам амалга ошириш бўлганлиги тасдиқланди. Агар журналистлар ўша пайтнинг ўзидаёқ аниқ маълумотлар билан чиқишлар қилганларида, фақат мамлакатимиздагина эмас, балки жаҳон миқёсида жамоатчилик фикри самарали шакллантирилган бўлар эди.

Яна бир жуда муҳим йўналиш борки, у ҳам ҳавотир уйғотмаслиги мумкин эмас. Айтиб ўтилганидек, бизда мўмай даромад кетидан қувиб, оммавий аудитория ноғорасига ўйновчи кўплаб нашрлар пайдо бўлди ва

бўлаётир, улар айна ўша миждларининг паст савиялари, тўпори дидларига мос равишда иш тутишади. Адади юқори ва тинимсиз ошиб бораётган газета-журнал тарзидаги мазкур нашрларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, улар асосан чет эл материалларини кўчириб босиш билан шуғулланишади. Устига-устак бу ишга бир томонлама ёндашадилар: ҳар қаердан юлқиб олинган материаллари кўпинча порнография, зўравонлик, маиший жанжаллар ёки чет эл кино, эстрада, спорт ва бошқа соҳа “юлдузлари” турмушининг икир-чикирлари ҳақида бўлади. Натижа шундайки, бугунги кунда йигит-қизларимиз мамлакатимиз ҳаётидаги мавжуд муҳим муаммолардан кўра ёшларнинг ғарбдаги суюкли пешволари қандай яшашларию, нималар еб-ичишлари, қаерларга йўллари тушиб, қандай машғулотлар билан банд бўлишларини яхшироқ биладилар.

Яратувчилик ғояларига келсак, ушбу нашрлардан уларни топиб бўлмайди. Бундай ғоялар ҳар бир қалбда пайдо бўлиши учун жамият маънавияти ва ақл-заковатини юксалтириш керакка ўхшайди. Лекин юқори маълумотли ва маънавиятли жамиятда ҳам бўлар-бўлмасга ҳадеб юзаки панд-насиҳат қилинавермаслиги, хулқ-атвор тарбиясига, қуруқ ўғитвозликка ружу қўйилавермаслиги лозим. Чунки бу акс самара бериши мумкин. Бундай “ақл ўргатавериш”лардан шўролар даврида омма безор бўлган. Эндиликда экранда Россия телеканалларида, Би-би-си, “Дискавери”, “Нешнл географик” каналларида тайёрланиладиган маърифий кўрсатувларга ўхшаган дастурлар сонини кўпайтириш мақбулдир.

Ахборотлашган жамият - билимлар жамияти, умр бўйи давом этадиган узлуксиз таълим жамияти бўлиб қолиши лозим. Бу ахборот-психологик хавфсизликка бевосита дахлдордир. Шунинг учун Ўзбекистон телевидениеси кадрлар тайёрлаш, уларнинг маданий ва таълим даражасини оширишга қаратилган миллий дастурни амалга ошириш доирасида аҳолини зарур маълумотлар билан таъминлашдек муҳим вазифани бажариши керак.

Ахборот-психологик хавфсизликка эришиш фуқаролар билан давлат ўртасидаги яқин алоқани амалга оширувчи жамоатчилик институтларини

ташкил этиш билан жипс боғлиқ. ОАВ ана шундай институтлардан бири бўлмоғи лозим. Ҳозирги кунда бу соҳа асосан давлат таъсисчилигидаги матбуот нашрларидан иборат. Албатта, давлат ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имконига эга бўлиши керак, лекин бу ҳолда ОАВ ишига маъмурий буйруқбозлик услуби асосида таъсир этиш, аралаштириш иштиёқи сезиларли даражада сақланиб қолади. Бундан қутулишнинг йўли ижтимоий институтлар, Журналистлар ижодий уюшмаси, Оммавий ахборот электрон воситалари миллий Ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ахборот агентликлари фаолиятини фаоллаштиришдан иборат.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1. Ахборот уруши ва ахборот қарама қаршилиги деганда нимани тушунасан?*
- 2. Ахборот қарама-қаршилигининг мақсади, восита ва шакллари ва уни назорат этиш деганда нималар назарда тутилади.*
- 3. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифалари нималардан иборат?*
- 4. Фавқулодда ҳолатларда фуқароларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш учун нималарга эътибор берилиши лозим бўлади?*
- 5. Ахборотлашган жамият - билимлар жамияти, узлуксиз давом этадиган таълим жамияти бўлиши зарурлиги деганда нималар назарда тутилади?*
- 6. Ахборот-психологик хавфсизликка эришиш фуқаролар билан давлат ўртасидаги яқин алоқани амалга оширувчи жамоатчилик институтларини ҳамкорлигини нима учун зарур?*

Мустақил иш учун мавзулар:

1. Ахборот уруши ва ахборот қарама қаршилиги деганда нимани тушуасиз?

2. Ахборий қарама-қаршиликнинг мақсади, восита ва шакллари ва уни назорат этиши деганда нималар назарда тутилади.

3. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг миллий манфаатларни ҳимоя қилиши соҳасидаги вазифалари нималардан иборат?

4. Фавқулодда ҳолатларда фуқароларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш учун нималарага эътибор берилиши лозим бўлади?

5. Ахборотлашган жамият - билимлар жамияти, узлуксиз давом этадиган таълим жамияти бўлиши зарурлиги деганда нималар назарда тутилади?

6. Ахборот-психологик хавфсизликка эришиши фуқаролар билан давлат ўртасидаги яқин алоқани амалга оширувчи жамоатчилик институтларини ҳамкорлигини нима учун зарур?

ИНТЕРНЕТ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИ – АХБОРИЙ ТАҲДИДЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Интернет маданияти тушунчаси. “Маданият” сўзининг мазмуни, маданиятга берилган таърифлар, “интернет-маданияти” ҳақида тушунча, “оммавий маданият” тушунчаси, миллий қонунчиликда шахсни носоглом ахборотлардан ҳимоялаш механизмлари.

Интернет ва ундан фойдаланиш маданияти. Интернет бу – ҳозирги замон талабидаги ягона ва оммабон компьютер тармоғи эканлиги, интернет ва ундан фойдаланиш маданияти интернет тармоғидаги ижобийлик ва салбийлик, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлашда интернетдан фойдаланиш маданияти. интернет-кафелар, Интернет провайдер, давлат ахборот ресурслари, “Зиёнет” порталлари фаолияти.

Интернет тармоғида мавжуд алоқаларнинг ҳимоясини таъминлаш асослари. Интернет тармоқлараро ахборот алмашувини таъминловчи магистралдир, интернет тармоғида мавжуд алоқаларнинг ҳимоясини таъминлаш муаммолари, интернет ёрдамида дунё билимлар манбаига кириш, қисқа вақт ичида кўплаб малумотларни йиғиш, ишлаб чиқаришни ва унинг техник воситаларини масофадан туриб бошқариш имкониятлари.

Таянч тушунча ва атамалар: интернет, интернет маданияти тушунчаси, “оммавий маданият” тушунчаси, миллий қонунчиликда шахсни носоглом ахборотлардан ҳимоялаш механизмлари, Интернет ва ундан фойдаланиш маданияти, интернет тармоғидаги ижобийлик ва салбийлик, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлашда интернетдан фойдаланиш маданияти, интернет-кафелар, Интернет провайдер, давлат

ахборот ресурслари, "Зиёнет" форталлари, интернет тармоғида мавжуд алоқаларнинг ҳимоясини таъминлаш муаммолари.

14.1. Интернет маданияти тушунчаси

“Фалсафа” қомусий луғати бўйича “Маданият” сўзи (арабча-“мадиналик”, яъни шаҳарлик, таълим-тарбия кўрганлик) деган маъноларни англатади ва табиат ҳамда ўзаро муносабатларда акс этадиган инсон фаолиятининг ўзига хос усули эканлиги таъкидланади.

Маданият – нафақат инсонларнинг ижодий фаолияти туфайли яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуи, айти пайтда у жамият тараққиётининг даражасини ҳам ифодалайди, яъни жамиятдаги билим, мезон ва қадриятларнинг йиғиндисидир.

Маданиятга берилган таърифлар умумлаштирилса, унинг маъно-мазмунини қуйидагича тушуниш мумкин:

1. Маданият - узоқ тарихий тараққиёт жараёнида инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлар, асори-атикалар йиғиндиси.

2. Маданият - у ёки бу жамиятга хос фалсафий қарашлар, илм, фан, маориф, санъат, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат маиший хизмат кўрсатиш даражасини акс эттирувчи омиллар, ижтимоий тараққиёт даражаси.

3. Маданият - инсонлар ҳаётида, жамият ривожига шаклланган миллий, умуминсоний қадриятлар мажмуи.

4. Маданият - ҳар бир кишининг тарбияланганлиги, инсонийлик фазилатлари ва ижодий фаолиятининг ифодасидир.

Интернет-маданият (инглиз тилида **Internet culture**) - бу интернет орқали фойдаланувчиларнинг мулоқот, ахборот олиш ва узатиш маданиятидир.

Интернет-маданият (интернет фойдаланувчиларининг кибермаданияти) деганда, шунингдек, ижтимоий онга салбий таъсир этувчи, жумладан, амалдаги давлат тузумига қарши қаратилган, диний-экстремистик, террористик

ва бошқа мазмундаги ахборотларни тарқатувчи сайтлардан фойдаланилишнинг онгли равишда чекланилиши тушунилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда интернет оламида кенг учраётган “кибержиноятчилик”, “киберфирибгарлик”лар жиноятчилар ва жабрдийдаларнинг интернет-маданият меъёр-ларига риоя қилмаслиги оқибатида юзага келмоқда.

Интернет ва ижтимоий-тармоқлар орқали фойдаланувчилар-нинг исталган (текширилмаган) ахборотларни алмашиши ҳамда бир-бирлари билан ўта эркин (филтрланмаган) тарзда мулоқотда бўлиши “интернет-маданият” ва унга риоя этиш муаммосининг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Агар ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида ёшларнинг энг севимли машғулоти мусиқа тинглаш ва телекўрсатувлар кўриш бўлган бўлса, ҳозирги пайтда эса компьютер ва Интернет аввалги қизиқишларни ёш авлод ҳаётидан сиқиб чиқарди. Замонавий ёшларининг 70 фоизи ўз қизиқиш ва севимли машғулоти ҳақида сўз юритганда спорт, дўстлар билан суҳбатлашиш, маънавий ва маданий ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда компьютер технологиялари, Интернетга бўлган қизиқиши биринчи ўринда тилга олинади.

Nielsen/Net Ratings компанияси ўтказган сўнгги илмий текширув натижаларига кўра, бутун дунё тармоғига уланаётган ёш болаларнинг сони кун эмас, соат сайин ошмоқда: биргина 2007 йили Европада ёш авлод вакиллариининг учдан бир қисми онлайн тизимидан фойдалангани кузатилган. 2008 йили дунё ахборот тармоғидан 10 миллион бола фойдаланган бўлса, ҳозирда уларнинг сони аллақачон 18 миллиондан ошиб кетди. Бу кўрсаткич кундан-кунга кўпаймоқда. Ўз ҳаёт мазмунини бундай онлайн тизимида кўраётган ёшларнинг катта қисми - 4,5 миллиони Буюк Британияга тўғри келади. Улар ҳар куни электрон манзилларини текширади, турли хил сайтлардан маълумот излайди ва чат (глобал тармоқдаги суҳбатхона)лар орқали мулоқотда бўлишади. Германияда ҳозирча 3 миллион ва Францияда эса 2,5 миллион бола вақтини асосан онлайн тизимида ўтказади.

Кун тартибидаги машғулотларни даражага бўлинса, бунда ёшлар илм олишни энг охирги ўринга қўйиши тасдиқланди. Улар асосан интернет орқали мусиқа тинглайди, электрон манзилни текширади, хуллас, вақтичоғлик қилади. Ёшларнинг учдан икки қисми Интернетга янги дўстлар орттириш ва ким биландир суҳбатлашиш мақсадида уланади, уларнинг 15 фоизи бу муносабатларни кейинчалик реал ҳаётда давом эттирар экан.

Бугунги глобаллашув даврида интернет тизими орқали ўзбек менталитетига мутлақо ёт мафкура ва дунёқарашни ёшларимиз қалби ва онгига сингдиришга ўринаётганлар борлиги, айниқса, хатарлидир. Зеро, мафкуравий хуружлар, аввало, ёшларнинг онгини захарлашга қаратилган бўлиб, **“оммавий маданият”** деб аталаётган иллат ҳалқимизнинг маънавий бойлиги бўлган одоб-ахлоқ, ибо, ор-номус, ирода, шарм-ҳаё, иффат-андиша каби фазилатларимизни нурсизлантириб, кўп мингйиллик миллий қадриятларга путур етказаётир.

1. Аввало оилада фарзандлар тарбиясига катта масъулият билан ёндашиш;

2. Интернетдан ёлғиз қолганда ҳам фойдаланиш эҳтимоли бўлган болани ота-она қаттиқ назорат остига олиши;

3. Компьютерга ножуя ахборотларни қабул қилишга қарши махсус тақиқлов дастурлари ўрнатиш. Хорижда бундай тажриба кенг йўлга қуйилган (бу йўналишдаги энг машҳур дастурлар: Киберпатруль ёки Кидсконтрол);

4. Ўқув юртларида олиб борилаётган АКТга доир машғулотларга интернет-маданият тарғиботига қаратилган мавзуларни киритиш;

5. Тегишли ташкилотлар томонидан ўқув муассасалари ва давлат корхоналарида интернет тармоғидан фойдаланишда интернет-маданиятга, жумладан, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиниши ҳамда фуқароларни турли маънавий таҳдидлардан сақлаш, уларнинг онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришга қаратилган ўқув семинарлари ва тадбирларнинг ташкил этилиши;

6. Оммавий ахборот воситаларида интернет-маданиятга доир материалларнинг эълон қилиб борилиши.

Миллий қонунчиликда шахсни носоглом ахборотлардан ҳимоялаш механизмлари:

➤ Ўзбекистон Республикаси “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси талабларига кўра, қонунга ҳилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида рухий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўйилмайди.

➤ “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида ёшлар орасида одоб- ахлоқни бузишга, шу жумладан, ҳаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракат ман этилиши белгилаб қўйилган.

➤ Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 16-моддаси талабларига кўра, ҳар бир вояга етмаган муштарий оммавий ахборот воситаларида ахлоқий ва маънавий камол топишига зиён етказмайдиган ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуннинг 12¹-моддаси талабларига кўра, веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан:

➤ Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш;

➤ уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш;

➤ давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўрикланадиган бошқа сирни ошкор этиш;

➤ миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш;

➤ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

➤ қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт.

Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни жойлаштиришдан аввал унинг тўғрилигини текшириши, шунингдек жойлаштирилган ахборотнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда уни дарҳол ўчириб ташлаши шарт.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган мажбуриятлар веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер томонидан бажарилмаган тақдирда мазкур веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан фойдаланиш Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда махсус ваколатли орган томонидан чекланиши мумкин. Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган талабларни бузганлик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

14.2. Интернет ва ундан фойдаланиш маданияти

Интернет бу – ҳозирги замон талабидаги ягона ва оммабоп компьютер тармоғи ҳисобланиб, бизга барча соҳаларга оид тушунчалар ҳақида очиқ – ойдин ва равион маълумотлар берувчи ахборот манбаидир.

Табийки, ҳозирги кунда ушбу омилга бўлган этиёжмандлар сони кундан кунга ортиб бормоқда. Мазкур тармоқ бутун дунё миқёсидаги глобал тармоқдир. Зеро унда мавжуд янгиликлардан хабардор этувчи матнлар, тасвир ҳамда овоз хизматлари ва бир қатор имкониятлар барча

жабҳада катта енгилликларни юзага келтираётган бўлса-да, аммо иккинчи томондан исониятни беихтиёр вертуал оламга жалб этиб бормоқда.

Айниқса бу таъсир доирасидан ўсмир ёшлар руҳияти ҳам бебаҳра қолаётгани йўқ. Оддий мисол қилиб айтадиган бўлсак, унинг биргина талабалар ҳаётидаги салбий ва ижобий аҳамияти ҳақида мутахассис психологларнинг фикрлари қайсидир маънода ҳақиқат эканлиги ҳақида ҳар-бир кишини ўйлантирмаслиги мумкун эмас.

Бу борада психологларнинг сўзлари қуйидаги натижаларни исботламоқда: интернет тармоғидаги ижобийлик талабаларнинг фан, соҳа ва фаолиятига боғлиқ муҳим аниқ далилларга эга бўлишида, ҳар томонлама қулайлиги ва тегишли вақт миқдорининг тежалишига олиб келиши кундек равшан, лекин қизиқувчанлик сабабли интернет ахборотларидаги ортиқча маълумотларга ҳаддан зиёд берилиб кетишлари талабалардаги энг муҳим инсоний хислатлар: изланувчанлик, фикрий ривожланиш, мушоҳада, таҳлил қилиш қобилияти ва хотиранинг ўткирлик даражаси сусайишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, интернет воситасидан фойдаланиш ҳеч кимга мажбурий бўлмаган ва инсоннинг ўз тафаккуридан келиб чиққан қонун-қоидалар асосида бўлиши кераклиги ҳамда ундаги меъёр талаблари, яъни интернет тармоғидаги ахборотларни тўғри танлаш ҳар жиҳатдан ўринлидир. Бундан кўришиб турибдики, ушбу тармоқ воситасининг ўз ичига қамраб олган ахборотлар миқёси шу қадар кенг ва кўп эканлиги гоҳида ўзимизга айнан керакли бўлган маълумотларни бошқа бир маълумотларга алмаштириб юборишимиз ёки уларни ажрата олмаслигимиз ва яна бир қанча хатоликлар айнан интернет тармоғи имкони-ятларидан нотўғри фойдаланишимиз орқали юзага келаётган камчилликлардир.

Барчамизга маълумки, интернетда ишлашимиз учун қидирув тизимининг ўрни беқиёс. Ўзингизга керакли барча маълумотларни шу каби бирон бир сайтнинг “излаш” каттакчасига ёзиб, чиқарилган кўпгина маълумотлар ичидан ўзингизга кераклисини танлаб олаверасиз ёки маълум бир сайтнинг манзили

ёдингиздан кўтарилдими, яна ўша қидирув системалари ёрдамга келадиган сайтга алоқадор калит сўзларни терасиз ва қарабсизки, ўша сайт қаршингизда намоён бўлади.

Интернет тармоғида Yahoo, Google, Ref.uz, сингари яна бошқа номлар билан аталувчи қидирув дастурлари мавжуд.

Юқоридаги қидирув дастурлари ҳақида батафсил ва умумий таъриф беришда уларни бирор бир тизим масалан, **Google** тизим орқали тушунтириш мақсадга мувофиқдир.

Бу компания интернетдаги етакчи қидирув тизими ҳисобланади, дунё бўйлаб тармоқ фойдаланувчиларининг ўнтадан еттитаси у ёки бу маълумотларни топиш илинжида айнан мана шу сайтга мурожат қилишади. Тизим ҳар куни 50 миллионга яқин сўровларни қабул қилади, саккиз миллиардлаб веб-саҳифаларини индексация қилади. У 101 тилдаги ахборотни излаб топиши мумкин. Кейинги йилларда бутун дунё Интернет фойдаланувчилари орасида кенг оммалашиб бораётган **Google** тизими 1998 йил сентябрда ишга тушган. Ҳозирда бу компаниянинг қидирув тизимидан ташқари яна бир қатор фойдали ва қулай хизматлари мавжуд ва улар сони ортиб бормоқда.

Яқинда **Google** нинг 14 йиллиги нишонлаган.³¹ Дарҳақиқат, ҳозирда нафақат интернет тармоғининг вужудга келганлиги, бундан ташқари шу каби жаҳонлараро ривожланиб келаётган турли-туман ахборот технологияларнинг ёш авлодга ҳар томонлама ва қай ҳолатда ўз таъсир кучини ўтказаётганлиги бир ёқлама қувонарли бўлса-да, иккинчи томондан уларни турли салбий сабоқлардан асраш мақсадида тарбиявий муҳитни кучайтиришга ундайди.

“Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио - телевидение, матбуот интернет каби воситалар орқали ҳам ранг баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шудай бир шароитда болаларимизниг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима,

³¹ www.google.uz. “google ҳақида”.

буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш ҳеч шубҳасиз замоннинг талабига ҳам бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият куриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз .

Бинобарин, биз давлатимиз келажагини ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини фикрлар ранг - баранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз. Биз бутун маърифатли дунё, ҳалқаро ҳамжамят билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз.

Биз учун шундай йўл маъқул, унинг бошқа муқобили йўқ. Мухтасар қилиб айтганда, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.

Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”.

Ҳозирги замон ахбороти тизими, унинг жуда кенг имкониятларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ахборот олиш, сақлаш, фойдаланиш ва тарқатишнинг умуммиллий манфаат ва умуммиллий тараққиёт нуқтаи назаридан бошқарув механизмини яратиш, унинг моҳияти ва унсурларни чуқур англаш зарур бўлиб қолмоқда. Ана шу ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқиб ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг қуйидаги усуллари кўллаш маданиятини зарур деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, *социологик йўналиш*. Бунда ахборот олиш ва тарқатиш жараёнида жамият тараққиётида ахборотнинг ижтимоий воқелик сифатидаги ролидан келиб чиқиб, жамиятда шаклланаётган ижтимоий онг йўналишлари ижтимоий тафаккур даражаси ва унинг оқимларини ўрганишни йўлга қўйиш керак. Аҳоли турли қатламлари, қарашлари, касбий ва бошқа ижтимоий ҳолатлари асосидаги фикрлаш тарзини аниқлаб бориш зарур.

Иккинчидан, *статистик йўналиш*. Кўп миллатли мамлакатда, хусусан, 130 дан ортиқ миллат ва элат яшаётган, 20 га яқин диний конфессиялар фаолият кўрсатаётган Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро мажороларни турли сиёсий манфаатлар ва бузғунчи ғоялар таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар манбаларини ўрганиб бориш, бу борада аниқ ҳисоб-китобларга таҳлилий ечимларга эга бўлиш.

Учинчидан, *сиёсий конфликтология ва сиёсий психология*. Ахборот психологик хавф авж олаётган бир пайтда, турли бузғунчи ғоялар инсон онги ва тафаккурига ўз таъсирини ўтказаётган бир шароитда сиёсий мажоролар келиб чиқиши мумкин бўлган манбаларни ўрганиш, омилларини аниқлаш ҳамда унинг натижасида жамиятда шаклланиши мумкин бўлган жамоатчилик фикри сиёсий қарашлари, руҳияти, ижтимоий-сиёсий психологик изчил равишда ўрганиб борилмоғи лозим.

Тўртинчидан, *манتيқий тизимий ва функционал таҳлил*. Ахборот тизими, хусусан, ахборот психологик таъсир ахборот сиёсати тизими ва воситасининг муҳим қисми сифатида баҳоланиши лозим. Воқеликка ана шу тарзда ёндашиб, илмий - таҳлилий назарий ва амалий хулосалар чиқариш керак. Тиғиз ахборотлашган жамиятда ахборот оқими таъсирида шаклланаётган ижтимоий фикр фан нуқтаи назаридан изчил ўрганилмоғи дозим. Унинг предмети ва методологиясини ишлаб чиқиш муҳим вазифа бўлиб қолди.

Бешинчидан, *ахборот тизимида миллий истиқлол ғоясининг устуворлиги*. Ҳар қандай фуқаро ахборот бозоридан “маҳсулот” танлаш жараёнида унинг қалбида, руҳиятида, кайфиятида, феъл-атворида, буларнинг барчасининг оқибати сифатидаги хатти-ҳаракати ва муносабатида мафкуравий иммунитет

устуворлигини таъминлаш. Албатта, Ўзбекистонда мустақилликнинг ўтган 20 йили мобайнида оммавий ахборот коммуникацияси соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Энг аввало ҳар бир фуқаронинг сўз ва фикр эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқи Конституция билан кафолатланди. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги бир қатор қонунлар яратилди ва амалда қўлланилмоқда. Мустақил нашрлар сони кескин кўпайди. Буларнинг ҳаммаси мамлакат ички ҳаётида миллий ахборот тизимининг ўзига хос тараққиётдан далолат беради.³²

Яна шуни таъкидлаш лозимки, интернет воситаларидан ўрин олган жамаки ахборот ва маълумотларнинг ҳаммаси ҳам реал ҳаққоний эмаслиги айни пайтда аён бўлмоқда. Бундан келиб чиқиб айтиш жойизки, олинаётган далилларнинг қай даражада тўғрилигини онгли равишда мушоҳада этиш мақсадга мувофиқдир. Шундагина интернет орқали эгаллаётган билимларимизнинг ҳаётимизда ижобий самара беришига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бугунги кунда интернет тармоғи ва ундан олинаётган маълумотлар инсоният ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб улгурди. Шундай ҳолатда интернетдан фойдаланиш, интернет хавфсизлиги, интернетнинг инсон руҳиятига, тафаккурига таъсири масаласи ҳар қачонгиданда долзарб муаммога айланиб бормоқда. Шунинг учун талабалар интернетдан фойдаланиш, интернетнинг ижобий ва салбий жиҳатлари, ахборот истеъмоли маданияти тушунчаларини билишлари муҳим ҳисобланади.

Ахборот мавзуси инсоният тараққиётининг барча босқичларида муҳим аҳамият касб этиб, бугунги серқирра ва интенсив ҳаётимиз, глобаллашув жараёнларида эса ахборот янада долзарб масала бўлиб, эндиликда ахборотга эгалик, замонавий тизимларининг шаклланганлиги мамлакатнинг демократик ривожини сифатловчи омилга айланди. Юртбошимиз раҳнамолигида ўтказилган тизимли ислохотлар, яратилган мукамал қонунчилик база, алоқа ва

³² Жўраев Н., Тарих фалсафасининг назарий асослари. Тошкент. Маънавият. 2008. 7-боб, 2- қисм, 427-428- бетлар.

телекоммуникация соҳасида олиб борилган технологик модернизатсия ишлари туфайли мамлакатимизда замонавий ахборот соҳаси барпо этилди.

Ўтган йиллар давомида ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий юксалиши, ахборотга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ахборот эркинлигини таъминлаш мақсадида зарур технологик шароитлар ва ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Ҳар кимнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, ўзи истаган ахборотни излаши, олиши, уни тарқатиш борасидаги конституциявий нормалар миллий қонунларимизда ривожлантирилди. Шунингдек, халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратилишини эътироф этувчи нормалар қонунларимизда ўз аксини топди. Хусусан, бугунги кунда ахборот соҳасида оммавий ахборот воситалари, шундан телевидения, Интернет-кафелар, Интернет провайдер, давлат ахборот ресурслари, "ЗиёНЕТ" ёшлар ахборот портали ва ахборот-кутубхона муассасалари фаолият юритмоқда. Интернетдан фойдаланувчиларнинг сони эса тўққиз миллиондан ортиқ кетди. Буларнинг барчаси фуқароларимиз, хусусан, ёшларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқининг ифодасидир. Глобал ахборот маконига реал кўз билан қарайдиган бўлсак, ҳозирда кенг жамоатчиликни хавотир ва ташвишга солиб келаётган муаммолардан бири, шубҳасиз, ахборот маконида носоғлом манфаатлар, зиддият ва қарама-қаршиликлар таъсиридаги агрессив ахборотларнинг (ўз жонига қасд қилишнинг осон ёълларини тарғиб қилувчи 9 минг, эротик мазмунга эга 4 мингдан зиёд сайтлар, компьютер ўйинлари зўравонлик ва ёвузлик, ўта жангари руҳдаги (бешафқат урушлар, ўлдиришлар, отишмалар, портлатишлар ва ҳоказо) Интернет сайтлар мавжудлиги), миллий ахборот маконимизга кириб келишидир. Ахборотлар тезкор Интернет орқали қабул қилинар экан, унинг аксарият фойдаланувчилари ёшлар ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги одноклассники.ру, фәсебоок.сом, маил.ру, тциттер.сом, Вконтакте.ру каби ижтимоий сайтларнинг доимий фойдаланувчилари саналади. Тан олиш керакки, Ўзбекистондаги жами сайтларда рўйхатдан ўтганлар жамланса ҳам юқоридаги миқдорга йетмайди. Ушбу рақамлар миллий

сайтларимизни ёшлар учун жозибатор, мазмунли, савияли, қизиқарли, ўзига тортувчи қилиб яратиш масаласига жиддий эътибор қилишга ундайди. Миллий сайтларимиз олдинда юрмасада, бошқа чет эл сайтлардаги каби "ўзига жалб қилиш" доирасини кенгайтирса, ёшларимиз миллий сайтларга биринчи бўлиб муурожаат қилиши мумкин бўлади. Ахборот соҳаси либераллашаётган бир пайтда, узоқ-яқин мамлакатлардаги турли хил сиёсий, мафкуравий ва бошқа кучлар (120 га яқин давлат ахборот хуружларини уюштириш устида иш олиб бормокда) ўзларининг ғаразли манфаатлари йўлида оммавий коммуникация воситаларидан фойдаланиб, ахборот эркинлигини суиистеъмол қилиб, ўсиб келаётган ёш авлодга ахборот таҳдидларини кўрсатиш орқали, ҳали онги ва ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитиш, уларнинг онги ва қалбини эгаллаш ёълидаги интилишларини кучайтираётгани сир эмас. Носоғлом ахборот оқимларидан ёшларни ҳимоялашга оид дунёда қатор ҳуқуқий механизмлар яратилган. Жумладан, ҳалқаро амалиётда "Кибер жиноятлар тўғрисида" Конвенция, "Вояга етмаганлар учун хавфсиз Интернет ва онлайн ресурсларни жорий қилиш тўғрисида" Европа Иттифоқи Парламенти Ассамблеясининг тавсиялари, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида" БМТ Конвенциясини, "Ёшларни ҳимоялаш тўғрисида" Германия, "Вояга етмаганларни оммавий ахборотнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш тўғрисида"ги, Литва "Болаларнинг соғлиги ва ривожланишига зиён етказувчи ахборотдан ҳимоялаш тўғрисида"ги Россия қонунларини тилга олишимиз мумкин.

Миллий қонунчилигимизда ҳам ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялашнинг механизмлари мавжуд. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунда "Ўзбекистон Республикасида ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонликни, ҳаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ман этилиши", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда "Порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намоиш этувчи, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир

кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда филмларни намойиш этиш тақиқланиши" белгилаб берилган.

Ахборот асри даврида ёшларга ёпирилиб келаётган ахборотлардан фойдалана олишлари, хусусан, носоғлом ахборотлардан химоялана олишлари, коммуникатсия воситаларидан тўғри фойдалана билишлари учун билим ва тажриба керак бўлади. Айнан мана шу борада улар катталар, айниқса, ота-оналар ва педагогларнинг маънавий-руҳий кўмагига муҳтож. Биз ўсиб келаётган ёш авлоднинг медиа саводхонлиги ва Интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтиришимиз лозим.

Ахборот маконининг глобаллашуви жараёнида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс чоратadbирлар режасини ишлаб чиқиш, буни амалга оширишда жамиятимизнинг кенг қатламлари: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ота-оналар ва педагогларни кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Дарҳақиқат, ахборот маконида таҳдидлар бор экан, Миллий ахборот маконимизга чегара қўйиб бўлмайди. Шундай экан, ёшларга соғлом ахборот муҳитини яратиб, улар маънавий оламининг дахлсизлигини асраш асосий вазифаларимиздан биридир. Зеро, ёшлар маънавиятига дахлдор юмушларда бепарволикка ёъл қўйиб бўлмайди.

14.3. Интернет тармоғида мавжуд алоқаларнинг химоясини таъминлаш асослари

Интернет тармоқлараро ахборот алмашувини таъминловчи магистралдир. Унинг ёрдамида дунё билимлар манбаига кириш, қисқа вақт ичида кўплаб малумотларни йиғиш, ишлаб чиқаришни ва унинг техник воситаларини масофадан туриб бошқариш мумкин. Шу билан бир қаторда, Интернетнинг

ушбу имкониятларидан фойдаланиб, тармоқдаги бегона компьютерларни бошқариш, уларнинг маълумотлар базасига кириш, нусха кўчириш, ғаразли мақсадда турли хил вируслар тарқатиш каби ноқонуний ишларни ҳам амалга ошириш мумкин. Интернетда мавжуд бўлган ушбу хавф, ахборот хавфсизлиги муаммолари бевосита тармоқнинг хусусиятларидан келиб чиқади.

Ихтиёрий тармоқ хизматини ўзаро келишилган қоида («протокол») асосида ишловчи жуфтлик «сервер» ва «мижоз» дастурий таъминоти бажаради. Ушбу протоколлар миқёсида ҳам «сервер», ҳам «мижоз» дастурлари рухсат этилган амалларни (операцияларни) бажариш воситаларига, масалан, **http протоколи**даги форматлаш буйруқлари, **Web-саҳифалар**да жойлаштирилган товуш, видеоанимациялар ва ҳар хил актив объектлар кўринишидаги микродастурларга эга. Худди шундай рухсат этилган операциялар, актив объектлардан фойдаланиб Интернетда баъзи бир ноқонуний ҳаракатларни амалга ошириш, тармоқдаги компьютерларга ва маълумотлар базасига кириш ҳамда уларга таҳдид қилиш мумкин бўлади. Бу хавф ва таҳдид қуйидагилардан иборат:

- Тармоқдаги компьютерларга рухсатсиз кириш ва уни масофадан туриб бошқариш, уларга сизнинг манфаатингизга зид бўлган дастурларни жойлаштириш;

- Web-саҳифаларда жойлаштирилган «актив объект» лар агрессив дастур кодлари бўлиб, сиз учун хавфли «вирус» ёки жосус дастурларни юклаш;

- Интернетда узатилаётган маълумотлар йўл-йўлакай алоқа каналлари ёки тармоқ тугунларида тутиб олиниши, улардан нусха кўчирилиши, алмаштириш;

- Давлат муассасаси, корхона (фирма)нинг фаолияти, молиявий аҳволи ва унинг ходимлари ҳақидаги маълумотлами разведка қилиши, ўғирлаши ва шу орқали сизнинг шахсий ҳаётингизга, корхона ривожига таҳдид солиш;

- Интернетда эълон қилинаётган ҳар қандай маълумот ҳам жамият учун фойдали бўлмаслиги.

Интернет фойдаланувчиси, ушбу хавфларнинг олдини олиш учун, қуйидаги техник ечим ва ташкилий ишларни амалга ошириши зарур:

1. Шахсий компьютерга ва маҳаллий компьютер тармоғига ҳамда унда мавжуд бўлган ахборот ресурсларига ташқаридан Интернет орқали киришни чекловчи ва ушбу жараёни назорат қилиш имконини берувчи техник ва дастурий усуллардан фойдаланиш.

2. Тармоқдаги ахборот мулоқот иштирокчилари ва улар узатаётган маълумотларнинг асл нусхасига мослигини текшириш.

3. Маълумотларни узатиш ва қабул қилишда криптография усулларида фойдаланиш.

4. Вирусларга қарши назоратчи ва даволовчи дастурлардан фойдаланиш.

5. Шахсий компьютер ва маҳаллий компьютер тармоғига бегона шахсларни қўймаслик ва уларда мавжуд бўлган маълумотлардан нусха олиш имкониятларини чекловчи ташкилий ишларни амалга ошириш.

Бундан ташқари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида Интернет фойдаланувчилари орасида ўматилмаган тартиб-қоидалар мавжуд:

➤ Ҳеч қачон ҳеч кимга Интернетдаги ўз номингиз ва паролнингизни айтманг;

➤ Ҳеч қачон ҳеч кимга ўзингиз ва оила аъзоларингиз ҳақидаги шахсий ҳамда ишхонангизга оид маълумотларни (исми шарифингиз, уй адресингиз, банкдаги ҳисоб рақамингиз, иш жойингиз ва унинг ходимлари ҳақидаги маълумотларни ва ҳ.к) Интернет орқали юборманг;

➤ Электрон адресингиздан (*E-mail*) мақсадли фойдаланинг. Интернет орқали дастурлар алмашманг;

➤ Интернетда тарқатилаётган дуч келган дастурлардан фойдаланманг;

➤ Дастурларни фақат ишончли, эгаси маиум боиган серверлардан кўчириш;

➤ Электрон почта орқали юборилган «актив объект»лар ва дастурларни ишлатманг;

- ЭХЭ қўшимчали ўз-ўзидан очилувчи, сизга номалум архив ҳолидаги материалларни очманг;
- электрон почта хизматидан фойдаланаётганингизда маиумотларни шифрлаш зарур, яъни криптография усулларида фойдаланинг;
- Эгаси сиз учун номаиум боиган хатлами очманг;
- Эгаси маълум бўлган ва унинг сифатига кафолат берувчи антивимс дастурларидан фойдаланинг ва уларни мунтазам янгилаб боринг;
- Интернетда мавжуд боиган ахборот ресурслари ва дастурлардан уламинг муаллифлари рухсатисиз фойдаланманг;
- Тармоқдаги бегона компьютер ва серверларнинг IP адресларини аниқлаш ва шу орқали рухсат етилмаган серверлар ҳамда ахборот ресурсларига кириш, нусха қўчириш, вируслар тарқатиш каби ноқонуний дастурлаштириш ишлари билан шуғулланманг, бу жинойтдир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. *Интернет маданияти тушунчаси ҳақида гапиринг?*
2. *“Маданият” сўзининг мазмуни, маданиятга берилган таърифлар ҳақида тушунча беринг?*
3. *“Интернет-маданияти” ҳақида тушунча, “оммавий маданият” ҳақида тушунча беринг?*
4. *Интернет ва ундан фойдаланиш маданияти деганда нималар назарда тутилади?*
5. *Интернет тармоғидаги ижобийлик ва салбийлик ҳақида нималар дея оласиз?*
6. *Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлашда интернетдан фойдаланиш маданияти нима?*
7. *Интернет тармоғида мавжуд алоқаларнинг ҳимоясини таъминлаш асослари.*

8. Интернет тармоғида мавжуд алоқаларнинг ҳимоясини таъминлаш муаммолари нималардан иборат?

Мустақил иш учун мавзулар:

1. “Маданият” сўзининг мазмуни, маданиятга берилган таърифлар ҳақида тушунча беринг?

2. “Интернет-маданияти” ҳақида тушунча, “оммавий маданият” ҳақида тушунча беринг?

3. Интернет ва ундан фойдаланиш маданияти деганда нималар назарда тутилади?

4. Интернет тармоғидаги ижобийлик ва салбийлик ҳақида нималар дея оласиз?

5. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлашда интернетдан фойдаланиш маданияти нима?

6. Интернет тармоғида мавжуд алоқаларнинг ҳимоясини таъминлаш асослари.

7. Интернет тармоғида мавжуд алоқаларнинг ҳимоясини таъминлаш муаммолари.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ ВА ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯСИ

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Жамоатчилик фикри тушунчаси. Жамоатчилик фикри ҳақида тушунча, жамоатчиликда ягона фикр йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмаслиги ҳолати, жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг ҳосиласи, жамият турли табақаларининг фикр-қарашлари, муносабатларининг реал ва умумлашма ифодаси эканлиги, жамоатчилик фикри ва жамиятнинг ахборот-психологик ҳимояси.

Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизликни таъминлаш. Жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизликни таъминлаш муаммоси, Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш имкониятлари.

Жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмлари. Социологик-психологк тадқиқотлар воситасида ўрганилган жамоатчилик фикрининг дахлсизлиги масаласи, жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмлари, жамоатчилик фикрини шакллантириш борасидаги муммолар, ахборот хавфсизлиги масаласида жамоатчилик фикрини шакллантириш жараёнларида миллий менталитетни ўзгараётган замон мантигига мувофиқ равишда ўзгартириш масаласи.

Таянч тушунча ва атамалар: Жамоатчилик фикри, жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг ҳосиласи, жамоатчилик фикри ва жамиятнинг ахборот-психологик ҳимояси, жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизликни таъминлаш масаласи, Жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмлари, социологик-психологк тадқиқотлар воситасида ўрганилган жамоатчилик фикрининг дахлсизлиги масаласи, жамоатчилик фикрини

шакллантириш механизмлари, жамоатчилик фикрини шакллантириш борасидаги муммолар.

15.1. Жамоатчилик фикри тушунчаси

Жамоатчилик фикри деганда нимани тушуниш керак? Бу - турмушнинг айни замондаги долзарб муаммоларига инсонлар муносабатида намоён бўладиган ижтимоий онг шаклидир. Онгнинг табиатан ҳаракатчан ушбу шакли жамиятдаги турли институтларнинг сезиларли даражадаги таъсирига учраб туради, бинобарин, чалғитувчи таъсирга ҳам дучор бўлиши эҳтимол. Уни чалғитиш муайян мақсадни кўзлаб амалга оширилиши мумкин. Лекин шуни унутмаслик керакки, “чалғитиш” тушунчаси шартлидир, чунки томонлардан исталган бири жамоатчилик фикрига ҳар қандай таъсирни чалғитувчи деб баҳолаш эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шуни таъкидлаш муҳимки, ҳозирги жамиятда жамоатчиликда ягона фикр йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу демократиянинг асосларидан бири ҳисобланади.

Ўз навбатида, ижтимоий онг омма, айрим ижтимоий гуруҳ, бутун жамият онгида жамият турмушининг акс этиш шакли саналади. Сиёсий ғоялар, ҳуқуқ, фалсафа, ахлоқ, дин, фан, эстетика ва бошқалар ижтимоий онгнинг мавжуд бўлиб туриш шакллари сирасига киради. Маълумотнома адабиётларда, афсуски, ижтимоий онгга урф-одатлар, анъаналар, удумлар, умуман, турмуш тарзи ёки, бошқача айтганда, оқибат натижада у ёки бу инсон, элат, ҳалқ, миллат менталитетини белгиловчи маънавий қадриятларнинг бутун мажмуи катта таъсир ўтказиши ҳақида ҳеч нима дейилмайди.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи бугунги кунда фавқулодда муҳим аҳамиятга эгадир. Ахборот хавфсизлигини самарали таъминлаш эса жамоатчилик фикри феноменини чуқур англашни тақозо этади. Жамоатчилик фикрини ўрганиш эҳтиёжи эса бир томондан, давлат ва жамият тузилмаларининг демократия тамойилларига нечоғли асосланишига, иккинчи тамондан эса мавжуд эмпирик манбаларни илмий аналитик мушоҳадалаш,

назарий қайта ишлаш, синтезлаш ҳолатларига бевосита боғлиқ, ҳолда шаклланади. Ана шу икки жиҳатлардан бирор бири бўлмаса жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, уни демократик услубларда шакллантириш ҳам самарали кечмайди. Жамоатчилик фикри ижтимоий онгдан ҳам давлат ёхуд тузумнинг директив қарашларидан ҳам, ёки алоҳида шахс фикр-қарашларидан ҳам фарқ қилади.

Жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг ҳосиласи, жамият турли табақаларининг фикр-қарашлари, муносабатларининг реал ва умумлашма ифодасидир. Жамоатчилик фикри муайян ижтимоий-сиёсий ҳолат, турмуш тарзи, иқтисодий ўзгаришлар хусусида умумий ёки бир неча хил муносабатларга, мавжуд ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари, ҳаракатлантирувчи кучлари, муаммонинг ечимига ҳилоф бўлаётган омиллар борасида эса мутлақо қарама-қарши ҳамда ўзгарувчан қарашларга эга бўлади. Жамоатчилик фикрининг тез ўзгарувчан табиати ҳам уни ижтимоий онгнинг фаол қисми сифатида характерланади.

Айни чоғда, жамоатчилик фикрининг ўзгарувчанлик табиатига таъсир ўтказиш уни муайян меъёрларда ушлаб тура олиш ҳамда мақсадли шакллантириш давлат, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш кафолати ҳам саналади.

Мамлакатда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар, мақсадли ижтимоий ўзгаришлар, янгиланишлар жараёни жамоатчилик фикрида намоён бўлади.

Шу боисдан, жамоатчилик фикрини мазмунсиз асосда, ёхуд инерцион тарзда шаклланишига йўл қўйиш кутилмаган натижаларга олиб келиши мумкин. Тарихда собиқ шўролар ҳукуматининг сўнгги лидерлари амалга оширмакчи бўлган қатор лойиҳалар, ижтимоий ўзгаришлар ислоҳотининг инқирозга юз тутганлиги фикримизнинг далили бўла олади. (Масалан, қайта қуриш дастурини амалга ошириш орқали собиқ сиёсий тузум асосларини мустаҳкамлашга уриниш, Сибир дарёларини буриш, анланган эҳтиёжларини шакллантириш, алкоголизмга қарши кураш ҳаракатлари ва ҳ.к.)

Шу боисдан ҳам, ислохотларни амалга ошириш жараёнларини жамоатчилик фикрида қандай намоён бўлаётганлиги, уни қандай шакллантириш, оммани янгилашишлар руҳида тарбиялаш ва энг муҳим жиҳатлардан бири бўлган ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари Юртбошимизнинг диққат-эътиборида бўлиб келаётганлиги бежиз эмас.

Яқин ўтмишимиздан маълумки, шўролар даврида жамоатчилик фикрига ҳукуматнинг ҳеч қандай эътирозларга ўрин қолдирмайдиган директив кўрсатмалари, махсус сиёсий-назарий йўналишлар орқали узлуксиз равишда таъсир ўтказилиб келинар эди. Бунинг учун эса ўзига хос икки босқичли таъсир услуби амалга оширилар эди. Биринчи босқичда вертикал таъсир услуби, яъни энг юқоридан энг қуйи бўғинларгача давлат томонидан режалаштирилган ҳукмрон фикр тазйиқи тизимий тартибларда мукаммал дастурлар асосида амалга оширилса, иккинчи босқичда горизонтал таъсир услублари ишга туширилиб, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим тизими муассасалари, жамоат ташкилотларида «буюртма» қилинган сиёсий фикр алоҳида ижтимоий қатламлар онгига мунтазам равишда сингдирилар эди. Ана шу механизмни ҳаракатга келтириш учун эса давлат тизими марказлашган партия ва турли хил ташаббус гуруҳлари ниқоби остида мунтазам равишда фаолият юритиб келар эди.

Директив кўрсатмалар таъсири ва тазйиқи остида сиёсий ва маънавий забун бўлган ҳалқ ўз характерида табиий равишда ялпи тазйиқдан ҳимоя стандартларини шакллантирган эди.

Бугунги кунда ана шу услубда, яъни жамоатчилик фикрига режавий тарзда бевосита таъсир ўтказиш амалиёти Хитой, Шимолий Корея, Куба, Ироқ сингари мамлакатларда сақланиб турибди. Аммо, ривожланган Ғарб ва Шарқ мамлакатларида жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг билвосита услублари кенг қўлланилиб келинмоқда. Бу услуб демократия тамойилларига асосланган бўлиб, асосан оммавий ахборот воситалари, реклама, норасмий лидерлар таъсири, шоу дастурлар ва бошқа омиллар воситасида амалга оширилади.

Фуқаровий жамиятда инсоннинг ўз салоҳиятларини юзага чиқариш ҳамда ўз-ўзини ҳимоялаш эҳтиёжи учун табиий равишда муайян ижтимоий-сиёсий

гуруҳларга аъзо бўлиши тақозо этилади. Бу эса инсонга ўзи аъзо бўлган жамият, партия орқали ташқи воқеликка ижтимоий таъсир этиш имкониятини ҳам юзага келтиради. Ривожланган мамлакатларда жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг умумий (оммавий ахборот воситалари, телевидения, реклама, шоу - дастурлар) ва горизонтал (жамоат ташкилотлари, оила, норасмий лидерлар, корхоналар, партиялар) йўналишлари амал қилиб келади. Айни вақтда таъкидлаш жоизки, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ниқоби остида ахборот хуружини глобаллаштиришга интилишдан иборат деструктив ҳаракат ҳам авж олдирилмоқда. Масалан, жамоатчилик фикрини бошқариш деб номланувчи (Public Relation) тизим орқали Америка Қўшма Штатларида жамоатчилик фикрини махсус шакллантириш борасида 200.000 кишидан кўпроқ киши доимий фаолият юритиб келади. Биргина АҚШ мудофаа вазирлиги фаолиятини тарғиб этиш бўйича 15.000 мутахассис ишлайди.

Худди шундай тизим Англия, Франция, Италияда ҳам мавжуд бўлиб, бу мамлакатларда берилаётган ахборотларнинг таъсири, уларнинг аҳолининг турли қатламлари орасида ижтимоийлашуви кўламларини ўрганишга ихтисослашган социолог-психолог штатлари амал қилиб келади. Мисол учун, “Рено” автомобиль заводининг Париждаги илмий лойиҳалаш ва моделлаштириш маркази (марказда 2,5 минг киши фаолият юритади) да 35 кишидан иборат социолог ва психологлар гуруҳи доимий иш олиб боради. Шунга ўхшаш мисолларни бошқа кўплаб йирик мамлакатлар ахборот индустрияси иш тажрибаси орқали ҳам кўрсатиш мумкин.

15.2. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизликни таъминлаш

Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳолатини умумий баҳолайдиган бўлсак, бу жараён бугунги кунда ўзининг фаол шаклланиш босқичида эканлигига амин бўламиз.

Хўш, шаклланиш босқичидан ўтиш ҳолатида қандай сабоқларга ижтимоий психология ва социология фани ўз эътиборини қаратиши лозим?

Биринчидан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ишларининг тизимий ҳолатда эмаслиги, социологик-психологик тадқиқот ўтказиш ишларининг пировард, яқуний мақсадга қатъий бўйсундирилмаганлиги, яъни ахборотга бўлган ижтимоий эҳтиёжлар негизида аниқланган фикр-хулосаларнинг тегишли давлат ва нодавлат ташкилотларнинг амалий ҳаракат дастурларига жорий этилмаслиги.

Иккинчидан, тадқиқотларнинг етарли профессионал билим ва маҳоратга эга бўлмасдан ўтказишнинг одатий ҳолга айланганлиги жиддий муаммолардан саналади.

Учинчидан, ўтказилган сўров натижалари турли ахборот воситалари, радио ва телевидение орқали ҳалққа етказилмасдан оммалаштирилмай қолмоқда. Бунинг оқибатида эса жамоатчилик фикрини ўрганиш иши ижтимоий фикрни шакллантиришдан иборат пировард мақсадни тўлақонли хизмат қилаолмаяпти.

Шу ўринда ижтимоий фикрни шакллантиришда давлатнинг ўрни қандай бўлади, деган ҳақли савол туғилиши табиийдир. Давлат ошкоралик ва демократия шароитида фуқаровий жамият эркинлигини таъминлаш кафолати сифатида намоён бўлади. Бу жараёнларда давлатнинг иштироки фақат ташкилий-ҳуқуқий, техникавий, моддий шароитларни таъминлашга кўмаклашиш билан чегараланади. Жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини эса нодавлат жамоат ташкилотлари, партиялар, илмий муассасалар, социологик марказлар бевосита, тўғридан - тўғри амалга ошириб борадилар.

Хўш, бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий фикрни мақсадли шакллантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида қандай салоҳиятимиз мавжуд? Ҳозирги кунда республикаимизда тахминан 2000 дан ортиқ газета ва 1000 га яқин журнал рўйхатга олинган. Пойтахтимизда 16 та телеканал 100 дан ортиқ таҳририят орқали кўрсатувлар тайёрланмоқда. Вилоятларда 18 та телестудия фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг бутун ҳудудлари радио тўлқинлари билан тўла қамраб

олинган. Юртимизда ўнлаб радио маҳсулотлар тарқатувчи марказлар куну-тун иш олиб бормоқда.

Айни чоғда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус, халқ таълими тизимида 500 мингдан ортиқроқ зиёлилар армияси мавжуддир.

Шунингдек, мамлакатимизда 14 минг кишидан иборат олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган маданий-маърифий соҳа ходимлари фаолият юритмоқдалар. Барча вилоят ва туман ҳокимликлари қошида «Маънавият ва маърифат» марказлари ишлаб турибди.

Хўш, ана шундай салоҳиятдан қандай фойдаланилмоқда Таассуфки, мазкур имкониятлардан фойдаланиш ҳолати талаб даражасида эмас. Масалан, республикадаги клуб ва маданият уйлари, ахборот-ресурс марказлари, музейлар, маданият ва истироҳат боғларида ишловчи ўн минглаб малакали зиёлилар жамоатчилик фикрини шакллантиришга фаол хизмат қилишлари керак эди. Маданият вазирлиги тасарруфидаги мазкур ташкилотлар, ҳамиша ҳам туманлардаги маънавият ва маърифат марказлари билан бақамти, уйғун ҳамкорликда фаолият юритмаётирлар. Жойлардаги маданий-маърифий муассасалар фаолияти оммага фақат санъат жанрларини тарғиб этиш, ёшларни бадиий ҳаваскорлик ишларига жалб этиш билан чекланиб қолмоқда. Маълумки, клуб муассасалари, телевидение ёки газеталардан фарқ қилиб, конкрет аудитория, реал аҳоли гуруҳлари ўртасида бевосита иш олиб бориш имкониятларига эгадир. Аслида улар аҳоли билан жонли, юзма-юз мулоқотга киришиш, мафкуравий таъсир кўрсатиш имкониятларига кўра бошқа ижтимоий таъсир омилларидан устунроқ мавқега эгадирлар.

15. 3. Жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмлари

Социологик-психологик тадқиқотлар воситасида ўрганилган жамоатчилик фикрининг дахлсизлиги масаласининг нечоғли муҳимлигини теран англаш ва уни қадрият даражасида баҳолаш ҳам муҳимдир. Маълумки, телевидение ёки бошқа оммавий ахборот воситалари социологик сўров

натижаларидан телевидение ёки газета манфаатлари йўлидагина фойдаланишга интиладилар. Жамиятнинг ҳолис фикри сифатида социологик сўров натижалари минбарлари ташкил этилмаган. Учинчи муаммо жамоатчилик фикрини шакллантиришда миллий менталитет омилидан етарли фойдаланмай келаётганмиздир. Маълумки, ўзбеклар табиатан жамоавий халқ бўлишларига қарамай лидернинг ибратига, раҳбарнинг, обрў-мартабали шахсларнинг намунасига қараб иш қилувчи халқ ҳисобланадилар. Жамоатчилик фикрини шакллантиришда жойлардаги обрў-эътиборли шахсларга таяниш, уларнинг руҳлантирувчи потенциалидан фойдаланиш имкониятига етарли даражада эътибор берилмай келинмоқда.

Социологик-психологик кузатувлар шундан гувоҳлик берадики, ҳозирги пайтда маҳаллалар, туманлар ва ҳатто ишлаб чиқариш корхоналаридаги маънавий-маърифий масалаларга бағишланган мажлисларда аксарият доимий қатнашувчи бир хил одамлар гуруҳи таркиб топиб қолаётганлиги ҳам эътиборга олинishi зарур. Жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмини йўлга қўйиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

Биргина «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида ўтган беш йил мобайнида 103 та махсус социологик сўровлар ўтказилиб 130 мингдан зиёдроқ киши тадқиқотларга жалб этилди. Агар мамлакатимиздаги ўнлаб ихтисослашган социологик марказлар, ташкилотларнинг мустақил равишда ўтказувчи сўровларига ялпи жалб этилган аҳоли сони тахмин этилса, бу рақам бир неча юз мингдан ошиб кетади.

Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳолатини умумий баҳолайдиган бўлсак, бу жараён бугунги кунда ўзининг фаол шаклланиш босқичида эканлигига амин бўламиз.

Хўш, шаклланиш босқичидан ўтиш ҳолатида қандай сабоқларга социология фани ўз эътиборини қаратиши лозим? Биринчидан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ишларининг тизимий ҳолатда эмаслиги, социологик тадқиқот ўтказиш ишларининг пировард, якуний мақсадга қатъий

бўйсундирилмаганлиги яъни ахборотга бўлган ижтимоий эҳтиёжлар негизида аниқланган фикр-хулосаларнинг тегишли давлат ва нодавлат ташкилотларнинг амалий ҳаракат дастурларига жорий этилмаслиги, иккинчидан, тадқиқотларнинг етарли профессионал билим ва маҳоратга эга бўлмасдан ўтказишнинг одатий ҳолга айланганлиги жиддий муаммолардан саналади. Мисол учун, мамлакатимиздаги жамоатчилик фикрини ўрганишга ихтисослашган «Ижтимоий фикр» марказидан бошқа бирор бир социологик тадқиқот ўтказувчи ташкилотда социология фани бўйича ихтисослашган, мутахассис социолог олимлар ишламайди. Учинчидан, ўтказилган сўров натижалари турли ахборот воситалари, радио ва телевидения орқали ҳалққа етказилмасдан оммалаштирилмай келинмоқда. Бунинг оқибатида эса жамоатчилик фикрини ўрганиш иши ижтимоий фикрни шакллантиришдан иборат пировард мақсадга хизмат қилмай келмоқда.

Жамоатчилик фикри масаласида ўз қарашларини илгари сурган профессор С.Жўраев мазкур масаланинг бениҳоя муҳимлигини чуқур асослаб беради. («Халқ сўзи» 2002йил, 19-Октябрь сони) Айни чоғда профессор С.Жўраев «жамоатчилик фикрини ўрганишни давлат даражасида ташкил этиш» таклифини илгари суради-ки, бизнингча бундай ёндашув бироз бахсли ҳисобланади. Негаки, ошкоралик ва демократия шароитида жамоатчилик фикрини ўрганишни фақат давлат масъуллиги доирасига кўчирилиши бу жараённинг эркинлигига тўсиқ бўлиши мумкин. Шу ўринда давлатнинг ўрни қандай бўлади, деган ҳақли савол туғилиши табиийдир. Давлат ошкоралик ва демократия шароитида фуқаровий жамият эркинлигини таъминлаш гранти сифатида намоён бўлади. Бу жараёнларда давлатнинг иштироки фақат ташкилий-ҳуқуқий, техникавий, моддий шароитларни таъминлашга кўмакла-шиш билан чегараланади. Жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини эса нодавлат жамоат ташкилотлари, партиялар, илмий муассасалар, социологик марказлар бевосита, тўғридан -тўғри амалга ошириб борадилар.

Жамоатчилик фикрини шакллантирувчи маънавият марказларида мутахассис кадрлар, социологлар, бино, маблағ кам бўлгани ҳолда юзлаб

туманлардаги маданият уйлари, клублар аҳоли онгида мунтазам шакллантирилиши зарур бўлган маънавий маҳсулотни қаердан олишни билмайдилар. Жойлардаги маданий-маърифий муассасалар фаолияти оммага фақат санъат жанрларини тарғиб этиш, ёшларни бадий хаваскорлик ишларига жалб этиш билан чекланиб қолмоқда. Маълумки, клуб муассасалари, телевидение ёки газеталардан фарқ қилиб, конкрет аудитория, реал аҳоли гуруҳлари ўртасида бевосита иш олиб бориш имкониятларига эгадир. Аслида улар аҳоли билан жонли, юзма-юз мулоқотга киришиш, мафкуравий таъсир кўрсатиш имкониятларига кўра бошқа ижтимоий таъсир омилларидан устунроқ мавқега эгадирлар. Бу биринчи муаммо. Иккинчи катта муаммо-бу ўрганилган ижтимоий воқелик, жараёнлар тўғрисидаги ижтимоий фикрни оператив тарзда оммавий ахборот воситалари ҳамда телевидение орқали мунтазам равишда бериб бормаслигидир.

Ахборот интевенциясининг бугунги моҳияти тоталитар тузум давридаги давлат ва ҳукмрон партиянинг директив кўрсатмаларини аҳоли онгига тазйиқий сингдириш услубидан фарқ қилади. Бугунги кунда ахборот тайзиқи асосан, билвосита услублар орқали, яъни, санъат ва маданият, дин, саноат маҳсулотлари, таълим тизими орқали амалга оширилмоқда. Ахборот ҳуружларига қарши кураш жамоатчилик фикри социологияси фанини ривожлантиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда истиқлол йилларининг илк даврлариданоқ жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ана шу реал эҳтиёжлар асосида ҳалқнинг маънавий сарчашмалари бўлоғини очиш, ўзлигини намоён этиш имкониятларини тиклаш борасида муҳим қадамлар қўйилди.

Биринчидан, ана шу ижтимоий жараённи ҳам назарий ҳам амалий ўрганишга мутасадди бўлган социология соҳасининг илмий-педагогик асослари таркиб топтирилди, ўнлаб ўқув-услубий адабиётлар, монографиялар, илмий тўпламлар нашрдан чиқазилди.

Иккинчидан, социология фанининг илмий-назарий потенциали таркиб топтирилди. ҳозирги пайтда Республикамизда 3 та социология фанлари доктори ва 6 та фан номзоди фаолият юритмоқда.

Учинчидан, жамиятнинг турли табақалари орасида ижтимоий фикрни ўрганишга ихтисослашган профессионал нодавлат ташкилотлар тизими шаклланди.

Маълумки, ўзбеклар табиатан жамоавий ҳалқ бўлишларига қарамай лидернинг ибратига, раҳбарнинг, обрў-мартабали шахсларнинг намунасига қараб иш қилувчи ҳалқ ҳисобланадилар. Жамоатчилик фикрини шакллантиришда жойлардаги обрў-эътиборли шахсларга таяниш, уларнинг руҳлантирувчи потенциалидан фойдаланиш имкониятига етарли даражада эътибор берилмай келинмоқда. Яна бир муаммо бу ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар аудиториясидир. Социологик кузатувлар шундан гувоҳлик берадики, ҳозирги пайтда маҳаллалар, туманлар ва хатто ишлаб чиқариш корхоналаридаги маънавий-маърифий масалаларга бағишланган мажлисларда аксарият доимий қатнашувчи бир хил одамлар гуруҳи таркиб топиб қолаётганлиги ҳам эътиборга олинishi зарур.

1. Мамлакатимизда жамоатчилик фикрини фақат ўрганувчи эмас, балки уни шакллантириш ишлари билан ҳам бевосита шуғулланувчи олий малакали кадрлар тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи социология мутахассислигини алоҳида таълим йўналиши сифатида жорий этиш керак.

«Истеъдод» жамғармаси орқали олий ўқув юртларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларни ривожланган мамлакатларда малака оширишлари, хориждаги иш тажрибаларини ўзлаштириш имкониятларини янада кенгайтириш лозим.

Ўзбекистон Фан ва Технологиялар қўмитаси қўмагида ахборот хавфсизлигини таъмилаш борасида жамоатчилик фикрини шакллантириш мавзуида муаллифлар жамоаси илмий тўпламини тайёрлаш ва нашр эттириш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур ишга Фанлар Академиясидаги ижтимоий

фанлар соҳасидаги етук олимлар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларини жалб этиш соҳанинг ривожига хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги жамоатчилик фикри ҳолатини оммага етказаётган даврий нашрларга барча ташкилот ва муассасаларни обуна қилишга эришиш зарур.

Ахборот хавфсизлигини маданият ва санъат соҳалари орқали Ўзбекистондаги минглаб клублар фаолиятини жойлардаги маънавий ва маърифат марказлари иши билан уйғунлаштириш, ягона маъмурий бошқарув тизимини йўлга қўйиш кун тартибидаги масала ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситаларида социологик марказлар томонидан ўрганилган ижтимоий фикр натижаларини тезкор тарзда бериб бориш, аниқроғи таҳририятлар манфаатларига бўйсундирмаслик ва уларнинг мазмунини яхлитлигича, бузмасдан эълон қилиш, социологик тадқиқотлар яқунларининг даҳлсизлиги хусусида шартномалар имзоланиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида доимий эълон қилиб борилувчи «Социолог минбари» рубрикасини жорий этиш зарур. Доимий рубрика эса социологик тадқиқот натижаларини мунтазам равишда кетма-кет бериб боришни тақозо этади. Бу социологияга нисбатан реал таклиф бозорини юзага келтиради. Фан ва соҳа ривожига кенг йўл очилади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун оммавий ахборот воситаларининг юқори ва қуйи бўғинлари рейтинги мониторингини жорий этиш ва ҳар уч ойда ҳолис социологик марказлар кўмагида мазкур нашрларнинг жамоатчилик фикридаги ижтимоий мавқеи даражасини аниқлаб бориш ҳамда матбуотда оммалаштириш ҳам бугунги кун талабларидан ҳисобланади.

Социологик марказлар фаолиятларини уйғунлаштириш мақсадларида уларнинг фаолиятларини координация қилувчи "Ўзбекистон Социологлари" миллий ассоциацияни тузишга кўмаклашиш керак.

Ахборот хавфсизлигини масаласида жамоатчилик фикрини шакллантириш жараёнларида миллий менталитетни ўзгараётган замон

мантиғига мувофиқ равишда ўзгартириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Президентимиз «Тафаккур» журнали бош муҳарририга берган интервьюсида ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятига доир сўзлаган нутқларида ва бошқа чиқишларида ёш авлод табиатида шижоат, ташаббускорлик, янгиликка интилиш, ғайратчанлик сингари фазилатларни шакллантириш хусусида тўхталган эдилар. Бу эса миллат менталитети таркибида мустақиллик, индивидуал ривожланишга эриша билиш хусусият-ларини ривожлантиришни ҳам табиий равишда тақозо этади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, мафкуравий таъсирдан огоҳлик масаласида фаолият дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш заруратини кун тартибига қўяди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1. Жамоатчилик фикри тушунчаси нима?*
- 2. Жамоатчиликда ягона фикрнинг йўқлиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслиги ҳолатини изоҳланг?*
- 3. Жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг ҳосиласи, жамият турли табақаларининг фикр-қарашлари, муносабатларининг реал ва умумлашма ифодаси эканлиги ҳақида фикр билдиринг?*
- 4. Жамоатчилик фикри ва жамиятнинг ахборот-психологик ҳимояси деганда нимани тушунаси?*
- 5. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизликни таъминлаш муаммолари?*
- 6. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш имкониятлари ҳақида фикр билдиринг?*
- 7. Жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмлари нималардан иборат?*

8. *Жамоатчилик фикрини шакллантириш жараёnlарида миллий менталитетни ўзгараётган замон мантигига мувофиқ равишда ўзгартириш масаласини тушунтиринг?*

Мустақил иш учун мавзулар:

1. Жамоатчилик фикри тушунчаси.

2. Жамоатчиликда ягона фикрнинг йўқлиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслиги ҳолати.

3. Жамоатчилик фикри ижтимоий оннинг ҳосиласи, жамият турли табақаларининг фикр-қарашлари, муносабатларининг реал ва умумлашма ифодаси эканлиги ҳолати.

4. Жамоатчилик фикри ва жамиятнинг ахборот-психологик ҳимояси.

5. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизликни таъминлаш муаммолари.

6. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш имкониятлари.

7. Жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмлари.

8. Жамоатчилик фикрини шакллантириш жараёnlарида миллий менталитетни ўзгараётган замон мантигига мувофиқ равишда ўзгартириш масаласи.

ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари янги босқичда. Ахборот асри даврида Жаҳон ва Ўзбекистон ОАВ нинг ривожланиши, ахборотлашган жамиятдаги янгича фикрлаш, мулоқотнинг янгича шакллари нинг пайдо бўлиши, ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос белгилари, дунёда ахборотлашган жамиятга ўтишининг икки модели,

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ривожланиш йўлида. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ривожлани-шининг бугунги кундаги ҳолати, хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўллари дан бири - ОАВ бозорини монополлаштиришга йўл қўймаслик тамойили, Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида (янги таҳрири)” Қонунининг мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифалари.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифалари. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифалари, журналистнинг маҳорати долзарб муаммолар ва фикрларнинг жамоатчилик ҳукмига етказиш билан белгиланиши ҳамда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш омили сифатида.

Таянч тушунча ва атамалар: Ахборот асри, жамиятнинг ахборотлашуви, ахборотлашган жамиятдаги янгича фикрлаш, журналистика, ОАВ бозорини монополлаштиришга йўл қўймаслик тамойили, журналистнинг маҳорати, ахборот соҳасидаги психологик хавфсизлик муаммолари, ахборот

соҳасидаги миллий мафаатлар, очик ахборот тизимлари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик фикри.

16.1. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари янги босқичда

Ахборот асри деб ном олган даврда мустақил Ўзбекистон ОАВ тез ривожлана бошлади. Ҳақиқатан ҳам, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият кўлами, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ахборот нафақат маълумот етказиш, одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда, айни вақтда ахборот ва коммуникация тармоғи амалда ишлаб чиқаришнинг етакчи йўналишларидан бирига, моддий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг ривожига ва ўсишига ҳал қилувчи асос ва туртки берадиган, тез ривожланаётган энг замонавий соҳага айланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Инсоният тарихи учинчи минг йиллигининг боши ахборотлашган жамият остонасига қадам қўйилиши билан нишонланди. Ҳозирда барча тараққий этган мамлакатлардаги ҳар бир хонадон ахборот олиш ва узатиш учун турли техникавий воситалар – интернет, интернет тармоқлари, радио, телевизор, телефон, факс, мобил телефон, компьютерлар, кўриш аппаратлари ва ҳоказоларга эга эканлиги бунинг ёрқин далилидир. Ваҳоланки, бундай нарсаларни яқин ўтмишда ихтисослашган студияларда ҳам учратиш қийин эди. Ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси ҳам шундай имкониятларга эга бўлмоқда.

Ахборотлаштириш жараёни АҚШда меҳнат билан банд аҳолининг 60% ахборот соҳасида машғул бўлишини таъминлаган бўлса, қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич атиги 2,8 % га тенг. Фарбий Европа ахборот индустриясида эса 70 % дан 75 % гача аҳоли банд.

Ахборотлашган жамият янгича фикрлашни, мулоқотнинг янгича шакллари юзага чиқаради, шунга мувофиқ равишда янгича ижтимоий ва

психологик муносабатлар пайдо бўлади. Бу инсоннинг ҳаётий фаолияти сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилади деганидир.

Брэдфорд университети (Буюк Британия) профессори Д. Лайон фикрича, ахборотлашган жамиятга қуйидагилар хосдир:

- техника соҳасида - ахборот технологияларининг ишлаб чиқариш, иқтисодий ва амалий ҳаётнинг барча соҳаларига, шунингдек таълим тизими ва маиший турмушга татбиқ этилиши;

- ижтимоий соҳада - ахборот таъсирида янги ахборий онг шаклланиши, ҳаётнинг сифат жиҳатидан ўзгариши;

- иқтисодий соҳада - ахборот товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг асосий омилига айланиши, қўшилган қиймат ва бандлик манбаи бўлишти;

- сиёсий соҳада - фикрлар хилма-хиллиги ва демократия тамойилларини амалга оширишни таъминловчи сиёсий жараённинг асоси ҳисобланмиш маълумотларни қўлга киритиш эркинлиги;

- маданий соҳада - ҳар қайси индивиднинг ривожланиш эҳтиёжларига жавоб бера оладиган тегишли меъёр ва қадриятларнинг шакллантирилиши.

Таълим, фан, оммавий мулоқот, ахборот хизматлари ва ахборот қурилмаларига хизмат кўрсатит ахборий фаолиятнинг муҳим соҳалари ҳисобланади.

Мутахассислар аҳоли турмуш фаровонлиги юксалган, мамлакат самарали ривожланган иқтисодга эга бўлган, шунингдек жамият амалда инсонпарварлик табиатини касб этган ва демократлашган ҳолдагина, ахборотлашган жамиятни барпо этиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бошқарувнинг тадбиркорлик ва рақобат эркинлигини монополиядан ҳалос қилиш учун, ахборот ишлаб чиқиш ва тарқатиш, қарорлар қабул қилишда фуқаролар қатнашуви учун сиёсий ва ҳуқуқий кафолатларни таъминловчи демократик механизмлари бунга ёрдам беради.

“Ахборотлашган жамият” атамаси дастлаб ўтган асрнинг 60-йиллари иккинчи ярмида Японияда қўллана бошлади, ахборотлашган жамият яратиш гояси эса 1971 йилда ишлаб чиқилди. “Ахборотлашган жамият барпо этиш

режаси - 2000 йилга мўлжалланган миллий мақсад” деб номланган ҳужжатда мазкур ғоя аниқлаштириб берилди. Унинг асосини шундай фикр ташкил этдики, ижтимоий эволюциянинг пировард мақсади, биринчи навбатда, инсоннинг мўл-кўл моддий неъматларга эгаллигини эмас, балки унинг ақлий имкониятлари тўлиқ намоён бўлишини таъминловчи жамият бўлиши лозим. Ақлий қобилиятни ривожлантириш технологияларни сифат жиҳатдан такомиллаштиришга олиб келиб, пировард натижада моддий неъматлар мўл-кўллигини таъминлаши керак.

Глобал ахборотлашган жамият ҳақидаги ғоя Д. Бэлл, И. Маъсудий, Т. Стоунер, П. Дракер, М. Кастелс, Н. Моисеев асарларида янада ривожлантирилди. Улар ҳам ўз ишларида саноатлашувдан кейинги даврда банд бўлган ходимлар сони жиҳатдан етакчи ўринни эгаллайдиган ахборот жабҳаси иқтисодиётнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишини кафолатловчи омил бўлиши ҳақидаги фикрни асослаб бердилар.

Бироқ ахборотлашган жамиятнинг шаклланиш жараёни турли мамлакатларда турлича амалга оширилмоқда. Бу иқтисодни шундай даражага кўтариш билан боғлиқки, токи у, масалан, қишлоқ хўжалигида бўлганидек, соҳада аҳолининг бир неча фоизгина бандлиги ҳолда, барчани ў маҳсулотлари билан таъминлай оладиган бўлсин. Демак, моддий-техник негиз яратмай туриб ахборотлашган жамият барпо этиш имконсиздир.

Шунга кўра ҳозир дунёда ахборотлашган жамиятга ўтишнинг икки модели мавжуд бўлиб, биринчиси - шарқий, иккинчиси - ғарбий модел ҳисобланади. Ғарб моделида асосий эътибор ахборот хизмати кўрсатиш бозорини эркинлаштириттга. ва бу хизматнинг ҳар томонлама (универсал) бўлишига қаратилади. Шарқий модел эса мазкур соҳада давлатлар ва бозорлар ҳамкорлигига катта эътибор берилиши билан тавсифланади. Глобал ахборотлашган жамият қарор топишида анъанавий маданий қадриятлар билан юзага келадиган ижтимоий ўзгаришлар ўртасида алоқа ўрнатишга интилиш кузатилади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин: ахборот - ўзида далил ва фикрлардан ташқари, алмашиш жараёнида инсоннинг ички эҳтиёжи тарзидаги мулоқотини таъминловчи хабардир. Инсон ҳамиша жамиятнинг бир зарраси, бўлаги бўлганлигидан ва унга ҳаётнинг ижтимоий шарт-шароитлари муҳри босилганлигидан, шунга мувофиқ равишда журналистика ахборотининг асосини унинг ижтимоий аҳамияти ташкил этади. Ундаги факт-далиллар мазмунига уларнинг ижтимоий ҳаёт учун қанчалик аҳамиятли эканлиги нуқтаи назаридан қаралиши керак.

Демак, журналистика ахбороти ҳамиша ижтимоий мазмунга эга, яъни ижтимоий йўналтирилган бўлади. Ҳар қандай ижтимоий табақаланган ҳодиса эса бир хил мазмунда бўлавермайди. У кимнингдир манфаатлари, кўрсатмалари, нуқтаи назари ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам объектив ҳолда нотўлиқ, ёлғон, чалғитувчи, чалкаштирувчи ёхуд ишонарли, долзарб, ҳужжатли ва ҳоказо бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, у кенг омма - аудитория фойдасига хизмат қилишга ёки унга зарар етказишга қодирдир. Хуллас, журналистик ахборот ҳамиша жамоатчилик фикрини шакллантиришга қаратилган бўлади.

Ҳозирги даврда шуни унутмаслик керакки, дейди профессор Я.Н. Засурский, ахборотлашган жамият сарҳадлари чегара устунлари бўйлабгина ўтмайди, балки ахборот майдони, ахборий мазмун (контент) узра ҳам ўтади. Бугун у ёки бу мамлакат аҳолиси бошқа бир мамлакат оммавий ахборот каналлари таъсири остида қолар экан, ҳодисаларни ўша ўзга мамлакат талқинида қабул қилади. Олим таъкидлашича, бу “хорижлик тадбиркорлар, ишчилар ва бошқаларнинг бостириб киришидан кўра давлат учун анча жиддийроқ хавфдир”¹.

XXI асрда оммавий ахборот воситалари босма, кўриш, эшитиш тарзида бўлиб, инсонга, унинг онги, руҳияти, ҳис-туйғуларига атрофлича таъсир кўрсатиш имконига эга. Улар кўп жиҳатдан турли миллий, шахсий, ижтимоий ва давлат манфаатлари ҳамда интилишларининг шаклланишини белгилаб беради.

Шунинг учун ҳам оммавий ахборот воситалари ҳар қайси давлат ва халқ ҳаётида муҳим ўрин тутди. Жамиятнинг ахборий-руҳий ҳавфсизлиги кўп жиҳатдан улар фаолиятининг сифатига боғлиқ. Бу эса бугунги кунда ҳар бир мамлакат учун жиддий муаммо бўлиб турибди. Давлатларнинг кўпчилиги оммавий ахборот воситалари барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, жамият фаровонлигини оширишга, миллатлараро муросани сақлашга, демократия ва барқарорликни мустаҳкамлашга тўлиқроқ хизмат қилишлари учун ўз миллий манфаатларини уларнинг инфратузилмаларини ривожлантириш, бу соҳага замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш билан чамбарчас боғлайдилар.

16.2. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ривожланиш йўлида

Эндиликда ахборот соҳасида ҳавфсизликни таъминлаш миллий ва халқаро ҳавфсизлик мазмунини белгилайдиган бўлиб қолди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари жамиятимиз ахборот-психологик ҳавфсизлигини таъминлашнинг бир қатор вазифаларини ҳал қилишга даъват этилган. Уларнинг ҳозирги техник-технологик ва сон жиҳатдан ривожланиши мамлакатимиз ахборот майдонини ўз маҳсулотларимиз билан тўлдириш имконини беради.

Ҳавфсизликни таъминлашнинг асосий йўлларида бири - ОАВ бозорини монополлаштиришга йўл қўймаслик. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январдаги ЎРҚ-78 сон билан тасдиқланган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида (янги таҳрири)” Қонунининг 30-моддасида шундай дейилган: “Биронта ҳам юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситаларининг тегишли марказий ёки маҳаллий бозорига чиқариладиган оммавий ахборот воситаларининг йигирма без фоизидан ортиғига муассис (ҳаммуассис) бўлишга ва (ёки) уларни шунча миқдорда ўз мулкида, эгалигида, фойдаланишида,

тасарруфида, юритувида ёхуд бошқарувида (бевосита ёки аффилланган шахслар орқали) сақлашга ҳақли эмас”³³.

Нашр турига кўра газеталар тонгги ва кечки; кундалик ва ҳафталик; мақомига кўра республика, вилоят, туман, шаҳар; ихтисослашуви бўйича ижтимоий-сиёсий, партиявий, соҳавий, диний-маърифий, ахборот-қўнғилочар, ахборий-маърифий, реклама ва баъзи бошқа газеталарга ажралади. Даврийлигини истисно этганда, мазкур тасниф журналларга ҳам ҳосдир. Уларни чиқиш муддатига қараб ҳафталик, ойлик, уч ойлик, ярим йилликка ажратиш мумкин.

Мамлакатимиз телевидениеси бугунги кунда аҳолининг 97-98 % ини қамраб олган ва 60дан ортиқ каналга эга.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (ЎзМТРК) сунъий йўлдош орқали “Ўзбекистон” телеканалининг кеча-кундузлик кўрсатувларини йўлга қўйган. Унинг таркибига “Ёшлар”, “Тошкент”, “Спорт” каналлари ҳам киради. Бундан ташқари республикада давлат тасарруфида бўлмаган 30та телекомпания эфирга кўрсатувлар узатади, шунингдек кабел телевидениесининг 28та станцияси ишлаб турибди, улар Ўзбекистон электрон ОАВ Миллий ассоциацияси (ЎзЭОАВМА) таркибига киради. ЎзЭОАВМА ва 18та минтақавий телерадиокомпания муассислигида 2004 йил 4 ноябрда ягона эфир тармоғи - ЎзКТТ яратилди. Унинг кундалик этти-тўнча ва кўрсатувлари 6 соатдан кўп.

ЎзМТРК таркибида 4та радиостанция - “Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “Машғал”, “Тошкент”лар фаолият кўрсатишяпти. Биринчи учтаси ўз эшиттиришлари билан мамлакатимиз ҳудудини деярли тўлиқ қамраб олган.

Хусусий янгиликлар Интернет портали - Ўзбекистонда тўнғич ҳисобланади. У 1999 йилда очилган бўлиб, ҳозир 3 тилда (ўзбек, инглиз, рус) фаолият олиб боради ва республика ҳаётининг турли соҳаларига - жамият ҳаёти, сиёсат, бизнес, молия, суғурта, биржа, қимматбаҳо қоғозлар бозори,

³³ “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири). 15.01.2007. № ЎРҚ-78. // Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. - Т.: “1560pcb Магкак 8ery18”, 2009. - Б. 15.

маданият ва спортга оид хабарларни ўзида жамлайди. Бу сайтда ҳар куни 100 га яқин ахборий материал жойлаштирилади, шунингдек турли пресс-релизлар ва биринчи манбадан олинган бошқа матнлар ҳам киритилади. Бугунга келиб сайт 100дан ортиқ мамлакатдан минглаб кирувчиларга хизмат кўрсатади.

Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоатчилик жамғармаси гранти бўйича асосан минтақада нашр этиладиган газета ва журналларнинг таҳририятлари учун 65 веб-сайт барпо этилди. Ҳозир анъанавий ОАВнинг 87 веб-сайти мавжуд, улар Интернет тармоғида ўз ваколатхонасига эга .

Ўзбекистонда ЎЗА, “Жаҳон”, “Туркистон-пресс” ахборот агентликлари фаолият кўрсатаёпти. Республикамизда ва ундан ташқарида оммавий ахборотни йиғиш ва ОАВ таҳририятлари, давлат идоралари, жамоатчилик бирлашмалари ва яқка шахсларга тарқатиш ЎЗАнинг бош вазифаси ҳисобланади. Агентлик ўз фаолиятини сиёсий ва ижтимоий ташкилотлардан мустақил равишда олиб боради, ишидаги ташкилий масалаларни тасарруфидаги воситалар ёрдамида ўзи ҳал этади. ЎЗА ахборот айрбошлаш ҳақида бир қатор хорижий ахборот агентликлари билан икки томонлама шартнома тузган.

“Жаҳон” ахборот агентлиги 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида ташкил этилган. Хорижий мамлакатларни Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақидаги ахборот билан тезкор таъминлаш, чет элларда ахборот бюллетенлари, маълумотномалар, каталоглар, газеталар, журналлар ва бошқа босма, компьютер, фото, аудиовидео маҳсулотларни нашр қилиш, тарқатиш учун миллий ахборот агентликлари ва ҳалқаро ахборот тармоқлари билан доимий алоқани таъминлаб туриш унинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Мазкур материаллар Ўзбекистоннинг ҳалқаро ҳамкорлик имкониятлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Бундан ташқари агентлик ҳалқаро ташкилотлар учун республика ичида иқтисодий фаолият шарт-шароитларига оид маълумотларни тўплайди ва тарқатади.

Тижорий асосда фаолият кўрсатувчи “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлиги оммавий ахборот воситалари тахририятлари учун журналистика материаллари тайёрлашга ихтисослашган.

ОАВнинг бу кенг тармоқли тизими мустақиллик йилларида деярли янгидан ташкил этилди. Ушбу тизим жамиятдаги турли гуруҳлар ва табақаларни назарда тутган ҳолда фаолият олиб боради. У ҳукмрон мафкурадан, давлатнинг ялпи ҳукмронлигидан ҳоли.

Яқин ўтмишда - собиқ шўролар тузуми даврида барча оммавий ахборот воситалари давлат томонидан маблағ билан таъминланар ва шунга яраша партия - ҳукумат қарорларига сўзсиз итоат қилар эди. Табиийки, бундай шароитда ҳеч бир нашр коммунистик мафкура тизимига тўғри келмайдиган йўлни тутишни тасаввур ҳам қила олмасди. Бугунга келиб мустақиллик шарофати ила мафкуравий тазйиқ барҳам топди, эндиликда матбуотни аввалгидек бошқариш мумкин бўлмай қолди. Жамиятнинг миллий манфаатлари, давлат манфаатлари, фикрлар ва нуқтаи назарлар хилма-хиллиги мавжуд вазиятда ижтимоий ривожланишнинг ҳаётий муҳим масалалари юзасидан ўзаро муроСага эритттиртт зарурдир. Аёнки, жамотчиликнинг тотувлигисиз бунга эришиб бўлмайди. Тотувликни қарор топтиришга эса ҳам “юқоридагилар”, ҳам “қуйидагилар” бирдек интилишлари керак.

Мазкур ишда оммавий ахборот воситалари асосий восита, қурол ҳисобланади. Бу ўринда гап оммавий ахборот воситалариаро ёки улар ичидаги яқдиллик ҳақида эмас, балки уларнинг жамият манфаатлари, миллатнинг аҳиллиги, истиқболи, жамият ва давлатнинг гуллаб-яшнаши учун хизмат қилиттти тўғрисида бормоқда. Мамлакатда барқарорлик сақланиши ҳам бунга сабаб бўлади. Шунинг учун матбуот, бир томондан, давлат ва жамият, иккинчи томондан, шахс манфаатларини мутаносиблаштиришда муҳим роль ўйнамоғи керак. Ўз ғоя ва манфаатларини ёқлаган ҳолда, фаолият бобида конституциявий тузум ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш заруриятидан келиб чиқиб иш кўриши лозим. Бу эса жамият манфаатларини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Журналистлар, медиа-бизнес ва ҳокимият тузилмаларининг миллий манфаатларни ифодалашдаги ҳамфикрлиги жамиятда тотувликни сақлашда ўта муҳим ҳисобланади. Бироқ ўзаро муросага эришиш йўлидаги интилишни асло муросасозлик деб тушунмаслик керак. Яъни оммавий ахборот воситалари тинчлик ва барқарорликка эришиш баҳонасида демократик қадриятлардан юз ўгирмасликлари лозим. Улар инсонларни ва жамиятни безовта қилаётган кескин, долзарб масалаларни жамоатчилик эътиборига етказишлари, муҳим мавзуларга қўл уришлари керак.

Лекин бу ҳолда журналистдан бутунлай бошқача, юқори даражаси касбий маданият талаб этилади. Оммавий ахборот воситалари ҳаммани қизиқтирадиган, фикрлашга мажбур этадиган масалаларни кўтариш ва уларни ҳал қилиш йўллари таслиф этиш билан бирга ўзлари таянадиган тамойилни - жамиятда тинчлик-тотувликка эришиш тамойилини унутиб қўймасликлари керак. Ўз навбатида, бу борада жамиятдан ҳам, амалдорлардан ҳам ўзгача, юксак даражадаги маданият талаб этилади. Улар ўринли танқидни жазавага тушмасдан, ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмасдан, оғир-вазминлик билан қабул қилишга ўрганишлари даркор. Асосли танқиднинг ёки камчиликлар фош этилишининг, улар қаерда бўлмасин, олға интилиш ва шунга қўшилган ҳисса деб қабул қилиниши барча учун манфаатлидир. Оммавий ахборот воситаларининг танқидий чиқишлари асло у ёки бу журналистни ёки ОАВ канални душман сифатида қарашга сабаб бўлмаслиги керак.

Томонлар асрлар давомида шаклланиб келган анъаналар, эзгу ниятлар, интилишлар ва мақсадларга, бугун жамият олдида турган улуғвор вазифаларга асосланиб иш кўришлари лозим. Оммавий ахборот воситалари ахборот-психологик хавфсизлик ҳақида қайғуришлари билан бирга бутун ҳалқни буюк мақсадларни амалга оширишга даъват этишлари даркор.

Ўсиб келаётган ёт авлодни ватанпарварлик, ўз ҳалқига садоқат руҳида тарбиялашга, унга инсонпарварлик, инсон қадрини улуғлаш ғояларини сингдиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Шуларга кўра журналистикамиз

учун ҳалқнинг анъанавий турмуш тарзи ва менталитетини ҳисобга олишдек яна бир ўзига хос муҳим вазифа келиб чиқади.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятида янги ижтимоий-сиёсий тизим концепциясидан келиб чиққан ҳолда, ҳалқнинг тарихий хотирасини ҳам эсдан чиқармасликлари керак.

16.3. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифалари

Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, кўплаб жамоатчилик ташкилотлари бугунги кунда ўз оммавий ахборот каналига, шунингдек оммавий алоқалар хизматига эга, умуммиллий ОАВга чиқа олади. Табиийки, улар ижтимоий-сиёсий, оммавий ва ихтисослашган нашрлар орқали ўз дунёқарашлари, дастурий мақсад ҳамда вазифаларини тарқатишга ҳаракат қиладилар.

Лекин ҳар қандай сиёсий ёки бошқача тузилма, агар у Конституцияга, қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаса, бир умумий мақсад - мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиёти муносабатларини қарор топтириш, жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, фуқаролар фаровонлигига эришиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига ҳисса қўшиш нуқтаи назаридан амал қилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ бу ташкилотларнинг ҳаммасининг ҳам фаолияти республика оммавий ахборот воситаларида муносиб равишда акс эттирилавермайди. Фақат давлат томонидан молиялаштирилувчи ахборот воситаларигагина эмас, балки партиявий нашрларга ҳам шу фикр тааллуқлидир. Камдан-кам истисно ҳолларни ҳисобга олмаганда, уларнинг ишга ёндашувлари бир хил йўналишда бўлиб қолмоқда. Журналистлар ҳар доим ҳам партия ҳаётидаги ўткир масалаларни кўтариб чиқавермайдилар, кўтарган ҳолларида ҳам ҳеч бир мунозарасиз, муҳокамасиз,

чуқур таҳлилларсиз, бирор масалага аниқ урғу бермай, зиддиятларни хаспўшлаш йўлидан борадилар.

Бунинг оқибати ўлароқ партияларнинг, улар матбуотининг четдан уюштириладиган мафкуравий, ғоявий тазйиқларга (баъзида Ўзбекистонга нисбатан шундай ҳолатлар кузатилади) қарши самарали иши кўринмайди. Ваҳоланки, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан бундай иш улар томонидан ўта зарур деб қаралмоғи лозим.

Шундай экан, ОАВнинг таҳририятлари ўз ишида аудитория манфаатлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқмоғи, унинг эътиборига мавжуд ҳар хил нуқтаи назар ва фикрларни ҳавола қилмоғи, ислохотларнинг бориши, уларнинг турли ижтимоий гуруҳ, табақа ва бошқа қатламларнинг ҳаётига таъсири ҳақида маълумотлар етказиб турмоғи лозим. Афсуски, республикамиз матбуоти кўпинча, айниқса, кимнингдир фикри умумий қабул қилинган меъёрларга тўғри келмаган ҳолларда ортиқча эҳтиёткорлик кўрсатиб, уни рад этадилар, у ҳақда лом-лим демайдилар.

Ҳолбуки, агар бундай фикр баъзи кишилар онгида пайдо бўлиб, бошқаларга ҳам таъсир ўтказа бошласа, шундай вазият юзага келадики, муайян масал ада ахборот танқислиги сабабли турли-туман миш-мишлар, нотўғри талқинлар, уйдирмалар урчиб кетади. Буларнинг барчаси жамият ахборий хавфсизлигига таҳдид туғдириш учун қулай муҳитни юзага келтиради. Натижада миллий манфаатлар ҳам хавф остида қолиши мумкин.

Ахборот, алоқа тармоқларини, жамият ҳаётини таъминловчи ўта муҳим инфратузилма тизимини мураккаблаштириш ҳам яна бир хавф манбаидир. Бу хавфлар атайлаб қилинган ёки тушунмаслик оқибати, техник ва дастурий таъминотдаги узилишлар ёки нуқсонлар, жиноий уюшма ёхуд жиноятчи унсурлар томонидан амалга оширилган зарарли таъсирлар бўлиши мумкин.

Мулк эгаларининг кичик бир гуруҳи қўлида оммавий ахборот воситалари тўпланиб қолиши ҳам хавф манбаи бўла олади. Бу соҳадаги монополия, одатда, бирор ижтимоий аҳамиятга молик воқеа ҳақида жамоатчиликда нотўғри фикр

уйғотиш, шунингдек жамиятнинг ахлоқий негизларини барбод қилиш учун замин яратади.

Ҳозирги дунёда давлатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриши ҳамон сақланиб қолаяпти. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, мамлакатлардан ҳар бирининг ўз манфаатлари бор ва бу давлатлараро муносабатларда у ёки бу сиёсатни ўтказишни тақозо этади. Шу асосда келиб чиқадиган зиддият, албатта, ахборот соҳасида ҳам намоён бўлади. Илмий адабиётларда “ахборот қарама-қаршилиги” деган таъриф қарор топган: бу аудиторияга атрофда бўлаётган бирор воқеа-ҳодисага нисбатан ўз мулоҳазаси, қарашлари, фикрларини иккинчи томон ғояси ва изоҳини рад этиш йўли билан тикиштиришга уринишни англатади.

Журналистнинг маҳорати долзарб муаммолар ва фикрларнинг жамоатчилик ҳукмига етказилишда, зарур бўлса, улар атрофида мунозара уюштириш ва батафсил шарҳлаб беришда кўринади. Гарчи баҳс-мунозара ҳақиқатни тўлиқ юзага чиқармаса-да, шу ҳақиқат изланганининг ўзиёқ муҳимдир. Зеро, бу аудиторияни ўйлашга, мулоҳаза қилишга, ўзини ташвишлантираётган масалаларга жавоб топишга ундайди. Акс ҳолда жамоатчилик фикрида турғунлашув юз беради. Тафаккур қилмайдиган, мулоҳаза юритмайдиган жамият чет таъсирига тушиб қолиши мумкин. Айниқса, Ўзбекистон ахборот кенглигида оммавий ахборот воситаларининг кўпгина чет эл каналлари фаоллик кўрсатаётган ҳозирги пайтда бундай эҳтимоллик жуда кучлидир. Олдинги бобларда санаб ўтилган етакчи хорижий оммавий ахборот воситалари бу борада ўзаро рақобатлашибгина қолмай, бизнинг ахборот бозоримиз учун Ўзбекистон ОАВ билан ҳам кураш олиб бормоқдалар. Ўз-ўзидан равшанки, улар аудитория онгига кўпинча ўз мамлакатларининг манфаатлари буюрган ғоявий қарашларни сингдириш пайдан бўладилар, Агар мамлакатимиз ОАВ бирор хусусда жимлик сақлашни ёки бирор нарсани эътиборсиз қолдиришни афзал биладиган бўлсалар, уларнинг хорижлик ҳамкасблари айти шу нарса ҳақида ўзларича шарҳлаб ва талқин қилиб жар соладилар. Ўзбекистон матбуоти баён этиши мумкин ва жоиз

бўлган нуқтаи назарнинг йўқлиги ёки анча кечикиб муносабат билдирилиши шунга олиб келадики, дастлабки ахборот туфайли пайдо бўлган фикрни ўзгартириш мушкуллашади, чунки бу ерда гап бирор нарсага ишонч ҳосил қилган кишини қайта ишонтиришдек қийин вазифа устида боради.

Оммавий ахборот воситаларига нисбатан яна шунинг айтиш зарурки, спорт соҳасида бўлганидек, бу ерда ҳам энг яхши ҳимоя - ҳужумдир, ва ноиложликдан, улар хуружга қарши мажбуран қилинадиган ҳужум эмас, балки содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ўз вақтида, зудлик билан ҳолис ёритиш орқали муҳолиф томонни “куролсизлантириш”, уларнинг фискал-фужур гапларига ўрин қолдирмаслик, яъни улардан ҳам илдамроқ ахборот етказит маъносидаги сабб-ҳаракатдир. Лекин, афсуски, жаҳон ахборот майдонида ўқувчи, тингловчи ва томошабиннинг онги-шуурини, қалбини овлаш учун олиб борилаётган бу кўзга кўринмас рақобат курашида Ўзбекистон журналистлари ташқи ахборот каналларига бўш келиб қолаётган ҳоллар кам эмас. Бундай вазиятни маъмурий буйруқбозлик билангина ўнглаб бўлмайди. Чунки бу эркин “бозор”да ҳар ким ўзи хуш кўрганини харид қилади, ўқийди, кўнглига ёкса, эшитади ва кўради, чунки бу унинг манфаатларига, қизиқишларига мос келади.

Ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ Фарб ОАВда қуйидагича тартиб қарор топган эди: ахборот воситасининг навбатдаги сонида жойлаштириладиган материални тақдим этувчи бўлимга бериладиган биринчи савол шундай бўларди:

- Материал кимларга мўлжалланган? Уни кимлар ўқийди деб ўйлайсиз? Ёши? Жинси? Маълумоти? Аудитория нимани кутади, манфаати қандай? Унинг руҳий дастури қандай? Моддий аҳволи-чи? Ва ҳоказо.

Материални таклиф қилувчи ўша саволларга аниқ жавоб бериши лозим эди. Шунинг учун журналист ўз чиқишини аудиториянинг ёши, жинси, билим даражаси, маданияти, сиёсий қарашлари, яъни ўқувчилар, эшитувчилар ва томоша қилувчиларнинг қизиқишларига мослаштириши керак бўлган³⁴.

³⁴ Ученова В.В. Горизонты публицистики: опыт и проблемы. - М.: “Мысль”, 1981. - С. 195.

ОАВ кўзлаган “нишони” аниқ, ўз далил-исботлари ишонарли бўлиши ҳақида қайғуриши лозим. “Мен ёзаётган мақола ким учун?” - журналист амал қиладиган асосий қоидалардан бири шундай бўлмоғи керак. Мўлжаллаган аудиториясини олдиндан билиш журналистга ўз материали етказаётган хабар қандай қабул қилинишини тўғри тахминлаш имконини беради.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг ижтимоий табақалашуви юз бермоқда. Ҳар бир қатламнинг ўз ижтимоий мўлжаллари бор. Лекин бизда оммавий ахборот воситалари маълум даражада тармоқланган, замонавий жамиятнинг ўзига хосликларини гўё ҳисобга олгандек бўлса-да, барчаси бир қиёфада кўринади. Ўзбекистон аудиторияси мамлакатимиз ОАВ каналларига мурожаат этиб, кўпинча уларда бизни қўшаб олган олам билан, кишилиқ жамиятининг ҳозирги ривожланиш даражаси билан мутаносибликни кўрмайди.

Муайян руҳий ҳолатни шакллантириш учун ҳозир ХХ аср бошларидаги сингари кўплаб кунлар ва ҳафталар талаб этилмайди. Телеалоқа тизими бунга бир неча соатда, ҳатто тўғридан-тўғри кўрсатувда эришиши мумкин. Бунинг учун, масалан, Си-эн-эн телеканали меҳмонхоналардан бирининг тоmidан туриб АҚШ авиацияси Ироқ пойтахти Бағдодни қандай бомбардимон қилганини он-лайн режимида кўрсатганлигини эслаш кифоя.

Кишиларнинг яшаш жойларидан қатъи назар, юқори технологиялар улар турмушининг барча соҳаларини турли тарзда ва турли шаклда қамраб олиб, таъсир кўрсатиш учун имконият яратади. Шу боисдан шахс ва жамиятнинг ахборот-технологик ҳавфсизлиги мақсадларида ташқи каналлар ноҳуш таъсирининг олдини олишни кўзлаб, ахборотга эркин эга бўлиш учун шароит ва кафолат яратиш, ғайриқонуний ахборот-психологик таъсирдан ҳимояланиш, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш зарур.

Агар мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ўз аудиториясининг ахборотга бўлган хоҳиш-истаклари, ҳис-туйғулари, руҳиятларига айна кутилган пайтда тўлиқ жавоб бера олса, янгиликларнинг бошқа манбаларини қидиришга эҳтиёж ҳам, ҳоҳиш ҳам қолмайди. Ҳатто ташқи ахборот каналига

тўқнаш келганларида ҳам, у тақдим этаётган маълумотни кўр -кўрона қабул қилавермасдан, ҳар бир нарсани танқидий мулоҳаза қилиб кўришга тайёр бўлишади.

Айниқса, фавқулодда ҳолатларда фуқароларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш ҳақида гапирганда, шуни афсус билан таъкидлаш керакки, бундай пайтда бизнинг матбуотимиз саросимага тушиб, нима қиларини билмай қолади. Журналистларимиз жадаллик кўрсатиш ўрнига сусткашлик қилиб, ўзларини йўқотиб қўйишади. Ваҳоланки, ҳалқаро журналистикада фавқулодда мазмунли ахборот биринчи ўринда туриши кузатилади.

Яна бир жуда муҳим йўналиш борки, у ҳам хавотир уйғотмаслиги мумкин эмас. Айтиб ўтилганидек, бизда мўмай даромад кетидан қувиб, оммавий аудитория ноғорасига ўйновчи қўплаб нашрлар пайдо бўлди ва бўлаётир, улар айтишга мижозларининг паст савиялари, тўпори дидларига мос равишда иш тутишади. Адади юқори ва тинимсиз ошиб бораётган газета-журнал тарзидаги мазкур нашрларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, улар асосан чет эл материалларини кўчириб босиш билан шуғулланишади. Устига-устак бу ишга бир томонлама ёндашадилар: ҳар қаердан юлқиб олинган материаллари кўпинча порнография, зўравонлик, маиший жанжаллар ёки чет эл кино, эстрада, спорт ва бошқа соҳа “юлдузлари” турмушининг икир-чикирлари ҳақида бўлади. Натижа шундайки, бугунги кунда йигит-қизларимиз мамлакатимиз ҳаётидаги мавжуд муҳим муаммолардан кўра ёшларнинг ғарбдаги суюкли пешволари қандай яшашларию, нималар еб-ичишлари, қаерларга йўллари тушиб, қандай машғулотлар билан банд бўлишларини яхшироқ биладилар.

Яратувчилик ғояларига келсак, ушбу нашрлардан уларни топиб бўлмайди. Бундай ғоялар ҳар бир қалбда пайдо бўлиши учун жамият маънавияти ва ақл-заковатини юксалтириш керакка ўхшайди. Лекин юқори маълумотли ва маънавиятли жамиятда ҳам бўлар-бўлмасга ҳадеб юзаки панд-насихат қилинавермаслиги, хулқ-атвор тарбиясига, қуруқ ўғитвозликка ружу

қўйилавермаслиги лозим. Чунки бу акс самара бериши мумкин. Бундай “ақл ўргатавериш”лардан шўролар даврида омма безор бўлган. Эндиликда экранда Россия телеканалларида, Би-би-си, “Дискавери”, “Нешнл географик” каналларида тайёрланиладиган маърифий кўрсатувларга ўхшаган дастурлар сонини кўпайтириш мақбулдир.

Ахборотлашган жамият - билимлар жамияти, умр бўйи давом этадиган узлуксиз таълим жамияти бўлиб қолиши лозим. Бу ахборот-психологик хавфсизликка бевосита дахлдордир. Шунинг учун Ўзбекистон телевидениеси кадрлар тайёрлаш, уларнинг маданий ва таълим даражасини оширишга қаратилган миллий дастурни амалга ошириш доирасида аҳолини зарур маълумотлар билан таъминлашдек муҳим вазифани бажариши керак.

Ахборот-психологик хавфсизликка эришиш фуқаролар билан давлат ўртасидаги яқин алоқани амалга оширувчи жамоатчилик институтларини ташкил этиш билан жипс боғлиқ. ОАВ ана шундай институтлардан бири бўлмоғи лозим. Ҳозирги кунда бу соҳа асосан давлат таъсисчилигидаги матбуот нашрларидан иборат. Албатта, давлат ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имконига эга бўлиши керак, лекин бу ҳолда ОАВ ишига маъмурий буйруқбозлик услуби асосида таъсир этиш, аралашини иштиёқи сезиларли даражада сақланиб қолади. Бундан қутулишнинг йўли ижтимоий институтлар, Журналистлар ижодий уюшмаси, Оммавий ахборот электрон воситалари миллий Ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ахборот агентликлари фаолиятини фаоллаштиришдан иборат.

Фуқаролик жамиятига хизмат қилишга даъват этилган журналистика ҳақида гапирганда, шуни назарда тутиш керакки, унинг фуқаровий мавқеи иқтисодий жиҳатдан бақувват, лекин амалда журналистлик одобини бир четга суриб қўйитган. тайёр турган нопок кимсалар таъсиридан ҳимояланган бўлиши лозим.

Шундай қилиб, юқорида баён этилганлардан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари шахс, жамият ва давлатнинг ахборий-

психологик хавфсизлигини таъминлашда ўз соҳаларидаги фаолиятни тартибга солувчи қонунларга, шунингдек касб одоби меъёрларига риоя қилишлари керак.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг мустақиллик давридаги тадрижий ривожланиши.*
- 2. Республика оммавий ахборот воситаларининг бугунги кундаги тизими.*
- 3. Ўзбекистон матбуот тизимига тавсиф.*
- 4. Мамлакат радио ва телевидение тизимига тавсиф.*
- 5. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳалқ руҳиятининг ҳимоячиси сифатида.*

Мустақил иш учун мавзулар:

- 1. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг мустақиллик давридаги тадрижий ривожланиши.*
- 2. Республика оммавий ахборот воситаларининг бугунги кундаги тизими.*
- 3. Ўзбекистон матбуот тизимига тавсиф.*
- 4. Мамлакат радио ва телевидение тизимига тавсиф.*
- 5. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳалқ руҳиятининг ҳимоячиси сифатида.*

4-МОДУЛ. ЁШЛАР ЎРТАСИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ

ЁШЛАР ЎРТАСИДА АХБОРИЙ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Ёшлар ўртасида ахборот-психологик хавфсизлик муаммолари. Ёшлар ўртасида ахборот-психологик хавфсизлик муаммолари, ҳозирги кунда ҳаётимизнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб улгурган интернет хусусида, ОАВнинг ёшлар онгига таъсири, ёшларда бузғунчи, деструктив гояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ахборотларнинг шахсга таъсир қилиши мумкин бўлган жиҳатлари.

Ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси – ахборот-психологик таъсирлардан ҳимоялаш омили сифатида. Ахборот-психологик таъсирлардан ҳимоялашда ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси масаласи, психологик таъсирлардан ҳимоялашда маънавий-маърифий тарбиянинг миллий илдизларидан фойдаланиш, талабаларда танқидий тафаккурнинг ривожлантириш, уларда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш, психологик ҳимоя механизмларини шакллантириш омили сифатида.

Ёшларни турли ёт гоялардан ҳимоялашда оилавий психологик хизматнинг ўрни. Оилавий психологик хизматнинг ёшларни турли ёт гоялардан ҳимоялашдаги ўрни, юртимизда оила, ёшлар сиёсати йўналишидаги барча чора-тадбирларнинг мазмун ва моҳияти, ёшларни комил инсонлар қилиб шакллантириш, оила барқарорлигини мустаҳкамлашнинг аҳамияти, ёшларни турли ёт гоялардан ҳимоялашда “оила-маҳалла-таълимуассасалари” нинг ҳамкорлиги.

Таянч тушунча ва атамалар: ахборот-психологик хавфсизлик муаммолари, интернет ва ёшлар, ОАВнинг ёшлар онгига таъсири, ёшларда бузғунчи, деструктив ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ахборотларнинг шахсга таъсир қилиши мумкин бўлган жиҳатлари, маънавий-маърифий тарбия, талабаларда танқидий тафаккурнинг ривожлантириш, оилавий психологик хизмат, оила, ёшлар сиёсати йўналишидаги барча чора-тадбирларнинг мазмун ва моҳияти, ёшларни комил инсонлар қилиб шакллантириш, ёшларни турли ёт ғоялардан ҳимоялашда оила барқарорлигини мустаҳкамлашнинг аҳамияти, ёшларни турли ёт ғоялардан ҳимоялашда “оила-маҳалла-таълимуассасалари” нинг ҳамкорлиги.

17.1. Ёшлар ўртасида ахборот-психологик хавфсизлик муаммолари

Бугунги глобаллашув даврида, шиддатли замонда фарзандларнинг соғ-омон юришини таъминлашнинг ўзигина етарли бўлмай қолди. Замонга хос ва мос юксак маърифатли, бунёдкор, шижоатли авлодни тайёрлаш зарурати жамият, энг аввало, оила институти зиммасига ғоят катта масъулият юкламоқда.

“Ҳозирги замонда ўсмирлар онги, руҳиятида илгари кузатилмаган қандай ўзгаришлар рўй беряпти, мазкур ўзгаришлар қандай характерга эга (ижобийми ёки салбийми), агарда ножоиз таъсирларга берилаётган ёшлар бўлса, бунинг сабаблари нимада, ушбу таъсирларнинг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?” деган саволларга жавоб топиш зарурияти ҳам юзага келди.

Ҳозирги кунда кўпчилик ахборот олиш манбаи сифатида мурожаат қиладиган, ҳаётимизнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб улгурган интернет хусусида баъзан кишилар бир ёқлама фикр юритаётганини кузатамиз. Айримлар унинг ижобий томонлари, имкониятларини ҳаддан ташқари ёқлаб, ашаддий тарафдор сифатида интернетни қўллаб-қувватласалар, бошқалар эса кўпроқ фойдаланиш жараёнида инсон оладиган негатив, салбий таъсирларга эътибор қаратадилар. Шу ўринда таъбир жоиз бўлса, образли қилиб айтганда,

интернетни пичоққа ўхшатган бўлардик. Чунки, пичоқ жиноятчининг қўлида қотиллик қуроли сифатида намоён бўлса, жарроҳ ундан инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш, ошпаз эса кишилар учун таом тайёрлаш, одамларга хизмат қилиш мақсадида фойдаланади. Айни нуқтаи назардан интернетнинг функциялари, вазифалари, имкониятларини тўғри англаш ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланишни ҳар бир фуқаро уйдлаши лозим, деб ўйлаймиз. Баъзи ёшларнинг интернетга муккасидан кетишини эса сабаб эмас, оқибат сифатида баҳолаган бўлардик.

Албатта, интернетнинг имкониятлари фақат салбий жиҳатларда акс этмайди. Унинг ўзига хос ижобий томонлари ҳам мавжуд. Улар сирасига маълумотга дарҳол эга бўлиш, ахборот ва маълумотларнинг турфа хиллиги, шахснинг ўзини намоён қилишга ёрдам берувчи мулоқот имкониятининг мавжудлиги, таълим борасида интернет имкониятларини кўрсатиш мумкин. Интернетнинг ижобий томонларини инкор этмаган ҳолда унинг энг кам сарф-харажат билан ёшлар орасида самарали деструктив фаолият олиб бориш имконияти мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим. Ҳар куни турли ижтимоий тармоқлар (“Facebook”, “MySpace”, “Twitter”, “Habbo Hotel”, “Friendster”, “Tagged.com”, “Instagram”, “WhatsApp”, “GAP”, “Linkedin”, “Одноклассники”, “Мой мир”, “Живой журнал”, “В контакте”, “В кругу друзей”, “Менинг олашим”, “Синфдош” ва ҳ.к.лар)да миллиардлаб инсонлар бир-бирлари билан виртуал мулоқотга киришмоқдалар, турли сайтларга кирмоқдалар, “YouTube” сингари видеохостингларга ташриф буюрмоқдалар, ҳар хил блогларда ўз фикрларини баён этиб, бошқаларнинг мулоҳазалари билан танишмоқдалар.

Ёшларда бузғунчи, деструктив ғояларга қарши ҳали мафкуравий иммунитет тўла шаклланмаган-лигини, уларнинг эшитган ёки ўқиган маълумотига жуда тез ишонишини назарда тутсак, бу анча эътибор қаратиш зарур бўлган жараёндир.

Ахборий-психологик хавфсизлик борасидаги бундай таҳдидларга қарши курашишда энг аввало, ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу борадаги таҳдидлар доим ҳам мамлакат ичкарасидан чиқавермаслигини,

уларнинг четдан туриб ташкиллаштиришга уриниш ҳоллари мавжудлигини ҳам унутмаслик зарур.

Психологлар томонидан ҳозирги кунда “ахборий-қўпоровчи омил” деган тушунча истеъмолга киритилган. Ҳақиқатдан ҳам интернетдан тарқатилаётган қўпоровчилик руҳидаги ахборотлар баъзан ҳарбий ҳаракатларни амалга оширгандан ҳам кўпроқ самара бериши мумкин. Хусусан мазкур ахборотларнинг шахсга таъсир қилиши мумкин бўлган жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- кишиларнинг ахлоқий-психологик ҳолатини, дунёқараши, сиёсий нуқтаи назари ва эътиқодини мақсадли равишда ўзгартиришга нисбатан қаратилган ахборий босим, хуруж;

- нотўлиқ, атайлаб бузилган, нотўғри маълумот ва ахборотларнинг тарқатилиши;

- тўғри маълумотнинг кишилар томонидан нотўғри идрок этилишини таъминлашга интилиш.

Ташқи муҳит ва шахснинг ички дунёси бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, қайсидир маънода киши хулқ-атвори характерици белгиловчи асосий омилдир. Ўзини ўзи англаш жараёнида психологик йўналтирилишга муҳтож киши учун ёнида уни танийдиган, унга маслаҳат берадиган, унинг учун тўғри қарор қабул қила оладиган инсоннинг бўлиши муҳимдир. Ўзини ўзи англашда киши таълим олиш, дунёқарашини кенгайтириш, турли маълумот ва материалларни қабул қилиш, янги ҳаётий тажрибани ўзлаштириш қобилиятини намоён қилади, охир-оқибатда тегишли шахс сифатлари шакллантирилиб борилади. Инсон ўзгаради, трансформациялашади ва бу жараёнида унинг ўзи онгли равишда ҳис этиши, назорат қилиб бориши зарур.

Ахборий таъсирнинг фойда ёки зарари унинг ўзи эмас, балки кўрсатиши мумкин бўлган натижаси билан тавсифланади. Зеро, ахборий таъсир моҳияти унинг муайян жараёнларни бошқаришга нисбатан имкониятида намоён бўлади.

Аниқланишича, ҳаёлий оламда кўп вақт ўтказувчилар гипнозга берилувчан шахслар бўлишади. Компьютер ўйинлари дастурини маълум

мақсадлар асосида, кишини “зомбилаштириш”га хизмат қиладиган сўзлар воситасида тузиш эса мутахассислар учун мураккаб иш эмас.

Энг аввало, меъёрга амал қилиш керак, яъни боланинг компьютер олдида ўтказадиган вақтини белгилаб, чегаралаб бериш лозим. Унинг ўрнига турли бадий, илмий китобларни ўқиш, мусика, спорт билан шуғулланишга ундаш мақсадга мувофиқ. Врачларнинг тавсиясига кўра, биринчи синф ўқувчилари кунига 10 дақиқа, иккинчи-бешинчи синф ўқувчилари 15 дақиқагача компьютерда ишлашлари мумкин. Ўрта умумтаълим мактабларининг 6-9- синф ўқувчилари 20-25 дақиқагача, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари талабалари ярим соатдан, бир соатгача кунига компьютер қаршисида ўтиришлари тавсия этилади.

Шу билан бирга, интернетнинг маълум бир сайтлари ва порталларига киришни чегараловчи дастурлардан фойдаланилгани ҳам маъқул. Бу ишларни амалга ошириш орқали интернетнинг ўсмирлар психикасига кўрсатадиган салбий таъсирини камайитириш мумкин.

17.2. Ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси – ахборот-психологик таъсирлардан ҳимоялаш омили сифатида

Афсуски, маълумотларга қараганда, ҳозир дунё бўйича кишилар орасида (катта ёшлиларда ҳам, ёшлар, ўсмирлар, болалар ўртасида ҳам) тажовузкорлик кўрсаткичи тобора ошиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири эса агрессияни тарғиб қилувчи адабиётлар, теле, радио, аудио, видео ва мультимедиа маҳсулотлари, интернетдаги материаллар, компьютер ўйинларининг кўпайиб бораётганидир. Уларнинг барчаси инсонларнинг психик ва психоэмоционал ҳолатига босим қилиш, кишиларни зимдан бошқариш, уларга ахборий-психологик таъсир ўтказишнинг таъсирчан воситаси сифатида намоён бўлади. Одамларнинг онг ости фаолиятига ахборий таъсир ўтказиш (кимёвий препаратлар, лазер-нур мажмуалари, юқори ёки қуйи частотали тўлқинларни ҳосил қилувчи генераторлар ёрдамида кўрсатиладиган психотрон

таъсирни-ку, қўя турайлик) уларда турли психосоматик касалликлар ривожланишига, танада физиологик ва органик бузилишлар кузатилишига, шунингдек, ҳатто ўлимгача олиб келадиган вазиятларни яратишга сабаб бўлиши мумкин. Илмий истилоҳдаги “зомби”лар, Алишер Навоий бобомиз таъбири билан айтганда “манкуртлар” пайдо бўлмаслиги учун айна ҳолат, яъни шахсга бошқаларнинг салбий таъсир ўтказишига йўл қўймаслик мақсадида ахборот истеъмоли маданияти, мафкуравий иммунитетни таркиб топтириш ва ривожлантириш масаласи ҳануз долзарблигича қолмоқда. Мисол қидириб узоққа бориб ўтирмайлик, норвегиялик Брейвик изидан бориб, бегуноҳ инсонлар ҳаётига қасд қилаётган, улар ҳаётига зомин бўлаётган қотилларнинг кўпайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Энг ачинарлиси, улар 15-30 ёш оралиғидаги ёшлардир. Шунинг учун, таълим муассасаларида таълим ва тарбияни узвий ҳолда, бирга олиб бориш зарурияти ҳақида бот-бот гапирилмоқда экан, таълим бериш жараёнида мақсадга мувофиқ тарбиялаб бориш, тарбиялаш жараёнида таълимга оид маълумотлар, усуллардан ўринли фойдаланиш ҳар доим ҳам долзарб аҳамият касб этиб келган.

Таълим муассасалари педагогик жамоаларида ошкоралик, хайрихоҳлик, бағрикенглик, танқидий-таҳлилий мушоҳадага асосланган ўзаро муносабатлар тизимини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мазкур тизим педагоглар ва талабаларни деструктив ғоялар таъсирига тушишдан сақлашда, уларнинг психологик саломатлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга таълим муассасаларида ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида асосий эътиборни талабаларда танқидий тафаккурнинг ривожлантирилишига, шунингдек уларда ахборот-психологик хавфсизликнинг таъминланганлиги, психологик ҳимоя механизмларининг шаклланганлигига қаратиш даркор. Амалий психологик ва педагогик фаолият тажрибаси асосида таълим муассасаларига бузғунчи гуруҳлар мафкураси кириб келишининг асосий сабаблари, усул ва воситаларини таҳлил қилиш, таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари ўртасида ёт ғоялар психологик манипуляцияси ҳамда салбий таъсирининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, ижтимоий-

психологик дастурлар натижаларини баён этиш мазкур йўналишдаги профилактик ишлар мазмунини бойитишга хизмат қилади.

Айниқса, ёш давлари билан боғлиқ шахс инқироз ҳолатлари мавжудлигини ота-оналар инобатга олишлари, мазкур ҳолатлар ўсмирлик даврида алоҳида эътибор талаб қилишини билишлари зарур. Чунки инқироз даврида инсон бирон бир яқин кишисининг маслаҳати, маънавий қўллашига эҳтиёж сезади. Агар ёнида шундай кишиси бўлмаса, унинг фаолиятида салбий хусусиятлар, ҳулқ-атворида оғишлар кузатилиши мумкин. Уларда психологик маданият, мафкуравий иммунитет етарли даражада шаклланган бўлса, бу жараён салбий асоратсиз кечади. Глобаллашув шароитда фарзандларимиз тарбиясини виртуал олам ихтиёрига бериб қўйиш эса ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Жамиятимизнинг, мамлакатимиз фуқароларининг жисмоний, психологик, ахлоқий, маънавий, маданий жиҳатдан соғлом бўлиши барчамизга боғлиқлигини эътибордан соқит қилмаслигимиз зарур. Бунда эса албатта, оила, таълим муассасалари, жамоатчилик, фуқаролик институтлари ҳамкорлиги кучайтириб борилиши, барча фаол фуқаролик позициясини эгаллаши муҳим аҳамиятга эгадир. Ният, орзуларнинг беқарорлиги, мақсадларнинг ноаниқлиги, ўзга фикрларга нисбатан тоқатсизлик, шошқалоқлик ёшлик даврида нисбатан кўпроқ учрайдиган хусусиятлардандир. Бундай сифатлар ўсмир ва ўспиринларнинг отаси-онаси ва ёши улуғ инсонлар билан маслаҳатлашиш, фикрлашиш эмас, балки ўзига ўхшаганларни топишга интилишини кучайтиради. Ёшлар ижтимоий мансублиги ва ёшига кўра уларнинг дам олиш, мулоқот жараёнидаги эҳтиёжларини қондира оладиган гуруҳларга аъзо бўладилар, интернетдаги турли ижтимоий тармоқларда ҳам маслакдошлар бирлаша бошлайдилар. Бундай гуруҳларда ўзига хос маданий меъёр ва установка (йўл-йўриқ)лар, қадриятлар, “биз” ва “улар” деган психологик қарама-қаршилиқни ифодаловчи тушунчаларга асос бўлувчи омиллар шакллана боради. Кейинчалик эса азалий бўлиб келган “оталар ва болалар” муаммоси вужудга келиши мумкин.

Кузатишларга кўра, дастлаб авлодлар орасида, яъни “биз”- ёшлар ва “улар”-ёши улуғ инсонлар ўртасидаги ихтилоф кўзга ташланади. Бундай карама-каршилиқ ўсмир ёки ўспириннинг алоҳида музикани тинглаши, сўзлашув жараёнида жаргон ва адабий тилга хос бўлмаган турли ибораларни қўллаши, сўнгги урфдаги кийимларни кийишга интилишидаги деярли безарар хатти-ҳаракатларида ифодаланади. Бу маълум вақтгача ёшларнинг катталардан ажралиб туришга нисбатан хоҳишидир. Турли объектив ва субъектив омиллар ёшлар хатти-ҳаракатини муайян ўзанга буриши мумкин. Масалан, норасмий уюшма фаолиятининг ижобий йўналганлиги ёшларда ижтимоий жиҳатдан қабул қилинган фаолият кўринишларида ўзларини тўла намоён қилишларига шароит яратиши эҳтимоли мавжуд. Бироқ, салбий характердаги гуруҳлар таъсирида кейинчалик, ёшларнинг муҳолифлик хусусияти кучая боради. Бузғунчи ғоялар, мафкураларнинг моҳирлик билан олиб бориладиган тарғиботи ҳамда ёшлар онгининг тўла шаклланмаганлиги, уларнинг маълумот, ахборотни танқидсиз ва таҳлилсиз қабул қилиши натижасида ҳатто экстремистик ва сўл кайфиятдаги гуруҳлар, уюшмалар вужудга келиши мумкин. Экстремистик кайфиятдаги ёшларнинг “биз” ва “улар” тушунчалари асосида инсонларни ажратишида энди ёш эмас, балки кишилардаги етакчи қадриятлар асосий ўрин тутади .

Умуман олганда, фарзандларимизда ахборот истеъмолини шакллантириш жараёнида (тарбиянинг бошқа кўринишларида ҳам) оилада бола билан ота-она муносабатлари демократик тамойиллар асосига қурилгани маъқул, деб ҳисоблаймиз. Айрим оилаларда кузатиладиган фарзандга нисбатан ҳаддан ташқари қаттиққўллик, унинг муаммолари, ўй-фикрлари, мулоҳазалари, қизиқиш, интилишлари билан ҳисоблашмаслик, назар-писанд қилмаслик, авторитар муомала боланинг индивидуал-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, лапашанг, бўш, ўзгалар етовига тушиб кетаверадиган, мустақил фикри йўқ одам бўлиб шаклланишига ёхуд ўжар, золим, кек сақлайдиган, қасоскор, муаммолари учун бошқаларни айбдор билиб, ҳаммадан ўч олишга ҳаракат қиладиган инсон сифатида вояга етишига олиб келиши мумкин. Фарзанди

нимани хоҳласа, шуни дарҳол муҳайё қиладиган, уни папалаб ўстириб, кўнглига қарайдиган, ўзи ҳар қанча қийналса-да, барча юк, ташвишни зиммасига оладиган, атрофида гиргиттон бўлиб, парвонадай айланадиган ёки уни қаровсиз, назоратсиз қолдириб, фақат моддий, иқтисодий эҳтиёжларини тўла қондириб турадиган ота-оналар ҳам борки, уларнинг болалари кўпинча ўта худбин, ўз манфаатидан бошқа ҳеч нарсани тан олмайдиган, баъзан эса ижтимоий хавfli шахслар бўлиб етишадилар. Шундай экан, фарзандларга эътиборли бўлиш, улар келажаги учун масъуллигини англаб, мамлакат тараққиёти, ривожига учун хизмат қиладиган баркамол шахслар, етук мутахассисларни етиштиришга ҳаракат қилиш ҳар бир ота-онанинг бурчи бўлмоғи зарур.

Хуллас, бугунги кунда ёшларни турли ёт ғоялар, виртуал оламнинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш эътиборга молик, давлат сиёсати даражасидаги масала эканлигидан келиб чиқиб, бу йўналишдаги ишларни сусайтирмаслик, изчил ва тизимли олиб бориш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда мафкуравий иммунитетни, ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш кенг илмий жамоатчилик, ота-оналар ва ҳар бир онгли фуқаро олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

17.3. Ёшларни турли ёт ғоялардан ҳимоялашда оилавий психологик хизматнинг ўрни

Ёшларни ҳар томонлама баркамол шахслар қилиб тарбиялаш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш масаласи тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Ушбу институтлар орасида фақат шарққа хос бўлган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар шу ҳудудда яшайдиган ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда асосий субъект ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари

маҳаллаларда истиқомат қилувчи оилаларнинг ижтимоий-маънавий ҳуқуқларига тегишли маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Ушбу ҳамкорликда маҳалладаги комиссияларнинг, маҳалла ҳузурида ташкил этилган “Ота-оналар университети”нинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Яъни, хотин-қизлар масалалари, ёшлар ишлари бўйича профилактика нозирлари ва бошқаларнинг оилалар, ёшлар билан олиб борадиган ҳамкорликдаги фаолияти режали ва мақсадли амалга оширилиши ҳамда ушбу ишлар натижасининг доимий назорат қилиниши, ҳулоса ва тавсиялар асосида ушбу фаолият самарадорлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирларнинг белгиланиши муваффақиятлар гаровидир.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган оила, ёшлар сиёсати йўналишидаги барча чора-тадбирлар мазмун ва моҳияти ёшларни комил инсонлар қилиб шакллантириш, оила барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Бу борада маҳалладаги оилалар, эҳтиёжманд оилалар, ижтимоий-ҳуқуқий хатар гуруҳ оилалар ва болалар билан олиб бориладиган якка ва оммавий тарздаги тарбиявий тадбирларнинг таъсир кучи сезиларлидир. Айниқса, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларни турли ёт, деструктив ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, эрта турмушга чиқишнинг, турли зарарли одатларнинг салбий оқибатлари, турли миллатлар ва элат вакиллари ўртасида бағрикенглик тафаккурини шакллантириш, ёшларни касбга йўналтириш ва бошқа йўналишдаги мавзуларда олиб бориладиган учрашув, конференция, семинар-тренинглар, видеоконференция, саёҳат, давра суҳбати, баҳс-мунозара ва бошқаларнинг, оилавий психологик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятининг тарбиявий таъсири ниҳоятда каттадир. Ушбу фаолият самарадорлигини таъминлашда маҳаллалардаги хотин-қизлар кўмитасининг бошланғич ташкилотлари, диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар, психологлардан катта масъулият билан ўз ишига ёндашиш талаб этилади.

Демак, бугунги кунда ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан кучли, ақлан етук, соғлом ва баркамол бўлиб етишишида оиладаги соғлом муносабатларнинг аҳамияти муҳимдир. Шу боис, мустақил давлатимизда оиланинг мустаҳкам бўлиши, унинг барқарорлигини таъминлаш учун оилада соғлом ижтимоий муносабатлар тизимини яратиш ва бунинг учун аввало ота-оналарни психологик билим билан қуроллантириш лозимдир. Бу масалани ҳал қилишда психологик хизматни, аниқроқ айтадиган бўлсак оилавий психологик хизматни ташкил этиш долзарб масала сифатида кўтарилади.

Республикамызда дастлаб асосан таълим тизимида расмий-меъёрий ҳужжатлар, кўрсатмалар асосида йўлга қўйилган психологик хизмат амалиётчи психологлар тайёрлаш, турли психологик марказлар фаолият юритиши, психология соҳасининг ривожланиши қаторида индивидуал ва гуруҳий психотерапия қаторида оилавий психотерапиянинг ҳам тараққий топишига туртки берди.

Психологик хизмат ва психологик амалиётда оилавий психотерапия оилаларга маслаҳат бериш жараёнида аҳамият қаратиш лозим бўлган муҳим босқич сифатида кўрилади. Оилавий психотерапиянинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- оила аъзоларида ўз орзу-ният, ҳис-туйғу, идеал, қадрият, хавотир, кечинма ва ҳ.к.лари юзасидан фикр-мулоҳазаларини очиқ баён этиш, яъни мулоқотга киришиш малакаларини ривожлантириш;

- оилада мулоқотнинг янгидан–янги усуллари таркиб топтириш;

- оиладаги қотиб қолган тасаввур, стереотиплардан воз кечшга кўмаклашиш;

- оила аъзоларининг уларга хос рол (мақом)ларни ўзлаштиришларига ёрдам бериш;

- оила аъзоларида ҳамкорлик,бирдамлик туйғуларини ривожлантириш ва ҳ.к.

Оилавий маслаҳат оилага психологик ёрдам кўрсатиш йўналишларидан бири сифатида ўзига хос хусусият, чегара ва таъсир доирасига эга. У оилавий

психотерапия билан бир вақтда ривожланди, бу икки ёндош касбий фаолият бир-бирини тўлдирган ҳолда тараққий топди. Оилавий маслаҳатнинг асосий мақсади – психолог ва оила аъзоларининг баҳамжиҳатликда оиладаги рол (мақом)ларни мақсадга мувофиқ таркиб топтириш ва баркамол шахсни тарбиялашларини таъминлаш.

Ҳозирги даврда оилага хизмат кўрсатишнинг турли йўналишлари вужудга келди. Улар сирасига оилавий маслаҳатхоналар, танишув, психологик ёрдам хизматларини киритиш мумкин. Уларнинг фаолият йўналишлари ҳам турфа хил бўлиб, бу оила қуриш (танишув, совчилик хизматлари), уни мустаҳкамлаш (низога борган эр-хотинларга маслаҳатлар), фарзандлар тарбияси (ота-оналар учун маслаҳат марказлари), оилавий профилактика, ёрдамга муҳтож оилалар учун оилавий психологик хизмат, оила ва никоҳ масалалари борасидаги маслаҳат ва ҳоказо масалаларни қамраб олмақда.

Айни пайтда Ўзбекистон психологлари олдида аҳоли ўртасида психологик саводхонликни оширишга қаратилган қатор тадбирларни амалга ошириш, муаммоли вазиятга тушган оила аъзоларининг психологик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кўмаклашиш ва шунингдек, уларнинг психологик саводхонлигини кучайтириш сингари вазифалар турибди. Бунда эса республикамизда оилавий психологик хизмат мақсадга мувофиқ даражада жорий этилишининг аҳамияти каттадир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ёшлар ўртасида ахборот-психологик хавфсизлик муаммоларини изоҳланг?

2. Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб улгурган интернет хусусида нималар дея оласиз?

3. ОАВнинг ёшлар онгига таъсири нималарда намоён бўлади?

4. Ёшларда бузгунчи, деструктив гояларга қариши мафкуравий иммунитетни шакллантириши, ахборотларнинг шахсга таъсир қилиши мумкин бўлган жиҳатлари нималардан иборат?

5. Ахборот-психологик таъсирлардан ҳимоялашда ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси масаласи тўғрисида нималар дейиши мумкин?

6. Психологик таъсирлардан ҳимоялашда маънавий-маърифий тарбиянинг миллий илдизларидан фойдаланишда нималар назарда тутилади?

7. Оилавий психологик хизматнинг ёшларни турли ёт гоялардан ҳимоялашдаги ўрни ҳақида фикр билдиринг?

8. Ёшларни турли ёт гоялардан ҳимоялашда “оила-маҳалла-таълим муассасалари” нинг ҳамкорлиги тўғрисида гапиринг?

Мустақил иш учун мавзулар:

1. Ёшлар ўртасида ахборот-психологик хавфсизлик муаммолари.

2. Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб улгурган интернет хусусида.

3. ОАВнинг ёшлар онгига таъсири.

4. Ёшларда бузгунчи, деструктив гояларга қариши мафкуравий иммунитетни шакллантириши, ахборотларнинг шахсга таъсир қилиши мумкин бўлган жиҳатлари.

5. Ахборот-психологик таъсирлардан ҳимоялашда ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси масаласи.

6. Психологик таъсирлардан ҳимоялашда маънавий-маърифий тарбиянинг миллий илдизларидан фойдаланиши.

7. Оилавий психологик хизматнинг ёшларни турли ёт гоялардан ҳимоялашдаги ўрни.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИ ЁТ ҲОЯЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Глобаллашув шароитида ёт ҳоялардан ҳимояланишнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Глобаллашув даврида ёт ҳоялардан ҳимояланишнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, глобаллашув шароитидаги муаммоларнинг ечими ҳамкорликдаги ҳаракатларини талаб қилиши масаласи, интеграцион жараёнлар доирасида амалга ошириладиган мақсад ва вазифалар, глобаллашув шароитида ахборот-психологик хавфсизликнинг намоён бўлиши хусусиятлари.

Ахборот глобаллашуви даврида ёшлар онгини ёт мафкура ва бузғунчи ҳоялардан сақлаш. Ахборот глобаллашуви даврида ёшлар онгини ёт мафкура ва бузғунчи ҳоялардан сақлашнинг ижтимоий-психологик масалалари, Ўзбекистонда ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етук инсон қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, ҳар бир индивид мустақил инсон сифатида табиий – биологик камолотидан ва руҳий эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўзига мос ахборотни қабул қилиши қонунияти.

Таянч тушунча ва атамалар: Глобаллашув, ёт ҳоялар, ахборот глобаллашуви, ёшлар онги ва мафкураси, оммавий ахборот воситалари, ахборий таҳдид, ахборот соҳасидаги миллий манфаатларга, ахборот соҳасида шахс ва жамият манфаатларига тазйиқ, ахборот қарама-қаршилиги.

18.1. Глобаллашув шароитида ёт ғоялардан ҳимояланишнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари

Глобаллашув кишилиқ жамиятидаги маҳаллий аҳамиятга молик маданий, ахборот, иқтисодий, носийсий маконларнинг бир тизимга бирлашуви жараёнидир. Ер кулрасининг турғун транспорт маршрутлари билан бирлаштириливи, миграция оқимларининг кучайиши, ахборот технологияларининг тараққий этиши ва ҳақозолар шаклланаётган глобаллашувнинг босқичларидир. Ўтган асрнинг охири бу жараён мисли кўрилмаган даражада жадаллашувига олиб келди ва глобаллашув даври номини олди ³⁵.

Ҳозирги даврда глобаллашув жараёни тобора кенгайиб бормоқда ва бу жаҳон сийсий маконинг янгича кўриниши ва тараққий этишига таъсир қилди. Жаҳон сийсий маконида давлатларнинг глобал ривожланиши бу авваломбор, дунёнинг барча давлатлари ва ҳалқларининг сийсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик, психологик жиҳатдан биргалиқдаги янгича тараққиётидир.

Глобаллашув шароитида авж олган муаммоларнинг ечими ҳамкорлиқдаги ҳаракатларни талаб қилмоқда. Шунинг учун замонавий ҳалқаро муносабатларо дунё давлатлари ва ҳалқлари ўртасидаги яқинлашув жараёнларини тезлаштириши, ҳар томонлама ҳамкорлиқни кучайтириши, яхлит бўлган сийсий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий маконларнинг вужудга келиши билан тавсифланади. Ушбу интеграцион жараёнлар доирасида қуйидаги мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши изоҳланади. Булар:

1) Ҳалқаро ижтимоий – сийсий муаммолар: ядро урушининг олдини олиш; қуролланиши пойгаси даражсини пасайтириш; минтақавий ва давлатлароро можораларни ҳал килиш: умумжаҳон хавфсизлик тизимининг мустаҳкамланиши; ҳалқлар ўртасидаги ишончни такомиллаштириш.

³⁵ Сафаев С.С. «Глобаллашув шароитида миллий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари» Т. 2005, 1-бет

2) Ҳалқаро ижтимоий – иқтисодий ва экологик муаммолар: кам ривожлан-ганлик ва у билан боғлиқ бўлган қашшоқлик ҳамда маданий қолоқликни бартарф этиш; энергетик, хомашё, маҳсулот инқирозларини ҳал этиш йўллари қидириш; тинч мақсадлар учун коинот маконини ва жаҳон океанини ўзлаштириш; ишлаб чиқариш жараёнини экологик хавфсизликни таъминлаш; табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш.

3) Инсон муаммолари: асосий ҳуқуқ эркинликларига риоя қилиш; инсон ҳаёти учун муҳим бўлган шароитларни таъминлаш, ижтимоий муносабатларни демократлаштириш, маданиятни ривожлантириш ва сақлаш; инсон ва табиат, жамият, сиёсат ва ҳалқаро муносабатлар ўртасидаги мувозанатни уйғунлаштириш. Жаҳон ҳамжамяти тажрибаси инсоният тақдирига таъсир этувчи муаммоларни фақатгина бирлашган ҳолда ҳал этиш мумкинлигини кўрсатяпти.

Ҳар бир жамиятда ахборот – психологик хавфсизлик тушунчаси кўп ишлатилади. Бу тушунча аввало қандай пайдо бўлди? Унинг ҳаётийлиги инсоният тақдирига даҳлдорлиги нимада? Ана шундай савол туғилишининг ўзи муаммоларнинг долзарблиги ва ўта кескинлигини кўрсатади. Бизнингча, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси қуйидагиларда намоён бўлади:

1) Ахборот-психологик хавфсизлик бу бевосита инсон руҳиятига таъсир ўтказиши орқали уни ўз ақидаларидан, муқаддас идеалларидан, эътиқодларидан айирадиган бузғунчи ғоялардан асрашдир. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка эҳтиёж, энг аввало бевосита инсон ва жамият, инсон ва давлат, шахс ва унинг даҳсизлиги, миллат ва миллий қадриятлар, жумладан, урф – одатлар, анъаналар, тарихий ва маданий мерос, авлодлар ворисийлиги, миллатнинг истиқболи билан боғлиқ бўлган қадриятларга маънавий – руҳий таъсир бузғунчи ғоялар ва тажовузкор мафкураларнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

2) Ахборот-психологик хавфсизликка риоя қилинмаса, унинг таъсирчан чоралари кўрилмаса, бузғунчи ғоялар миллий қадриятларни барбод этиш

орқали тарихан мавжуд бўлган ҳалқлар ва миллатларни геноцидга олиб келиши муқаррар.

3) Тиғиз ахборотлашган жамиятда ахборот орқали замонавий руҳий таъсир технологияларининг тобора ривожланиб бораётганлиги шахс ва жамият тафаккурининг шаклланишига у ёки бу тарзда кучли таъсир ўтказади. Жамоатчилик фикрининг қай даражада шаклланганлигига, жамиятнинг сиёсий онги, ҳуқуқий билимлар савияси, маънавий-маърифий даражасига қараб, жамиятнинг тараққиётига ёки таназзулига юз тутиши муқаррар.

4) Ижтимоий фикрни шакллантиришда ахборот таъсирини, ахборот технологияларидан фойдаланиш усуллари ва услубларининг тобора кенгайиб бораётганлигини назарда тутсак, ахборот – психологик хавфсизлик муаммоси яна ҳам кескинлашиб қолади³⁶.

Ахборот орқали юзага келган психологик можоралар шароитида давлат ахборот сиёсатининг вазифаси жамиятнинг салбий ахборот-психологик хуруждан сақлаш, қатъий ҳимоя қилиш механизмини яратиш билан белгиланади.

Ҳозирги кунда ёшларнинг онгига четдан кириб келаётган ҳар турдаги ахборотлар тез суръатларда таъсир этмоқда, сабаби, айрим ёшлар енгил - елпи ахборотларга берилиб, уларни қабул қилиши ҳам осон кечади.

Ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси ана шу тарзда маънавий-ахлоқий мезонга айланади. Эркин шахс ва озод кишилик жамоаси бўлган фуқаролик жамияти шароитида ахборот-психологик хавфсизликнинг ўзига хос тизимлари шаклланмоғи лозим. Бу бевосита ОАВ фаолияти ва унга хизмат қиладиган ахборот олувчи, сақловчи ва тарқатувчи ходимларнинг сиёсий савиясига, касб маҳоратига, энг муҳими фуқаролик позициясига, жамият ишига даҳлдорлик туйғусига боғлиқ. Зотан, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг бош мезони ва асосий таянчи — миллатпарварлик, ватанпарварлик, фидокорлик туйғуси! ҳисобланади.³⁷

³⁶ Сафаев С.С. / Таркатма материал/ «Глобаллашув шароитида миллий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари» Т. 2005 2-3-бетлар

³⁷ Жўраев Н.Қ. Тарих фалсафасининг назарий асослари. Т., 2008.

Ҳозирги дунё тараққиётининг қонуниятлари ва глобаллашув жараёнларининг таҳлили дунё шахсий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгариш-лар бўлишидан дарак берувчи «глобал ахборот жамияти» оstonасида турганлигини кўрсатмоқда. Бу ҳам ахборот маконидан ва ОАВларидан турли кучларнинг сиёсий ва носийёсий вазифаларни ҳал қилиш учун одатда тушуниладиган «куч ишлатиш» йўли билан эмас, балки бошқача йўл билан фойдаланишга имкон беради.

Шундай қилиб, глобаллашув шароитида ёшларимизнинг ёт ғояларга эргашиб кетиши, улрага қинғир ишларнинг жиддий оқибатлари, жавобгарлиги ва ҳуқуқий асослари ҳақида мукамал тушунчалар бериш, бу борада тарғибот ишларини янада кенгроқ олиб боришимиз лозим .

Ахборот соҳасида ахборот хуружи қизғин авж олган бир пайтда айни ана шу хуружлар моҳиятини, унинг манбаларини, ривожланиш омилларини, илмий тил билан айтганда, конфликтоген жиҳатларини чуқур ўрганиш лозим. Бузғунчи ва ҳужумкор ахборотлар мақсади, иддаоси, уларнинг тагида ётган манфаатлар қанчалик тўғри ўрганилса, уларга шунчалик тўғри ва ишончли зарба бериш мумкин бўлади.

Яна шуни айтиш лозимки, ёшларга турли хилдаги тўғараклар ташкил қилинса, шунда уларнинг бўш вақтлари ҳар қандай енгил-елпи ахборотлар қабул қилишга сарфланмайди.

Тиғиз ахборотлашган жамиятда «шахс- жамият - давлат» алоқадорлиги, уларнинг ўзаро узвийлиги ва яхлитлигини таъминлаш бир мунча қийинлашади. Чунки ахборот оқими тезлашгани ва ахборотлар гирдобидида яшаши каби мураккаб, зиддиятли вазиятнинг юзага келиши бевосита шахс тафаккурининг, инсон дунёқарашининг кескин ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, ҳар бир фуқоро ўз шахсий нуқтаи назари, ўз қарашлари, маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий имкониятлари доирасидагина фаолият кўрсатади, ўз олами ҳудудида яшайди ва ташқи оламга ўз ақли доирасида шахсий муносабатини билдиради. Ҳар бир индивид мустақил инсон сифатида табиий – биологик камолотидан ва руҳий эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўзига мос

ахборотни қабул қилади, уни таҳлил этади. Унинг атрофида мушоҳада юритади, фикрлайди ва ана шу таҳлиллار асосида ўзининг шахсий хулосасига эга бўлади. Натижада у ёки бу тарздаги ўз нуқтаи назарини шакллантиради.

Демак, ҳар қандай ахборот мазмуни, моҳияти, таъсир этиш даражаси, жамиятга фойдали ёки зарарлигини, кишини эзгуликка ёки ёвузликка даъват этиши билан «шахс-жамият-давлат» муносиблигига ижобий ёки салбий таъсир этади. Ана шу жиҳатдан қараганда миллий манфаатларни асраш ва ривожлантиришда ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг роли янада ҳам ошади³⁸.

Бугун инсон ҳаётини ахборот тизимларисиз тасаввур қилиш қийин. Ахборот асрида ҳатто ҳарбий ҳаракатларнинг усул ва услубларига ҳам муайян ўзгартиришлар киртилди. Шу билан бирга, информацион хуружлар авж ола бошлади.

Албатта, ахборот асридаги ҳарбий ҳаракатлар билан ахборий урушлар бир-биридан фарқ қилади. Ҳарбий ҳаракатларда ахборот технологиялар операция муваффақиятини таъминловчи восита саналади. Информацион урушда эса ахборотга алоҳида объект, қурол сифатида қаралади.

Глобаллашув асрида бир давлат ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ахборотга эга бўлиш, ундан фойдаланиш ва уни ҳимоялашга интилади. Шу боис муайян давлат бошқа бир давлатга оид ахборотни қўлга киритса, муайян устунликка эга бўлади.

Оддийгина бир мисол. Бирор давлатнинг телефон тармоғини ишдан чиқариш учун телефон станциясини бомбардимон қилиш мумкин. Айни вақтда зимдан ана шу телефон станциясининг бошқарув тизимини ишдан чиқариш ҳам мумкин. Яъни бомба ўрнини компьютер вируси ҳам бемалол боса олади.

Ахборий урушнинг моҳияти шундаки, у ягона мақсад эмас, балки якуний мақсадга эришиш йўлидаги воситасидир. Ҳозирги технологиялар ахборот

³⁸ Анвар Бобоев «Ахборот асрида информацион хуружлар» мақоласидан «Ўзбекистон матбуот журнали» 2006 йил, 6-сон, 12-13-14-бетлар

ўрнига уйдирма тарқатиш, бошқаларни ёлғон ахборотга ишонтириш имконини беради. Бунда уйдирма объекти ёлғонни ҳақиқат деб билади ва охир-оқибат ёлғон тарқатаётган томоннинг манфаатларига мос ҳаракат қила бошлайди. Кундалик ҳаётда учрайдиган фитна ва бўҳтонлар ҳам инфор­мацион урушнинг содда кўринишларидир. Айримлар унга лакқа ишонишади. Фақат ҳурфикр инсон гап замирида ғайрмақсадлар мавжудлигини илғайди.

Ахборий урушнинг таркибий қисмлари ҳам кўп. Масалан, психологик операциялар, дезинформация, воқеани бузиб ёки бўрттириб кўрсатиш орқали одамларнинг бирор фирма ёки компанияга, бирор сиёсий ҳаракатга ва ҳатто ҳукуматга ишончини сўндириш ёки ошириш мумкин (пиар технологиялар).

Ахборий хуружнинг ҳавфли томони шундаки, юқорида кўрсатилгандек, у кучли бомбадек таъсир кўрсатади. Бунинг олдини олиш учун шу қуролга қарши айна турдаги қурол билан жавоб қайтариш зарур.

18.2. Ахборот глобаллашуви даврида ёшлар онгини ёт мафкура ва бузғунчи ғоялардан сақлаш

Ўзбекистонда ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етук инсон қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даржасига кўтарилган. Спорт иншоотлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, турли тўғараклар ташкил қилинмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш учун барча шарт-шароилар яратилмоқда. Жамиятда бирдламлик, бағрикенглик ғоялари кенг тарғиб этилмоқда. Ўзбек ҳалқининг миллий минталитети жамоа бўлиб яшашга, елкадошликка асосаланади. Шу нуқтаи назардан маҳалла институтининг ривожлантирилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Тўғри, айримлар жазони ўйлаб қонунбузарликдан тийилади. Лекин маҳалла - куйчиликнинг шуниси қимматлики, киши кўпроқ иснодни, юзи ерга қараб қолишини ўйлайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қатор инфор­мацион хуружларни бошидан кечирди. Ваҳобийлар ёки Ҳизб-ут-Таҳрир оқими вакиллари билан ҳақиқий мусулмонлар ўртасидаги фарқ бугун яққол юзага чиққан. Бу ҳам

Ўзбекистон раҳбариятининг ахборот хуружларига қарши муносиб жавоб берганлигига бир далилдир.

Ахборий хуруж восита экан, унинг замирида ётган якуний мақсад нимадан иборат? Ўзини демократ, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари санайдиган кимсаларни ёллаб, ҳалқ орасида саросима келтириб чиқаришда қандай мақсадлар кўзланиши мумкин? Ҳалифалик ва демократия ниқоби остида улкан табиий ресурсларга бой минтақа устидан назорат ўрнатишдек қабих мақсад яширин эмасми?!

Ҳалифаликдан бошлайлик. Қандайдир тўда «ҳалифалик ўрнатиш» мақсадида ғалаён келтириб чиқаради. Кенг омма буни инкор этади, лекин мустақил фикрлай олмайдиган тинч осуда ҳаётнинг қадрини билмайдиган айрим кимсалар уларга эргашади. Бундай вазиятда четдан бир «саховатпеша» келади. У тинчлик ўрнатиш ва демократияни тантана қилдириш учун келгандек бўлади. Лекин асл мақсади парокандаликни имкон қадар узок, иложи бўлса, то ресурслар ташиб кетилгунга қадар чўзишдан иборат бўлади.

Шакл – шамойили қанчалар ўзгача бўлмасин, рангли инқилоблар ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Жамият пароканда бўлади, кейин бир «демократ» ёки бир гуруҳ «демократлар» пайдо бўлиб, гўёки вазиятни изга солади. Юзага келган ҳукумат эса четидаги ҳомийларининг йўриғига юради, табиий, сиёсий, ҳарбий ресурсларни уларнинг ихтиёрига бериб қўяди. Бошқача айтганда, ўз шахсий манфаати учун давлат суверенитетини савдога қўяди. Рангли инқилоб юз берган мамлакатнинг бирортаси ҳали ҳам ўзини ўнглаб ололмагани, ҳали ҳам сиёсий ва иқтисодий ўйинларнинг битмас -туганмас гирдобидан чиқиб ололмаётгани бунга мисолдир. Ақлли одам ўзгаларнинг хатосидан тегишли хулоса-ю сабоқ чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов мамлакат хавфсизлиги, Марказий Осиё барқарорлиги кўп жиҳатдан ғоявий ва мафкуравий хуружларга қарши курашга боғлиқ эканлигини ҳалқаро ташкилотлар минбарларидан такрор ва такрор таъкидлаб келди. Хусусан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2005 йил июнь ойида Остона шаҳрида

бўлиб ўтган Саммитида мамлакатимиз раҳбари йиғилганлар эътиборини муҳим жиҳатларга қаратди. Кейинги пайтларда рўй бўлган воқеаларда пировард мақсади минтақадаги кучларнинг сиёсий ва иқтисодий мувозанатини ўз фойдасига ўзгартириш ва минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган, узоқни кўзлайдиган катта стратегик пинҳона режанинг факт айрим қирраларигина намоён бўлди.

Ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистонда «Инсон ҳуқуқлари поймол қилинаётганлиги», «диндорлар таъқиб этилаётгани» ҳақида «ташвиш» билдирувчилар топилади. Бундай «жонкуярлар» мамлакатимизда минглаб масжидлар ишлаб тургани, ҳар йили минглаб ватандошларимиз ҳаж ва умра амалларини бажариб келаётгани, Шўро заммонида оёқ ости бўлиб ётган юзлаб зиёратгоҳлар тикланиб, ободонлаштирилганлиги, ислом таълимоти билан шуғулланувчи Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари фаолият кўрсатаётгани ва кўпдан кўп ҳайрли ишлар амалга оширилаётганини негадир тилга олишмайди. Бундай эзгу ишларни кўриб кўрмаганга, эшитиб-эшитмаганга олади. «Мустақил журналистлар» ҳам уларни кўрмайди, тўғрироғи кўришни истамайди.

Уйдирмачилар Ўзбекистонга яқин беш – ун йил ичида қадам босмагани ёки умуман келмагани уларнинг куракда турмайдиган «даъволари» дан билиниб туради. Бошқалари учун эса бўҳтон тўқиб, ватанни сотиб тирикчилик қилиш одатга айланган.

Биз шуни биламизки, Ўзбекистонни ўз йўлидан оғдирмоқчи бўлганлар ҳали ҳам бор уларнинг тинч турмаслиги ҳам тайин. Лекин ҳалқимиз юртбошимиз раҳбарлигида ҳаётнинг барча синовларини, жумладан, инфорация хуружларни ҳам енгиб келмоқда. Чунки ойни этак билан ёпиб бўлмагани каби, ҳар қандай «ғирром ўйин» - инфорация хуружлар ҳам барбод бўлиши муқаррардир. Ўз тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олган ва шу йўлдан дадил, каътий бораётган ҳалқимиз эзгу, улуг мақсадлар йўлида ҳеч қандай бўҳтону, иғволарга учмайди. Шу боис эртанги кунимиз бугунданда мунаввар бўлишига ишончимиз комил.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1. Глобаллашув шароитида ёт гоялардан ҳимояланишнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари нималардан ибарат?*
- 2. Глобаллашув даврида ёт гоялардан ҳимояланишнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари тўғрисида фикр билдиринг?*
- 3. Глобаллашув шароитидаги муаммоларнинг ечими ҳамкорликдаги ҳаракатларини талаб қилиши масаласи нима?*
- 4. Интеграцион жараёнлар доирасида амалга ошириладиган мақсад ва вазифалар нималардан иборат?*
- 5. Глобаллашув шароитида ахборот-психологик хавфсизлик-нинг намоён бўлиши хусусиятлари нималарда намоён бўлади?*
- 6. Ахборот глобаллашуви даврида ёшлар онгини ёт мафкура ва бузғунчи гоялардан сақлаш учун нималарга эътибор қаратиши талаб этилади?*
- 7. Ахборот глобаллашуви даврида ёшлар онгини ёт мафкура ва бузғунчи гоялардан сақлашнинг ижтимоий-психологик масалалари хусусида фикр билдиринг?*
- 8. Ўзбекистонда ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етук инсон қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даржасига кўтарилиши масаласини ёритинг?*
- 9. Ҳар бир индивид мустақил инсон сифатида табиий – биологик камолотидан ва руҳий эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўзига мос ахборотни қабул қилиши қонуниятлари ҳақида баён этинг?*

Мустақил иш учун мавзулар:

- 1. Глобаллашув шароитида ёт гоялардан ҳимояланишнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари нималардан ибарат?*
- 2. Глобаллашув даврида ёт гоялардан ҳимояланишнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари тўғрисида фикр билдиринг?*

3. Глобаллашув шароитидаги муаммоларнинг ечими ҳамкорликдаги ҳаракатларини талаб қилиши масаласи нима?

4. Интеграцион жараёнлар доирасида амалга ошириладиган мақсад ва вазифалар нималардан иборат?

5. Глобаллашув шароитида ахборот-психологик хавфсизлик-нинг намоён бўлиши хусусиятлари нималарда намоён бўлади?

6. Ахборот глобаллашуви даврида ёшлар онгини ёт мафкура ва бузғунчи гоялардан сақлаш учун нималарга эътибор қаратиши талаб этилади?

7. Ахборот глобаллашуви даврида ёшлар онгини ёт мафкура ва бузғунчи гоялардан сақлашнинг ижтимоий-психологик масалалари хусусида фикр билдиринг?

8. Ўзбекистонда ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етук инсон қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даржасига кўтарилиши масаласини ёритинг?

9. Ҳар бир индивид мустақил инсон сифатида табиий – биологик камолотидан ва руҳий эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўзига мос ахборотни қабул қилиши қонунияти ҳақида баён этинг?

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЁШЛАР ПСИХОЛОГИЯСИГА ТАЪСИР ЭТИШ ОМИЛЛАР

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Ёшлар психологиясига таъсир этувчи ахборий омиллар. Ахборий омиллар ёшлар психологиясига таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, глобал тармоқ афзалликлари ва унинг ёшлар маънавиятига таъсири, ҳавф-хатарларининг мавжудлиги ҳолати,

Интернетнинг қулайликлари ва зарарли таъсирлари. интернет аддиктлари, ахборот макони – бу, кўзга кўринмайдиган бир вертуал омилдир, у интеллектуал – маънавий ҳодисалар сирасига киради, Ахборот ва ахборот маконини ижтимоий тараққиётдаги ўрнига кўра илм-фан билангина қиёслаш мумкинлиги, ахборот оламининг ҳадсиз ва ҳудудсизлиги.

Таянч тушунча ва атамалар: Ахборот, ахборотлашган жамият, ёшлар психологияси, ёшлар психологиясига таъсир этувчи омиллар, ёшлар онгини шакллантиришда ахборотнинг ўрни, ёшларга психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларни психологик-педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ахборий омиллар ёшлар психологиясига таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, глобал тармоқ афзалликлари ва унинг ёшлар маънавиятига таъсири, ҳавф-хатарларининг мавжудлиги ҳолати, ахборот макони – бу, кўзга кўринмайдиган бир вертуал омилдир, у интеллектуал – маънавий ҳодисалардир.

19.1. Ёшлар психологиясига таъсир этувчи ахборий омиллар

Ҳар қандай замонавий давлатда ахборот ҳамиша жамият ҳаётида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни истеъмолчига ҳолис етказиб бериш ва

кишиларнинг онги, дунёкараши, ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда асосий восита бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув жараёнида ҳаётимизнинг бирор бир соҳасини ОАВ сиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирда интернет ҳам ОАВнинг бир кўриниши сифатида талқин қилинмоқда. Интернет тармоғи орқали кун давомида қанчадан-қанча ахборотлар қабул қилинади. Интернет (International Network- халқаро компьютер тармоғи) бу - вақт, макон ва жўғрофий чегараларнинг мавжудлигига қарамай, компьютер ва кичик тизимларнинг ўзаро алоқа боғлаб глобал ахборот инфратузилмасини шакллантирувчи бутунжаҳон компьютер тармоғидир.³⁹

Ҳар куни миллионлаб одамлар интернетда ҳар хил мақсадларда фойдаланади. Ўзбекистонда фойдаланувчиларнинг асосий қисми электрон почталардан фойдаланиш учун Интернетни ишлатади. Интернет қиммат бўлмаган, журналистиканинг ривожини учун катта таъсир кўрсатаётган кучли тизимдир.

2005 йилнинг май ойида СНН телекомпанияси 400 нафар олим ва соҳа мутахассислари ўртасида “Сизнингча, сўнгги чорак асрда қилинган энг муҳим ихтиро қайси?” саволи билан сўровнома ўтказди. Сўров натижаларига кўра, сунъий йўлдошлар, ҳарбий мудофаа технологиялари, биотехнологиялар, лазер нури, инсон гени соҳасида эришилган улкан муваффақиятларни ортида қолдирган ҳолда биринчи ўринни интернет олишга муваффақ бўлди⁴⁰.

Ҳозирда Интернет ҳамма учун фойдаланилиши мумкин бўлган оператив коммуникация воситасидир. Анъанавий ОАВдан фарқли ўлароқ Интернет марказлаштирилмаган тизимдир, яъни ҳар бир хоҳлаган киши Интернетда бошқалар билан мулоқатга киришиши, маълумот олиши ва ўз маълумотини чоп қилиши мумкин. Бундай фаолиятлар интернетда тез ва арзон амалга оширилади. Гўёки у ахборотлар макони. Биз шу ахборот маконидан ўзимизга

³⁹ Д.Рашидова. Н. Муратова. Интернет журналистикаси Т.: 2007 й. 9-бет.

⁴⁰ «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил, 11 май сони

керакли янгилик ва хабарларни, маълумотларни олишимиз ёки уларни ўрнатишимиз мумкин. Хўш, *ахборот макони* нима?

Ахборот макони – бу, кўзга кўринмайдиган бир вертуал омилдир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, у интеллектуал – маънавий ҳодисалар сирасига киради. У моддий ишлаб чиқариш эмас, балки билим ҳамда ақлнинг маҳсулидир. Шу боисдан уни ижтимоий тараққиётдаги ўрнига кўра илм-фан билангина қиёслаш мумкин. Жисмга, умуман моддийликка адад, ҳажм, оғирлик, узунлик ва кенглик сингари ўлчовлар ҳос бўлса, ахборот эса аксинча ундай хоссаларга эга эмас. Бу жиҳатдан ахборот олами ҳадсиз ва ҳудудсиздир.

Статистик маълумотларга қараганда, ҳар куни 75 млн киши интернетда фақатгина e-mail дан фойдаланар экан. Интернетда қай мақсадда фойдаланаётганларни агар фоиз кўрсаткичида кўрсатсак, шундан:

95% e-mail жўнатишади;

74% янгиликлар олади;

80% ўз хоббилари бўйича маълумотлар олади;

56% on-line хизматларидан фойдаланади ва ундан нарсалар харид қилади;

37% on-line ўйинлар ўйнайди, муסיқалар эшитади ва компьютерга ёзиб олади;

28% диний маълумотлар олади;

23% форум ва чатдан фойдаланади;

20% on-line аукциондан фойдаланади;⁴¹

Ўзбекистонда интернетдан тўлақонли фойдаланиш имконияти бироз камроқ. Чунки, уй шароитида интернетдан фойдаланувчилар озликни ташкил қилади. Аммо, кўп жойларда интернет - клублар фаолият юритади. У барча аҳоли учун мўлжалланган. Аммо, бу каби жойларда биз кўпинча вояга етмаган ёш болаларни учратамиз. Ўтказилган сўровномада маълум бўлишича, интернет - клубларга асосан 4-5 ёшдан 13 ёшгача бўлган ёш болалар on-line ўйинлар

⁴¹ www.google.uz

ўйнаш, 11-17 ёшдагилар “chat” ва «e-mail» да янги дўстлар орттириш, мулоқот қилиш ва мусиқа ёзиб олиш учун кирар эканлар.

Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг ёшлар маънавиятига таъсири, ҳавф-хатарлари тўғрисида ҳам сўз юритишга тўғри келади. Жаҳоннинг бир неча мамлакатларида уюшган жиноий гуруҳлар ва террорчи ташкилотларнинг сайтлари мавжудки, улар орқали нафақат ахборот алмашинуви, балки ёшларнинг турмуш тарзига, урф-одатларимизга мутлақо тўғри келмайдиган ёт ғоялар ва амаллар тарғиб қилиняпти. Интернетнинг ҳар юзинчи саҳифасининг порнографик мазмунга эга эканлиги ёш авлоднинг тарбиясига, ҳуқ-одобига зарар етказиши табиий. Чиқарилаётган on-line ўйинлардан ҳам манфаат фақатгина фоида олиш эмас, балки ёшларнинг маънавиятга таъсир қилишдир. Интернетдан фойдаланувчиларнинг аксарияти бу каби сайтларга билиб ёки билмасдан кириб қоладилар. Умуман, нотаниш сайтларга кириб қолиш сабабларини фоиз кўрсаткичида олиб қарасак, шулардан:

- 1% баннер, реклама орқали;
- 1.2% e-mail адреслар орқали;
- 4.1% ТВ рекламалар орқали;
- 2.1% тўсатдан;
- 4.4% журналдаги рекламалар орқали;
- 20% баъзи суҳбатлар таъсирида ;
- 46% интернетдаги қидирув тизимлар орқали амалга оширилади.⁴²

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, замонавий ёшларимиз орасида баъзилари, интернетга маълумот олишнинг асосий манбаи ва коммуникациянинг бош воситаси, деб қарайдилар.

⁴² www.google.uz

19.2. Интернетнинг қулайликлари ва зарарли таъсирлари

Интернетнинг фойдаланувчилар учун яратиладиган қулайликларидан яна бири, бу - махфийликдир. Психологларнинг таъкидлашича, баъзи одамлар реал ҳаётда ўз ҳиссиётларини ошкор этишга тортинганидан интернетда ўтиришни маъқул кўришади. Статистик маълумотларга қараганда, блокларга⁴³ (интернетда кундалик дафтар) ўз ҳиссиётларини киритаётганларнинг 52% ни аёллар, 48% ни эркеклар ташкил этар экан. Буларнинг кўпчилиги, *Интернет аддиктлари*⁴⁴ (Интернетсиз яшай олмайдиганлар) реал ҳаётдан сиқилгани учун виртуал ҳаёт-Интернетга киришни маъқул кўрар эканлар. Психологларнинг фикрича, атрофдагилар билан муносабатга кириша олмайдиганлар компьютерда ўзларини эркин сезишар экан. Чунки уларга ҳеч ким тазйиқ ўткази олмайди.

Ёш болаларнинг интернетдан кўп фойдаланиши ижобий томон билан биргаликда бир қанча салбий томонларни ҳам келтириб чиқаради. Оддийгина мисол, телевизор орқали бирор бир ҳаёсиз ёки қўрқинчли кинолар берилса, ота-оналар фарзандларига буни кўришни тақиқлашади. Лекин компьютердаги «Fear.2», «Doom3», «Wanted» каби қонхўрликлар, отишмалар, қотиллик-у хунрезликдан иборат ўйинларни ўйнашга рухсат беришади. Вақт ўтган сайин бу ўйинлар болага ҳам физиологик ва психологик жиҳатлар салбий таъсир кўрсатишини кўпгина мутахассисларимиз айтиб ўтишган. Психиатрларнинг фикрига кўра, бу касаллик фанда «лудомания» дейилади. Асосан, болалар ва ўсмирлар орасида учрайди. Уйқунинг бузилиши, хулқнинг ўзгариши, жиззакилик, қўнимсизлик, компьютер ўйинларига буткул қарамлик, ўқиш ва уй ишларидан бош тортиш каби аломатлари сезилади.⁴⁵ Агар буни физиологик жиҳатдан олиб қарасак, нур таъсирида кўз хиралашиши, жисмоний

⁴³ Баъзи сайтларнинг блоки мавжуд бўлади. Бунда инсон ўз кундалик дафтарини очади. Ўз ҳиссиётларини бутун дунё билан ўртоқлашади.

⁴⁴ Интернет аддиктлари – Интернет гиёҳванди, Интернетсиз яшай олмайдиганлар маъносида.

⁴⁵ «Миллатга янги иллат хавф солаётими?» Д. Собирова. «Даракчи» газетаси №19 07.05.2009 й.

ҳаракатларнинг сусайиши, танада қон айланиш тизимининг бузилиши, ҳаттоки наслга ҳам салбий таъсир қилиши эҳтимоли мавжуд.

Мутахассисларнинг фикрича, бу каби ўйинлар болаларнинг психологиясида инсон руҳий ҳолатини тушуниш хусусиятининг сусайишига, мулоқот кўникмаларининг йўқолишига, ачинмаслик ва шафқатсизлик хусусиятининг кучайишига, эгоизмнинг ривожланиши каби омилларнинг юзага чиқишига сабаб бўлади. Бу салбий сабабларни кўпчилик болалар ва уларнинг ота-оналари билсалар ҳам бунга эътиборсиз муносабатда бўладилар. Бунинг эвазига болаларнинг ўйинқароқ бўлиб қолиши, турли ёт ғояларга тез оғиб кетиш ҳоллари кўп учрайди.

Энг ашаддий компьютер аддиктлари Жанубий Кореяда қайд этилиб, шу пайтгача бу давлатда 10 нафар бола ўйин даврида юраги ёрилиб ўлган, интернет клубларидан бирида ўйинга тақлид қилиш оқибатида қотиллик рўй берган. Ҳозир Кореялик болаларнинг 2,1 % интернетоманияга (интернетга меъёридан ортиқ шуғулланиш эвазига пайдо бўлган касаллик) чалинган бўлса, 80 % муолажага муҳтож , 20-24 % эса шифохоналарда ётиб даволаниши керак.

АҚШда болаларнинг ҳар ўнтадан биттаси компьютер ва видеоўйинларига қарам бўлиш касаллигига чалинган. Ўйинга муккасидан кетган болаларда клиник касалликларнинг ўн биттадан олтитаси аниқланган. Компьютер ўйинлари ишқибозлари оилада, мактабда тенгдошлари билан муносабатда қийинчиликка дуч келишяпти. Ҳатто, айрим болалар ўйин дискини сотиб олиш учун пул ўғирлашяпти. Ўйинга муккасидан кетиш Американинг «руҳий касалликлар статистик маълумотномаси»га ҳамон киритилмагани ажабланарли. Мутахассисларнинг фикрича, бу касаллик ҳам, албатта киритилади. Бугунги кунда дунёда миллиарддан ортиқ компьютер мавжуд бўлса, шулардан 250 миллионтаси компьютер ўйингоҳи соҳибларига тегишли. Ўтган йили Америкаликлар ўйинларни ишлаб чиқариш ва такомиллаштиришнинг ўзига 21 млрд. доллар сарфлашган.⁴⁶

⁴⁶ «Миллатга янги иллат хавф солаётими?» Д. Собирова. «Даракчи» газетаси №19 07.05.2009й

Ҳозирда интернет орқали тарқалаётган ва йил сайин тобора кенг хилма-хил тус олаётган вертуал зўравонликлар, шунингдек, электрон ОАВ (оммавий ахборот воситалари)ларида тасвирланаётган жангари манзаралар, ёшларнинг маънавий ривожига ва тафаккурига таъсир қилмоқда. Айтиш пайтда интернет тармоғи ҳаётимизга таҳдид ҳам олиб келмоқда. Ахборот уруши кейинги пайтларда «ахборот терроризми» деб ҳам аталмоқда. Интернетда тарқалаётган кўплаб маълумотларнинг амалдаги қонунчиликка зидлиги бу соҳадаги муаммо кўплаб давлатлар олдида интернет тўғрисида қонуний ҳужжатлар қабул қилишни зарурат қилиб қўйди. Шунинг учун айрим мамлакатларда интернет тўғрисида алоҳида қонунлар қабул қилинган бўлса, баъзи мамлакатларда бу тўғрисида ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилган. Жумладан, АҚШда интернет казинолари, болалар порнографиясини тақиқловчи алоҳида қонунлар қабул қилинди. Россия, Швеция ва бир қатор Европа давлатларида интернет қароқчилигига қарши кураш тўғрисидаги махсус қонун қабул қилинган. Республикамизга ҳам бу тармоқни тартибга солиш тўғрисидаги қонунлар ва ҳуқуқий меъёрлар, «Реклама тўғрисида»ги, «Алоқа тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Почта алоқаси тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжатлар айланиши тўғрисида»ги қонунлар қисман белгилаб қўйилган.⁴⁷

Бу қонунлар биров бўлса-да, ахборот хуружининг олдини олиши мумкин. Аммо, болаларнинг on-line ўйинларидан кам фойдаланиши учун махсус қонунлар йўқ. Бу ота-она ва педагог зиммасидадир. Болаларда асосан мактаб даврида турли соҳаларга қизиқиш уйғонади. Мактабларда “Компьютер асослари” фани ўқитилади. Шаҳар, туман, чекка-чекка қишлоқларда шу фан ўқитилиш баробарида мактаб ёшидаги болаларга интернет ва унинг чексиз имкониятлари мавжудлигини, шу билан биргаликда унинг салбий томонлари ҳақида ҳам маълумотлар бериб борилиши лозим. Мактаб компьютерларини интернет тармоғига улаш мақсадга бўлиб, ўқувчиларга интернетдан қандай фойдаланиш йўллари, маълумотлар қидиришни, чет мамлакатларда ўз тенгқурлари билан мулоқотни қандай амалга ошириш лозимлиги борасида

⁴⁷ “Ёшлар ва интернет” О.Топилдиев. // Жамият ва бошқарув, 2008 й., №2 36-бет

маълумотлар бериш керак. Шунда мактаб ёшидаги болалар фақат дарсликлар билан чекланмай, интернетдаги хабарлардан ва янгиликлардан ҳам хабардор бўлиб турадилар. Бунинг натижасида, интернет – клубларда фақат ўйин ўйнаш ва вақтини ўтказиш учун кирганлар сони камайиб, интернетни ахборот макони деб ўйловчиларнинг сони тобора ошган бўлар эди.

Интернетнинг чексиз имкониятларидан тўлақонли фойдаланиб, давлатимизнинг ҳалқаро ҳамжамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ва жаҳонга танилиши учун ҳаракат қилишимиз зарур. Демак, биз интернетдан умумиллий манфаатга хизмат қиладиган ва унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотларни танлаб, таҳлил қилиб фойдалансак, салбий ва ноҳолис ахборотлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олган бўлар эдик.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ахборот ёшлар онгини шакллантиришнинг муҳим воситаси нималарда намоён бўлади?

2. Ёшлар онгини шакллантиришда ахборотнинг ўрни нималарда намоён бўлади?

3. Ёшларга психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш деганда нималар назарда тутилади?

4. Ёшлар ўртасида психологик-педагогик таъсирнинг олиб борилиши йўналишларига нималар киради?

5. Ёшлар психологиясига таъсир этувчи ахборий омилларга нималар киради?

6. Ахборий омиллар ёшлар психологиясига таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари нималар?

7. Глобал тармоқ афзалликлари ва унинг ёшлар маънавиятига таъсири тўғрисида фикр билдиринг?

8. Интернет аддиктлари бу нима?

9. *Ахборот ва ахборот маконининг ижтимоий тараққиётдаги ўрнига кўра илм-фан билангина қиёслаш мумкинлиги, ахборот оламининг ҳадсиз ва ҳудудсизлиги тўғрисида нималар дея оласиз?*

Мустақилии иш учун мавзулар:

1. *Ахборот ёшлар онгини шакллантиришининг муҳим воситаси сифатида.*
2. *Ёшлар онгини шакллантиришида ахборотнинг ўрни.*
3. *Ёшларга психологик-педагогик ёрдам кўрсатиши.*
4. *Ёшлар ўртасида психологик-педагогик таъсирнинг олиб борилиши йўналишлари.*
5. *Ёшлар психологиясига таъсир этувчи ахборий омиллар.*
6. *Ахборий омиллар ёшлар психологиясига таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари.*
7. *Глобал тармоқ афзалликлари ва унинг ёшлар маънавиятига таъсири.*
8. *Интернет аддиктлари нима?*
9. *Ахборот ва ахборот маконининг ижтимоий тараққиётдаги ўрнига кўра илм-фан билангина қиёслаш мумкинлиги, ахборот оламининг ҳадсиз ва ҳудудсизлиги тушунчаси.*

АХБОРОТ ЁШЛАР ОНГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Мавзунинг қисқача мазмуни:

Инсон онги учун кураш - геосиёсатнинг бош йўналиши. Онг мураккаб мазмунга ва тузилишга эга сифатдир, ахборот асрида индивидни ва жамиятни манфий маълумотлардан муҳофаза қилиш зарурияти.

“Оммавий онг” тушунчаси ҳақида. “Оммавий онг” - ижтимоий онгнинг замонавий типдаги жамиятларда кенг ёйилган ва зоят муҳим аҳамиятга эга ўзига хос тури сифатида, оммавий онгнинг замонавий типдаги жамиятларда одамлар ҳаётининг фаолияти шаклларидаги оммалашуви жараёнида вужудга келиши.

Ахборот ёшлар онгини шакллантириш воситаси сифатида. Ёшлар онгини ва шахсини ривожлантириш ахлоқий меъёрлар, қадриятлар тизимида таъсир кўрсатишдир, йигитлар ва қизлар куч-ғайратлари, имкониятларини жамиятнинг янада тараққий топиши учун зарур соҳалар ривожига йўналтириш, хулқ-атвор меъёрларини таркиб топтириш психологик-педагогик таъсир ва ёрдамнинг энг биринчи вазифаларидан бири сифатида.

Таянч тушунча ва атамалар: Инсон онги, геосиёсат, оммавий онг, ёшлар онгининг шаклланиши, инсон онги учун кураш - геосиёсатнинг бош йўналиши, “Оммавий онг” - ижтимоий онгнинг ўзига хос тури сифатида, оммавий онгнинг замонавий типдаги жамиятларда одамлар ҳаётининг фаолияти шаклларидаги оммалашуви жараёнида вужудга келиши, ахборот ёшлар онгини шакллантириш воситаси сифатида, ёшлар онги ва шахсини ривожлантиришда ахлоқий меъёрлар, қадриятлар тизимида таъсир кўрсатиш муаммоси.

20.1. Инсон онги учун кураш - геосиёсатнинг бош йўналиши

Онг мураккаб мазмунга ва тузилишга эга сифат ҳисобланади. Ушбу тушунчани етарлича англаб етмасдан туриб, инсоннинг юриш -туришидаги унинг ролини тасаввур қилиш қийин. Мазкур масалани изоҳлаб берувчи айрим манбаларга мурожаат қилайлик.

“Катта психологик энциклопедия” (“Большая психологическая энциклопедия”) муаллифлари шундай ёзишади: “Онг - объектив воқеликка муносабат билдиришнинг инсонга хос шакли бўлиб, бу ижтимоий-тарихий амалиёт унсурлари воситачи, оралиқ омил сифатида қабул қилинишида ифодаланди, инсон оламнинг объектив (умум томонидан қабул қилинган) манзараларини шуларга асосан куради. Фалсафа нуқтаи назаридан онг инсон фаолиятининг объектив мазмунига (моддий шарт-шароитлар, нарсалар, ҳамда воситаларга) қарама-қарши равишда бу фаолиятнинг субъектив жиҳати (мақсадга мувофиқлиги) ҳисобланади”¹.

Бу ерда онгни таърифлашда психологлар ва файласуфлар ўртасида маълум фарқ борлиги бежизга эслатилмаган. Ҳақиқатан ҳам, файласуфларнинг онгни тушунишида гўёки онгга эга инсон уни ўзига бўйсундиришда эркин эканлиги тўғрисидаги кучли субъектив жиҳат мавжуд. Амалда эса гарчи онг инсон миясининг сифати бўлса ҳам, унга ҳар доим ва тўлиқ равишда бўйсунмавермайди. Психологлар томонидан қайд этилган бу жиҳат бутун ушбу дарслигимиз учун муҳим нуқта ҳисобланади. Онгни тўғри тушунибгина қолмасдан, уни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш ҳам керак.

Қиёслаш учун “Фалсафий энциклопедик луғат” (“Философский энциклопедический словарь”) муаллифларининг фикрини келтирамиз: “Онг - фалсафа, психология ва социологиянинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, ижтимоий мавжудот бўлган инсоннинг олий даражадаги психик фаоллигини билдиради. Бу фаолликнинг ўзига хослиги шундан иборатки, реалликнинг ўта таъсирчан ва ақлий тимсоллар шаклидаги ифодаси инсоннинг амалий хатти-ҳаракатларини олдиндан сезиб, уларга аниқ бир мақсадга йўналганлик характерини бахш

этади. Бу дастлаб амалиёт соҳасида, сўнгра эса ички планда тасаввурлар, фикрлар, ғояларда ҳамда онгнинг мазмунини ташкил қилувчи ҳоказо маънавий феноменларда воқеликнинг ижодий қайта ўзгартирилишини тақозо қиладики, бунда онг маданият маҳсулотларида (жумладан, тил ва бошқа муҳим тизимларда) гавдаланиб, идеал шакл касб этади ва билим сифатида майдонга чиқади”^{48 49}.

Иқтибос келтиришни давом эттиравериш мумкин, лекин масаланинг моҳияти равшан бўлди, деб ўйлаймиз. Психологлар билан файласуфлар бош масалада келиша олмайдилар. Психологлар онгни пассив-фаол жиҳат деб билсалар, файласуфлар онгни фаол, зеро, инсон унинг ёрдамида воқеликни қайта ўзгарти-ради, деб ҳисоблайдилар. Бу ерда инсонларнинг фаол, қайта ўзгартирувчилик сифатларини турли даражаларга ажратиш лозим кўринади. Жамиятнинг камсонли аъзоларигина юксак даражадаги қайта ўзгартирувчилик фаолиятига эгадирлар. Инсонларнинг аксарият кўпчилигига эса воқеликни ўзларининг шахсан турмуш кечиришларини таъминлайдиган даражада яшашларига ёрдам берадиган тарздаги пассив онг хосдир. Бундан амалда жамиятнинг кичик бир қисмигина юксак онгли фаолликка эга бўлиб, қолганлар эса фақат истеъмолчилар, жумладан, маънавий маҳсулот, хусусан, оммавий ахборот истеъмолчилари эканлиги келиб чиқади.

Бу фикрлардан инсон психологияси, ёки, камида, аксарият кўпчилик кишилар психологияси исталган мазмундаги ахборот таъсирига дучор қилиниши мумкин бўлган очик тизимдир, деган муҳим хулоса чиқади. Индивиднинг онги, модомики у инсон ижтимоий фаолиятининг натижаси, гуруҳий изланишлар ва олинган билимлар меваси ҳисобланар экан, ташқи таъсир учун очик бўлмаслиги ҳеч мумкин эмас. Мутлақ маънода олганда, ижтимоий ахборот ҳар доим индивид томонидан қабул қилинади ва унга сўзсиз таъсир ўтказади. Оммавий ахборот турли даражада ижобий ёки салбий бўлади. Ўз навбатида, инсоннинг амалда юриш-туришини кўп жиҳатдан индивид

⁴⁸ Большая психологическая энциклопедия. Муаллифлар жамоаси: Альмуханов А.Б., Гладков ва бошқ. - М.: ЭКСМО, 2007.

⁴⁹ Философский энциклопедический словарь. Бош муҳаррирлар: Ильичев Л.Ф., Федосеев Н.П., Ковалев С.М. ва бошқ. - М.: “Сов. Энциклопедия”, 1983. - Б. 622.

муайян ҳолатда қабул қилган ва ўзлаштирган аниқ ахборотнинг мазмуни тақозо қилади.

Бундай аҳвол инсон тўғрисидаги фаол, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила биладиган онгли мавжудот деган анъанавий тушунчани ўзгартириб юборади. Бундан келиб чиқадики, биз ишонч ҳосил қилганимиздек, очик, қабул қилувчи онгга эга бўлган индивидларни ҳам салбий, бузғунчи оммавий ахборот таъсиридан муҳофаза қилиш керак экан.

Ахборот асрида индивидни ва жамиятни манфий маълумотлардан муҳофаза қилиш зарурияти кескин ошади ва мураккаблашади. Бундай давр оммавий ахборотни назорат қилиш ишининг аҳволини тубдан ўзгартиради. Ахборот технологияларининг сони ва сифати жадал ошиб бориши уларга эгалик қилувчиларнинг нафақат ўз мамлакатлари, балки бутун дунёдаги фуқароларга таъсир ўтказиш имкониятларини чексиз-чегарасиз қилиб қўяди. Бугунги кунда оммавий ахборот ҳадсиз миқдорда ишлаб чиқарилиб, сайёрамиз бўйлаб жуда катта тезликда тарқатилмоқда. Бироқ бу ишни фақат шундай технологияларга эга бўлган мамлакатлар амалга ошира олади. Бошқа давлатлар эса бу борада уларга бевосита боғлиқ бўлиб қолишяпти. Шу боисдан инсон онги учун, унинг муайян идеалларга тарафдорлиги учун кураш ҳозирги замон геосиёсатининг энг муҳим масаласига айланди.

Турли мамлакатлардаги аудиториянинг турли сегментларига оммавий ахборотни бу тарзда табақалаштириб, аниқ манзилни мўлжаллаб етказиб бериш замонавий геосиёсатнинг муҳим унсури бўлиб қолди. Илгари фуқаролар онги учун кураш асосан ҳар кимнинг ўз мамлакати доираси билан чегараланган эди. Бугунги кунда бундай кураш глобаллашиб кетди. Бунга замонавий ахборот технологиялари ҳал қилувчи ҳисса қўшди. Натижада технологияларга эгалик қилувчи мамлакатлар ўз қадриятлари кенг қамровли ва ҳаммабоб мазмунга эга эканлиги ҳақидаги фикрга бориб, уларни бутун дунё бўйлаб очикдан-очик тарғиб қилишга киришдилар. Бундай иш барча каналлар: телевидение, радио, газета, журналлар орқали, ахборот агентликлари ва матбуот марказлари ёрдамида олиб борилмоқда.

Мамлакат ўз аҳолисини унга ёт ахборотдан ҳимоялашни ташкил этиши учун инсон хулқидаги онглилик ва беихтиёрий онглилик омилларининг нисбати масаласини аниқлаб олиши жуда муҳимдир. Узоқ давр мобайнида индивиддаги онглилик устун ҳисобланиб келдики, бу унинг табиатидаги беихтиёрий онгни билишга тўсқинлик қилиб турди. Албатта, бундан юз йил муқаддам ҳам инсонда беихтиёрий онгнинг устун эканлигини исботловчи асарлар, мисол учун, Гюстав Лебон асарлари чиқиб турарди. Бироқ токи Зигмунд Фрейд ва Карл Юнг инсон психикасидаги беихтиёрий онг моҳиятини очиб, мазкур мураккаб илмий муаммони узил-кесил ҳал қилиб бермагунларича мутахассислар узоқ вақт бу фикр билан мураса қилмай келдилар. Эндиликда инсон психикасида беихтиёрий онг шакл-шубҳасиз етакчилик қилиб, ҳақиқий онглилик учун замин хизматини ўташи исботлаб берилган факт ҳисобланади.

Бундан ташқари, олимлар инсон психикасидаги онглилик ва беихтиёрий онглиликка доир турли нисбатларни келтирадилар. Баъзилар ҳатто беихтиёрий онг ҳақиқий онгга 90/10 фоиз нисбатда деган фикрдадилар. Ушбу масалада бирор аниқ рақамни айтиш, қийин, албатта. Устига-устак, бу аниқ индивидларга боғлиқ ҳодиса. Бироқ, ўйлашимизча, инсон хулқ-атворидаги беихтиёрий унсур камида учдан икки ҳиссага тенг деб тахмин қилсак, хато бўлмаса керак. Бу, айниқса, Интернет, аудио-видео воситалари ва матбуот маълумотларининг оммавий онг томонидан қабул қилинишида яхши кўзга ташланади.

20.2. “Оммавий онг” тушунчаси ҳақида

“Оммавий онг” - ижтимоий онгнинг замонавий типдаги жамиятларда кенг ёйилган ва ғоят муҳим аҳамиятга эга ўзига хос тури. Синфий, миллий, касбий ва бошқа гуруҳий ижтимоий онг шаклларига ўхшаб, оммавий онг ўзининг гносеологик хусусиятлари (мазмунни, даражаси ҳамда воқеликни акс эттириш жиҳати) билан ажралмай, энг аввало, уни ташувчининг, субъектнинг хусусиятлари билан ажралиб туради. Бунда жамиятнинг муайян гуруҳлари

(синфлар, миллатлар ва ҳоказо) ташувчи ижтимоий онгнинг юқорида санаб ўтилган шаклларида фарқли равишда оммавий онг ҳолатида индивидларнинг “омма” деб аталувчи алоҳида мажмуи (кўплиги, жамоаси) шундай субъект сифатида майдонга чиқади. Омманинг ўзи сингари, оммавий онг ҳам замонавий типдаги жамиятларда биринчи навбатда асосий шарт-шароитларнинг, одамлар ҳаётий фаолияти шакллари (ишлаб чиқариш, истеъмол, мулоқот, ижтимоий-сиёсий иштирок, дам олиш соҳалари) оммалашуви жараёнида вужудга келади ва шаклланадики, бундай оммалашув бир хил ёки шунга ўхшаган интилишлар, қизиқишлар, эҳтиёжлар, кўникмалар, мойилликлар ва ҳоказо жиҳатларни юзага келтиради”⁵⁰.

20.3. Ахборот ёшлар онгини шакллантириш воситаси сифатида

Йигит ва қизларнинг муҳим ҳаётий режалари моҳияти уларнинг ҳаётий қадриятлари мазмунидан келиб чиқади. Ҳаётий қадриятлар мазмунининг шаклланишида эса субъектни ўраб турган, унинг учун аҳамиятли ижтимоий муҳитнинг таъсири каттадир. Ёшлар субмаданиятларининг ижтимоий моҳиятини, ундаги етакчи қадриятлар тузилмасининг мазмунини таҳлил қилиш ўсиб келаётган авлодга мақсадга мувофиқ психологик-педагогик таъсир кўрсатишда, бу борадаги профилактик ишларни амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

Бугунги кун ёшлари ҳар хил йўналишдаги қадриятларга эга бўлиб, турли ташқи омиллар, йигит ва қизларнинг ижтимоийлашув жараёнлари мазкур қадриятлар мазмуни йўналишини белгилайди. Бундай шароитда инсонларнинг ҳаётий позициялари бир хилда шаклланмайди. Айрим ёшлар шароитга тез мослашсалар, бошқаларининг ҳаёт йўлини топиши, ўзини намоён қилиши жуда қийин кечади.

⁵⁰ Новая философская энциклопедия. 4 жылдик. Таҳрир кенгаши: Стёпин В.С. (раис) ва бошқ. 2 -ж. - М.: “Ммсль”, 2001. - Б. 503-504.

Катта ҳаётга энди қадам қўяётган авлод вакилларига психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларни психологик-педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бир қатор жиҳатларга кўра долзарб ҳисобланади. Энг аввало, ёшлар жамиятимизнинг келажагини белгилаб берувчи муҳим демографик гуруҳ ҳисобланади. Ёшлар шахсини ривожлантириш эса ахлоқий меъёрлар, кадриятлар тизимига таъсир кўрсатиши муқаррар бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳолат вазиятида тобора мураккаблашиб бормокда. Чунки, ёшларнинг асосий ҳаётий режалари уларнинг кадриятларига боғлиқ равишда шакллантирилади.

Йигитлар ва қизлар куч-ғайратлари, имкониятларини жамиятнинг янада тараққий топиши учун зарур соҳалар ривожига йўналтириш, шунга мос ҳолда шаклланадиган хулқ-атвор меъёрларини таркиб топтириш психологик-педагогик таъсир ва ёрдамнинг энг биринчи вазифаларидандир. Бунда, хусусан, уларнинг салоҳиятини тўғри ўзанга йўналтириш ва адекват кадриятлар тизимини шакллантириш ёшларни мавжуд расмий ёшлар ташкилотлари сафига кўпроқ жалб этиш, тўғри тарбиялаш ишлари билан уйғун ҳолда олиб борилиши зарур.

Таълим олувчилар ота-оналари ва педагогларнинг биргаликдаги ўзаро муносабати моделини яратиш таълим муассасаси ва оиланинг бир-бирига кўрсатадиган таъсирини мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Психологик-педагогик мазмундаги барча ишлар замирида давлат, жамият, ташкилот ва муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлиги даражасида амалга ошириладиган вазифалар акс этиши ва улар тизимли ёндашув асосида таҳлил қилинган бўлиши зарур. Психологик-педагогик таъсирнинг қуйидаги йўналишлар асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- ёшларда касбий, онгли ва ижтимоий фаолияти стратегиясини, келажак, истиқболдаги ҳаётий позициясини шакллантиришга ёрдам берадиган кадриятлар тизимини таркиб топтириш;

-ижтимоий такомил ва масъулият ҳисси меъёрини белгилайдиган маънавий таълимни мақсадга мувофиқ амалга ошириш, тафаккур маданиятини шакллантириш;

- ёшлар ҳам ажралмас таркибий қисми бўлган жамиятнинг турли соҳаларидаги барқарорлик ва тараққиётни таъминловчи ҳаёт тарзини шакллантиришга йўналтирилган қадриятлар установкалари (йўл-йўриқлари)ни аниқлаштириш, умумлаштириш.

Ахборот таҳдиди хусусида гап кетганда унинг универсаллиги, барча бошқа соҳаларга жиддий салбий таъсир қилиш имкониятини таъкидлаш лозим. Салбий жиҳатлар натижаси шахс дунёқараши, жамият барқарорлиги, давлат тинчлиги, жамоатчилик фикрини чалғитиш ва охир-оқибатда ҳар бир мамлакатнинг маънавий, сиёсий, иқтисодий, маданий юксалишига бўлган таъсирларда ифодаланади. Чунки турли маълумотлар, ахборотнинг жамият, ташкилот, оила, шахс онгига кириб келиши жараёни унча ҳам билинмайди. Ижобий ва салбий ахборотни фарқлаш, яхши маълумотни ўзлаштириш ва зарарлисини рад этиш учун инсон онги ривожланган, унинг ўзида эса мустаҳкам ирода, ахборот истеъмоли маданияти, мафкуравий иммунитет, оқниқорадан, яхшини-ёмондан ажрата олиш қобилияти ривожланган бўлиши зарур. Мамлакат аҳолисининг барчаси бундай имкониятга эга, дейиш қийин. Шунинг учун ахборий-психологик барқарорликни биринчи ўринда давлат тузилмалари хизматчилари, журналистлар, педагоглар, жамоат ташкилотлари ходимлари ва бир сўз билан айтганда маърифатпарвар инсонлар таъминлашлари зарур.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. *Инсон онги учун кураш - геосиёсатнинг бош йўналиши деганда нималар дейиш мумкин?*

2. *Ахборот асрида индивидуни ва жамиятни манфий маълумотлардан муҳофаза қилиш зарурияти нималарда кўринади?*

3. *“Оммавий онг” тушунчаси ҳақида нималар дея оласиз?*

4. “Оммавий онг” - ижтимоий онгнинг ўзига хос тури сифатида,
5. Оммавий онгнинг замонавий типдаги жамиятларда одамлар ҳаётий фаолияти шакллариининг оммалашуви жараёнида вужудга келиши.
6. Ахборот ёшлар онгини шакллантириши воситаси сифатида.
7. Ёшлар онгини ва шахсини ривожлантириши ахлоқий меъёрлар, қадриятлар тизимига таъсир кўрсатиши ҳақида фикр юритинг?
8. Йигитлар ва қизлар куч-ғайратлари, имкониятларини жамиятнинг янада тараққий топиши учун зарур соҳалар ривожига йўналтириши деганда нималар назарда тутилади?

Мустақил иш учун мавзулар:

1. Инсон онги учун кураш - геосиёсатнинг бош йўналиши деганда нималар дейиши мумкин?
2. Ахборот асрида индивидни ва жамиятни манфий маълумотлардан муҳофаза қилиши зарурияти нималарда кўринади?
3. “Оммавий онг” тушунчаси ҳақида нималар дея оласиз?
4. “Оммавий онг” - ижтимоий онгнинг ўзига хос тури сифатида,
5. Оммавий онгнинг замонавий типдаги жамиятларда одамлар ҳаётий фаолияти шакллариининг оммалашуви жараёнида вужудга келиши.
6. Ахборот ёшлар онгини шакллантириши воситаси сифатида.
7. Ёшлар онгини ва шахсини ривожлантириши ахлоқий меъёрлар, қадриятлар тизимига таъсир кўрсатиши ҳақида фикр юритинг?
8. Йигитлар ва қизлар куч-ғайратлари, имкониятларини жамиятнинг янада тараққий топиши учун зарур соҳалар ривожига йўналтириши деганда нималар назарда тутилади?

(Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик курсига оид изоҳли луғат)

Очиқ ахборот тизимлари (ОАТ) - ахборот агентликлари, газеталар, журналлар, журнал тарзидгаи нашрлар, бошқа нашр маҳсулотлар, радио, телевидение, аудио ва видеомаҳсулотлар ҳисобланади. Интернет, матбуот хизмати, жамоатчилик билан алоқалар, давлат, жамоатчилик ва бошқа ташкилотлар ва муассасалар, реклама агентликлари бўйича тузилмалар ҳам шулар жумласидандир.

ОАВлари - вақтли матбуот, ахборот тарқатишнинг аудио ва видео воситалари, ахборот агентликлари, интернет-журналистика ҳисобланади. ОАВ ОАТнинг муҳим асосий қисмини ташкил этади.

Жамоатчилик фикри - бу ҳозирги пайт учун долзарб бўлган турмуш муаммоларига кишиларнинг муносабатини ифода этувчи ижтимоий онг шаклидир. Аслида тезкор бўлган онгнинг бу шакли юқори даражада жамият турли институтлари томонидан кўрсатилаётган таъсир остидадир. Демак, бу манипулятив таъсирга ҳам чалингандир.

Жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш (чалғитиш) - муайян мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Бунда манипуляция қилиш (чалғитиш) тушунчасининг нисбийлиги ҳақида айтиб ўтиш керак, чунки исталган томон жамоатчилик фикрига ҳар қандай таъсирни манипуляция деб баҳолаш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги жамиятда ягона бўлган ижтимоий фикр эҳтимоладн йироқдир. Демократиянинг тамойилларидан бири мана шудир.

Ижтимоий онг - айрим ижтимоий гуруҳлар, бутун жамият турмуши ва онгининг намоён бўлиш шаклидир. Ижтимоий онгнинг мавжуд бўлиш шакллари бўлиб, сиёсий ғоялар, ҳуқуқ, фалсафа, ахлоқ, дин, фан, эстетика ва бошқалар ҳисобланадилар. Афсуски, маълумотнома ва махсус адабиётларда

ижтимоий онгга анъаналарми, одатларми, турли маросимларни, турмуш тарзими, алоҳида-алоҳида ёки биргаликда бу қадриятлар барчаси биргаликда кўпроқ таъсир ўтказиши ҳақида лом-мим дейилмайди. Ваҳоланки, булар оқибат натижада ҳар бир кишининг, этнос, элат ва миллатнинг ўзлиги (менталитетини) белгилайди.

Ахборот - моддий дунёнинг организмда ёки организмлар жамоасида акс этган ҳамда улар томонидан атроф-муҳит ўзгаришларига мослашиш учун фойдаланиладиган моддий дунё объектларининг аксидир. У маълумотлар, хабарлар шаклида намоён бўлади. Маълумотлар моддий дунё объектлари организатцияси акси натижада ҳосил бўлади. Хабарлар эса бошқа организмларга хабар етказиш учун юзага келади.

Очиқ ахборот тизимларида “хабар” термини кишилар, ижтимоий гуруҳлар, умуман жамият қуршаб турган оламда мўлжал топа билиши учун ижтимоий аҳамиятга эга хабар маъно ифодасини беради. Шунингдек, муайян жамият ижтимоий табиати белгилаб берадиган маънавий қадриятларни қарор топдириш учун хизмат қилади.

Миллий манфаатлар - давлат томонидан тан олинган ҳамда шахс, жамият ва давлат ижтимоий манфаатларининг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган мутаносиблашган мажмуидир. Буларни амалга ошириш муайян тарихий шароитда миллатнинг мавжудлиги, хавфсизлиги ва кафолати ҳисобланади.

Жамият манфаатлари - жамият ривожланишидаги кучли зиддиятларни ҳал этишда, миллий ўзига хосликни сақлашда намоён бўладиган жамият эҳтиёжи ҳисобланади.

Давлат манфаати - жамият ишларини бошқаришни сифатли амалга оширишга, миллий ўзига хосликни сақлашга бўлган давлат эҳтиёжини намоёни ҳисобланади.

Ўзини намоён эта билишлик, жамият ишларида қатнашишлик, этник ўзига хосликни сақлаш шахсий эҳтиёжларни намоён бўлиши-шахсининг ижтимоий манфаатларидир.

Жамиятнинг ахборий хавфсизлиги унинг маънавий, иқтисодий, сиёсий соҳаларига, маданий қадриятларига, инсонлар хулқ-атворини ижтимоий тартибга солувчиларга, ахборот инфратузилмаларига ва булар ёрдамида узатилаётган хабарларга зарар етказиш мумкин эмаслигидан иборатдир.

Давлатнинг ахборий хавфсизлиги предмети ахборот ва жамият ахборот инфратузилмаларидан ташкил топган жамият ишларини бошқаришни бажариш бўйича давлат фаолиятига зара етказиш мумкин эмаслигидан иборат.

Тазйиқ бу ўзаро муносабатлар объектлар ўртасидаги қарама-қаршиликларни объектлардан бирининг салбий томонга куч билан ўзгартириш критиш мақсадида зарар етказиш йўли билан ҳал этиш усулидир.

Миллий манфаатларга тазйиқ - мамлакат миллий манфаатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи миллий қадриятлар ва миллий турмуш тарзига хавф туғдирувчи шарт-шароитлар мажмуи тушунилади.

Ахборот соҳасидаги миллий манфаатларга тазйиқ - ахборот соҳасида ва манфаатларни амалга ошириш бўйича фаолиятда миллий манфаатлар объектларига зарар етказиш хавфини туғдирувчи шарт-шароитлар мажмуи англашилади. Яъни ахборий фаолият соҳасида инсон ва фуқаро ҳуқуқий мавқеини амалга оширишга, ахборотлар, ахборий инфратузилмага, шунингдек, мазкур объектлар билан боғлиқ миллий манфаатларни амалга ошириш бўйича фаолиятга зарар етказиш тазйиқидир.

Ахборот соҳасида шахс ва жамият манфаатларига тазйиқ - инсон ва фуқаронинг очик ахборотга эга бўлиши, қонун билан таъқиқланмаган фаолиятни амалга оширишда фойдаланишга бўлган ҳуқуқини чеклаш тушунилади. Булар эса шахсий хавфсизлик маънавий ва ақлий ривожланишни таъминловчи ахборотлар ҳисобланади. Бундан ташқари индивидуал, “вертуал ахборот” майдонини, унинг руҳий фаолиятига таъсир этиш технологияларидан фойдаланиш имконини шакллантириш ҳисобига жамоатчилик онгини чалғитиш имконини кенгайтириш шахснинг манфаатларига бўлган энг хавфли тажовуз ҳисобланади.

Ахборий карама-қаршилик - бу аудиторияга атроф дунёдаги бирор ҳодисага нисбатан муносабатда бўлишга ўз карашлари, фикрини тикиштириш ҳамда қарши томон ғояси ва нуқтаи назарини инкор этиш роли билан таъсир этишга интилишдир.

Ахборий психологик кураш - бу бошқа мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳида мавжуд ижтимоий тузумни бўшаштириш, жамият ахлоқини издан чиқариш, ривожланиш миллий программасига путур етказиш, шунингдек ўз кадриятлари ва турмуш тарзини тўғридан-тўғри экспорт қилиш мақсадида ахборот хизмати ва қўпоровчилик билан шуғулланувчи хизматларни ўзаро ҳамкорлигидир.

Ахборот (лотинча “informatio”-тушунтирмақ, баён этмоқ) замонавий фан ва сиёсатнинг асосий тушунчаларидан бири; дастлаб кишилар томонидан оғзаки, кейинроқ ёзма ёки бошқа шаклларда узатилган маълумот: XX асрнинг ўрталаридан бошлаб инсонлараро, инсон-автомат, автомат-автомат ўртасидаги маълумот ҳамда ҳайвонлар ва ўсимликлардаги сигнал алмашинуви, хужайрадан-хужайрага муайян белгиларнинг узатилиши ва шу кабиларни англата бошлади.

Ижтимоий ҳаётга татбиқан ахборот - кишилар, предметлар, фактлар, ҳодисалар, жараёнлар ва шу кабилар ҳақидаги маълумотлар мажмуини англатади.

Ахборотлаштириш - ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳисобига фуқаролар, давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш органлари, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг ахборот соҳасидаги эҳтиёжларини қондириш, ҳуқуқларини рўёбга чиқариш мақсадида оптимал шароитларни яратиш учун ташкил этиладиган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник жараёнлар мажмуи.

Информацион жараёнлар - ахборотни қидириш, йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш ва тарқатиш жараёни.

Ахборот тизими (информацион система) - информацион жараёнларни амалга оширувчи тартибга солинган ҳужжатлар ҳамда ахборот технологиялари мажмуи.

Ахборот ресурслари - муайян (кутубхона, архив, фонд, маълумотлар банки каби) ахборот тизимларидаги алоҳида ҳужжатлар ва ҳужжатлар мажмуи.

Ижтимоий-сиёсий ахборот - ижтимоий ва сиёсий ҳаёт борасида жамият аъзолари, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий ташкилотлар ўртасида алмашинув предмети ҳисобланган ва улар ўз фаолиятида фойдаланиладиган билимлар, маълумотлар ва хабарлар мажмуи.

Ижтимоий-сиёсий ахборотлар - инсонлар ўртасида алоқалар, сиёсий жараёнлар, жамиятни бошқариш, илмий, ўқув ва тарбиявий ишларни ташкил этиш, тарғибот ва ташвиқотни амалга оширишда тобора муҳим ва устувор аҳамият касб этмоқда. Тўлалиги, асосланганлиги ва ишончлилиги муҳим аҳамият касб этадиган ижтимоий-сиёсий ахборотларни ишлаб чиқишда фан, уларни тарқатишда ОАВ муҳим роль ўйнайди.

Ахборот маданияти - техник-технологик ва ижтимоий-маданий жиҳатларга эга. Техник-технологик жиҳатдан ахборот маданияти ахборотни олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва етказиб беришга хизмат қиладиган техник-ахборот воситалари ва улардан оқилона фойдаланиш усуллари ҳақидаги билимлар тизимини англатади.

Ижтимоий-маданий маънода ахборот маданияти инсоннинг муайян маънавий-ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий ва эстетик қадриятларни ўзлаштирилган ҳолда ахборот майдонида ҳаётий фаолият кўрсатишини англатади.

Ахборот истеъмоли маданияти - ахборот дунёсидан ижтимоий тараққиётга хизмат қилувчи маълумотларни саралаб олиш боасидаги билимлар, қобилият ва малакани ўзида ифода этади.

Ахборотлашган жамият - кишилиқ жамияти ривожланишининг ҳозирги босқичида шаклланаётган ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ахборот ҳамда информатикадан оқилона фойдаланишга асосланган сифатий ҳолатини тавсифловчи тушунча.

Ахборот - манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар, шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир.

Ахборот мулкдори-ўз маблағига ёки бошқа қонуний йўл билан олинган ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Ахборотни муҳофаза этиш - ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чоратадбирлари.

Ахборот ресурслари - алоҳида ҳужжатлар, ҳужжатларнинг алоҳида тўпламлари, ахборот тизимларидаги (кутубхоналардаги, архивлардаги, фондлардаги, маълумотлар банкларидаги ва бошқа ахборот тизимларидаги) ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг тўпламлари;

ахборот соҳаси-субъектларнинг ахборотни яратиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти соҳаси.

Ахборот борасидаги хавфсизлик - ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати.

Ахборот эгаси - қонунда ёки ахборот мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ва жисмоний шахс.

Махфий ахборот-фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот.

Оммавий ахборот-чекланмаган доирадаги шахслар учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуал ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар.

Ҳужжатлаштирилган ахборот-идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари қўйилган ҳолда моддий жисмда қайд этилган ахборот.

Усуллар - бу яширин ахборотни ҳимоя қилиш йўлида қўйилган мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган куч ва воситаларнинг тартиб қоидалари.

Электрон рақамли имзо - электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо.

Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити - электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.

Электрон рақамли имзонинг очик калити - электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.

Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш - электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилиги ва электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлиги текширилгандаги ижобий натижа.

Электрон ҳужжат - электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.

Ахборотлаштириш - юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни.

Ахборот ресурси - ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси.

Ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг эгаси - қонун билан ёки ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдори

томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборот ресурсларига ёҳуд ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Ахборот технологияси - ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар.

Ахборот тизими - ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
3. “Ахборот олиш эркинлиги принциплари ва кафолотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
4. “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
5. “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: 2016.
7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т.: 2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: 2017.
9. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Т.: 2017.
- 10.“Ахборот воситаларини рўйхатга олиш тартиби тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Низоми.
- 11.Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг “Рекламани жойлаштириш тўғрисида”ги Қарори.

12.“Муаллифлик ҳукуки ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

13.“Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

14.“Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

15.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 31–261 б.

16.Миллий истиқлол ғояси. Т., “Ўзбекистон”, 2005.

17.Миллий истиқлол ғояси: 50 савол ва жавоб Т., “Ўзбекистон”, 2002.

18.Законодательные акты Р.У, составляющие правовую основу государственной политики в информационной сфере.

19.Анвар Бобоев «Ахборот асида информацион хуружлар» мақоласидан «Ўзбекистон матбуот журнали» 2006 йил, 6-сон, 12-13-14-бетлар

20.Бабаева ЮМ., Войскунский А.Е. Одаренный ребенок за компьютером. М., 2003.

21.“Иқтисодий ва ахборот хавфсизлик замонавий муаммолари” мавзuidaги ёш олимларнинг илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Нашр учун масъул Н. Бахадиров. Тошкент.: ЖИДУ, 2006 – 137 б.

22.Ермаков Ю.А. Манипуляция личностью: Смысл, приемы, последствия- Екатеринбург, 1995

23.Грачев Г.В. Информационно-психологическая безопасность личности: состояние и возможности психологической защиты - М 2002

24.Войскунский А Е. Исследования Интернета в психологии. // Интернет и российское общество. / Под ред. И. Семенова. М. 2002

25.Жўраев Н.Қ. Тарих фалсафасининг назарий асослари. Тошкент, “Маънавият”, 2008.

26.Иванов П.И., Зуфарова М.Г. Умумий психология. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. Тошкент, 2008. 474-бет.

- 27.Информация. Дипломатия. Психология.М.:“Известия”, 2002–616 б.
- 28.Хозиков В.И. Информационное оружие. Санкт-Петербург. Издательский дом “Нева”, 2003.
- 29.Лопатен В. Н. Информационная безопасность в России. Изд. МВД России и Санкт-Петербургского университета. 2000 – 311б.
- 30.Политология: Энциклопедический словарь/Общ.ред. и сост.: Ю.И.Аверьянов.-М.:1993
- 31.“Ўзбекистон матбуоти” журнали 1998 йил, №5 сон.
- 32.Рашидова Д. Н. Муратова. Интернет журналистикаси Т.: 2007 й. 9-бет.
- 33.Самаров Р. Ахборот хавфсизлигининг назарий ва методологик асослари. Т.: “Академия”, 2010.
- 34.Сафаев С.С. «Глобаллашув шароитида миллий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари» Т. 2005, 1-бет
- 35.Шермухамедов С., Очилдиев А. Маданият ва цивилизация.-Фарғона, 2000. - Б.37
- 36.«Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил, 11 май сони.
- 37.Мусахоний А. Ахборот макони пайдо бўлиши мумкинми? // Жамият ва бошқарув, 2006 й. №1.
- 38.Жаҳон тарққиёти ва глобаллашиш жараёнида информацион хавфсизлик муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари, 2006 йил ноябр, Т.: 2007й.2-жилд, 40-бет.
- 39.Умарова Н. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши кураш. Тошкент. Академия, 2005, 5-бет.
- 40.Мўминов Ф. “Ахборот хавфсизлиги ва ижтимоий тараққиёт”. Ўзбекистон матбуоти журнали, 2007 йил, №6
- 41.Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. 2 - нашр. М.: Горячая линия – Телеком. 2006,
- 42.Пахрутдинов Ш. Тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт. Т.: “Akademiya”, 2006. 73 б.).

43.Қосимов С.С., Ахборот технологиялари. Т.: Ўзбекистон, 2005й.

44.Фозилов М., Ахборотлар хавфсизлиги ҳақида. /Info.com.uz журнали, №2, 2005 й.

45.Каримов М.М. Ахборот хавфсизлиги масалалари. Тошкент.: Ахборот технологиялари нашриёти, 2006 й. 4-7 б.

46.Ярочкин В. И. Информационная безопасность. Учебник для студентов ВУЗов М.: Фонд “Мир”, 2003 – 640 б.

47.Умаров Б.М. Очик ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. Ўқув қўлланма. Тошкент, “Chashma print”, 2013, 250 бет.

Интернет сайтлари:

www.press-servis/.uz.

[www. Gov.uz](http://www.Gov.uz).

[www. Iscs.uz](http://www.Iscs.uz)

www. Edu.uz.

[www. Ziyonet. Uz](http://www. Ziyonet.Uz)

www. Typ.uz

www. Uza.uz

www.jahon.tiv.uz.

www.press-uz.info.

www.uzreport.com.

www.gzt.uz

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-МОДУЛ. ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК МУАММОСИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	7
ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК КУРСИГА КИРИШ.....	7
1.1. Очiq ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик муаммолари.....	8
1.2. Курснинг предмети, мақсади ва вазифалари.....	12
1.3. Ахборот–психологик хавфсизлик курсининг асосий тушунчалари.....	18
АХБОРОТ - ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	19
2.1. Ахборот асрининг мазмун-моҳияти.....	19
2.2. Ахборотлашган жамиятга доир назариялар.....	24
2.3.Тармоқ жамияти назариясининг пайдо бўлиши.....	28
2.4. Медиа, маданий ва касбий-ижтимоий даражадаги номутаносиблик.....	32
АХБОРОТ МАКОНИ – ИНСОНИЯТ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ.....	54
3.1. Ахборот макони.....	55
3.2. Ахборотлашув жараёнининг жамият тараққиётига таъсири.....	47
3.3. Ахборотлаштиришнинг ҳуқуқий асослари.....	49
АХБОРОТ СОҲАСИ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	54

4.1. Ахборот глобллашувининг мазмуни ва хусусиятлари.....	55
4.2. Глобллашув даврида оммавий коммуникация воситалари ривожланишининг янги йўналишлари.....	60
4.3. Дунё ахборот маконида давлатларнинг ўзаро ҳамдўстлиги ва кураши.....	70
4.4. Ахборот оқимлари шароитида цивилизациялар ҳолати.....	74
АХБОРОТ КУРАШИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ.....	81
5.1. Ахборот урушининг моҳияти.....	82
5.2. Дунёда ахборот ўлчовларининг ўрганилиши.....	89
5.3. ОАВ ахборот–психологик урушни олиб бориш воситаси сифатида.....	90
5.4. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ривожланиш йўлида.....	96
АХБОРОТ – ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ВА ИНТЕРНЕТ.....	105
6.1. Компьютер, интернет ортидаги муаммолар	106
6.2. Ахборот хуружлари ва унда интернетнинг ўрни.....	110
6.3. Интернет тармоқларида техник бузилиш муммолари.....	114
 2-МОДУЛ. ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ АХБОРОТ- ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИ.....	 120
 ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ АХБОРОТ–ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКЛАРИГА ТАҲДИДЛАРНИНГ КЎРИНИШЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ.....	 120
7.1. Ахборот-психологик таъсир, унинг хавфсизлик туғдирувчи субъектлари ва омиллари.....	121
7.2. Ахборот-психологик хавфсизликка таҳдидлар.....	128
7.3. Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари.....	131

**ОЧИҚ ОММАВИЙ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ШАРОИТИДА
ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ЎЗ-ЎЗИНИ ҲИМОЯЛАШИ.....141**

8.1. Индивиднинг ахборот-психологик ҳимояланганлик тушунчаси.....142

8.2. Инсон онги учун кураш - геосиёсатнинг бош йўналиш. Индивиднинг психологияси очик тизим сифатида.....147

8.3. Индивидга йўналтирилган ахборот даъватларининг турлари ва мазмуни.....153

8.4. Индивидни оила, жамоа, ишлаб чиқариш, жамият ва давлат томонидан ҳимоялаш шакллари.....157

**АХБОРИЙ – ПСИХОЛОГИК ТАҲДИДЛАРДАН ШАХС ҲИМОЯСИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ОМИЛЛАРИ.....167**

9.1. Турли ахборот-психологик вазиятларда шахснинг ижтимоий хулқи.....167

9.2. Шахснинг маънавий – ахлоқий такомили, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ва бошқариш имкониятлари.....168

9.3. Таълим билан қамраб олинмаган аҳолига зиёлилар орқали соғлом ғояларни етказиш усуллари.....171

**3-МОДУЛ. АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
МУАММОЛАРИ.....176**

**АХБОРИЙ ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ.....176**

10.1. Ахборот хуружлари.....177

10.2. Таҳдидлар ва уларнинг таснифи.....181

10.3. Ахборот-психологик хавфсизликка таҳдидлар.....187

АХБОРОТ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ	
ТИЗИМИНИНГ ПСИХОЛОГИК КОМПОНЕНТЛАРИ ВА	
МАЗМУНИ.....	192
11.1. Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг мазмун ва моҳияти ҳамда зарурияти.....	193
11.2. Миллий хавфсизлик тушунчаси.....	196
11.3. Миллий ахборот тизимларини такомиллаштириш муаммолари.....	199
11.4. Ахборот тизимидан кириб келаётган салбий таъсиротларга қарши курашиш усуллари.....	201
11.5. Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибаси.....	202
АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ	
ВАЗИФАЛАРИ, АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ.....	205
12.1. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий вазифалари ва даражалари.....	206
12.2. Давлат, жамият ва шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари.....	210
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ ҚАРАМА-	
ҚАРШИЛИГИ ПСИХОЛОГИЯСИ.....	220
13.1. Ахборот уруши ва ахборот қарама – қаршилиги.....	221
13.2. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифалари.....	222
ИНТЕРНЕТ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИ – АХБОРИЙ	
ТАҲДИДЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШ ОМИЛИ СИФАТИДА.....	231
14.1. Интернет маданияти тушунчаси.....	232
14.2. Интернет ва ундан фойдаланиш маданияти.....	236
14.3. Интернет тармоғида мавжуд алоқаларнинг ҳимоясини таъминлаш асослари.....	244

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ ВА ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯСИ	249
15.1. Жамоатчилик фикри тушунчаси.....	250
15.2. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш.....	254
15.3. Жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмлари.....	255
ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....	263
16.1. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари янги босқичда.....	264
16.2. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ривожланиш йўлида.....	268
16.3. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифалари.....	272
4-МОДУЛ. ЁШЛАР ЎРТАСИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ.....	281
ЁШЛАР ЎРТАСИДА АХБОРИЙ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ.....	281
17.1. Ёшлар ўртасида ахборот-психологик хавфсизлик муаммолари.....	282
17.2. Ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси – ахборот-психологик таъсирлардан ҳимоялаш омили сифатида.....	285
17.3. Ёшларни турли ёт ғоялардан ҳимоялашда оилавий психологик хизматнинг ўрни.....	289
ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИ ЁТ ҒОЯЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК.....	294
18.1. Глобаллашув шароитида ёт ғоялардан ҳимояланишнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари.....	295

18.2. Ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси – ахборот-психологик таъсирлардан ҳимоялаш омили	300
АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЁШЛАР ПСИХОЛОГИЯСИГА ТАЪСИР ЭТИШ ОМИЛЛАРИ.....	305
19.1. Ёшлар психологиясига таъсир этувчи ахборий омиллар.....	308
19.2. Интернетнинг қулайликлари ва зарарли таъсирлари.....	309
АХБОРОТ ЁШЛАР ОНГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ СИФАТИДА.....	314
20.1. Инсон онги учун кураш - геосиёсатнинг бош йўналиши.....	315
20.2. “Оммавий онг” тушунчаси ҳақида.....	318
20.3. Ахборот ёшлар онгини шакллантириш воситаси сифатида.....	319
ГЛОССАРИЙ.....	323
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	331

O'QUV ADABIYOTINING NASHR RUXSATNOMASI

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining 20 20 yil "06" oktyabr dagi "522" -sonli buyrug'iga asosan

B. Umarov, A. Nazarov

(muallifning familiyasi, ismi-sharif)

5A210102 – Ijtimoiy tizim va jaraýonlarning axborot-psixologik xavfsizligi

(ta'lim yo'nalishi (mutaxassisligi))

ning

talabalari (o'quvchilari) uchun tavsiya etilgan

Ochiq axborot tizimlarida axborot-psixologik xavfsizlik nomli

(o'quv adabiyotining nomi va turi: darslik, o'quv qo'llanma)

darsligi

ga

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan litsenziya berilgan nashriyotlarda nashr etishga ruxsat berildi.



Vazir

I. Madjidov

Ro'yxatga olish raqami 522-243



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

GUVOHNOMA



Toshkent shahri

УМАРОВ БАХРИДДИН, НАЗАРОВ АЗАМАТ

ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК

ДАРСЛИК

«Tafakkur Bo'stoni» нашриёти
Лицензия АИ №190, 10.05.2011-й.

Мухаррир: А. Абдужалилов

Мусаххих: А. Хўжабеков

Саҳифаловчи: У. Воҳидов

Дизайнер: Д. Ёринова

12.12.2020 йил чоп этишга рухсат берилди.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times New Roman» гарнитураси.

Шартли босма табағи 21. Нашр босма табағи 21,25.

Адади 100. Буюртма № 07.

«Tafakkur Bo'stoni» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

100190, Тошкент шаҳри,

Юнусобод тумани, 9-мавзе, 13-уй.



9 789943 993778



«TAFAKKUR BO'STONI»
NASHRIYOTI